

Ш.ЎЛЖАЕВА, Р. ҲАСАНОВ,
О. МУСАЕВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ



ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

Ш. ЎЛЖАЕВА, Р. ҲАСАНОВ, О. МУСАЕВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ
ЯНГИ ТАРИХИ

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ – 2021

а
а
а
н
и
а
т
а
я

з
э
и
с
и
й

і
:
:
:
:

УЎК: 94(575.1)
КБК: 63.3(5Ў3б)
Ў 69

Ш. Ўлжаева, Ҳ.Раҳмонали, О. Мусаев. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи // Ўқув қўлланма // -Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021. 420 б.

ISBN 978-9943-7435-3-3

Маъмур ўқув қўлланмада Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, яъни Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши арафасида юзга келган мураккаб вазият, республика мустақиллигининг эълон қилиниши, мустақиллик йилларида мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги ислохотлар ва уларнинг босқичларини, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграциясини, халқаро муносабатлар, ҳавфсизлик, миссиялараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар тапшиқ сиёсат каби масалаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, олий ўқув қорғларида Ўзбекистоннинг энг янги даври тарихини чуқур ўрганиш ёш мутахассисларнинг бутунги давр сиёсатини, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини, давр қаҳрамонларини, айниқса ўзининг ҳам шу жараён илпирокчиси эканлигини тўғри ва тўлиқ англаши жамият таракетида муҳим ўрин эгаллаши баён этилган.

В этом учебном пособии освещается новейшая история Узбекистана, непростая ситуация накануне обретения Узбекистаном независимости, провозглашение независимости, проводимые реформы в социально-политической, экономической и духовной сферах за годы независимости, всесторонняя интеграция Узбекистана в мировое сообщество. Раскрыта научная и практическая значимость таких вопросов, как отношения, безопасность, межнациональное согласие и религиозная терпимость, миролюбивая внешняя политика. Также было отмечено, что глубокое изучение новейшей истории Узбекистана в сфере высшего образования играет важную роль в развитии общества, так как молодые специалисты имеют правильное и полное представление о современной политике, своем месте в мировом сообществе.

This textbook covers the recent history of Uzbekistan, the difficult situation on the eve of Uzbekistan's independence, the declaration of independence, the ongoing reforms in the socio-political, economic and spiritual spheres over the years of independence, the comprehensive integration of Uzbekistan into the world community, the scientific and practical significance of such issues as relations, security, interethnic harmony and religious tolerance, and a peaceful foreign policy is revealed. It was also noted that a deep study of the modern history of Uzbekistan in the field of higher education plays an important role in the development of society, since young specialists have a correct and complete understanding of modern politics, their place in the world community.

УЎК: 94(575.1)
КБК: 63.3(5Ў3б)

Маъсул муҳаррирлар:

Н. Жураев – сиёсий фанлар доктори, профессор;
Х. Ҳамидов – тарих фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

В. Қўчқоров – сиёсий фанлар доктори, профессор (ЎзХИА);
А. Дониёров – тарих фанлари доктори, профессор (ТДШУ);
Ф. Эрназаров – тарих фанлари доктори, профессор (ТДИУ);
Г. Абдуллаҳўжаев – юридик фанлари номзоди, доц. (МРДИ).

Тошкент ирригация ва кишлок ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий Кенгашининг 2021 йил 29 апрелдаги 8-сон қарорига асосан нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-7435-3-3

© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» 2021.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган вақт ичида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишини ислоҳ қилиш бўйича ўзига хос тажриба тўпланди. Маълумки, мустабид совет тузумида бошланган инқироз Ўзбекистонда совет тузуми марказлашган режалаштириш- таксимлаш механизмининг барбод бўлишида, аҳоли генофондининг қисқаришида, экологик ҳолатнинг бузилишида намоён бўлди. Ўзбекистон улкан табиий, минерал-хомашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлгани ҳолда собиқ Совет Иттифоқида аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва иқтисодий соҳа ривожини бўйича энг охириги ўринлардан бирини эгаллаб турарди.

Ўн йиллар давомида йигилиб қолган муаммолар биринчи навбатда, ёшлар ўртасида радикал қайфиятларнинг ўсишига, миллатлараро, қарама-қаршиликларнинг кучайишига, ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимининг сусайишига, ҳуқуқий бўшлиқ ҳолатининг пайдо бўлишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимиз тарихидаги бу мураккаб вазият енгиб ўтилди.

Ўзбекистоннинг кейинги тараққиёти, бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта тамойилига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, тараққиётнинг “ўзбек модели”ни яратиш, халқимиз маданий ва маънавий ҳаётидаги туб ўзгаришлар, тарихий хотира ва тарихий-маданий мероснинг тикланиши – буларнинг барчаси ўз моҳиятига кўра мамлакат тарихида “энг янги давр” деб номланишга асос бўладиган алоҳида бир даврни бошлаб берди.

Энг янги даврнинг ўзига хос жиҳатлари мамлакатимизда юз бераётган инқилобий ўзгаришларнинг кўлами ва шиддати билан, уларнинг халқимиз, ҳар бир шахс ҳаётига бевосита таъсири билан белгиланади. Бундан ташқари, энг янги тарих замонавийлик билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун унинг замирида келажак билан боғлиқ гоёларни кўриш имконини берувчи истиқболли куч ётади. Шу сабабли Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб, англаб етиши зарурлигини таъкидлайди.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи фаннинг нисбатан янги йўналишидир. Шу боис, у ҳали институционал характерга эга эмас, яъни ўз методологиясига, мустақил тадқиқот объектига ва ўқув-методик таъминотига эга эмас.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тизимли, ҳаққоний ва холис тарзда ўрганишни ташкил этиш, янги авлод илмий ва ўқув-услубий адабиётларни яратиш ҳамда мамлакатимизнинг дунёдаги ўрни ва ролини кўрсатишга қаратилган қатор вазифалар кўйилган. Мазкур ҳужжатда кўрсатилган вазифаларни бир-бирини тўлдирувчи икки йўл орқали рўёбга чиқариш лозим.

Биринчи йўл – янги авлод илмий ва ўқув адабиётларини яратиш. Иккинчи йўл – мавжуд билимларни ёшларга тарғиб этиш ва ўқитиш.

Шуни таъкидлаш жоизки, глобаллашув шароитларида Ўзбекистон ёшлари турли мафкуравий оқимлар таъсирида қолиб кетмоқда, бу мафкуралардан баъзилари мустақил Ўзбекистон ва унинг сиёсатини онгли равишда пароканда қилишга йўналтирилган.

Шу боис, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи илмий ва ўқув фани ҳамда ахборот хавфсизлиги тизимининг бир қисми сифатида қарши тарғиботни ўз ичига олиши шарт. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи – бу нафақат академик билим ёки ўқитиш, балки конструктив тарихий хотира, ватанпарварлик ва фаол фуқаролик позициясини шакллантирувчи восита ҳамдир.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш ёш авлодга бутунжаҳон тарихи кўламида Ватан тарихининг XX аср охири ва XXI аср бошларидаги муҳим воқеаларини, давлатимиз тараққиётининг ўта муҳим йўналишларини англаб етиш, мамлакат раҳбариятининг янги стратегик даврида Ўзбекистоннинг замонавий дунёдаги ўрни ва роли ҳамда ички ва ташқи сиёсатнинг устивор вазифалари ҳақида тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашиши лозим.

Ёшлар ўзлари қайси дунё ва қандай давлатда яшаётганларини, унинг ривожланишидаги долзарб масалаларни англаб, тушуниб етишлари ҳаммамиз учун жуда муҳим. Ўзбекистон жамиятида тарих фани бўйича замонавий талабларга жавоб бера оладиган ҳамда жамият келажагига мос, ўзининг концептуал ва мазмуний хусусиятларига кўра янги қўлланмалар ишлаб чиқиш зарурлигига ишонч шаклланди.

Янги фан сифатида олий ўқув юртларига кириб келаётган ушбу фанга “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” номли ўқув қўлланма матни ишлаб чиқилди. Мазкур ўқув қўлланмани тайёрланишида мустақиллик даври бўйича мавжуд адабиётлар, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов асарлари, маърузалари ва ва ҳозирги давлат раҳбаримиз Шавкат Мирзиёевнинг асарлари, 2017 -2020 йиллардаги Олий Мажлисга Мурожаатномалари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси, “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси” ва бошқа кўплаб қабул қилинган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлар, ОАВ маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Янги босқичда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш – долзарб масалага айланиб бормоқда.

«Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда «Янги Ўзбекистон» ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир.

1-МАВЗУ: “ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ” ЎҚУВ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ, НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ

1.1. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласи. “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” ўқув фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.

1.2. Юксак интеллектуал салоҳиятли, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, комил инсонни вояга етказишда мамлакат энг янги тарихининг тутган ўрни.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маънавий етук шахсни тарбиялашда тарихий хотиранинг ўрни ва сабоқлари тўғрисидаги фикрлари.

Таянч тушинчалар: Тарих, энг янги тарих, Ўзбекистон ,даврлаштириш, академик А.Асқаров, совет тузуми, мустақиллик, Фаннинг предмети , объект, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Янгиланаётган Ўзбекистон».

1.1. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласи. “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” ўқув фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.

Биринчи масала баёни. Халқимизнинг бой тарихи, маънавий мероси ва маданиятига бугунги кунда янгича тафаккур ва дунёқараш асосида муносабат билдирилмоқда. Улар хусусида китоблар, монография ва ўқув кўлланмалари чоп этиш, ёшлар, умуман кенг халқ оммасига етказиш йўлида самарали

ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мустақиллик йилларида амалга оширилган туб иқтисодий-сиёсий ислохотлар билан бир каторда, фан ва таълим соҳаларида ҳам асрларга татиғулик чуқур, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Жамиятимизда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар ва ислохотлар даврида халқимизнинг бой тарихи, моддий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда келажак авлодларга етказиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Айниқса мустақиллик йилларида халқимизнинг ўтмиши, миллий урф-одатлари, қадриятлари ўзига қайтарилди. Совет тузуми йилларида оёқ ости қилинган маънавийтимиз мустақиллик шарофати билан тикланиб, уни бойитиш йўлида қатор хайрли ишлар қилинди. Дарҳақиқат, тарихни тўғри даврлаштириш асосида фанга оид билимларни ёшлар онгига мукамал етказиш муҳим аҳамият касб этади. Тарихни тўғри даврлаштирамасдан туриб, уни холис ўрганиб бўлмайди.

Жумладан, мамлакатимиз тарихини ягона назарий концепция асосида даврлаштириш масаласи анча йиллар талай баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Аммо кейинги йилларда Ўзбекистон тарихи фанида бой ўтмишимизни даврлаштириш масаласи ўз ечимини топди, десак муболага бўлмайди. Ваҳоланки, ҳар бир халқ ва миллат тарихи маълум маҳаллий шарт шароитлар ва қонуниятлар асосида ривожланади ва шу асосда даврлаштирилади. Чунки, инсоният тарихи дунёнинг турли минтақаларида турли тарихий даврларда турлича кечган бўлиб, бирон бир минтақадаги тарихий жараёнлар иккинчи минтақадаги тарихий жараёнлардан тубдан фарқ қилиши мумкин.

Айнан Ўзбекистон тарихини янгида даврлаштириш борасида ўзининг назарий концепциясини илгари сурган академик А.Асқаров бу борада тўғри таъкидлаб, ўзига хос илмий тавсияларини илгари суриб, қуйидагиларни қайд этади: “Шўролар даври тарих фанида кишилик жамияти тарихини 5 та ижтимоий-иқтисодий формациялар (ибтидоий жамоа тузуми, кулдорлик, феодализм, капитализм ва социализм)га бўлиб ўрганиш анъанага айланган эди. Собиқ СССР парчаланиб, коммунистик гоё ва социализм системаси барбод бўлгандан сўнг, жамият ижтимоий ва иқтисодий қонунлари ўзгарди.

Шу боисдан бугунги кунда ҳаёт тарихга, жамият тараққиётининг ривожланиш қонуниятларини ўрганишда объектив, аниқ ва бирламчи манбалар асосида ёндашишни тақоза этмоқда. **Зеро, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини 5 та формацияларга бўлиб ўрганишлик эндиликда замон талабига тўғри келмай қолди.** Чунки, Ўрта Осиё халқлари тарихи мисолида оладиган бўлсак, кулдорлик тузуми махсус ижтимоий-иқтисодий формация сифатида бизда бўлмаган. Социалистик жамият эса тарих тақоза этмаган ҳаёлий бир ўйдирма бўлиб чиқди. Ўрта Осиё шароитида ана шу 5 ижтимоий-иқтисодий формациянинг фақат учтасигина (ибтидоий жамоа тузуми, феодал жамияти ва капиталистик муносабатларнинг дастлабки босқичлари) юз берганлигини таъкидлаш мумкин. Совет даври жамияти эса давлат монополистик капитализми шаклида ривожланди.

Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласида совет даврида мутлақо бошқача ёндошувлар мавжуд эди. Бундай тарихий даврлаштиришдан фарқли равишда минтақамизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб академик А. Асқаров томонидан тақлиф этилган назария ҳам эътиборга моликдир. Олим Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда қуйидаги еттита асосий даврни кўрсатиб ўтади:

- 1) *Ибтидоий тўда даври (2,5 млн-40 минг йилликлар)*
- 2) *Уруғчилик жамоаси ва мулк эгаллигининг шаклланиш даври (40 минг йилликдан милодий V асрларгача)*

3) *Илк Ўрта асрлар даври (IV аср охирлари - V асрдан - IX аср ўрталаригача)*

4) *Ўрта асрлар даври (IX аср ўрталаридан-XIX асрнинг биринчи ярмига қадар)*

5) *Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври. (XIX аср ўрталаридан-1917 йилгача)*

6) *Советлар даври (1917-1991 йиллар)*

7) *Миллий мустақилликка эришиш, демократик ва фуқаролик жамияти қуриш даври.*

Шу ўринда тарихий тафаккур ва тарих фалсафаси маънавий бой, маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилшини қайд этиш зарур. Уларни талабаларга етказишда қуйидаги омиллар муҳим ўрин тутаяди.

Биринчидан, талабаларда тарихни англаш орқали ҳаётни англаш, ўзлигини англаш қобилияти шаклланади, уларда истикболни белгилаш туйғуси кучаяди.

Иккинчидан, талабалар тарихий тафаккур орқали ўтмиш ва бугунги ҳаётни солиштириш, таққослаш ва зарур ҳулосалар чиқариш имкониятига эга бўладилар, ўтмиш ва бугунги кун мазмуни чуқурроқ англаш фалсафаси юзага келади. Бу ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккур тарзини шакллантириш орқали шахс сифатидаги феъл-атворининг ривожланишига хизмат қилади.

Учинчидан, ёшлар тарихни ўрганиш орқали турли қиргинбаротлар исканжасида ўзлигини йўқотган, ўз кадр қимматини унутган фуқарони уйғонишга, ўзлигини англашга, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган баркамол шахс сифатида шаклланишига даъват этади.

Тўртинчидан, аждодлари буюк, жаҳон тараққиёти ва тамаддунига катта ҳисса қўшган маданиятга дахлдор халқ қалбида ўтмишини ўрганиш миллий гуруҳнинг уйғониши катта ижтимоий-маънавий қудрат бўлиб хизмат қилади. Ушбу жараён инсоннинг ўзини-ўзи янгилашига ёрдам беради.

Бешинчидан, жамиятда инсоннинг маънавий-руҳий қувватини юксалтириш орқали жамиятни янгилаш, инсон турмуш тарзини ўзгартириш каби чуқур, кенг миқёсли ислоҳот амалга оширилади. Бу бугунги Янгиланаётган Ўзбекистондаги кенг қамровли ислоҳотлар даврида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарих фанини ўрганишда маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий гоя ва назарияларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар тарих фанининг мазмун ва моҳиятини чуқурроқ англашга, шунингдек фанни ўрганишнинг мақсад ва вазифаларини кенгроқ очиб беришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам уни маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий-назарий

асосларига таянган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Дарсларда тарих фанини ўрганишда маълум илмий, методик тамойилларга таяниш ҳам муҳимдир. Шунингдек этнография, археология, антропология фанларида қабул қилинган моддий ва ёзма маълумотларга таянган ҳолда иш юритиш ҳам фанни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Тарих фани инсониятнинг ўтмиши, аҳолининг турмуш тарзи, жамият ижтимоий тараққиётига оид содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни, инсоният жамиятининг барча тадрижий (эволюцион) ривожланиш жараёнларини ўрганади. Ватанимиз тарихи жаҳон тарихининг ажралмас қисми бўлиб, у аждодларимизнинг босиб ўтган тарихий йўли, турмуш тарзига оид маълумотларни маълум изчилликда ва кетма-кетликда ўрганади. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганиш орқали биз аждодларимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи хусусида тушунчаларга эга бўлиш баробарида, уларнинг жаҳон халқлари тарихий тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳақида зарур маълумотларга эга бўламиз.

Энг янги тарих фани хусусида ҳолис маълумотларга эга бўлиш учун фаннинг предмети ва объектини тўғри белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳозирги кунда тарихчилар олдида турган муҳим масалалардан бири бу, ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихини фаннинг предмети ва уни ўрганиш объектидан келиб чиқиб, маълум назарий-методологик тамойилларга суянган ҳолда ҳаққонийлик, ҳолислик асосида ёритишдан иборатдир.

Энг янги тарих фани ҳам бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар каби мустақил фан ҳисобланади. У барча фанлар катори алоҳида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, ижтимоий-гуманитар ва бошқа айрим фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганилади. **Биринчидан**, у ўз хусусиятига кўра, ўтмиш ҳақида сабоқ беради, инсонларни содир бўлган воқеа ва ҳодисалар ҳақида керакли ҳулосалар чиқаришга ундайди, кишиларни аждодларимизнинг ўтмишдаги ҳаёт тарзини, улар яратган моддий ва маънавий меросини қадрлашга ундайди.

Иккинчидан, тарих фанини ўрганишда барча ижтимоий-гуманитар фанлар учун хос барча шакл ва услубларга таянилади, ҳатто уни ўрганишда математик усулдан ҳам фойдаланилиши бежиз эмас. Чунки тарихий воқеа ва ҳодисалар катъий аниқликда, даврий кетма-кетликда, хронологик асосда ўрганилади. Уларни ўрганишда тарихий ҳужжат ва даллиларнинг ҳақиқий эканлиги, улар қачон, қаерда, қандай тарихий муҳит ва шароитда яратилганлигига ҳам аҳамият бермоқ лозим. Ўзбекистон тарихи фани ўтмишдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жараёнларни, уларнинг ривожланиши ва таназзулининг сабаб ҳамда оқибатларини ўрганади,

кишиларни улардан келажак учун сабоқ ва хулосалар чиқаришга ундайди. Бу эса бўлгуси авлодлар камолотида катта аҳамиятга эга.

Фаннинг предмети *мустақиллик йилларида Ўзбекистонда содир бўлган жамии воқеа ва ҳодисалар, улардаги умумийлик ва алоқадорлик қонуниятлари, тарихий ҳодиса ва жараёнлар, умуман инсониятнинг барча тарихий фаолият жараёнларини ўрганишдир.*

Ўзбекистон тарихи фанини ўрганиш объекти *Ўзбекистон энг янги тарихида содир бўлган барча воқеа ва ҳодисалардир.*

Тарих фанининг **объект** (макон)ига нисбатан фаннинг мақсади, вазифаси, йўналишини белгилаш мумкин. Яъни, маълум бир маънода объект билан предмет бир-бирига жуда яқин тушунча бўлса-да, улар тарих фанида тутган ўрни ва вазифаси билан фаркланадилар.

Объект, аниқ тарихий давр, макон, замон ва географик ва умумий минтақавий чегаралар, маълум халқлар, мамлакатлар тарихи билан боғлиқ жараёнлар бўлиб, улар воқеа ва ҳодисаларни бир бутун ва яхлитликда қамраб олади. Шу боисдан ижтимоий гуманитар фанларнинг объекти, аниқ реалликда содир бўлган ва бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ўзгаришлар, воқеа ва ҳодисалардир. Предмет эса мана шу объект ичидаги аниқ тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан иборат бўлган аниқ воқеа ва ҳодисаларни ўрганишдир.

Фанни ўқитишнинг мақсади – мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида юз берган муҳим ўзгаришлар, туб ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кўрсатиш ва жамият ҳаётида талабанинг ўрнини, ўзлигини англашишдан иборат.

Фанни ўқитишнинг вазифалари – мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистонда юзага келган мураккаб вазиятни ҳамда мустақиллик йилларида давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳамда бошқа соҳалардаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини талабаларга тушунтириб бериш, уларни Ватанга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда миллий гуруҳни шакллантиришдан иборат.

Юқорида тарих фани бир қатор фанлар, хусусан ижтимоий-гуманитар фанлари билан муштаҳкам ва узвий алоқада ўрганилади, дедик. Шунинг ҳам айтиш лозимки, тарих ва бошқа аксарият *ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрганиш объекти инсон, давлат ва жамиятдир.* Шунинг учун ҳам бошқа фанлар тарих фани таракқиётига ҳисса қўшади, тарихий ҳақиқат рўёбга чиқишига бевосита ёрдам беради. Тарих фанини яъни, Ватан тарихини холис ўрганиш халқимиз ўтмиши ҳақида зарур маълумотларга эга бўлишда муҳим ўрин тутди, халқимиз келажак тақдирини раванқ топишида муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, ўзбек халқи ва Ўрта Осиё минтақасида азалдан бирга истиқомат қилиб келаётган халқлар тарихи ўзаро муштарак бўлиб, улар инсоният тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади. Фанни ўқитишдан асосий мақсад, ватанамиз тарихининг қадимги давридан ҳозирги кунгача босиб ўтган узок ва мураккаб тарихий йўлини, халқнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини ҳолисона ўрганиш орқали фуқаролар, айниқса ёшлар онгида тарихий хотира, улар қалбида ватанпарварлик, ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.

Талабалар фанни ўрганиш жараёнида мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши, мустақиллик йилларида жамиятимизда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотлар, халқимиз маънавий қадриятларининг тикланиши, демократик фуқаролик жамият куриш йўлида амалга оширилаётган ўзгаришлар хусусида маълумотларга эга бўладилар.

Энди барча фанларнинг асосий назарий жиҳатини ташкил қилувчи “методология” сўзининг лугавий маъноси ҳақида. Умуман, ушбу сўз грекча «методос» ва «логос» каби икки сўзлар бирикмасидан иборат бўлиб, метод яъни усул тадқиқот олиб бориш усули (йўли), логос” эса фан маъноларини англатади. Демак, методология илмий тадқиқот олиб бориш ёки бирор бир масалани илмий-назарий ўрганишнинг қулай усуллари, тўғри ва мукамал гоёси, назарияси ва таълимотлари маъносини англатувчи тушунчадир. Бошқа маънода эса методология илмий билиш ёки маълум бир илмий фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда қўлланиладиган усуллар ҳақидаги фандир. Уни ўрганишда қуйидаги икки йўналишни келтириш мақсадга мувофиқ.

Авваломбор, тарих фанини ўқитишда маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий ҳамда гоёвий асосларга таяниш муҳим аҳамият касб этади. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- биринчидан, тарихга халқнинг миллий ва умумбашарий қадрияти ҳамда муқаддас маънавий мероси сифатида қараши лозим;

- иккинчидан, тарих ҳаққоний бўлиши учун, унга умуминсоний қадрият сифатида ёндашиши муҳим;

- учинчидан, тарих жамият ва давлатлар ҳамда инсоният тараққиётининг маълум диалектик ҳамда синергетик қонуниятлари асосида ривожланишини тўғри англаши зарур;

- тўртинчидан, тарих инсонлар онгида тарихий хотира туйғусини шакллантирувчи моддий ва маънавий меросни вужудга келтирувчи муҳим манба, халқни гоёвий-мафкуравий жиҳатдан жипслаштирувчи асос эканлигини тушуниши муҳим.

- бешинчидан, тарихий ҳақиқат рўёбга чиқиши учун, у объектив ва холис ўрганилиши, ҳар қандай гоёвий ва мафкуравий тазйиқлардан холи

бўлиши зарур. У маълум бир сиёсий, диний уюшмалар ёки давлатлар манфаатига эмас, балки халқ учун хизмат қилиши лозим.

Афсуски, сўнгги йилларда ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи хусусида мутахассислиги тарихдан йироқ ёки эндигина тарих фанига кириб келиб, унга тўлиқ кириб улгурмаган, фан борасида зуваласи қотмаган, унинг назарий жиҳатларини тушуниб етмаган, айрим зиёлилар ёки тарихчилар дарслик ва ўқув кўлланмалар чиқаришга кўл уришлари натижасида, турли чалкашликлар келиб чиқмоқдаки, бу баъзан фан мазмуни ва обрўсига путур етказиб, ёш авлодни фанга бўлган муносабатини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бундай "хилма хилликлар" ёки чалкашликлар фаннинг асл моҳиятига соя солмоқда.

Ўзбекистоннинг энг янги тарих даврини ўрганишнинг аҳамияти шундаки, бунда биз нафақат мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохот ва ўзгаришлар ҳақида маълумотларга эга бўламиз ёки ўрганамиз, балки буюк келажак билан боғлиқ истикболдаги стратегик мақсадларимизни ҳам теран англаймиз.

Авваломбор биз бугунги тинч осойишта кунларнинг кадрига етишимиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлод яқин тарихимизни чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришмаганимизни тушуниб, англаб етмоғимиз зарур. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи – бу тарих фанининг янги йўналишидир. Шу боис, у ўз институционал характериға, ўз тадқиқот методологияси, тадқиқот изланишларига ва ўқув-методик таъминотиға эға бўлган фан сифатида шаклланганлиги беғиз эмас.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз тарихидаги воқеалар кўлами ва ўсиш суръати фан ва таълим олдиға уларни тизимли равишда ўрганиш вазиғасини қўйди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги хузурида **Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик Кенгашини тузиш тўғрисидаги**” Қарорининг қабул қилиниши ҳамда Кенгашнинг ишчи органи бўлган Мувофиқлаштирувчи-методик марказнинг ташкил этилиши бундай тизимли англашнинг нақадар муҳимлиғидан далолат беради.

Кенгашнинг вазиғаларига Ўзбекистоннинг янги тарихини тизимли ўрганишни ташкил этиш, тарихийлик ва объективлик тамойилларига асосланиб, ўзбек халқининг ўтмиши ва бугунини тарихий баҳолашда доғматизм, бир томонлама ёндашувларға йўл қўймаслик, дарслик, илмий, ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш ва нашр қилиш ишларини мувофиқлаштиришдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий давлатчилигининг вужудга келиши ва тараккий топишининг энг янги тарихи бўйича ўқув-методик, илмий-оммабоп, маърифий адабиётларни ўрганиш, тайёрлаш ва чоп этиш борасида илмий, маданий, таълим, жамоат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларда, авваламбор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчиларида, олий ўқув муассасалари талабаларида мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш масалалари долзарб муаммо сифатида эътироф этилди.

Президент Қарорида Ўзбекистоннинг энг янгитарихини тизимли равишда тарихийлик ва холислик принципларига асосланган ҳолда ўрганишни ташкил этиш, шунингдек буюк тарихий-маданий меросга эга бўлган ва жаҳон цивилизациясининг ривожига улкан ҳисса кўшган ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунига баҳо беришда бир ёклама ёндашувларга, акидапарастликка йўл кўймасликка йўналтирилган бўлиб, унда Ўзбекистон илмий жамоатчилиги олдига ўқув, илмий, ўқув-методик адабиётларни тайёрлаш ва янги авлод нашрларини чоп этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, уларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва минтакавий жараёнлар билан, шунингдек ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган халқлар ва давлатлар цивилизациясининг тарихий-маданий мероси билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш каби вазифалар белгилаб кўйилди.

Ушбу масаланинг яна бир жиҳатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мафкура ва миллий гоё, маънавият ва маърифат бўйича илмий мақолалар, нашрлар ва телевидениедаги кўрсатувлар, маърузалар таҳлили шуни кўрсатдики, замонавий ҳаёт (энг янги тарих) масалаларининг, воқеалар ва жараёнларнинг муҳокамаси ҳам муҳим ҳисобланади.

Энг янги тарихни ўрганишда яна бир муҳим омил борки, у бугунги кун бутунжаҳон тадқиқотлари тизимида устувор ўринни эгаллаб келмоқда. Бу “тарихдаги инсон” мавзусини тадқиқ қилиш, бошқача айтганда, шахсининг, тарихий сиймонинг ҳамда оддий инсоннинг уни ўраб турган дунёдаги ролини ўрганиш. Энг муҳим вазифа энг янги тарихни жиддий методологик ва илмий асосга қуришдан иборат. Агарда биз фаннинг назарий-методологик асосни чуқур англаб етсак, бу бир вақтнинг ўзида тарихни қалбакилаштириш ва бузиб кўрсатишнинг олдини олади.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлининг мазмун-моҳиятини объектив баҳолаш ҳамда шундан хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даврини бир қатор босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

1.2. Юксак интеллектуал салоҳиятли, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, комил инсонни вояга етказишда мамлакат энг янги тарихининг тутган ўрни.

Иккинчи масала баёни. Бугунги кунда дарсларни янгича ўқув-услугий ёндашувлар, янгича манбалар ва материалларга таянган ҳолда ўқитишга катта аҳамият берилмоқда. Зеро, бу

Ўзбекистоннинг умумжаҳон цивилизациясининг қадим ўчоқларидан бири эканлигини, унинг жамиятимиз учун ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни катта эканлигидан келиб чиқиб, энг янги тарих фани авваломбор инсонларни гоёвий тарбилаб, уларда миллий гурур ва ифтихорни шакллантиришга катта ҳисса қўшишини таъкидлаш ўринли.

Талабалар мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши, мустақиллик йилларида жамиятимизда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотлар, халқимиз маънавий кадриятларининг тикланиши, демократик фуқаролик жамият куриш йўлида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар хусусида маълумотлар оладилар.

Тарихнингмуҳим асослариданбири бу илм ва маърифатга интилишдир. Маърифий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишиларда илм – фанни ўрганишга, ҳалол меҳнат қилиб, хунар эгаллашга иштиёқ бўлмайди. Шу сабабли, жамият тараккиётининг барча босқичларида аввало ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаб, уларни тарихли қилишга муҳим аҳамият қаратилган. Тарихпарвар аллома Абдулла Авлоний фикрича: **“Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят муқаддас бир фазилатдур, зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур, зехнимизни, фикримизни қилич каби ўтқир қилур, илмсиз одам мевасиз дарахт кабидур”**.

Аллома илмнинг назарий аҳамиятини кўрсатибгина қолмасдан, балки амалий фаолият учун тарихий зарурият эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади. “Илм бизни жаҳолат қоронгусидан қутқарур, маданият, тарих дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтарур, яхши хулқ, одоб соҳиби қилур. Бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, гайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур”.

Тарихга эътибор жамиятга эътибордир. Унинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ундаги узвийлик жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтормоқда, давлатнинг ижтимоий ва илмий-техник тараккиётини такомиллаштириш омили сифатида жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминламоқда.

Тарих инсоннинг умумий маънавий маданияти савиясини юксалтиришга қаратилган таълим ва тарбиядир. Тарихий билимлар турли соҳалар, услублар орқали инсонларга сингдирилади. Булар оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари ва бошқалардир. Тарих том маънода инсоннинг бугунги ва ўтмиш фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади.

Халқимиз ўз олдига бугун **Янгиланаётган Ўзбекистон келажагини барпо этиш** мақсадини қўйди. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун юртимизда миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган жамиятни барпо этиш эҳтиёжи туғилди. Бунинг учун ҳар томонлама маънавий баркамол инсонларни вояга етказиш, улар онгида тарихий кадриятларига нисбатан ҳурмат, ўз ватанига нисбатан миллий гурур ва ифтихор ҳиссини шакллантириш лозим.

Айниқса ёшларларга мустақиллик йилларида тарих фанини ўрганиш борасида, ушбу даврда амалага оширилган муҳим тарихий ислоҳлар, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, миллий тарбия анъаналари, тарихий ва маънавий кадриятларимиз халқни ягона мақсад сари бирлаштирувчи куч эканлигини тўғри англамоғимиз лозим. Айниқса ёшлар қалбида ва тафаккурида Янгиланаётган Ўзбекистоннинг буюк келажагини қуришга қодир, янгича руҳни шакллантириш муҳим масала ва долзарб вазифадир. Ана шу руҳ қалбида барқ урган ёшлар миллат ва халқ манфаатини юқори даражага кўтара олади. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан баркамол авлодни вояга етказиш, мамлакатимиз стратегик тараккиётини таъминлаш учун бугунги кунда мактабгача таълим, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим соҳаларини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири, шахс манфаати, тарбияси ва таълим устуворлиги, деб белгиланди.

Тарихий билимлар орқали фуқароларда Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари шакллантирилади. Ёшларларни тарихий кадриятларимизга ҳурмат ва миллий гоя руҳида тарбиялаш жараёнида ҳар бир педагог ўқув юртининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда педагогик фаолиятини ёшлар жамоасининг умумий тайёргарликларига индивидуал ёндашган ҳолда ташкил этиши ва амалга ошириши лозим. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда таълим-тарбия сифатини тўғри ташкил этиш, таълим жараёнида юзага келган муаммоларни аниқлаш, муаммони ҳал этишга доир чора-тадбирлар дастурини ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда тарихчи олимлар учун Ватанимиз тарихини ҳар қандай мафкура ва тазйиклардан холи тарзда ёритиш ва ҳолисона ўрганиш

имкониятларига кенг йўл очилди. Шундай бўлсада, бугунги кунда Ўзбекистон миллий давлатчилиги тарихининг вужудга келиши ва тараккий топиши бўйича ўқув-методик, илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш борасида олим ва мутахассислар билан биргаликда иш олиб бориш зарурати тугилмоқда. Бунда илмий ва жамоат муассасалари ҳамда ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари самарадорлигини ошириш, ёшларда мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш масалалари долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Шу боисдан, тайёрланган ушбу дарслик ушбу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Маргилон, Қўқон, Термиз, Шахрисабз каби қадимий шаҳарларимизёки. пойтахт Тошкент шаҳридаги “Мустақиллик” майдони, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси, иккинчи жаҳон урушида жонини фидо этган халқимизнинг муносиб фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган “Ғалаба боғи”, “Шон-шараф” музейи, “Матонат мадҳияси” монументи, “Хотира майдони”, соҳибкирон Амир Темур хотирасига бағишлаб барпо қилинган “Амир Темур хиёбони” га уюштирилган ҳар бир ташриф ёшларларда мустақиллигимиз, она-юртимизнинг шон-шухратига юксак ҳурмат туйғуларини юксалтириши табиий.

Албатта, тарихий меросимизнинг бир қанча турлари мавжудки, улар орасида музейлар фаолиятининг ҳам ўрни бекиёсдир. Ҳозирда биргина Маданият ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар бўйича 68 та музей мавжуд бўлиб, булар 21 та ўлкашунослик, 10 та бадий, 14 мемориал, 5 та адабий-мемориал, 7 та бадий, 1 та табиий-илмий музейлардир. Маданият ишлари вазирлиги қошида «Ўзбекмузей» жамгармаси ташкил этилди, ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журнали таъсис этилган. Музейлар ҳам ёшларларда миллий гурур ва ифтихорни, бой маданий меросимизга меҳр муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади

Таълим тарбия сифати бу шахснинг, инсоннинг жамиятнинг, давлатнинг хилма-хил эҳтиёжлари, манфаатларига мувофиқтаълим ва тарбия олаётган шахсни ҳар томонлама ривожлантириш юзасидан, уларнинг эҳтиёжларини таъминлашдир. Бунда таълим тарбия олаётган шахсни ҳар томонлама ривожланиши учун улар эҳтиёжларини таъминловчи хизматларнинг истеъмол хусусиятлари муҳим ҳисобланади. Таълим жараёнининг ҳар қайси субъекти (педагог, таълим тарбия олувчи, ота-она, маъмурият ва б.) таълим сифатини таъминланишдан манфаатдордир.

Ҳозирги жадал ўзгаришлар ва янгиланишлар шароитида ёшлар дунёкараши, фикрлаш тарзида теран ўзгаришлар рўй бермокда. Таълим тарбия сифати ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда биринчи навбатда ёшларга тарихий, маънавий, гоъвий билим ва тарбия бериш ҳамда уларда жамият манфаатларига зид зарарли гоъларга қарши мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш орқали Ўзбекистонни буюк келажагига эришиш, ҳар томонлама етук, ёшларни вояга етказиш муҳим аҳамият касб этади.

**1.3. Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёев баркамол авлод ва
маънавий етук шахсни
тарбиялашда тарих
фанининг ўрни ва сабоқлари
хусусида.**

Учинчи масала баёни.Тарих фанини ўрганишда маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий гоъ ва назарияларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар тарих фанининг мазмун ва моҳиятини чуқурроқ англашга шунингдек фанни ўрганишнинг мақсад ва вазифаларини кенгрок очиб

беришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам уни маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий-назарий асосларига таянган холда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан Биринчи Президент Ислон Каримовтарихнинг энг муқаддас миллий ва умуминсоний хотира ҳамда қадрият эканлигини таъкидлаб, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Юксак маънавият-енгилмас куч» номли асарларида «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади, «Тарих-халк маънавиятининг асосидир» деган сўзларида тарихий ҳақиқатни ва маънавий ўзликни ангалашга ундовчи, теран илмий-назарий фикрларни илгари сурган эдилар.

Ушбу тамойиллар Президент Шавкат Мирзиёев томонидан изчил давом эттирилиб, мустакиллик йилларида ҳаққоний тарихимизни ўрганиш борасида кўплаб илмий ва назарий хулосаларни бериб келмокда. Айниқса узок йиллар мобайнида йўл кўйилган айрим хато ва камчиликларни рўй рост танқидий таҳлил қилиниши ҳам муҳим воқеа бўлди. Бу борада ўз фикр мулоҳазаларини билдирган Президентимиз қуйидагиларни қайд этади: ”Афсуски, юртимиз тарихини ўрганишда ўтган даврларда археологик тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмади. Шунинг учун Фанлар академиясининг Археология ва Санъатшунослик институтлари фаолиятини, олий ўқув юртлари ва музейлардаги археологик изланишларни чет эллик ҳамкорлар билан бирга ташкил этиш зарур.

Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтхор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Шу мақсадда,

Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси таркибида “Ўзбекистон тарихи” каналини ташкил этиб, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда унинг дастурларини пухта шакллантириш керак. Мамлакатимиз музейларида сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, ҳар бир музейнинг каталогини яратиш лозим”¹.

Қадимги ноёб ёдгорликлар, маданий мерос объектларининг тарихий-маданий қиммати, уларни асраб авайлаш, халқимиз, жумладан ёш авлод тарбияси ва маънавиятида тутган ўрни хусусида гапирган мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев, биргина Ахсикент археологик ёдгорлиги мисолида қайд этади. Тарихий манбаларда, хусусан, “Бобурнома”да бу кентнинг алоҳида аҳамияти ҳақида кўп ёзилган. Қадимдан бу ерда ер ости сув иншооти бўлгани боис мудофаа учун қулай саналган 60 гектарга яқин қисми сақланиб қолган Ахсикент харобалари Фаргона водийсидаги энг катта археологик ёдгорликдир. Археологлар томонидан темирчилар устахонаси, X-XIII асрларга оид ҳаммом қолдиқлари, аскарлар хоналари, жоме масжиди, мудофаа деворлари, ер ости ирригация тармоқлари, хунармандлар маҳалласи, ҳукмдор қароргоҳи – Арк қазиб ўрганилган.

Бундай тарихий ёдгорликлар Ўзбекистон ҳудудида кўплаб топилади. Тарих фанини ўрганиш кўп маънода тарихий манбаларга таянади. Бусиз умуман фанни ва унинг объектини тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, бизгача етиб келган бундай моддий ва ёзма манбалар Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан характерлидир”.

Тарих фани ва унга оид билимлар жамият манфаатларига, инсонларнинг маънавий дунёсига ижобий таъсир қилиши, кишиларда тарихий хотира, аждодлар меросидан фахрланиш туйғусини уйғота олиши лозим. Бу борада ўз фикрларини баён қилган Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномада, олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий гоёни ривожлантиришимиз зарур. **Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий- тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта ҳолисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур**², деган эди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 2019. 20-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 2019. 20-бет.

Айнан ушбу Мурожаатномада халкимиз тарихи, моддий ва маънавий маданиятини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда жаҳон миқёсида тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси негизида **“Ўзбекистон телеканали”** ни ташкил қилиш таклифини илгари сурган эди. Мазкур таклиф асосида 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб ушбу телеканал ўз иш фаолиятини бошлади.

Давлат раҳбари ўз чиқишлари ва мурожаатларида 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида, маърифат машъалини баланд кўтариб чиққан аллома ва адиб Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини кенг нишонланишини билдириб ўтди. Хусусан, Президентимизнинг таъкидлашича, “...биз жаҳидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг кадрини англаб етади”.

2020 йилда Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномада Президент Шавкат Мирзиёев **“бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан кўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли буюк халқимиз.** Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-поқ бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихнинг янги саҳифасини яратишга қодирмиз. Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёрмиз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганнинг ўзи, буюк аждодларимизнинг пок руҳлари мададор бўлади, деб ишонаман, деганлиги янада аҳамиятли бўлди³.

Халқимиз янги тарихининг муҳим воқеаларидан бири сифатида Президентимиз ташаббуси билан пойтахт Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб **“Ғалаба боғи”, “Шон-шараф” музейи, “Матонат мадҳияси”, “Мангу жасорат”** монументи барпо этилди. Мазкур улугвор мажмуанинг барпо этилиши халқимиз тарихининг ҳамда шонли ўтмишининг ёрқин намунаси бўлди. Чунки ўзбекистонликлар иккинчи жаҳон урушининг ғалаба билан яқунланишида улкан ҳисса қўшдилар. Лекин шу пайтгача бу жасоратни бор кўлами билан кўрсатиб берадиган яхлит мажмуа ҳали

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. Т., 2020. 25 январ.

республикамизда йўқ эди. Давлатимиз илмий-ижодий жамоатчилигининг таклифлари, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида тез орада алохида бадий-меъморий концепция ишлаб чиқилди. Ушбу концепция асосида галаба шарафига улугвор ва бетакрор мажмуа бунёд этилди.

Ҳар жиҳатдан пухта ишланган лойиҳлар асосида шакллантирилган бу ердаги мажмуа тимсолида халқимизнинг қонли жанглардаги мардлиги ва фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидоийлиги акс эттирилди. **2020 йилнинг 9 май куни** “Буюк галабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва кадрлаш куни” га бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда давлатимиз раҳбари қуйидагиларни қайд этди: “Мен аввалги чиқишларимда эл-юртимизнинг буюк галабага қўшган ҳиссаси хали тўлиқ ўрганилмагани ҳақида гапириб, жаоатчилигимиз эътиборини шу масалага қаратган эдим. Бугун мамнуният билан айтмоқчиманики кейинги йилларда шу йўналишда жуда катта ишларни амалга оширдик.

Авалло, илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатларини илмий жамоачилик учун маълум бўлмаган материалларни ўрганиш учун имконият яратилди. Бу борада собиқ иттифок республикалари ва чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар ва фондлар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик учайтирилди.

Ана шундай илмий изланишлар натижасида халқимизнинг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида, қаҳрамон аجدодларимиз ҳақида жуда муҳим янги маълумотларга эга бўлдик. Ҳозирги вақтда улар оммавий ахборот воситаларида, китоб ва албомларда кенг ёритилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Масалан, шу вақтга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги топилган маълумотларга кўра, **Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди.** Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган. Аёвсиз жангларда мардона қатнашган қарийиб 451 минг нафар юртдошимизнинг номлари ва тақдири шунча йиллар мобайнида эътибордан четад қолиб келганини, албатта, адолатдан деб, бўлмайди.

Шунингдек ўша даврда кулоқ сифатида бошқа ўлкаларга сургун қилинган 59 мингдан ортиқ ватандошимиз ҳам ҳаракатдаги армияга сафарбар этилгани маълум бўлди.

Шу борада яна баъзи рақамларни келтирмоқчиман. Илагри 390 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтилар эди. Аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган”, дея уқдиради Президентимиз⁴.

Назорат саволлари:

1. Фаннинг предметини изоҳлаб беринг?
2. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганиш объекти нималардан иборат?
3. Ўзбекистон энг янги тарихи фанининг мақсади ва вазифаларини баён этинг ?
4. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш босқичларини шарҳлаб беринг?

Тест саволлари:

1. **Акалемик А.Асқаров Ўзбекистон тарихини неча даврга бўлиб ўрганишни тавсия этган**

А) 4 та даврга;

В) 7 та даврга;

С) 5 та даврга;

Д)6та даврга;

2.Жамиятимизда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар ва ислохотлар даврида қандай масалага катта эътибор қаратилмоқда.

А)Халқимизнинг бой тарихини ўрганиш ва келажак авлодларга етказиш;

В) моддий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда келажак авлодларга етказиш;

С)Тарихни даврлаштириш;

Д) халқимизнинг бой тарихи,моддий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда келажак авлодларга етказиш.

3.Президент Қарорида Ўзбекистоннинг энг янгитарихини тизимли равишда ўрганиш учун қандай вазифалар белгиланган?

А)Тарихийлик ва холислик принципларига асосланган ҳолда ўрганишни ташкил этиш;

В) буюк тарихий-маданий меросга эга бўлган ва жаҳон цивилизациясининг ривожига улкан ҳисса кўшган ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунига баҳо беришда бир ёклама ёндашувларга, ақидапарастликка йўл кўймаслик;

⁴Аждодлар жасорати ва хотирасига юксак эҳтиром // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. №80. Т., 2020 йил. 10 май.

С) Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва минтақавий жараёнлар билан, шунингдек ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган халқлар ва давлатлар цивилизациясининг тарихий-маданий мероси билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш;

Д) Юқоридагиларнинг барчаси

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик Кенгашини тузиш тўғрисида”ги Қарори қачон қабул қилинган.

А) 2018 йил 28 декабрда;

В) 2019 йил 1 сентябрда;

\ С) 2012 йил 27 январда;

Д)2017 йил 7 февралда

5.Маълумки, Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаларидан бирида халқимиз тарихи, моддий ва маънавий маданиятини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда жаҳон миқёсида тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси негизида “Ўзбекистон телеканалли” ни ташкил қилиш таклифини илгари сурган эди. Мазкур таклиф асосида қачондан бошлаб ушбу телеканал ўз иш фаолиятини бошлади.

А)2019 йил 1 сентябрдан бошлаб;

В)2018 йил 1 сентябрдан бошлаб;

С)2017 йил 1 сентябрдан бошлаб;

Д)2020 йил 1 сентябрдан бошлаб

6.“Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят муқаддас бир фазилатдур, зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур, зехнимизни, фикримизни қилич каби ўтқир қилур, илмсиз одам мевасиз дарахт кабудур”.Ушбу ибора муаллифини кўрсатинг

А) Фитрат;

В) Абдулла Авлоний;

С) Чўлпон;

Д) Махмудхўжа Бехбудий

7.Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга

берилган баҳо албатта холисона, энг мухими, турли мафкуравий карашлардан холи бўлиши зарур . Ушбу иборақачон ва қаерда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан таъкидланган.

А) 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномада

В) 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномада

С) Аждодлар жасорати ва хотирасига юксак эҳтиром // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Буюк галабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нуткида.

Д) 2020 йилда Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномада

8. “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан кўркмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли буюк халқмиз”. Ушбу ибора қачон ва қаерда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан таъкидланган.

А) 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномада

В) 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномада

С) Аждодлар жасорати ва хотирасига юксак эҳтиром // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Буюк галабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нуткида.

Д) 2020 йилда Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномада

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Тошкент: “Ўзбекистон”. 2016

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/ Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: “Адолат”. 2018. – 112 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 2019. 20-бет.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. Т., 2020. 25 январ.

5. Аждодлар жасорати ва хотирасига юксак эҳтиром // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Буюк галабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали

маросимдаги нутқи. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. №80. Т., 2020 йил. 10 май.

6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Тошкент : “Шарқ”.1998.
Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликга эришиш остонасида. -Тошкент: “Ўзбекистон”. 2016.

7. Narzulla Jo'raev O'zbekiston tarixi :(Milliy istiqlol davri) 3-kitob. – Т.: “Sharq”, 2011. – 736 б.

8. Ҳасанов Р. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ” Ўзбекистон мустақилликга эришиш остонасида” –номди китобини ўрганиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: МРДИ, 2012.

2-МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЮЗ БЕРГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

2.1. Мустақиллик арафасидаги сиёсий вазият.

2.2. Мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.

2.3. Мустақиллик арафасида «пахта иши» ва унинг оқибатларини бартараф этиш борасидаги ҳаракатлар.

2.4. 1990 йил 24 март куни бўлиб ўтган республика Олий Кенгашининг биринчи сессияси тарихи

2.5. Миллий армия ва ички ишлар таркибининг шаклланиши.

Таянч тушинчалар: Сиёсий вазият, Буюк йўлбошчилар, Президент, Пленум, Фаргона фожиаси, Паркент, Пскент, Бўка, Наманган воқеаси, ”Мустақиллик Декларацияси, “Ўзбек иши”. “пахта иши”, “кадрлар десанти”, Гдлян, Иванов, ГКЧП, ижтимоий ҳимоя, Мустақиллик, Миллий армия, Ички ишлар таркиби

2.1. Мустақиллик арафасидаги сиёсий вазият

Биринчи масала баёни: Дунёдаги халқлар ва миллатларнинг озодлик йўлидаги курашлар тарихи шундан далолат берадики, жамият ҳаётидаги туб бурилишлар даврида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзи буюк йўлбошчиларни майдонга чиқаради. Хиндистон тарихида Махатма Ганди, Америка Қўшма Штатлари тарихида Жорж Вашингтон, Франция тарихида Шариль де-Голл, Туркия тарихида Мустафо Камол Отатурк ана шундай тарихий миссияни ўз зиммасига олиб, она халқининг миллий озодлик курашига бошчилик қилганини яхши биламиз.

Бизнинг юртимиз тарихида ҳам ана шундай улуг йўлбошчилар тарихий вазият тақозоси билан майдонга чиқиб, халқимизни ёвуз босқинчилар зулмидан озод этган, унинг шаъни ва гурури, инсоний ҳуқуқларини қайта тиклаган. Бу ҳақда гапирганда, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўн тўртинчи асрда Туркистон заминини мўғуллар зулмидан озод этиб, ана шундай буюк миссияни адо этганини ҳамisha ғурур-ифтихор билан эсга оламиз. XX асрнинг 90-йилларига келиб эса Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ана шундай ўта оғир ва масъулиятли вазифани ўз зиммасига олди.

Маълумки, XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, хусусий мулкчилик таъқиқланган ва таъқиб этилган, давлат мулкни мутлақлаштириш натижасида моддий таъминот тизими издан чиқарилган, иқтисодий адолат поймол этилган, миллий муаммолар негизидаги низолар кўпайиб бораётган шўро жамиятида ҳукмрон доиралар бошқарувидан норозилик кучайиб борди, халқ назарида обрўсизланиб бўлган бошқарув тузилмаларини, энг аввало, бутун шўро сиёсий тизимининг ядроси бўлган коммунистик партияни янгилаш эҳтиёжи сезилмоқда эди.

Ўша даврдаги вазиятга Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов шундай баҳо беради: «Ижтимоий-сиёсий соҳада рўй бераётган жараёнлар ҳаммани ташвишга солмоқда. Қайта қуриш туфайли юзага келган демократия ва ошқоралик анархия ва сафсатабозликдан етарлича ҳимоя қилинган эмас. Интизом ва тартиб кўнгилдагидек эмас, жиноятчилик кўпаймоқда, одамларнинг шахсий хавфсизлиги, ҳуқуқлари ва кадр-қиммати кафолатлари бузилмоқда»⁵. Ана шундай шароитда юқори хўжалик вазифаларида ишлаб келган Ислоҳ Каримовнинг, сиёсий экспертлар таъбири билан айтганда, «соғлом технократизми ва прагматизми» уни ўша вақтда қабул қилинган кўпгина таомилларни четлаб, партия пирамидасининг чўққисига кўтарди.

1989 йил 23 июнда Ислоҳ Каримов Қашқадарёдан Тошкентга Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг биринчи котиби вазифасини бажариш учун қайтиб келади. Қарийб уч йил давомида Ислоҳ Каримов Қашқадарё вилоятда обрў-эътибор ва ишонч қозонгани ҳолда республиканинг ўша вақтдаги партия раҳбариятининг нўноқ сиёсати туфайли Ўзбекистон фуқаролар уруши майдонига айланиб қолиши хавфи остида қолган эди. Ислоҳ Каримов қисқа муддат ичида республикадаги портлаш хавфи бўлган вазиятни ўнглаши, юзага келаётган фалокатдан давлатни сақлаб қолиши лозим эди.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остида. Т., 2011. Б. 163.

Кейинрок давлатимиз раҳбари ўз интервьюларидан бирида Ўзбекистон раҳбари этиб тайинланиши тарихини қуйидагича ҳикоя қилади: «Мен қандай қилиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби бўлганман? 1989 йил июнь ойи эди. Даҳшатли кунлар эди. Қиргинлар, ёнгинлар, Фаргона, Қўқон, Қувасой, Гулистон, Паркент, Бўка. Гўё портлаш юз бериб, буг қозонининг қопқогини улоқтириб ташлаганга ўхшайди. Хўрлик йилларида тўпланиб қолган алам тўлқинлари бутун республикани камраб олди. Бошлиқлар вазиятни бошқара олмай қолди.

Мана шу бебошлиқларнинг ҳаммасига барҳам бера оладиган, республикани жар ёқасидан қайтара оладиган одамни кидиришмоқда эди. Изланишлар натижасида менинг номзодимга тўхталишди. Албатта, зиммамга нақадар катта масъулият олаётганимни тушунар эдим. Менинг карьерам эмас, балки ҳаётимнинг ўзи гаровга қўйилаётганини тушунар эдим. Шунчаки чиройли гап деб ўйламанг-у, аммо халқ мени тушунишига ва қўллаб-қувватлашига ишонардим. Ана шу нарса менга куч берди»⁶.

1989 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум Ислом Каримовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайлади.

Шу вақтдан эътиборан Ислом Каримов бошчилигида ўзбек халқининг кадр-қимматини тиклаш ва уни ҳимоя қилиш ишлари бошланди. Ислом Каримовнинг республика раҳбарлигига келиши ва фаолиятининг бошланиши ҳам мустақиллик йўлида қўйилган илк дадил қадам эди.

У танг вазиятни барқарорлаштиришга улкан ҳисса қўшди. Марказдан юборилган «кадрлар десанти» ўз обрўсини йўқотган эди, уларнинг «намоёндалари Анищев, Огарек, Сатин ва бошқа «казо-казолар» республикадан чиқариб юборилди.

Кадрлар сиёсатида жиддий ижобий ўзгаришлар юз берди, бу масалаларни хал этишда республика раҳбарияти ташаббусни ўз қўлига олди. Маҳаллий кадрларга бўлган талаб ва эътибор кучайтирилди. Кадрлар сиёсатида Марказ томонидан белгиланган ходимларни раҳбар этиб тайинлашга чек қўйилди. Ислом Каримовнинг ташаббуси билан сиёсий мутеликдан кутулиш томон қадам қўйилди. Ўша даврда бундай ҳаракат улкан жасорат, «*бошни кундага қўйиш*»дек қаҳрамонлик эди⁷.

Таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг республика раҳбари этиб сайланиши мамлакатнинг жуда огир – ижтимоий-иқтисодий ҳалокат ёқасига келиб қолган даврига тўғри келди. Бу ҳақда Л. Левитин шундай ёзади:

⁶ Гафарли М.С., Касаев А.И. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. Т., 2001. Б.12.

⁷ Қаранг: Жўраев Н. Агар огоҳ сен.. Портретга чизгилар. Сиёсий эссе. Т., 1998. Б. 17.

«Ислом Каримов ҳокимият бошқарувини кўлга олган пайтда Ўзбекистон халокат ёқасига келиб қолган эди. Энди ҳеч ким фожиали воқеалар оқимини ортга қайтара олмайдиганга ўхшарди. У ҳокимият тепасига мамлакатни балоказолардан саклаб қолувчи киши сифатида келди»⁸.

Ислом Каримов ўз раҳбарлик фаолиятининг дастлабки кунларидан мамлакатда, миллати ва динидан қатъи назар, одамлар Ўзбекистонни ўз Ватаним деб ҳисоблашларига нафақат даъват этди, балки бунинг учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистоннинг турли минтақаларида вужудга келган этник низолар ва ижтимоий танглик ўчоқлари шахсан Президент иштирокида бартараф этилди. Унинг бош-бошдоклик жараёнларида кўркмасдан, тез, қатъият билан дадил ҳаракат қилган ва республикада ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқараётган носоглом қучлар таъсирига қисқа муддатда барҳам беришга муваффақ бўлган етакчи эканлигини нафақат МДХ мамлакатлари раҳбарлари, балки чет эл экспертлари ҳам эътироф этдилар.

2.2. Мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг ижтимоий- иқтисодий аҳволи

Иккинчи масала баёни: Мустақилликка қадар давлатимиз раҳбари энг аввал Ўзбекистоннинг ҳаётига халакит бераётган хато ва камчиликларни аниқлаб олишга

эътибор қаратди. Криминоген вазиятни кескинлаштиришга сабаб бўлаётган ижтимоий-иқтисодий аҳволни тузатиш йўлида амалий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш вазифасини кун тартибига қўйди. Чунки Ўзбекистон барча асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича собиқ Иттифокдаги ўртача даражадан анча орқада бўлиб, охириги ўринлардан бирини эгаллар эди.

Марказ босим ўтказаётган таҳликали шароитда ўша даврнинг огир ва аянчли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий манзарасига тўғри ва холис баҳо берган инсон Ислом Каримов бўлди. Шу ўринда Президентнинг 1990 йил 4 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сўзлаган нуткидан парча келтириш мақсадга мувофиқ.

«Шу нарса шак-шубҳасиз ва очиқ-ойдиндирки, – дейди Ислом Каримов, – республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифокдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида турибди. Биз бу рақамларни илгари ҳам неча марталаб айтганмиз, аммо бугун уларни яна бир бор идрок этмоқ керак. Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб

⁸ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т., 2001. Б. 36.

чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифокдаги ўртача даражадан икки хисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, кишлок хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада колмокда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифок даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифокдош республикалар орасида энг охириги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман, мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмокда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши СССРда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга якин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг кўлидан келадиган ишни топа олмаяпти.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: согликни сақлаш, халқ таълими, мактабгача таълим муассасалари жуда огир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни, аввало, шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйгун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёкда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти.

Қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши натижасида кўплаб сув омборларининг қурилиши, умуман, сув исрофгарчилиги туфайли Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларидан Орол денгизига қуйиладиган сув ниҳоятда камайиб кетди. Оқибатда денгиз 1960 йилдаги ҳолатига нисбатан 1990 йилда 14,5 метрга пасайди, сувининг ҳажми 54 фоизга қискарди⁹. Сув қиргоқдан 70–100 км.га чекинган жойларда бўронлар натижасида йилига 50–70 минг тоннагача туз атмосферага кўтарилгани кузатилган¹⁰. Орол бўйида экологик аҳволнинг ёмонлашуви, жумладан, аҳолининг ичимлик суви билан таъминлашнинг ёмонлашуви, сувдаги минераллашувнинг ошиши натижасида кишлок аҳолисининг 87 фоизи ҳар хил касалликларга чалингани аниқланган. Масалан, Қорақалпоғистонда ич терлама юкумли касаллиги билан огриганлар собиқ Иттифок даражасидан 23 баробар кўп бўлган¹¹лиги

⁹ Ҳаёт ва иқтисод. 1991. №2. Б. 56.

¹⁰ Шалимов А.И. Экология: тревога нарастает. Ленинград, 1989. С. 53.

¹¹ Судьба природы – наша судьба. М., 1990. С. 223.

мустабид тузум бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усуллари авжига чиққан шафқатсиз тус олганлиги натижасидир.

Инсон тақдири, унинг ҳаётига даҳлдор бўлган, унинг муносиб турмуш шароитига эга бўлиш билан боғлиқ талаблар айнан Ислом Каримовнинг раҳбарлик фаолиятининг илк кунларидан қатъий қўйилди.

**2.3. Мустақиллик арафасида
«пахта иши» ва унинг
оқибатларини бартараф этиши
борасидаги ҳаракатлар.**

Учинчи масала баёни.

Ўзбекистонда «пахта иши» деган сохта кампания – қатагон сиёсати таъсирида ноҳақлик ва адолатсизлик авжига

чиққан, партия, совет ва давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида айниш бошланган, турли бузгунчи кучлар, диний никобдаги радикал оқимлар бош кўтарган, бу ҳам етмаганидек, ҳукмрон собиқ Марказдаги иккиюзламачи матбуот томонидан халқимизнинг бошига ёғдирилган бўҳтон ва тухматлар одамларимизнинг руҳи ва кайфиятини туширган, халқ ўртасида эртанги кун ишончига жиддий путур етган эди. Қўрқув ва ваҳима кенг тарқалган ўша пайтда Ислом Каримов «Ўзбеклар иши», «пахта иши» деган сохта айблов билан ноҳақ қамалган кашқадарёлик ва бошқа вилоятлардаги одамларнинг хонадони билан яқиндан танишди. Қатъий ишонч билан: «Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, ўглингиз, турмуш ўртогингиз, отангиз ҳадемай багрингизга қайтиб келади»¹² деб, руҳан эзилган инсонларга таскин берди. Халқимизга нисбатан катта ноҳақлик бўлаётганлигини баралла айтиб, тенгсиз жасорат билан курашди ва халқпарвар раҳбар деган ном қозонди. Президентимиз: «Бир эсланг, шўро замонида, 80-йилларда собиқ марказ «Ўзбек иши», «пахта иши» деган уйдирмаларни баҳона қилиб, ўзбек миллати вакиллари бугун дунёга қандай кўрсатарди? Сочи тақир қилиб олинган, қалпоқ кийган, белини боғлаган, соқол қўйган одамларни, мана, буларнинг башараси, деб, пешонасига тамга қўйиб, матбуот орқали намоёниш этарди. Бугун шуни эслашимиз ўринли, деб биламан»¹³, деган эди. Ислом Каримов давлат раҳбари сифатида ўз фаолиятини сиёсий бекарорлик, бошбошдоклик ва бедодлик авж олган, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий вазият ўта қалтис ва огир даврда бошлаганлигини, айниқса, бугун таъкидлаш ва эътироф этишимиз лозим.

“Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган, ўз тақдири ва келажагини ўз кўли билан кураётган халқимизни энди эски мафкурага, эски замонга ҳеч

¹² Равшанов П. Қашқадарё: истиқлол арафасида. Т., 2003. 112–113 –беглар.

¹³ Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий продамизга боғлиқ. Т. 12. Т., 2004. Б. 255.

качон қайтариб бўлмайдди, бутун халкимиз, жумладан, Қашқадарё эли, бу воҳадаги навқирон ёшларнинг бугунги азму шижоати, орзу-интилишлари, келажакка бўлган мустаҳкам ишончи шундай деб айтишга тўла асос беради... Ана шундай даҳшатли қатагоннинг қандай кенг тус олганини, ўйлаймизки, куйидаги рақамлар яққол кўрсатади. Биргина «пахта иши» бўйича вилоятда 3 мингдан зиёд одам ҳибсга олинган, фақат 1985 йилнинг уч ойида вилоят раҳбарининг 3 та муовини, 8 та бўлим мудирини, шаҳар ва туман партия кўмиталарининг 26 нафар котиби, вилоят ижроия кўмитаси раиси, унинг 4 нафар ўринбосари, масъул котиби, шаҳар ва туман ижрокўмларининг 12 нафар раиси, вилоят микёсидаги йирик ташкилотларнинг 27 та раҳбари, колхоз ва совхозларнинг 99 нафар раис ва директорлари, яна қанча-қанча оддий меҳнаткашлар, бегуноҳ инсонлар жиноий жавобгарликка тортилган эди. Вилоятнинг собиқ раҳбарларидан бири ўз жонига қасд қилган, иккинчиси эса камоққа олинган эди. Ҳибсга олинган ҳар бир одамнинг ортида эса 20-30 тадан оила аъзолари, қариндош-уруглари, бирга ишлаган кишилар тун-кун сўроқ бериб, маъмурий идораларнинг эшигида сарсон бўлиб юрганини Қашқадарё аҳли ҳеч қачон унутмайди»¹⁴.

Яқин ўтмишда бошимиздан кечирган ана шундай машъум кунларни эслар эканмиз, бугунги эркин ва озод ҳаётимизни асраш, унинг кадрига етиш, ҳозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо хушёр, огоҳ ва сергак бўлиб яшаш зарурлигини янада чуқур англаймиз»¹⁵.

1989 йилнинг май-июнь ойларида Фарғона вилоятида фожиали воқеалар рўй берди. Ўша йилнинг 20 май куни Қувасойда туб аҳоли билан шу ерда истиқомат қиладиган месхети туркларининг ўртасида тўқнашув содир бўлди (СССР давлат мудофаа комитетининг 1944 йил 31 июль қарори асосида Грузиядан депортация (қувгин) қилиниб, 1944 йил ноябрь ойида 30 минг месхети туркларининг Ўзбекистонга мажбуран кўчириб келтирилган)¹⁶. Республика раҳбарияти бу воқеаларни ўз вақтида тўғри баҳолай олмагани туфайли вазият янада кескинлашди. Ўша йилнинг июнь ойида Тошлоқ ва Маргилонда шундай тўқнашувлар юз бериб, кейинчалик Фарғонанинг жанубига кўчди. 8 июнь куни Қўқон шаҳрида тинч намоёнчилик собиқ Иттифоқ ИИБнинг ички кўшинлари томонидан ўққа тутилди. Оммавий тартибсизликлар оқибатида 103 нафар киши ҳалок бўлди¹⁷.

Фарғона воқеаларининг бир қанча сабаблари бор эди. Бу вилоят раҳбарияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ташкилотчилик

¹⁴ Халқ сўзи, 2011, 1 декабрь.

¹⁵ Ўша жойда.

¹⁶ Қаранг: Постановление ГОКО №5279сс от 31 июля, 1944.

¹⁷ Ўзбекистон тарихи. / Масъул муҳаррир Қ. Усмонов. Т., 2005. Б. 321.

ишларида жиддий хатоларга йўл қўйганлари, ижтимоий-сиёсий вазиятга объектив баҳо бера олмаганлари ва ёшларни иш билан таъминлашнинг чоратадбирлари белгиламаганлари билан боғлиқ эди.

1989 йилнинг май ойида Фаргона вилоятида бузгунчи кучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликлар июннинг охирига келиб, янада авж олиб кетди.

Кечагина республика раҳбари этиб сайланган Ислом Каримов ишга киришган куннинг эртасигаёқ, яъни 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида катта мажлис ўтказди ва унда нутқ сўзлади. Ушбу нутқ, моҳият-эътиборига кўра, Ислом Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги биринчи нутқи эканлиги билан ҳам аҳамиятга эга. Ушбу чиқишда Ислом Каримовнинг сиёсий етакчига хос барча фазилатлари яққол намоён бўлди.

Буни Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” деб номланган китобидаги ҳар бир нутқ ва маъруза, тарихий ҳужжат тасдиқлайди.

Китобдаги биринчи материал – 1989 йил 24 июнда, республика раҳбари сифатида иш бошлаганининг иккинчи куни Ўзбекистон Министрлар Советида бўлиб ўтган Фаргона водийси областларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашда сўзлаган нутқидаёқ Ислом Каримовдаги ҳақиқий йўлбошчиларга хос фазилатлар ёрқин намоён бўлади. Аввало, янги раҳбар бошқалар каби ёниб турган ўткир масалаларга, республикадаги ўта танг аҳволга бепарво қаролмайди. Чунки унинг қалби, юраги халқ дарди билан, Ўзбекистон дарди билан ёнади. Унинг республиканинг янги раҳбари сифатида айтган куйидаги дастлабки сўзлари шунчаки сўз эмас, балки қатъий талаб бўлиб янграйди. У фақат ва фақат республика манфаатини, мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартиришни раҳбар фаолиятидаги бош мезон деб билади ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилади: “Ишга бўлган, ўзимизга топширилган вазифага нисбатан муносабатни, дунёқарашимизни ва умуман, масъулиятимизни ўзгартира олсаккина ишларимиз йўлга тушиб кетади. Акс ҳолда, вазиятни издан чиқаришга интиладиган кучлар ё мени четга суриб кўяди ёки жуда кўп раҳбарларни ўзгартиришга тўғри келади”¹⁸.

Ҳолбуки, Ислом Каримовга қадар республикамизни бошқарган раҳбарлар фаолиятида ўз халқининг эмас, балки фақат мустабид Марказнинг иродаси, унинг манфаатлари бош мезон бўлиб келган эди. Шунинг учун ҳам улар ўзича мустақил ҳеч қандай иш қилолмас, бошқалардан ҳам ишни талаб

¹⁸ Ислом Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Т.: “Ўзбекистон”, 2011 йил, 33-бет.

килишга уларда қатъият етишмас эди. Буни китобдан ўрин олган куйидаги факт ва далиллар исботлайди: «КПСС Марказий Комитетининг менсимаслиги ва буйрукбозлиги шу даражага бориб етдики, Марказий Комитет котиби ёки вилоят комитетининг биринчи котиби ҳақида гапирмай кўяколайлик, ҳатто, обком котибини тавсия қилиш учун келишиб олишга яқин-яқингача мажбур бўлиб келдик. Ким билан келишардик денг? Қандайдир сектор мудирини ёки йўриқчи билан, унинг хонаси олдида қабул қилишини кутиб навбатда турардик. Барча даражадаги партия ходимларининг тақдирини шу кишиларга, КПСС Марказий Комитетининг аппаратининг оддий амалдорларига боғлиқ бўлиб қолгани.

Могильниченко, Бессарабов ҳамда уларнинг энг фаоли Понамаревни бир эсланг. Уларнинг бу ерга келиши қандай таърифланган эди? Бу бутун бир воқеа бўлган эди. Лекин улар ўзларидан яхши хотира қолдиришмади. Улар биринчи котиб хонаси эшигини чап оёғи билан очиб киришарди. Ўшанда пленумларда қилинган барча маърузаларни, мен шуни очик айтишим керакки, аввалига Понамарев, Анишчев, Огарок ва уларнинг тўдаси таҳрир қиларди, сўнг Усмонхўжаев минбарга чиқиб, ана шу тайёр нарсаларни ўқишга тушарди. У кўпинча маърузада гап нима ҳақда бораётганини билмаган ҳолда ўқирди.

Ана шу кишиларнинг хоҳиш-иродаси билан қанчадан-қанча одамларнинг, шу жумладан, коммунистларнинг, қанчадан-қанча раҳбарлар ва уларнинг оилалари тақдирини бузилди. Ўзбекистонни ҳеч қачон билмаган, унинг тили, маданияти, бугунги куни ва ўтмишини билмаган, умрида Ўзбекистонни кўрмаган бу одамлар унинг фақат кулларча таъзим қилишини хоҳлашарди. Шундай кишилар сиёсат юргизишарди. Юқорида ўтирганларнинг ҳаммаси уларнинг амалдорлари тайёрлаган қарорларгагина имзо чекишарди”¹⁹.

Бошқа бир ўринда бундай ҳолатнинг сабаблари шундай баён қилинади: “Бўш-баёв, сиёсий иродадан маҳрум, ўз халқининг ор-номусини ва кадр-кимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган кишиларнинг Ўзбекистон компартияси ва республика раҳбариятига келиб қолиши аввало шунга ёрдам берди. Уларнинг аксарияти ўзларининг омон қолишларини ўйлаб, ҳуқуқ муҳофазаси органлари, жумладан, Гдлян ва Иванов гуруҳини йўл қўйган қонунсизлик ва қонун бузилишларини пайқамасликка обдон уриндилар”²⁰.

Ана шундай раҳбарларнинг бўш-баёвлигидан фойдаланиб, собиқ Марказ, Ўзбекистоннинг ўзида қўплаб малакали ва салоҳиятли кадрлар

¹⁹Ўша манба, 385-386-бетлар.

²⁰Ислом Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида". Т.: "Ўзбекистон", 2011 йил, 175-

бўлишига қарамасдан, СССРнинг турли минтақаларидан юртимизга ишни билмайдиган, фақат бу ердаги имкониятлардан фойдаланиб, давру даврон суришни ўйлайдиган одамларни юбора бошлади. Улар халқимиз ўртасида “десантчи”лар деб ном олди. “Бошқа минтақалардан юборилган кадрларнинг баъзилари республика эҳтиёжлари ва кулфатларига ҳамдард бўлиш у ёқда турсин, балки партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ва бошқа органларда ўзларининг раҳбар лавозимларига тайинланишларини ўзбошимчалик қилиш учун берилган ёрлик, деб билдилар.

Халқнинг жуда бой тарихи ва маданиятини, ўлканинг ўзига хос ноёб хусусиятларини билмаган ва билишни ҳам истамаган бу одамлар республика ҳаётини босиб-янчиб, қингир ўзанга солишга киришдилар.

Халқнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари ва маънавий кадриятларини менсимаслик элни жуда ранжитди.

...Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдон оёқ ости қилинди, она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто, шундоқ ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари ҳам кимларгадир маъқул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди. Кези келганда одамлар миллий анъаналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уруғларни дафн этишга ҳам чўчиб қолган эдилар”²¹.

Юқорида зикр этилган, республика раҳбари сифатида иштирок этган биринчи мажлисдаёқ Ислом Каримов ўн йиллар давомида ҳал қилиб келинмасдан келаётган ва кўпчилик бундан буён ҳам шундай давом этаверади, деган кайфият билан умумий бир бепарволик билан қўллаб-қувватлаб келаётган масалаларга ойдинлик киритади. Бошқача айтганда, ўзининг раҳбарлик позициясини очик баён этади. Бу албатта залдаўтирган, эскича ишлашга кўникиб қолган акасарият катта-кичик раҳбарлар учун гўё булутсиз осмонда чакмоқ чакнагандек таъсир қилади. Айниқса, собиқ Марказдан, СССРнинг бошқа ҳудудларидан Ўзбекистонга юборилган, ўзларича ҳеч ким бизнинг мушуқимизни “пишт” дея олмайди, деган кайфиятда юрган кимсалар бирданига хушёр тортади. Чунки шу пайтгача ҳеч ким улардан ишни катъий туриб талаб қилмаган ва буни ҳаёлига ҳам келтира олмас эди.

Тасаввур қилинг, ўша пайтда маҳаллий ёшлар ва месхети турклари ўртасида собиқ Марказдаги ёвуз кучлар томонидан қора ниятда атайлаб ташкил этилган жанжал-тўполонлар туфайли бутун Фарғона водийси бамисоли ўт-олов ичида қолиб кетган эди. Ишсизлик, кашшоқлик, уй-жой ва

²¹ Ўша манба, 177-178-бетлар.

томорка ерларининг етишмаслиги, бунинг устига, бундай жанжалларнинг ўйлаб топилганидан халқнинг сабр косаси тўлиб кетган эди. Шунинг учун ҳам Ислон Каримов ўз раҳбарлигининг биринчи иш кунидаёқ Фаргона водийси вилоятларидаги аҳволни муҳокама қилиш масаласини ҳукумат олдига қатъий вазифа қилиб қўяди. Ҳар қайси вилоятдаги масъул шахслардан аҳолининг ижтимоий яшаш шароитлари ҳақида ҳисобот беришни талаб қилади. Афсуски, бу масъул шахсларнинг бирортаси ҳам шундай масъулиятли мажлисга пухта тайёргарлик билан келмайди. Чунки улар собиқ Марказдан қўйилган шахслар - Фаргона область ижроия комитети раисининг ўринбосари Ю.Калимуллин, Наманган область ижроия комитетининг биринчи ўринбосари А.Богусловский, Андижон область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В.Бабенко эди. Улар, худди И.Усмонхўжаев ва Р.Нишонов каби аввалги раҳбарлар давридагидек, ҳеч ким биздан иш талаб қилолмайди, деган ўй-хаёл билан мажлисда номига катнашиш учун келишган эди, холос. Лекин ўзининг қандай буюк миссия билан республика раҳбари бўлиб иш бошлаётганини, бу борадаги улкан масъулият ва жавобгарликни юрак-юрагидан ҳис қилган Ислон Каримов нафақат ишга, айти пайтда минг-минглаб одамлар тақдирига бундай менсимасдан муносабатда бўлишга мутлақо тоқат қилолмайди. Шунинг учун ҳам бутун мажлис иштирокчиларини огоҳлантиради: **“Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йул қўймайди”**.

Яна бир мисол. Республикамининг собиқ раҳбари Р.Нишонов Фаргона вилоятида бўлиб ўтган қонли тўқнашувларни хаспўшлаб, собиқ мустабид тузумнинг энг олий идораси бўлмиш СССР Олий Совети сессияси минбаридан “Бу - бир тарелка қулупнай устида бўлиб ўтган оддий можаро”, деб бутун дунёни чалғитган, энг ёмони, Марказга яхши кўриниш учун ўз халқининг бошига тушган фожиани атайлабдан яшириб, унинг манфаатларига хиёнат қилган эди.

Ўз халқини бундай огир кулфатлардан, таънаю маломатлардан халос этиш, унинг озод ва мустақил ҳаётини таъминлашни ўзининг бош мақсади, фаолиятининг асосий маъно-мазмуни деб билган Ислон Каримов эса ҳақиқатни ўз номи билан атаб, бўлиб ўтган жанжал-тўполонларнинг сабабини дадиллик билан очиб ташлайди: *“Барча воқеаларнинг илдизи – Фаргона водийсида яшаётган аҳолининг огир ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан боғлиқ, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилади”*. Савол тугилади: ахир, Фаргона воқеаларига бундай баҳо бериш ўша пайтда бутун дунёга ўз ҳукмини ўтказиб турган совет империясининг сиёсатига зид эди- ку? Ислон Каримов ҳукмрон сиёсатга очикдан-очик қарши боришга қандай журъат этди? Чунки Юртбошимиз, юкорида зикр этилганидек, буюк бир

миссияни – Ўзбекистонни, унинг жафокаш халқини қарийб 130 йилдан буён давом этиб келаётган мустамлакачилик зулмидан озод этиш вазифасини ўз зиммасига олган эди. Ана шу улуг мақсад уни доим жасоратга, ҳар лаҳза, ҳар дақиқада она халқининг тақдири ва келажагини ўйлаб яшашга даъват этади.

Ҳақиқатан ҳам, халқ дарди билан ёниб, нафас олган, ўзини буюк ишларга багишлаган мард ва жасур инсонлар ҳеч қандай хавфу хатардан қўрқмайди. Бамисоли бутун халқнинг эзгу ниятлари кўринмас кудратли кучга айланиб, уларни қўллаб-қувватлаб туради. Буни “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўқиш жараёнида қайта-қайта ҳис этамиз.

Ислом Каримов 1989 йилнинг 25 июнь куни жанжал-тўполонлар алангаси ичида қолиб кетган Фарғонага йўл олади. Ловуллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган, қаҳр-газабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб боради. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яширмасдан очик гаплашади. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч ким эшитмаган оҳу нолаларини тинглаб, юракдан чиққан самимий ва ҳаққоний сўзлари билан бамисоли уларнинг қалбидаги жароҳатларга малҳам қўйгандек бўлади, кўнгилларида яхши кунларга умид учқунларини уйғотади. Тартибсизликлар, қон тўкилишининг олдини олиш бўйича бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, аниқ чора-тадбирлар кўради.

Ислом Каримов лавозимга ўтирганига икки кун бўлар-бўлмас огир муаммо билан тўқнашади – 1989 йил 25 июнда Фарғонада вазият кескинлашади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ.Қодиров тўполон бўлаётган жойга десантчиларни ташлаш тўғрисида кўрсатма бергани боис, кўчаларда БТРлар турган, автоматчилар одамларни текшириб ўтказаетган бир пайтда Ислом Каримов ўша ерга етиб боради. Бундай шароитда, аввало, одамларни тинчлантириш, бунинг учун улар кўнглига ваҳима солиб турган куролли кучларни олиб кетиш зарурлигини тушунган Ислом Каримов десантчиларни жойига қайтариш ҳақида топширик беради. Шу куни хавфсизлик хизматининг қаттиқ қаршилигига қарамай, Қўқонга етиб келади. Йўл-йўлакай бир-икки жойда одамларнинг рўй бераётган воқеалар ҳақидаги фикрини ўрганади.

Фарғона водийси вилоятларини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, минтақадаги ижтимоий муаммолар ҳақида очик-ойдин ва ошқора гапиради, мавжуд кескин аҳволдан чиқиш йўли сифатида аҳолининг турмушини яхшилаш, жумладан, одамларни иш билан, томорқа ва уй-жой учун ер участкалари, чорва моллари билан таъминлаш масалаларини биринчи бор амалий нуқтаи назардан жиддий кун тартибига қўйиб, тегишли

вазирлик ва идоралар, вилоят ва туман раҳбарларига аниқ топшириқлар берди.

Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан фашизмга қарши уруш йилларида Ватанидан кувиб чиқарилган катор халқларга ўз юртига қайтишларида ёрдам бериш тўғрисида Декларация қабул қилинди ва СССР Олий Кенгашига тақдим этилди. Айтиш мумкинки, ўз вақтида катта сиёсий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган бундай ҳужжат (у қандай ҳал этилганидан қатъи назар) фақат Ўзбекистонда қабул қилинди²². Бу ҳаракат республика раҳбариятининг жонкуярлиги ва адолатпарварлигидан далолат берарди.

Ўзбекистон – шу юртда яшовчи ҳар бир инсон учун муқаддас диёр. Мана шу муқаддас ватанни асраш ва унинг тақдири учун курашишни чин дилдан истамаганимизда халқимиз Ватан мустақиллигига эришмаган, Ислом Каримовдек буюк, иқтидорли давлат раҳбарига эга бўлмаган бўлар эди. Қисқа вақт ичида Ислом Каримов раҳбарлигида республикада миллатлараро тотувлик, миллий кадрлар тайёрлаш каби долзарб масалалар ҳал қилина бошланди. Фаргона воқеаларида маҳаллий идора раҳбарларининг халқдан ажралиб қолганлиги, воқеаларнинг асл моҳиятидан беҳабарлиги, халқнинг дарду ҳасратига бепарволиги, лоқайдлиги яққол намоён бўлди.

Шундан сўнг, мамлакат раҳбарияти томонидан пахта яккаҳоқимлигига барҳам берилди, пахтага тўланадиган ҳақ қайта кўриб чиқилди, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам берилди бошланди. Айниқса, шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенгайтириш мақсадида 720 минг гектарга яқин унумдор ерлар деҳқонларга муддатсиз топширилиши²³ каби тадбирлар республикада сиёсий-ижтимоий кескинликнинг камайишига олиб келди. Бундан ташқари, республикада шу пайтдан бошлаб мустақил ривожланишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Агар ўша йиллар тарихига эътибор берадиган бўлсак, Фаргона воқеалари ҳақида шов-шув кўтарганлар, шундай конли фожиа ҳисобидан обрў топиш, ўз гаразли манфаатларига эришиш, халқимизни бадном қилишга уринган кимсалар кўп бўлган. Ислом Каримов бу борада куйиб-ёниб, асл ҳақиқатни катта дард ва жасорат билан баён қилади, фожиа оқибатларини баргараф этишнинг амалий ечимларини ишлаб чиқади ва изчил амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов Фаргона вилоятида ижтимоий кескинликни келтириб чиқарган сабаблар ҳақида қуйидагиларни баён этган эди: «Боз устига, кейинчалик маълум

²² Қаранг: Жўраев Н. Агар огоҳ сен.. Портретга чизгилар. Сиёсий эссе. Т., 1998. Б. 25.

²³ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., 1996. Б. 341.

бўлишича, кўпгина амалдор шахслар, жумладан, воқеалар ўт-оловдек чакнаб кетган Тошлок районидаги ана шундай шахслар конун-қоидаларни бузишган, порахўрлик қилишган. Улар, аввало, ўзлари ва қариндош-уруғларига яқка тартибда уйлар қуриш учун ер участкалари ажратиб беришган, ссудалар олишган, ҳолбуки, ер ва қарз олишга муҳтож бўлган 400 нафар оддий меҳнатқашга рад жавоби берилган эди.

Сотиш учун 319 та автомашина ажратилганида, шулардан 236 таси районда яшамайдиган, жумладан, бошқа республикаларда яшайдиган кишиларга гайриқонуний тарзда тақсимланган, уй-жой тақсимлаш тартиби кўпол тарзда бузилган, газлаштириш, сув таъминоти, ишга жойлаштириш масалалари неча йиллар мобайнида ҳал бўлмади қолаверган»²⁴.

1990 йилнинг август-сентябрь ойларида Тошкент вилоятининг Бўка туманида жанжал-тўполонлар бўлиб ўтади. Ислон Каримов ушбу туманга келганида аянчли манзаранинг гувоҳи бўлади – йўл ёқасида машиналар ёнар, жунбушга келган ёшлар тўполон қилишар эди. Янги раҳбар уларнинг ёнига бориб, ўзини таништиради. Отга миниб, халойиқ орасига қиради. Уларга мурожаат қилиб, «Нима талабларинг бўлса, менга айтинглар, ҳаммасига эътибор билан қараб, ҳал қилиб беришга ҳаракат қиламан», дейди. Марказ ҳақида ўзининг дангал фикрини айтади. Янги раҳбардан бундай жавобни сира кутмаган халойиқ бўшашиб қолади.

Фарғонадаги воқеалар тугаганидан сўнг ҳам ҳар хил миш-мишлар натижасида Тошкент вилоятининг Паркент ва Бўка туманларида баъзи кимсалар томонидан ноҳуш воқеалар уюштирилди. Масалан, 1990 йил 3 март куни Паркентнинг марказида оммавий тартибсизликлар туфайли шу ерлик М.Миртурсунов ҳалок бўлди. Ушбу ҳолат аҳолининг кайфиятига салбий таъсир этиб, норозиликларни кучайтирди. 1990 йил 2 декабрь куни Наманган шаҳрида ички кўшинлар ҳарбий хизматчилари билан маҳаллий ёшлар ўртасида келиб чиққан жанжал натижасида 5 нафар ҳарбий хизматчи ва 3 нафар маҳаллий миллатга мансуб фуқаро ҳалок бўлди²⁵.

1991 йилнинг 9 декабрида Наманган шаҳрида бир гуруҳ кўпорувчи кучлар вилоят ижроия қўмитаси биносини эгаллаб олиб, Ўзбекистонни Ислон давлатига айлантиришни даъво қилиб чиқишади ва республика раҳбари билан учрашувни талаб қилишади. Ислон Каримов президентликка номзод сифатида эртаси куни тонгда Наманганга етиб келади ва онги ақидапарастлик гоёлари билан заҳарланган, жазавага тушган оломон орасига сокчи ва ҳамроҳларсиз, бир ўзи, ҳеч иккиланмасдан, шижоат ва шиддат

²⁴ Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., 2011. Б. 179.

²⁵ Батафсилроқ қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Т., 2011.

билан кириб боради. Республика раҳбарини кўришгач, акидапарастлар бир оз довдираб қолишади. Президентимиз вазминлик билан сўз бошлайди ва уларнинг барча даъволарини аниқ фактлар билан рад этади.

Шуни айтиш керакки, Ислом Каримовнинг қатъияти ва жасорати бинони бошига кўтариб бакир-чакир қилаётган минглаб ашаддий экстремистларни ҳам саросимага солиб қўяди. Мамлакатимиз раҳбари ҳаяжонга берилмасдан, улар талаб қилаётган йўл қонунга мутлақо зид экани ва ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини уқтиради, салобати ва иродаси билан гувиллаб ётган оломоннинг шаштини сўндиришга, беҳуда қон тўкилишининг олдини олишга муваффақ бўлади.

Мустақиллик арафасида, яъни 1989 йилнинг 19 октябрь куни ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси муҳокамасига кўйилгани ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Ўша қалтис сиёсий-ижтимоий шароитда ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи кескин ва муросасиз баҳс ва тортишувларга сабаб бўлган. Ўша вақтда айрим сиёсий гуруҳлар Ўзбекистон шароитига мутлақо тўғри келмайдиган, бир-бирига бутунлай зид ва қарама-қарши фикрларни олға сурган, шунинг ҳисобидан ўзига обрў топиш, одамларни ортидан эргаштиришга уринган эди. Нега деганда, тил билан боғлиқ муаммолар орқали миллий туйғуларни рўқач қилиб, улардан гаразли мақсадларда фойдаланиш мумкин эди.

Ислом Каримовнинг ўша пайтдаги ҳар томонлама пухта ўйланган, мулоҳаза қилиб, барча сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг талабларини қондирадиган, энг муҳими, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига жавоб берадиган вазминлик сиёсати орқали ягона тўғри йўлни топишга эришилди. Натижада халқимизнинг муқаддас кадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига Мустақилликка қадар - 1989 йили 21 октябрда эга бўлди.

2.4.1990 йил 24 март куни бўлиб ўтган республика Олий Кенгашининг биринчи сессияси тарихи сессияси тарихи

Тўртинчи масала баёни:
тўзбекистоннинг давлат
мустақиллиги ва миллий
истиклолга эришуви
халқимизнинг буюк тарихий

ютуғидир. Мустақиллик — аждодларимиз берган мислсиз қурбонлар эвазига қўлга киритилган улуг неъмат. «Мустақиллик бизни мустабид ва мафқуралашган тузум қишанларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданиятини ва анъаналарини, кадр-

киммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди»²⁶.

Гарчи Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги юридик тарзда 1991 йил 31 августдан эътироф қилинса-да, мустақиллик учун интилиш, кураш анча аввалроқ бошланган эди.

Жумладан, 1990 йил 24 мартда мустақиллик йўлидаги жуда муҳим ҳамда масъулиятли қадам қўйилди. Шу куни ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессиясида Иттифокдаги республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозими жорий этилди. Бу тарихий воқеа эди. Шу ўринда айтиш жоизки, бундан ўн кун олдин, яъни 14 март куни СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съездида СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, Михаил Сергеевич Горбачев бу вазифага сайланган эди.

СССР таркибида (худудида) иккинчи Президентнинг пайдо бўлишини Марказ ва унинг раҳбарияти қандай қабул қилганликларини бугун тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

1990 йил баҳорида биринчи Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти горбачевча қайта куриш боши берк кўчага кириб қолганини англаб етди. Ўша вақтда СССР сиёсатчилари орасида бундай одамлар камдан-кам эди. Россия ва бошқа иттифокдош республикаларда тобора кучайиб бораётган тартибсизликлар Ўзбекистонда ҳам юз беришига йўл қўймаслик учун катъий чоралар кўриш керак эди. Ўзбекистонда ҳокимиятнинг озгина бўлса-да заифлашуви республика ичида миллатлараро низолар янгидан бошланиши, ижтимоий портлашларга олиб келиши мумкин эди. Шу сабабли 1990 йил мартада, Горбачев ва унинг атрофидагилар норози бўлишига ва қаршилик кўрсатишига қарамай, Ўзбекистон Олий Совети республика Президенти лавозимини таъсис этди ва унга Ислом Каримовни сайлади. Мамлакат аҳли ўша вақтда харакати тобора сусайиб, чўкаётган кемага ўхшаб қолган КПССга бундан буён кўр-кўрона эргашмаслигини, кўп миллионли халқ коммунистик мафкура тазйикига учрамасдан, ўзининг мустақил давлатида яшашни истаётганлигини ўз Президенти Ислом Каримов орқали очик-ойдин айтди.

Ислом Каримов Компартия 1990 йиллар бошидаги ҳолатида тарихий анахронизмга айланганини, миллий суверенитетни мустаҳкамлаш йўлида гов бўлиб қолганлигини жуда яхши тушунар эди. Лекин анча катта ҳокимият кучи ва жамятда ўз таъсирига эга бўлган партия-давлат аппаратини

²⁶ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. Т., 1997. Б. 104.

бирданига енгил нореал иш эканлигини ҳам чуқур англари эди. У Ўзбекистонда Компартиянинг мафкураси ва сиёсатини тубдан ўзгартиришга ҳаракат қилиб, айна вақтда бошқарув ҳокимият тузилишини сақлаб қолиб, партияни қайта ташкил этиш йўлидан борди. Бунда Президентимиз халқнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма» деган доно нақлига амал қилди.

1991 йил августидаги воқеалардан кейин Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Компартияси тубдан ислоҳ қилиниб, мафкураси ва сиёсати мутлақо Янги бўлган Халқ демократик партиясига - парламент типидagi партияга айлантирилди. Ҳокимият аста-секин, аммо оғишмай партия маҳкамаларидан бошқача бошқарув тизимига: президент – ҳукумат – маҳаллий маъмурият (ҳокимиятлар) тизимига ўта бошлади.

Ўзбекистонда Президентлик институтининг жорий этилиши давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллигига эришиш йўлида қўйилган тарихий кадам бўлиб, чинакам сиёсий ва маънавий жасорат намунаси эди.

Ўзбекистон халқининг манфаатларини кўзлаб Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилган дастлабки тадбирларнинг ўзиёқ президентлик бошқарувининг ўз вақтида таъсис этилганидан далолат беради. Хусусан, 1990 йил 20 июнда республика Олий Совети томонидан Мустақиллик декларацияси қабул қилинади. Бу мустақил давлатчилик сари интилишимизнинг иккинчи босқичидир.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотига асосланиб, қабул қилинди. Қонуннинг 1-моддасида қайд этилганидек, «Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир». Қонунда Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир асоси экани белгилаб қўйилди. Хусусан, унда «Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади» (2-модда), дейилди.

Давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш принципи Қонунда ўз ифодасини топди: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади» (5-модда).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур Қонунга конституциявий мақом берилган²⁷.

1 сентябрь - Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги куни - умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

1991 йилнинг 19-21 августда Совет Иттифоқида давлат тўнтариши содир этилди. Мамлакатда ғавқулодда ҳолат жорий этилиб, ҳокимият ГКЧП (Ғавқулодда вазиятлар давлат қўмитаси) қўлига ўтди. Ана шундай вазиятда Ўзбекистон раҳбарияти вазминлик билан оқилона йўл тутди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 21 августда кўшма мажлис ўтказиб, унда «СССР ГКЧПсининг Ўзбекистон ССР Конституцияси ва қонунларига зид ҳужжатлари Ўзбекистон ҳудудида амал қилмайди», деган қарор қабул қилди.

1991 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда инсоний кадриятларни янада камол топтириш, ўзига ишонч руҳи ва миллий гурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжихатлик, меҳр-шафқатни улуглаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш мақсадида Наврўз байрамини кенг нишонлаш ҳақидаги фармон имзоланиб, 21 март дам олиш куни деб белгиланди. Наврўзни янгичасига, катта умумхалқ байрами сифатида тантана билан ўтказиш ҳақидаги қарор ўша даврда халқимизни жипслаштиришда муҳим роль ўйнади.

Республикаimiz Президентининг «Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида»ги Фармони мамлакатимизда ягона гоё — инсонни улуглаш, миллий гурурни юксалтириш, ҳамжихатлик, биродарлик, меҳр-шафқат, тинч-тотувлик мақсадлари ва гоёлари билан йўгрилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг энг катта ютуғи шундаки, у одамлар билан юзма-юз туриб гаплашди, рост гапирди, ёлгон ва баландпарвоз ваъдалар бермади. Халқ эса аччиқ бўлса-да, рост гапга муҳтож эди. Чунки у йиллар мобайнида ҳаёт ҳақиқатидан маҳрум бўлиб, уйдирма ва ҳавойи шиорлар гирдобига гарқ этилган эди. Ҳукумат раҳбари сифатида Ислом Каримов халқ кўнглига қараб, ҳаётнинг кемтик жойини тўлдиришга киришди.

Мамлакат раҳбарининг халқ билан очиқ, юзма-юз туриб гаплашиши жамиятда ижтимоий-сиёсий муҳитнинг бир оз барқарорлашишига олиб

²⁷Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 11-сон. 268-модда.

келди. 1989-91-йиллар, айтиш мумкинки, бир неча минг йиллик тарихимизда шиддат билан бошланаётган Миллий Тикланиш, Миллий Уйғониш ва Миллий Тараққиёт даврининг муқаддимаси бўлди. Худди ана шу йилларда

Наврўз миллий байрам сифатида кенг нишонланди, бу оммавий тадбирда биринчи марта ҳукумат раҳбарлари ва шахсан Ислом Каримов халқ билан бирга байрамни нишонлади. Бу анъана бугунги кунгача давом этиб келмокда.

Бу воқеаларни бугун - орадан бирмунча вақт ўтгач, хотиржам эслаш осон.

Ўша пайтларда ҳар бир кишининг қалбида аллақандай ҳадик, ифодалаб бўлмас кўрқув, унга қоришиб кетган севинч ва ҳаяжон бор эди. Бу воқеаларни ҳар ким ўзича тушунди, ўзича талқин этди. Бироқ, Ўзбекистон раҳбарияти ўз сўзида собит турди. Турли хийлаю найрангларни, игво ва маломатларни қатъият ва амалий иш билан енгди.

Мустабид тузум даврида халқимизнинг ҳақиқий тарихи, бой маданий мероси, урф-одат ва анъаналари, Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини нишонлаш, динга ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъқиқлаб қўйилган эди. Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа азиз авлиёларимиз, Амир Темур, Бобур сингари улуг аجدодларимиз меросига нисбатан адолатсизлик ҳукм сурди.

Айрим маҳаллий раҳбарлар ҳам ҳукмрон мафкурага сажда қилган ҳолда амал пиллапоясидан кўтарилиш илинжида ўз аجدодлари мероси ва миллий кадриятларни рад этишгача боришди. Халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, маданияти оёкости килинди, давлат идораларида ўзбек тилида ҳужжат ишларини юритиш сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто, шундок ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари ҳам кимларгадир макбул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либосда саҳнага чиқиш ҳам қораланди. Бу ишларнинг бари халқ руҳини чўктириб, унинг келажакка бўлган ишончини сўндира бошлади. Мана шундай шароитда И.Каримов бундай бирёқлама, қалтабин сиёсат мамлакатни таназзулга олиб келганлигини теран англаб, миллий кадриятлар ва тарихий меросни тиклаш, умуминсоний кадриятларга содиклик, халқпарварлик тамойилларини ҳаётга жорий этиш зарурлигига эътибор қаратди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов сиёсати ва иш услубининг ўзига хошлигини ўзбекистон халқлари учун кадрият саналган ислом динига муносабат масаласида кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбари мустақилликка қадар ва мустақиллик йилларида ислом маданияти ва маърифатини кенг тарғиб қилишга катта аҳамият берди. Марказий Осиё тарихида биринчи марта Қуръони карим ва ҳадислар, қолаверса, бир қатор бошқа диний китоблар ўзбек тилида чоп этилди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг диний мерос, диний ташкилотлар ва виждон эркинлиги масаласидаги фаолиятининг гоят инсонпарвар мазмуни ва новаторлик кучи шундаки, у мамлакат аҳолиси турли табақаларининг – турли дин ва ақидаларга дахлдор бўлган кишиларнинг коммунистик мафкура таъсирида чекланиб, бикиниб қолган онгини кескин ўзгартириб юборди. Уларнинг тафаккурида бурилиш ясади. Ҳар бир тирик жонга қандайдир азиз бўлган, у муҳтож ва чанқоқ бўлган энг нозик, энг ҳаётбахш, энг лаззатли ҳис- туйғуларни ҳадя этди.

Ислом дини, нафакат инсон одоби ва унинг турмуш тарзи, балки давлат ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар, юрт пешвосининг маънавий қиёфаси, жамиятдаги ўрни, сиёсатдаги адолат мезони, сўз ва фикр эркинлиги каби мураккаб ижтимоий масалалар хусусида ҳам сабоқлар беради. Шу боис ҳам бу ўлмас қадриятлар, ҳаётий тажрибалар бугунги янги давлатчилигимиз қурилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Агар биз босиб ўтилган истиклол йўлимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, унинг илк йиллариданоқ динга муносабат, давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни тўғри йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилганлигига амин бўламиз. Шунинг учун ҳам бугун кўпмиллатли мамлакатимизда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар” тўғрисидаги Қонун асосида босиқ-вазмин, узокни кўзлаган сиёсат амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов сиёсий вазият ниҳоятда қалтис ва нозик бир пайтда оташин нутқ ва маърузалари билан одамларнинг нозик туйғуларига таъсир этди, уларни узок йиллик қарахтлик ва гафлатдан уйғотди, фикрлашга, ўз тақдири ва фарзандлари истикболи ҳақида қайғуришга даъват этди. Бу билан у, биринчидан, мамлакат аҳолисини руҳий-маънавий покланишига эришди. Иккинчидан, мамлакатдаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликка ўзига хос замин яратди.

Кремлнинг асабий жазаваларига қарамай, юртимиз ҳали советлар исқанжасида турган огир кунларда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов халқ хоҳиш-иродасига қулоқ тутиб, унутилмас бир тарихий ҳужжатга имзо чекди. 1990 йил 2 майда қабул қилинган Фармонга кўра, мусулмонлар ҳаётидаги қутлуг саналар – Қурбон ва Рамазон ҳайитлари дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Бу фармон айнан халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Эл-улус ўзининг янги етакчиси амалга ошираётган халқпарвар сиёсатни қўллаб-қувватлай бошлади. Бу Фармон юртдошларимиз руҳиятида улкан ижобий ўзгариш ясади. Бу фармон мазлум халқнинг “кўксига шамол тегажидан” бир нишона бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ана шундай мураккаб ва оғир шароитда ўз халқининг дардига кулоқ солиш, унинг муаммоларини ҳал қилиш орқалигина мамлакатни танглик ва бўҳрондан олиб чиқиш мумкинлигини англаб етди ва бу мушкул вазифани адо этишга зўр қатъият ва шижоат билан киришди.

Жамият аъзоларининг виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг ўз диний маросим ва урф-одатларини эмин-эркин адо этишлари учун барча зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Янгидан-янги масжид ва мадрасалар қуриш, эскиларини тиклаш-таъмирлаш бўйича улкан тадбирлар амалга оширилди, бу жараён ҳозир ҳам давом этмокда. Айни пайтда мамлакатимизда 2 минг 50 дан зиёд масжид расмий рўйхатдан ўтказилган ҳолда фаолият кўрсатмокда.

Диний асарларни нашр этиш кескин суръатда ошди. 1990 йилгача Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг «Совет Шарки мусулмонлари» журнали 5 тилда нашр қилар эди. Унинг ҳам мазмун-мундарижаси ўша давр талабларига мос эди, албатта. Мустақиллик шарофати билан «Ислом нури» ҳафтанома ва «Ҳидоят» журнали дунёга келди, кўплаб диний-ахлоқий адабиётлар чоп этила бошланди. Жумладан, Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилддан иборат, Имом ат-Термизийнинг бир жилдли ҳадис китоблари, бошқа алломаларнинг қатор асарлари юз минглаб нусхаларда чоп этилди. Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган «Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва изоҳи» саккиз марта, жами бир миллион нусхада нашр этилди. Бундан ташқари, ҳадис ва шаръий илмларга доир кўпгина асарлар она тилимизга ўгирилди ва минг-минглаб нусхаларда чоп этилди.

Айни пайтда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида камида биттадан ўрта махсус диний билим юрти бор. Тошкент шаҳрида эса Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Ҳадичаи Кубро номидаги хотин-қизлар диний билим юрти, Кўкалдош мадрасалари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги қарори билан Тошкент шаҳрида Ислом таълимоти ва фалсафасини, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Халқаро Ислом тадқиқот маркази ташкил этилди. Мазкур марказнинг асосий вазифаси диёримиз мусулмонларига миллий кадрият-ларимизни, ҳақиқий Ислом таълимотини етказиш, мавжуд Исломий осори атикалар тарихини ўрганиш, нодир кўлөзма асарларни тадқиқ этиш, улар билан кенг жамоатчиликни таништириш, дарслик ва қўлланмалар, лугатлар тайёрлаш ва нашр қилишдан иборат. 1999 йили Президентимиз ташаббуси билан Тошкент ислом университети ташкил этилди. Бу каби илм ва

маънавият масканлари ислом дини асосларини тарғиб этиш билан бирга, диний экстремизм ва жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойили бўйича кенг камровли ишларни амалга оширмоқда.

2.5. Миллий армия ва ички ишлар таркиби шаклланиши

Бешинчи масала баёни. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон хали мустақилликка эришмасдан бурунрок миллий армияни шакллантириш

масаласига муҳим эътибор бера бошлаган эди. Мустақиллик эълон қилинган бўлса-да, СССР Мудофаа вазирлиги ва унинг қуролли кучлари сақланиб турган бир пайтда бундай кучга қарши тик бориш оғир оқибатларга олиб келишини яхши тушунган Президентимиз ҳарбий соҳада ишни босқичма-босқич ҳал этиш йўлидан борди. 1991 йил 6 сентябрда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида»ги Президент фармони бу йўлдаги биринчи қадам бўлди. Бу янгиликни «ҳазм қила олмаган» Кремль Ўзбекистон Республикаси Президентига тазйиқ ўтказишга уриниб кўрди.

Ўша вақтда СССР Мудофаа ишлари вазирлиги ва унга бўйсунувчи Туркистон ҳарбий округи ҳар қандай вазиятда республика Мудофаа ишлари вазирлигини тан олмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Бу пайтда Туркистон ҳарбий округи қўмондонлик таркибининг фақат икки-уч фоизигина ўзбекистонлик бўлиб, қолганлари четдан келган эди. Шунинг учун ҳам янги ташкил топган, ҳали ўз кўшини, ўз қуролли кучлари, ўз ҳарбий техникаси ва қурол-аслаҳасига эга бўлмаган республика Мудофаа вазирлиги Туркистон ҳарбий округи билан ўз муносабатларини эҳтиёткорлик билан олиб бориши лозим эди. Президент Мудофаа вазирини ўз ҳузурига чақириб, республикада осойишталикни сақлаб қолган ҳолда, мудофаа кудратини оширишнинг чуқур ўйланган йўлини кўрсатиб беради. Бу ишларни ортиқча ҳиссиётга берилмасдан, босиқлик билан амалга ошириш зарурлигини уқтиради. Мамлакатимиз дахлсизлигини таъминлаш учун биринчи галда куйидаги ишларни бажариш вазифасини топширади:

- 1) Ҳарбий комиссариатларни республика ихтиёрига ўтказиб, собик Иттифоқ армиясига аскар юборишни тўхтатиш;
- 2) Иттифоқнинг турли ҳудудларида хизмат қилаётган ўзбекистонлик аскар ва зобитларни республикага қайтариб олиб келиш;
- 3) Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча ҳарбий гарнизон ва қисмларни республика тасарруфига ўтказиш.

Шундан сўнг фақат ўзбекларгина эмас, ўзларини Ўзбекистон фуқароси, Ўзбекистонни Ватаним деб билган турли миллат вакиллари бўлган офицер ва прапорщиклар ҳам Ўзбекистонда хизмат қилиш истагини билдира бошлади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ўз юртига қайтиши, бир қарашда осон ишдек туюлиши мумкин, аслида уларнинг ижтимоий ҳимояси, уй-жой билан таъминланиши каби мураккаб масалаларни ҳам ҳал қилиш зарур эди. Ортга суриб бўлмайдиган бу вазифа юзасидан Президентимиз Ислон Каримовнинг аниқ кўрсатмаси асосида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш ҳуқуқий таъминланади²⁸.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, хавфсизлиги, чегаралари дахлсизлигини, аввало, унинг армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилиши зарур. Шу боис ҳам истиклолнинг илк йиллариданок мамлакатимиз мудофаасини кучайтириш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Дастлаб 1991 йил 25 октябрдаги қарорга биноан, унинг ҳуқуқий мақоми, таркибий тузилиши ва низомлари тасдиқланди. Шунингдек, Мудофаа ишлари вазирлиги Бош штаби ва бошқармалари тузилди. Ўша вақтдаги энг жиддий муаммо — армиядаги кадрлар масаласи бўлиб, ҳарбийлар сафида маҳаллий кадрлар жуда оз эди. Буни 1991 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этгани ҳам тасдиқлайди. Ушбу масалани ҳал этиш учун Президентимиз гоёлари асосида янги ҳарбий ўқув муссасалари, Қуролли Кучлар академияси барпо этилиб, уларда ҳарбий ишга салоҳияти бор Ўзбекистон фарзандларини тайёрлашга киришилди. 1992 йил 14 январь куни мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим воқеа юз берди – мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти ташаббуси билан эълон қилинган ушбу ҳужжат туфайли мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилишига йўл очилди. 14 январь юртимизда «Ватан ҳимоячилари куни» деб эълон қилинди.

Ўтган давр мобайнида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислохотлар туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ҳар қандай тажовуз ҳамда гаразли уринишларнинг олдини олишга қодир бўлган ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, юксак тайёргарликка эга миллий армиямиз шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг куйидаги ҳарбий округлари ташкил топди:

²⁸ Қаранг: Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. Т., 2011. 156-159-бетлар.

1. Шимоли-гарбий ҳарбий округ (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти);
2. Жануби-гарбий махсус ҳарбий округ (Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари);
3. Марказий ҳарбий округ (Самарканд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари);
4. Тошкент ҳарбий округи (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти);
5. Шарқий ҳарбий округ (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари).

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида Ўзбекистонга собиқ Иттифокнинг турли минтақаларидан юборилган кадрлар келиб, турли нуфузли лавозимларни эгаллади. Аммо уларнинг аксарияти республика аҳлига ҳамдард бўлиш у ёқда турсин, балки партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органларида ўзларининг раҳбар лавозимларига тайинланишларини ўзбошимчалик қилиш учун берилган ёрлик деб билдилар.

Ўзбек шоири Муқимийнинг (1850-1903) “Танобчилар” ҳажвиясидаги танобчилар халққа қарата “Ўт қўюбон куйдирадугон ўзим, Ҳокимингу ўлдурадургон ўзим” деган сўзларини айнан янги давр “танобчилари” ҳам такрорлаб қолишган эдилар.

Халқнинг жуда бой тарихи ва маданиятини, ўлканинг ўзига хос ноёб хусусиятларини билмаган ва билишни ҳам истамаган бу одамлар республика ҳаётини босиб-янчиб, қингир ўзанга солишга киришдилар. Президентнинг бевосита кўрсатмаси билан республика ИИВнинг масъул лавозимларига малакали маҳаллий кадрлар қўйилди. Тизим раҳбарлиги халқ тақдирига бефарқ бўлмаган, унинг орзу-армонлари билан яшайдиган кишилар қўлига ўтгач, ишда жиддий ижобий ўзгаришлар юзага келди. Уюшган жинойтчилик, босқинчилик, автомашиналарни олиб кочиш сингари ўнлаб жинойтларнинг пайи қирқилди. Собиқ Иттифокда авж олган автомашина ўғирлигини оладиган бўлсак, агар 1990–1991 йилларда бир кунда ўртача 154 та жинойт расмий рўйхатга олинган бўлса (рўйхатга тушмаган жинойтларнинг эса саноги йўқ эди!), айти масалада Президентимиз кўрсатган қатъият туфайли 1992 йилга келиб бир йилнинг ичида бундай бемазагарчиликларга чек қўйилди. Икки йил ичида 6 мингга яқин жинойтчи гуруҳлар, шу жумладан 500 уюшган жинойтчилик гуруҳи фoш этилди²⁹.

1990 йил 31 октябрида Президент имзолаган «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССРнинг қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг ИИВ тўғрисида»ги 270-сонли қарори бу тадбирларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди. Мазкур

²⁹ Қаранг: Ижтимоий – сиёсий назария очерклари. Т., 1991. 121-122-бетлар.

хужжатларнинг қабул қилиниши билан ИИВ фаолиятига доир энг муҳим масалалар ўз ечимини топди. Уларда ички ишлар ходимларининг асосий вазибалари, ҳуқуқ ва бурчлари аниқ кўрсатиб берилди, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш чоралари белгиланди. Ҳар бир мансабдор шахснинг ҳуқуқ ва масъулияти алоҳида кўрсатилиб, вазирликнинг янги структураси тасдиқланди. Энг муҳими – бу тизим фаолиятини молиялаш, ходимларга унвонлар бериш ва лавозимларга тайинлаш республика ихтиёрига олинди. Шу тариқа юртимиз ички ишлар тизими ўз мустақиллигини қўлга киритди.

1984-1989 йилларда «Ўзбекистонда социалистик қонунчиликни тиклаш» шиори остида республика барча ҳуқуқ-тартибот идораларига Марказдан минглаб одамлар жўнатилган. Бу идоралар орасида шахсий таркиби, ҳаракатланиш ҳудуди ва таъсир кучи нуқтаи назаридан энг йириги ҳисобланган Ўзбекистон ССР ИИВга собиқ Советлар мамлакатидан 150 та ходим келди. Йиллар бўйича қарайдиган бўлсак, 1984 йилда 5 та, 1985 йилда 33 та, 1986 йилда 86 та, 1987 йилда 27 та, 1988 йилда 2 та, 1989 йилда 3 та «осойишталик посбони», бировдан сўраб-сўрамай, Ўзбекистонга «ташриф буюрган». Бу «кутилмаган меҳмонлар»нинг асосий мақсади – социалистик мулкни ҳимоя қилиш ва социалистик қонунчиликни таъминлаш эмас, балки ўзбек халқини таҳқирлаш эвазига хизмат пиллапояларидан кўтарилиш эди³⁰.

Ўзбекистон ССР ИИВ таркибида ишлаган шовинистик кайфиятдаги бу кимсалар ўзлари қаби прокуратура ва суд тизимига туширилган «десантчи»лар билан тил бириктириб, сиёсат юритишган. Гдлян ва Иванов бошчилигидаги «десант» амалга оширган қонли терговлар қанча-қанча инсонлар, бутун-бутун оилалар бошига чексиз хўрлик, кулфатлар келтирди.

Хулоса чиқариб шуни айтиш лозимки, ўрганилаётган давр гоят суронли, таҳликали ва айни пайтда мустақилликка интилаётган юртимиз учун буюк ўзгаришлар дебочаси даври эдики, бу тарих Ислом Каримов яратган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли китобида³¹ ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Китобда юртимиздаги гоят қалтис ва носоглом вазият, озгина учкун чиқса бутун республика ловвуллаб ёниб кетадиган, тўғри йўлни топиш гоят мураккаб ва хатарли бўлган бир шароитда инкироздан чиқиш, Ўзбекистоннинг тақдири ва келажагини ҳал этадиган энг муҳим масалалар бўйича улкан донишмандлик ва жасорат билан баён этилган концептуал ёндашувлар, амалий фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифларга алоҳида эътибор қаратилганки, улар нафақат келажак авлодга яқин ўтмишимизни

³⁰ Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. Т., 2011. 266-277-бетлар.

³¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., 2012. Б. 432.

холис ўргатиш, айна пайтда, уларни ҳаёт синовларига чидамли, мустаҳкам иродали, ўз юрти ва халқи манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ҳар қандай синовларга тайёр бўлган юксак ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашда бекиёс аҳамият касб этади.

Назорат саволлари:

1. Мустақилликка эришиш оstonасида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг ҳолати қандай бўлган?
2. 1989 йил ўрталарида юртимизда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятни изоҳланг.
3. “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” каби “жинорий ишлар” нимани англатар эди?
4. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон тарихида биринчи бор президентлик лавозимини жорий этилиши ва унинг аҳамияти.
5. Мустабид тизим инқирозининг ижтимоий сиёсий сабаблари ва уларни бартараф этиш хусусиятларини таҳлил этинг.
6. Президент Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобида истиклол арафасида ҳукм сурган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият таҳлили ҳақида гапириб беринг.
7. Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дастлабки қадамлари нималарда намоён бўлди?
8. 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик декларациясида миллий армия, давлат ҳудуди чегараси дахлсизлиги каби ижтимоий-сиёсий масалаларнинг кўйилиши.
9. Гдлян, Иванов бошчилигидаги “десантчилар” томонидан амалга оширилган конхўрликларни бартараф этишда Ўзбекистон раҳбарининг жасорати.
10. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган учта тарихий ҳужжатнинг қабул қилиниши ва уларнинг ижтимоий-тарихий аҳамияти.

Тест саволлари:

1. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистонда юзага келган ўта жиддий муаммолар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 - a. Республикада ишсизлар сонининг кўплиги, замонавий технологияларнинг жадал ривожланганлиги
 - b. Республика иқтисодиётининг номақбул ихтисослаштирилиши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар улушининг юкорилиги

с. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг самарали жойлашуви, саноат объектларининг етарли эмаслиги

d. Республикадаги ижтимоий аҳволнинг кониқарсизлиги, демографик вазиятнинг мураккаблиги*

2. Қуйидаги қайси жавобда республикадаги оғир аҳволнинг вужудга келиш сабаблари нотўғри кўрсатилган?

a. Республика табиий ва иқтисодий ресурсларининг етарли эмаслиги*

b. Республикага асосан хом ашё базаси, саноат вазирликлари ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи сифатида қараб келиниши

с. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмаган, баъзан эса бу хусусиятларнинг писанд ҳам килинмаган

d. Иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимоотида Ўзбекистоннинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмаган

3. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистон қишлоқларида ери йўқ оилалар сони қанчани ташкил этган?

a. 10,5 минг нафар

b. 240 минг нафар*

c. 350 минг нафар

d. 1,5 миллион нафар

4. 1989 йил 17 августда қабул қилинган “Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида”ги қарорда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига қанча ер ажратиш кўзда тутилган эди?

a. Ўртача 6 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 15 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди

b. Ўртача 4,5 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 10 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди

c. Ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди*

d. Ўртача 20 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди

5. Мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистондаги барча асосий фондларнинг қанча қисми собиқ Иттифоқ тасарруфида эди?

- a. 70 фоизи
- b. 60 фоизи
- c. 40 фоизи
- d. 30 фоизи***

6. Қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши қанчани ташкил этар эди?

- a. 80 фоиздан кўпроқ***
- b. 60 фоиздан кўпроқ
- c. 50 фоиздан кўпроқ
- d. 20 фоиздан кўпроқ

7. «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида»ги қарор қачон қабул қилинди?

- a. 1989 йил 17 августда**
- b. 1989 йил 21 октябрда
- c. 1990 йил 24 мартда
- d. 1990 йил 22 июнда

8. Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви қачон жорий этилди?

- a. 1989 йил 17 августда
- b. 1989 йил 21 октябрда
- c. 1990 йил 24 мартда***
- d. 1990 йил 22 июнда

9. Мамлакатимиз дахлсизлигини таъминлаш учун биринчи галда қайси ишларнинг бажарилиши белгиланган эди?

a. Ҳарбий комиссариатларни республика ихтиёрига ўтказиб, собик Иттифок армиясига аскар юбориш

b. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча ҳарбий гарнизон ва ҳарбий қисмларни республика тасарруфига ўтказиш*

c. Иттифок ҳудудида хизмат қилаётган Ўзбекистонлик аскар ва зобитларни республикага қайтариш

d. Фақат а ва b жавоблар тўғри.

10. 1991 йил 31 августда қандай тарихий ҳужжат қабул қилинди?

a. Мустақиллик декларацияси.

b. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тўғрисида”ги қонун.

с. “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги қонун.*

д. “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида”ги қонун.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Тошкент: “Ўзбекистон”. 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини тامينлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. -Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли.- Тошкент: “Ўзбекистон”. 1992.
4. Каримов И.А. Ҳозирги даврда демократик ислохатларни чуқурлаштиришнинг долзарб вазифалари. - Тошкент : “Ўзбекистон”.1997.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Тошкент : “Шарқ”.1998.
6. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. -Тошкент : “Ўзбекистон”, 2005.
7. Каримов И.А.Ўзбекистон мустақилликга эришиш оstonасида. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2016.
8. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. - Тошкент: “Шарқ”. 2001.
9. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. -Тошкент: “Шарқ”. 2001.
- 10.Жўраев Н. Агар огоҳ сен.. Портретга чизгилар. Сиёсий эссе. Т., 1998.
- 11.Усмонов Қ., Содиков М. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). - Тошкент. “Шарқ”. 2002.
13. Усмонов Қ.ва бошқалар Ўзбекистон тарихи. (Дарслик). - Тошкент: “Иқтисод молия”. 2006.
- 14.Хужамбердиев Ё. Ўзбеклар иши. -Тошкент: “Ёзувчи”. 1990.
- 15.Ҳасанов Р. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ” Ўзбекистон мустақилликга эришиш оstonасида” –номди китобини ўрганиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: МРДИ, 2012.
- 16.Ўзбекистон мустақилликга эришиш оstonасида: 100 саволга 100 жавоб//тузувчи: доц. Раҳмонали Ҳасанов. – Т.: МРДИ, 2012

3-МАВЗУ: МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

3.1 Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти

3.2 Мустақиллик арафасидаги мураккаб сиёсий жараёнлар

3.3 Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг тарихий аҳамияти

Таянч тушунчалар: Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, Президент, Мустақилликка қўйилган илк кадам, „Мустақиллик куни“, референдум, „Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида шартнома“, „Совет раҳбариятининг Баёноти“, сиёсий жараёнлар

3.1. Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти

1990- йил 18- июн куни XII чакирик республика Олий Кенгашининг **Биринчи масала баёни**. иккинчи сессияси очилди. Депутатларнинг таклифи билан

Ўзбекистоннинг Мустақиллик декларациясини қабул қилиш масаласи сессия кун тартибига киритилди. Олий Кенгашнинг доимий комиссиялари, фаол депутатлар ва ҳуқуқшунос мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган Мустақиллик декларацияси матни сессияда қизгин муҳокама қилинди ва 20-июн куни қабул қилинди. Мустақиллик декларацияси 12 моддадан иборат бўлиб, уларда халқимизнинг хоҳиш-иродасига тўла мос келадиган қуйидаги муҳим тартиб-қоидалар белгилаб қўйилди:

„Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши: — ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари. — ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи. — ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда. — Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда. — халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий кадриятларга ва демократия принципларига асосланиб Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилади”.

Ўзбекистон ССР нинг давлат мустақиллиги: • Ўзбекистон ССР демократик давлатининг ўз ҳудудида, барча таркибий қисмларида ва барча ташки муносабатларда танҳо ҳокимлигидир. • Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмас. СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий

Кенгашитомонидан тасдиқлангандан кейингина Ўзбекистон ҳудудида кучга эга бўлади. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради. Ўзбекистон ССР халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олади, ҳурмат қилади ва ҳоказо. Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши мамлакатимизнинг том маънодаги, ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шундан эътиборан мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал этила бошланди. Ўзбекистоннинг мустақиллик сари интилаётгани унинг янги Иттифок шартномасини ишлаб чиқиш жараёнига республика манфаати нуқтайи назаридан келиб чиққан ҳолда, қатъийлик билан ёндашаётганида яққол намоён бўлди. Собик Иттифокка қирувчи республикалар расман тенг ва суверен деб юритилса-да, амалда қарам эдилар. Улар ўз ерлари, сувлари, ўрмонлари ва ерости бойлиқларига, кўпдан кўп корхоналарига ўзлари эгаллик қилолмади эдилар.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуннинг сўз бошисида “Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ушбу Қонунни қабул қилади”-дея таъкидлаб ўтилган.

Ушбу қонуннинг 2-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади” дейилган бўлса, 3-моддада Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди”-деб бу давлатнинг мустақил, суверен мақомга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган. Бу Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас”. Шунингдек, 5-моддада Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси давлат идораларнинг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга. Суверен Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СССР Қуролли Кучларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини

Ўзида саклаб қолади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир. Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади.

Давлат мулки объектлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, шу жумладан Иттифоқ қармоғида бўлиб келган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки, уларнинг асосий ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва оборот ёки бошқа фондлари ҳамда ўзга мол-мулки, ички коммуникация, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари, республика картографияси ва геодезияси Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

Ўзбекистон Республикасининг мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш республика қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Республика ҳудудида жойлашган, Иттифоқ қармоғида бўлиб келган давлат корхоналарини акцияли жамиятларга айлантириш, уларни мулкнинг бошқа шаклларига ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида олтин, бошқа қимматбаҳо металллар ва тошларни казиб чиқариш, қайта ишлаш ва саклашни мустақил амалга оширади ҳамда назорат қилади, ўз олтин захирасини яратади.

Ўзбекистон Республикаси СССРнинг олтин захирасида, олмос ва валюта жамғармаларида ўз улушига эга.

Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги — миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қозғоғлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади. Республика ҳудудида олинган солиқлар ва йигимлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетларга тушади. Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатади, улар билан мухтор вакиллар айирбошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди, ўзининг конверсия қилинадиган валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа захираларини, айирбошланган валютани сотади ва сотиб олади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги жорий

этилади. Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллатидан, элатидан, ижтимоий чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар, республика Конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари республикадан ташқарида ҳам Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясида бўладилар. Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир ва уларни ҳар қандай таҳқирлаш қонун билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий бутунлигини ва мустақиллигини эътироф этади. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тенг ҳуқуқлилик асосида, улар ўртасидаги икки томонлама шартномалар ва битимлар воситасида курилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан тегишли қонунлар асосида эркин чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади (**“Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонун**)дан.

3.2. Мустақиллик арафасидаги мураккаб сиёсий жараёнлар

Иккинчи масала баёни. 80-йилларнинг охирлари, 90-йилларнинг бошларида кўпчилик республикалар

мавжуд вазиятни ўзгартириш талабларини илгари сура бошладилар. Ўзбекистон Республикасининг раҳбари Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов 1989-йил 20-сентябрда Москвада бўлиб ўтган КПСС МҚ сининг пленумида сўзлаган нутқида республикалар билан Иттифоқ ўртасидаги ваколатларни аниқ-равшан ажратиш кўйишни кўзда тутадиган янги шартнома ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида ўз фикрини билдириб: „Биз Иттифоқ ва республикаларнинг вазифаларини, бурчларини ва ўзаро мажбуриятларини аниқ-равшан белгилаб кўйиш, республикалар мустақиллигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш тарафдоримиз“, — деган эди. Бироқ марказий ҳокимият республикаларга эркинлик бериш ҳақидаги талаб-таклифларни эътиборга олишни истамас, тўғрироғи уларга эркинлик беришни хоҳламас эди. Марказнинг қайсарлиги ҳамда республикалар жамоатчилигининг таъсири остида марказдан ажралиш ҳаракати кучайиб борди. 1990-йил баҳорида Болтиқбўйидаги Латвия, Литва, Эстония Республикалари, кейинроқ Грузия ва Озарбайжон Республикалари

Иттифок таркибидан чиққанлигини эълон қилдилар. Иттифок бўйича ўз миллий давлат тузилмаларидан ташқарида яшаётган 60 миллиондан ортиқ аҳоли миллий-этник муаммолар, можароларга дучор бўлди. Россия, Украина, Беларус парламентлари давлат суверенитети тўғрисида декларация қабул қилдилар. Иттифокдош республикалар кетидан РСФСР га кирувчи мухтор республикалар ҳам суверенитет ҳақида декларациялар қабул қилишди. Марказда ва жойларда СССР Конституцияси ва қонунлари устунми ёки республика Конституцияси ва қонунлари устунми, деган масалада баҳс ва мунозаралар кучайди. Марказдагилар „Кучли марказ — кучли республикалар“ деса, жойлардагилар „Кучли республикалар — кучли марказ“ дер эдилар. Марказий ҳокимият жамоатчилиқнинг талаби остида Иттифок шартномасини янгилаш зарурлигини эътироф этишга мажбур бўлди. СССР Олий Совети мазкур масала билан шугулланувчи махсус делегация тузди ва унинг таркибини тасдиқлади. 1990- йил июлда Москвада марказ вакиллари билан республикалар делегациялари янги шартнома матнини тайёрлашга киришдилар. 1990- йил август ойида Иттифокни янгилаш дастури ишлаб чиқилди. Дастурда республикалар ўз ҳудудларидаги бутун миллий бойликларга эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган эди. Аммо шартномага бундай ёндашув марказдагиларга ёкмади. СССР Олий Совети мазкур дастурни қабул қилмади. СССР Олий Совети республикаларнинг истак ва манфаатларини батамом инкор этган янги шартнома лойиҳасини тузиб, республикаларга тарқатди. Республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон, марказ лойиҳасини қабул қилмади. Шу тариқа, шартнома лойиҳасини тузиш ҳаракатининг биринчи босқичи натижасиз тугади. 1991- йил феврал — март ойларида Иттифок шартномаси лойиҳаси устида ишлашнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Болтиқбўйи республикалари, Грузия, Арманистон, Молдова вакиллари қатнашмади, Озарбайжон кузатувчи бўлиб қатнашди. Бу босқичда Иттифок билан республикалар ваколатларини фарқлаб қўйишга ҳаракат қилинди. Ниҳоят, Иттифок ва республикалар ваколатлари белгилаб қўйилган янги шартнома лойиҳаси матбуотда эълон қилинди. Республикаларда мазкур лойиҳа муҳокама қилинди. Республикалар, жумладан, Ўзбекистон, марказий идоралар ҳали ўзининг эскича ҳукмрон мавқеини сақлаш руҳи сингдирилган бу ҳужжатдан қаноатланмаганликларини билдирдилар. СССР Олий Совети Иттифок шартномасини ўзгартириш, СССРни тенг ҳуқуқли суверен республикалар Федерацияси сифатида янгилаш хусусида халқнинг фикрини билиш мақсадида 1991- йил 17- март куни Бутуниттифок референдумини ўтказишга қарор қилди. 1991- йил 20-февралда Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раёсати

хам референдум ўтказишни маъқуллади ва СССР Олий Совети томонидан тайёрланган бюллетен билан бирга яна битта кўшимча бюллетенни овозга қўйишга қарор қилди. Кўшимча бюллетенга „Сиз Ўзбекистоннинг мустақил тенг ҳуқуқли республика сифатида янгиланган Иттифок (Федерация) таркибида қолишига розимисиз?“ деган савол қўйилди. Овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 93 фоизи бу саволга „Ҳа“ деб жавоб бердилар. Демак, ўзбекистонликлар ўз мамлакатини мустақил давлат сифатида Федератив Иттифокда бўлишини, Ўзбекистоннинг суверен республика сифатида ривожланишини ёқлаб овоз берган эдилар.

Ўзбекистон раҳбарияти референдум натижаларига асосланиб, республикаларга тўла мустақиллик беришни кўзламайдиган шартнома лойиҳасини рад этди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1991- йил 12- мартда бўлган IV пленумида сўзлаган нутқида: „Иттифок шартномасини имзолаш учун энг қулай пайт қўлдан бой бериб қўйилди. Икки йил муқаддам бу масалани кўтарган кишиларнинг овозига ҳеч ким қулоқ солмади», — деган эди. Бу фикрнинг тўғрилигини ҳаёт тўла исботлади.

1991- йил апрелда Киевда Украина, Россия, Беларус, Ўзбекистон, Қозоғистон Республикалари раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашувда мустақил республикалар манфаатларига мос келадиган Иттифок шартномасини тузишга ёндашиш йўллари ишлаб чиқилди ва тегишли баёнот имзоланди. Бу ҳужжатни Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон Республикалари ҳам имзолашга розилик билдирди. Марказ ён беришга мажбур бўлди. 1991- йил апрелда Ново-Огорёвода СССР Президенти М.С.Горбачёвнинг 9 республика раҳбарлари билан учрашуви бўлди. Иштирокчилар томонидан „Мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир кечиктириб бўлмайдиган чоралар тўғрисида қўшма Баёнот“ имзоланди. Бу ҳужжат „9+1“ (9 республика + марказ) деган номни олди. Унинг мазмуни марказнинг ён берганини, Киевда билдирилган фикр-мулоҳазаларга рози бўлганини кўрсатади. 1991- йил 3- июнда Ново-Огорёвода СССР Олий Совети вакиллари билан Республика раҳбарлари ўртасида учрашув бўлди. Мулк, тил ва янги шартномани тасдиқлаш тартиби тўғрисида кескин мунозара бўлди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримовмавжуд Иттифок, унинг тузилмаси, марказ билан республикалар ўртасида ваколатлар таксимоти ҳеч кимни қониқтирмаслигини кескин қилиб қўйди, марказчилик нуқтайи назарини ўтказишга уринувчиларни қаттиқ

танқид қилди. Учрашувда иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари асосан инобатга олинган „Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида шартнома“ лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа барча Республикалар Олий Кенгашларига муҳокама учун жўнатилди. Мазкур шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Олий Кенгашида 1991- йил 14- июнда муҳокама қилинди. Кенгаш Федерация тамойиллари асосида Мустақил давлатлар иттифоқини тузиш тарафдори эканлигини билдирди. Шу билан бирга республикалар ваколатларини янада кенгайтиришга доир таклифларни илгари сурди. 1991 йил июл ойининг охирларида Ново-Огорёвода янги шартнома лойиҳасини узил-кесил тайёрлаш учун марказ вакиллари ва республика раҳбарларининг учрашуви бўлди. Марказни ҳам, республикалар раҳбарларини ҳам қаноатлантирадиган „Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида шартнома“ лойиҳаси тайёрланди. Аммо ҳамма рози бўлгани ҳолда „Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартнома“ни имзолаш 1991- йил 20- август кунига қолдирилди. СССР Президенти М. С. Горбачёв Форос (Крим)га дам олиш учун жўнаб кетди. Марказий ҳокимиятни сақлаб қолиш, республикаларга мустақилликни бермаслик пайида юрганлар учун қандайдир бир «имконият» вужудга келган эди. Москвада марказий ҳокимиятни сақлаб қолишга, республикалар жилловини ўз қўлида ушлаб қолишга уринувчилар томонидан фитна тайёрланди. Фитначилар 1991- йил 18- август кунини тайёрланган ва 19- августда матбуотда эълон қилинган „Совет раҳбариятининг Баёноти“да М. С. Горбачёвнинг саломатлиги ёмонлашди, шу сабабли унинг СССР Президенти вазифаларини ижро этиш имконияти йўқ, деган сохта ахборот билан чиқдилар. Баёнотда Президент ваколатлари вице-президент Г. И. Янаевга ўтказилганлиги эълон қилинди. Аслида эса Президент М. С. Горбачёв соғ-саломат эди, аммо ўзини ҳимоя қила олмади. Фитначилар уни мамлакатдан, халқдан, дунёдан ажратиб, барча алоқа воситаларини узиб, 72 соат қамал қилиб қўйган эди. Фитначилар томонидан мамлакатни идора қилиш учун кўйидаги таркибда собиқ Иттифокда фавкулудда ҳолат давлат кўмитаси (ФХДК) тузилди: О. Д. Бакланов — СССР Мудофаа Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, В. А. Крючков — СССР Давлат хавфсизлиги кўмитасининг раиси, В. С. Павлов — СССР Бош вазири, Б. К. Пуго — СССР ички ишлар вазири, В. А. Стародубцев — СССР дехқонлар уюшмаси раиси, И. Тизяков — СССР саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа давлат корхоналари ҳамда иншоотлари уюшмасининг Президенти, Д. Т. Язов — СССР мудофаа вазири, Г. И. Янаев — СССР Президенти вазифасини бажарувчи. Шу тариқа фитначилар М.С.Горбачёвни ноқонуний йўл билан ҳокимиятдан четлаштириб, ўзлари ҳокимиятни эгаллаб олдилар. Мазкур кўмита совет раҳбариятининг Баёноти, совет халқига мурожаатнома,

давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқларига ҳамда БМТ Бош қотибига мурожаат ва бошқа қарорларни эълон қилди. Бутуниттифок доирасида мўртлашиб қолган ижтимоий-сиёсий вазият янада таранглашди. Мамлакатдаги сиёсий кучлар вазиятга турлича муносабат билдирдилар. Қалтис вазиятда 1991- йил 19- августда Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов Ҳиндистонга қилган расмий ташрифидан қайтиб келди ва Тошкент шаҳри фаоллари билан учрашув ўтказди. Учрашувда Президент Ўзбекистоннинг нуқтайи назарини билдириб, республикада фавқулодда ҳолат жорий этишга ҳожат йўқлиги, Ўзбекистонда вазият барқарорлиги, қонунга ҳилоф кўрсатмалар бажарилмаслигини қатъий таъкидлади. 1991- йил 20- август куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари иштирокидаги кўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис мамлакатда вужудга келган вазиятни муҳокама қилиб Баёнот қабул қилди. Баёнотда Ўзбекистон Республикаси тинч вақтда куч, аввало, ҳарбий куч ишлатишга қарши эканлиги таъкидланди. Унда тинчлик, осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳар қандай игвогарона ҳаракатларнинг олдини олиш, ҳамма жойда қаттиқ интизом ва тартибни сақлаш, миш-мишлар ва эхтиросларга берилмаслик вазифалари илгари сурилди. Баёнотда Ўзбекистон Давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларация қоидаларини оғишмай ва изчил амалга ошириш йўлидан бораверади, деб кўрсатилди. Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов 1991- йил 20 август куни республика аҳолисига ўзининг мурожаатини эълон қилди: „Ҳозирча мамлакатнинг ҳокимият доиралари қандай йўл билан, нималар орқали, қандай сиёсат орқали бумаксадларга эришиш мумкинлиги ҳақида тўлиқ, ҳозирча батафсил маълумот берганича йўқ.

Бу маълумотлар билан чуқур танишганимиздан кейингина бўлаётган ўзга-ришларга ўзимизнинг муносабатимизни албатта билдирамиз“. Президент халққа: „Биз бировнинг гапига кириб иш тутмаймиз, биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимиз йўқ. Ишонаманки, бу оғир синовлардан ҳам эсон-омон ўтамиз“, — деб мурожаат қилди. Халқни оғир синовлардан ўтаётган бир пайтда сабр-тоқатли, бардошли ва вазмин бўлишга, тинчликни сақлаш мақсадида жипслашишга чақирди. Ислом Каримовнинг Республика аҳолисига мурожаатидан. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1991- йил, 21- август сони.

1991- йил 21- августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз фармони билан Ўзбекистон ҳудудида ҳокимият ва бошқарув идоралари,

корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг қабул қилган барча қарорлари ва уларнинг ижроси СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига ҳамда қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига сўзсиз мос келиши керак, деб белгилаб қўйди. Фармонда СССР да фавқулодда ҳолат давлат кўмитасининг СССР Конституцияси ҳамда қонунларига, Ўзбекистон ССР Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган фармонлари ва қарорлари ҳақиқий эмас, деб белгилаб қўйилди.

3.3. Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг тарихий аҳамияти

Фитначиларнинг қонунга ҳилоф равишда уринишлари натижасида 1991-йил 19—21- август кунлари Москвада фожиали ҳодисалар рўй

берди. Россия Федерацияси раҳбарияти ташаббуси билан демократик қайфиятдаги Москва аҳолиси томонидан фитна бостирилди. Фитнани уюштирувчилар қамокка олинди. М.С.Горбачёв Президентлик лавозимида қайтиб келди. Бироқ мамлакатдаги сиёсий вазият танг аҳволга тушиб қолди. Марказий ҳокимият фалаж бўлиб қолди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳам ҳалокатга учради. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов Фавқулодда ҳолат давлат кўмитаси фаолиятига ўз муносабатини билдирмаган, кўрқоқ ва принципсиз мавқеда турган КПСС Марказий Кўмитаси Сиёсий Бюроси ва Қотибияти юз минглаб коммунистларнинг шаъни ва кадр-қимматини зарба остига қўйганини қоралади. Бунинг устига республика коммунистларини қалғитишга ва давлат тўнтаришини қўллаб-қувватлашга мажбур қилишга уриниш бўлганини ошқора айтди. И. А. Каримов бундан кейин КПСС Марказий Кўмитаси Сиёсий Бюросининг таркибида қола олмаслиги тўғрисида баёнот берди. Мазкур Баёнотни Ўзбекистон Компартияси МҚ бюроси ва Марказий назорат комиссияси Раёсати маъқуллади.

1991- йил 25- августда Ўзбекистон Президентининг махсус фармони эълон қилинди. Фармонга биноан Республика ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик кўмитаси Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди. Республика ҳудудида жойлашган СССР ички ишлар вазирлигининг ички кўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди.

Республика ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик кўмитаси, прокуратураси ва адлия органлари, шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички кўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан бутунлай холи қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Кенгаш Раёсатига жуда қисқа муддатда

Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига тақдим этишни таклиф қилди. Республика Олий Кенгашининг Раёсати 1991-йил 26- август куни Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳақида фармойиш чиқарди. 1991- йил 28-августда Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раёсати „Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясини 1991- йил 31- август куни чақириш ҳақида қарор“ қабул қилди ва сессияда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги ҳақидаги масалани муҳокама қилиш белгилаб қўйилди. 1991-йил 28- август куни Ўзбекистон Компартияси МҚ ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Президент И. А. Каримовнинг мамлакатда 19—21- август кунлари содир бўлган воқеалар ва республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги ахбороти тингланди ва муҳокама қилинди. Пленум Республика Компартиясини КПСС МҚ билан ҳар қандай алоқаларни тўхтатишга, КПССнинг барча тузилмаларидан чиқишга, унинг марказий органларидаги ўз вакилларини чақириб олишга қарор қилди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримовнутқ сўзлаб, собиқ Иттифокда сўнгги пайтларда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни, давлат тўнтаришига антиконституциявий уриниш оқибатларини таҳлил қилиб, улар Ўзбекистон тақдирига, халқимиз тақдирига бевосита дахлдор эканлигини ҳар томонлама асослаб берди.

Президент Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. КаримовЎзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилди ва уни мустақиллик тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамлашни таклиф этди.

Сессияда „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти“ қабул қилинди.

Ўтмишдан сабоқ чиқариб ва ССР Иттифокининг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб, — халқаро ҳукукий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукукига асосланиб, — Ўзбекистон халқларининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб, — шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил давлатлар ўрта-сидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хелсинки шартномаларига қатъий садоқатини баён этиб, — миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва кадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳукукий давлат барпо этишга интилиб, —

Мустақиллик декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёнотидан.

Ўзбекистон Республикаси, — деб таъкидланади Баёнотда, — тўла давлат ҳокимиятига эга, халқаро муносабатларда мустақил давлат, олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаган ҳолда барча шериклар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли битимлар ҳамда шартномалар тузиш учун ўзини очик деб эълон қилади. Олий Кенгаш сессияси „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида“ Қарор қабул қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёнотини тасдиқлади ва республикани бундан кейин Ўзбекистон Республикаси деб аташни белгилаб қўйди.

1- сентябр Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгилансин ва 1991- йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қароридан. Олий Кенгаш „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида“ Қонун қабул қилди. Бу қонун 17 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб берди. Қонуннинг биринчи моддасида: „ Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, мустақил, демократик давлатдир“, — деб қонунлаштириб қўйилди. Қонунда Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва республикада давлат ҳокимиятининг бирдан бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади, деб белгилаб қўйилди. Мустақиллик асослари тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди, давлат чегараси, ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз хоши-иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас, деб қатъий қонунлаштириб қўйилди. Мазкур қонунда республика ҳудудидаги ер, ерости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади, деб белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида олтин, бошқа кимматбаҳо металллар ва тошларни казиб чиқариш, қайта ишлаш ва саклашни

мустақил амалга оширади ҳамда назорат қилади, ўз олтин захирасини яратади, дейилади бу қонунда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VII сессияси 1991- йил 30- сентябр куни „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида“ги Қонунга Конституциявий қонун мақомини беришга қарор қилди. Қарорда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси моддалари „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида“ги Қонуннинг моддаларига зид келган ҳолларда мазкур қонунга амал қилинсин, деб белгилаб қўйилди.

Назорат саволлар:

1. СССРни тургунлик ҳолатига олиб келган сабабларни айтинг.
2. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон қандай йўл тутди?
3. Совет империясининг таназзулга юз тутишига нима сабаб бўлди?
4. Ўзбекистоннинг миллий давлат мустақиллиги қачон ва қай тарзда эълон қилинди?

Тест саволлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидаги қайси санада бўлиб ўтган КПСС МҚ сининг пленумида сўзлаган нутқида республикалар билан Иттифоқ ўртасидаги ваколатларни аниқ- равшан ажратиб қўйишни кўзда тутадиган янги шартнома ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида ўз фикрини билдирди?
А) 1989 йил 20 сентябрь *
Б) 1989 йил 21 октябрь
В) 1990 йил 24 март
Г) 1990 йил 25 август
2. СССРнинг парчаланиши билан Иттифоқ бўйича ўз миллий давлат тузилмаларидан ташқарида яшаётган қанча аҳоли миллий-этник муаммоларга дучор бўлди?
А) 15 млн.
Б) 20 млн.
В) 50 млн.
Г) 60 млн. *
3. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик сари ташлаган биринчи қадами – бу...
А) 1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши бўлди. *

Б) 1990 йил 24 мартда И.А.Каримовнинг Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланиши бўлди.

В) 1990 йил 20 июнда “Мустақиллик Декларацияси”нинг қабул қилиниши бўлди.

Г) 1990 йилда муқобиллик асосида ўтказилган сайловлар эди.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Мустақиллик Декларацияси” қачон қабул қилинган?

А) 1990 йил 18 июнь

Б) 1990 йил 20 июнь *

В) 1991 йил 17 март

Г) 1991 йил 31 август

5. Ўзбекистоннинг “Мустақиллик Декларацияси” нечта моддадан иборат?

А) 12 *

Б) 13

В) 14

Г) 15

6. Қачондан бошлаб мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Фармониға кўра, 21 март – “Наврўз” умумхалқ миллий байрами сифатида нишонланадиган бўлди?

А) 1990 йилдан *

Б) 1991 йилдан

В) 1992 йилдан

Г) 1993 йилдан

7. 1991 йил 3 июнда СССР Олий Совети вакиллари билан Республика раҳбарлари ўртасида учрашув қаерда бўлиб ўтган?

А) Беловежская Пушча

Б) Москва

В) Алмати

Г) Ново-Огорёво *

8. “Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида шартнома” лойиҳаси қачон Ўзбекистон Олий Кенгашида муҳокама қилинди?

А) 1991 йил 3 июнь

Б) 1991 йил 14 июнь *

В) 1991 йил 18 июнь

Г) 1991 йил 21 август

9. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинган?

А) 1991 йил 1 июнда

- Б) 1991 йил 30 июлда
- В) 1991 йил 31 августда *
- Г) 1991 йил 1 сентябрда

10. “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонун нечта моддадан иборат?

- А) 12 та
- Б) 14 та
- В) 17 та *
- Г) 19 та

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: “Ўзбекистон”. 2019.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.- Тошкент: “Ўзбекистон”.1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон”.1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли. - Тошкент: “Ўзбекистон”.1992.
5. Каримов И.А. Парламент-жамият кўзгуси. // Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2005.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2008.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2016.
8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.
9. Усмонов Қ., Ганиев Д. Ўзбекистон : мустақиллик одимлари. - Тошкент: “Шарқ”. 1995.
10. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2001.
11. Ўзбекистон тарихи. (Қисқача маълумотнома). -Тошкент: “Шарқ”.2000.
12. Жўраев М., Нуруллин Р., ва бошқалар. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Тошкент: “Шарқ”.2000.

4 -МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

4.1. Истиқлолнинг дастлабки кунлари ва синовлари

4.2. Жамиятнинг бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтишидаги муаммолар ва унинг ечимларида шахснинг роли

4.3. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидаги парламент ислохотлари

Таянч тушунчалар: *Мустақиллик, истиқлол, парламент, икки палатали парламент, Президент, Сенат, Қонунчилик палатаси, депутат, мулкчилик, мулкчилик турлари, “башоратлар”, тамойил, устувор йўналишлар.*

4.1. Истиқлолнинг дастлабки кунлари ва синовлари

Биринчи масала баёни. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кун тартибида жаҳон андозаларига мос келадиган давлат қуриш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳада туб

ислохотларни амалга ошириш, уларни қонун билан мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий тизимни вужудга келтириш вазифаси турар эди. Чунки собиқ Социалистик тузумга хос ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар эндиликда республикада барпо қилинажак янги жамият манфаатларига мос келмас эди, Мулкчилик, мулкка эгаллик қилиш ва уни бошқариш, ишлаб чиқариш омиллари, бозор механизми, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини нормал изга солиш ана шундай жиддий вангиланишларни тақозо этар эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, жаҳонда ҳамма мамлакатбоп ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тамойиллари, барча учун тавсия этиш лозим бўлган тайёр андозалари ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Шу билан бирга ривожланишнинг маданий, маърифий, тарихий жиҳатдан асрлар мобайнида шаклланган анъаналари мавжуд бўлган Ўзбекистондай қадирнив маконда ўзига хос йўл танлаш учун анча-мунча изланиш лозим эди. Бирок, вақтни бой бермай, тезкорлик билан иш тутиш лозим эди. Шунинг учун ҳам «Мустақил Ўзбекистон тугилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур эди».

Яна шуни таъкидлаш даркорки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган пайтда мамлакат ичкарасида бўлгани каби унинг ташқарисида ҳам унга ишонмайдиган, шубҳа билан қарайдиганлар бор эди. Ҳатто собиқ марказдаги айрим «башорат»лар Ўзбекистонга нисбатан «Ўзларингни Мустақил бошқаришга, Мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар»,

«Сизлар муте, қарам халқсизлар», «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, сизлар эса бажарасизлар, холос» деб шовинистларча гаразгўйлик қилса, мамлакат ичкарасидаги айрим тоифалар ўртасида «Енди Ўзбекистон қандай йўлдан боради? Қандай жамият қуради? Марказсиз яшай оладими? Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланадими?» қабилидаги саволлар пайдо бўлган эди. Унга ҳар қирн ўзича жавоб қидирар эди.

Табиийки, ана шундай зиддиятли ва мураккаб бир пайтда Ўзбекистон учун ўзига хос истиклол ва тараққиёт йўлини танлаш, янги жамият барпо қилиш учун ўз андозасини ишлаб чиқиш гоят долзарб ва аҳамиятли эди. Ўз навбатида бундай вазифани уддалаш Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан, диний эътиқоди, руҳияти ва хулқ-атвор нормалари шуни тақозо этарди. Айна чоғда, Ўзбекистоннинг ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш андозасини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасини ўрганиш, уларнинг фойдали томонларини ўзлаштириш билан бирга Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи ва анъаналарига ҳам таяниш лозим эди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки куниданок, «жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишга киришди».

Албатта, мамлакат ҳаёт-мамот босқичида турган бир пайтда унинг янги жамиятга ўтиши билан боғлиқ вазифаларни бажариш давлат раҳбаридан янги шароитга мос бошқарув тизимини ишлаб чиқишни, жамиятнинг иқтисодий асосини вужудга келтиришни тақозо қилади. Аҳолининг барча тоифаларини ягона мақсад атрофида бирлаштирувчи гоёлар тизимини яратишни талаб этарди. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли ана шу тарзда шаклланди. Мамлакат мустақиллигининг ташаббускори ва раҳнамоси сифатида Президент худди ана шундай пайтда ўзининг катъий, илмий жиҳатдан асосли, ҳаётий жиҳатдан яшовчан хулосаларини ўртага ташлади.

Ҳали собиқ иттифоқ мавжуд бўлган даврда И. Каримов республика раҳбарлигига келган вақтдан бошлаб республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий равишда янгиланишни, туб ўзгаришларни бошлаб юборган эди.

1990-йил март ойидаёқ собиқ иттифоқ республикалари ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистонда Президентиик бошқарувининг ташкил этилиши, гоёвий қарашлари, сиёсати янгиланаётган жамиятга мос бўлмаётган Ўзбекистон Компартиясини Халқ демократик партиясига айлантирилиши, ҳокимиятнинг аста-секин ва изчиллик билан партия

идораларидан Президент, ҳукумат, маҳаллий идоралар кўлига ўтиши, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиб, миллий кадриятларнинг тиклана бошлагани Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли шаклланаётганини кўрсатар эди.

Ўзбекистон мустақил бўлгач, И. Каримовнинг республика раҳбари сифатида халқ олдидаги масъулияти яна ҳам ошди. У энди марказга боғлиқ бўлмаган ҳолда, бутун муаммоларни ўзи ҳал қилишга, ҳар қандай зиддиятларга юзма-юз туриб, фаолият кўрсатишга мажбур эди. Ана шундай қарама-қаршиликлар қуршовида унинг катта сиёсатчи сифатидаги раҳбарлик маҳорати кун сайин шаклланиб, янги мазмун касб эта борди.

Ислом Абдуганиевич Каримов умумхалқ овоз бериш йўли билан мамлакат Президенти этиб сайланганиданок ўзининг бутун амалий фаолиятида халқ ва ватан манфаатини назарда тутиб фаолият кўрсатди. У Олий Кенгашнинг 1992-йил 4-январда бўлиб ўтган навбатдан ташқари IX сессиясида шундай деган эди: «Менга қандай юксак масъулият юкланганини ҳис қилган ҳолда халқнинг муносиб турмуш кечириши учун қандай йўллар танлаганимиз ҳақида баъзи фикрлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Халқ иқтисодиётни барқарорлаштириш учун қатъий ҳаракатлар қилишни кутяпти. Ўтмиш қолдиқлари халқ елкасига оғир юк бўлиб қолган. Энг муҳим вазифалардан бири халқнинг бахтли ҳаётини таъминлашдир. Президент шиддат билан кириб келаётган бозор зарбаларига бардош берувчи, ёрдамга муҳтож кишиларни ўз ҳомийлигига олиши керак. Буларкўп болали, кам таъминланган оилалар, ногиронлар...

Бундан кейин ҳам биз учун шу тамойил қатъий бўлиб қолаверади».

Президент Олий Кенгашнинг мазкур сессиясида Дастур аҳамиятига молик бўлган давлат сиёсатининг стратегиясини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш, фуқароларга эркинлик бериш, жамиятда маънавий янгиланиш учун барча шароитлар яратиш лозимлигини, ёш авлод тарбиясига катта эътибор бериш кераклигини, ҳукукий давлатда қонун устувор бўлишини алоҳида таъкидлади.

Табиийки, ушбу қоидалар Ўзбекистон истиклоли ва тараққиётининг асосий йўллари билан белгилаб бериш учун асос бўлиб хизмат қилди. Масалага ана шундай ёндашиш мустақилликнинг илк кунлариданок аниқ тартиб-интизомга риоя қилиш, қонун устуворлигига интилиш мамлакатда энг мураккаб пайтларда барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлди.

Давлат Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини ишлаб чиқар экан, ўтмишдан, собиқ совет тузумидан мерос бўлиб қолган тажрибадан сабоқ чиқарди. Айтиш мумкин 90-йиллар бошларида, яъни мустақил тараққиётнинг

дастлабки йилида амалга оширилган ижтимоийиктисодий ислохотларни чуқур таҳлил қилди. Шу асосда сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва ижтимоий ларзаларсиз, эволутсион йўл билан динамик таракқиёт йўлига ўтиш танлаб олинган йўлнинг асосий мазмун ва моҳиятидир, деган хулосага келди.

Маълумки, ўзбек халқи азалдан жамоа бўлиб, уюшиб яшашга одатланган, тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда бир-бирига кўмаклашган. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида гамхўрлик кўрсатиш, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик, ўзгаларга ёрдам туйғуси ўзбек халқига тарихан хосдир.

Шунинг учун ҳам И. Каримов 1992-йил 2-июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессиясида «Истиклол йўллари ва муаммолари» мавзусида нутқ сўзлар экан, «Биз ижтимоий таракқиёт ва янгиланиш борасида ўз йўлимиз бор, деб эълон қилдик. Бозор иктисодиётига ўтар эканмиз, миллий- тарихий турмуши тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, қисииларнинг фикриаш тарзини ҳисобга оларниз», деди ва туб ислохотларни амалга ошириш борасида дастлабки тамойилини белгилаб берди.

Иккинчидан, республикадаги ўзига хос маънавий-руҳий вазиятдан келиб чиқиб иш тутилди. Чунки Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари йилдан йилга ўсиб боровчи минтақа ҳисобланади. Ушбу омилнинг аҳамиятига эътибор берар экан, Президент шундай деди: «Халқимизнинг 60 ва ҳатто, ундан кўпроқ фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади ва уларнинг асосий қисми деҳқончилик соҳасида ишлайди. Ўзбек зоти борки, ўтирган жойини советгиси келмайди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга хуши йўқ. Меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда худди шу вазиятни ҳам эътиборда тутиш керак.

Хулоса шуки, қишлоқ жойда ва раён марказларида мавжуд бўлган ортиқча ишчи кучини шаҳарга олиб келиш шарт эмас, балки янги, ихчам, замонавий корхоналарни қишлоқ жойларига, район марказларига олиб бориб қуришимиз зарур. Содда қилиб айтганда. одамларни ишхонага эмас, ишхонани одамларга яқинлаштириш лозим».

Учинчидан, Ўзбекистон таракқиёт йўлини ишлаб чиқишда республиканинг қулай жугрофий-сиёсий имконияти ҳисобга олинди.

Дарҳақиқат, тарихан Ўзбекистоннинг ҳозирги худуди жуда кўхна савдо йўли Буюк ипак йўли туташган, магриб-у машрикни бирбирига боглаб турган, турли қарашлардаги халқларни яқинлаштирган, жўшқин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни кечган ҳудуддир. Ана шу бой, тарих синовларидан ўтган тажрибаларни

давом эттириш, ундан самарали фойдаланиш йўли тугилди. Демакки, минтакалараро алоқалар, дунёвий интегратсияни йўлга қўйишга киришилди.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишида ижтимоий онг, ижтимоий психология масаласини ҳисобга олиш лозимлиги ҳам кўрсатиб берилди.

Чунки, шўролар даврида кишилар онгида ижтимоий тенглик тушунчаси, яъни яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам дав

лат барибир боқади, деган фикр шаклланиб, боқимандалик кайфиятига тушиб қолган, мулкка эгалик туйғусидан узоқлашган эди. Бу, албатта, кишиларнинг меҳнатга интилишини сўндирар, иш натижаси учун масъулиятига салбий таъсир кўрсатар эди. Уларда боқимандалик, текинхўрлик иллатларини чуқурлаштирар эди. Шунинг учун, бозор муносабатларига ўтишда одамлардаги мана шу кайфиятни эътиборга олиш керак, деб ҳисобланди. Ислохотлар даврида хусусийлаштириш жараёнининг чуқурлашиши, мамлакатда мулкдорлар синфини шакллантириш сари дадил кадамлар қўйилиши мана шу омилдан келиб чиққан ҳулосадир.

Бешинчидан, ҳукумат мустакил Ўзбекистон сиёсатини белгилашда ислом динига муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлигини қайта-қайта уқтирди. Чунки дин турмуш тарзимизга ўчмас муҳрини босган. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда, айниқса, мусулмон давлатлари билан ўзаро алоқаларимизни кенгайтиришда катта аҳамиятга эга, деб кўрсатади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий мустакиллигини ҳимоя қилиш ва таъминлаш имконини берадиган бой моддий-маънавий ҳамда ишлаб чиқариш потенциалига ва кадрлар кудратига эга мамлакат эканлигидир. Энди ҳамма гап ана шу имкониятлардан унумли фойдаланишда эди.

Ушбу ҳулосалар И. Каримов томонидан мунтазам тўлдирилиб, кадам-бакадам янги қоида ва йўл-йўриқлар билан бойитиб борилди. Хусусан, 1992-йил август ойи охирида Ўзбекистон Мустакиллигининг бир йиллиги тантаналари арафасида Президентнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» номли Ўзбекистон мустакиллигининг назарий асослари чуқур таҳлил этилган асари нашрдан чиқди. Ушбу рисола кенг жамоатчилик томонидан маънавий ҳаётдаги янгилик ва муҳим қўлланма сифатида кутиб олинди. Унда Ўзбекистон истиклолининг ҳам назарий, ҳам амалий муаммолари илмий жиҳатдан ўрганилиб, жамият сиёсий ривожининг, иқтисодий тараққиётининг, маънавий покланишининг асосий йўл-йўриқлари янгича мушоҳада ва ёндашув билан кўрсатиб берилди.

**42. Жамиятнинг
бир тизимдан
иккинчи бир
тизимга
ўтишидаги
муаммолар**

Иккинчи масала баёни. Маълумки, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида жамиятнинг бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиш жараёни бир неча муҳим ижтимоий муаммолар билан узвий боғлиқ.

Булар:

- давлатнинг ислоҳотларни ўтказишдаги раҳнамолик роли;
- жамиятнинг моддий, маънавий ва ижтимоий имкониятларини сафарбар этиш;
- ўрта ҳол синфни шакллантириш;
- халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш масалаларидир.

Таъбир жоиз бўйса, бу омилларнинг босқичма-босқичлиги, уларнинг аҳамияти, шунингдек, улардан алоҳида, ҳар бирининг ва барчаси бир бутун бўлган ҳолатда берадиган самарадорлиги ҳар хил сабабларга боғлиқ.

Лекин, ўтиш даврининг энг муҳим омили, бу кучли давлатни барпо этишдир. Бундай давлатсиз мавжуд ижтимоий имкониятларни сафарбар этиш ҳам, ўрта ҳоли синфни шакллантириш ҳам, халқаро муносабатларда муваффақиятларга эришиш ҳам мумкин эмас.

И. Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўлини ишлаб чиқар экан, аввало, мамлакатда яратилажак жамият қандай мазмун касб этишига эътибор берди ва унинг фикрича, Ўзбекистонда бунёд этиладиган жамият барча «изм»лардан ва у қандай номланишидан қатъи назар адолатли, халқчил, инсонпарвар жамият бўлмоғи лозим эди.

Шунинг учун ҳам, республика ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари пировард натижада чинакам мустақил Ўзбекистонда янги, адолатли жамият барпо этишга қаратилди. «Республикада собитқадамлик билан халқчил, адолатли жамиятни бунёд этиш бош вазифадир, деб уқтиради Президент. Бу борадаги фикрини давом эттириб у «Қўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Халқ давлат ҳокимиятининг манбайидир», деган қоидани илгари сурди. Бу Мустақилликнинг бир йиллиги арафасидаёқ қатъий қилиб ўртага ташланган давлат сиёсати эди. Шунингдек, янгиланган жамият ҳар бир аъзосининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини қафолатловчи йўллари ҳам кўрсатиб берди. **Жумладан,** сиёсий соҳада бу:

- халқ, ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ иштирок этиши лозимлигини;
- ҳокимият бўлинишининг жаҳон тан олган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилини жорий этиш асосида демократияни чуқурлаштириш ҳамда миллий давлатчиликни барпо қилишни;
- жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан янгилашни;
- барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини таъминлашни;
- бир мафқуранинг, бир дунёқарашнинг яқка ҳокимлигидан воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олишни;
- демократиянинг қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни шакллантиришни;
- Ўзбекистонда тугилиб, унинг заминида яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублиги ва эътиқодидан қатъи назар республиканинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга эришишни билдиради.

Иқтисодий соҳада эса бу:

- миллий бойликнинг кўпайишини таъминлайдиган барқарор, ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этишни;
- ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичмабосқич шакллантиришни;
- мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилишини таъминлаш ва барча мулкчилик шакллариининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтиришни;
- иқтисодиётни ўта марказлаштирамасдан корхоналар ва ташкилотларнинг Мустақиллигини кенгайтиришни, давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечишни;

ижтимоий ва маънавий соҳада бу:

- инсонпарварлик гояларига содиқликни, инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, кадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи сақланиб қолишини;
- маънавиятни қайта тиклашни;
- ўзбек тилини ривожлантиришни;
- хурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтиришни;
- ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан иқтисодий муҳофазага бўлган қафолатли ҳуқуқларини таъминлашни;

- одамларнинг истеъдод қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилишни билдиради, деб таъкидланди «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли китобда.

Президент И. Каримовнинг Ўзбекистонни ҳукукий демократик давлат сифатида қарор топтиришнинг юқоридагидек дастурий қоидалари, мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиши, ички ва ташқи сиёсатни шакллантириш тамойиллари, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий устуворликлари ва йўналишлари жаҳон тажрибасини янада ривожлантирди ва уларни янги қоидалар билан бойитди.

Президент янгиланаётган жамият мазмун-моҳиятини кўрсатиш билан бирга долзарб вазифа қилиб, энг авало ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш масаласини кўйди. Фақат иқтисодий бақуват давлатгина кучли бўлади ва у ҳар қандай ислохотларга қодир бўлади, деган гоёни илгари сурди.

Шунинг учун ҳам И. Каримов «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида (1993-йил.) «Ўзбекистон ўзи учун танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир.

Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланиши, инсонни шахс сифатида маънавий ахлокий камол топишини таъминлаши мумкин», деб қатъий кўрсатиб берган эди.

И.А. Каримов мамлакатнинг дастлабки йиллардаги ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиб, Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги сифатида қуйидаги бешта асосий қоидали ўртага ташлади:

Биринчидан, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш керак.

Иккинчидан, ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартишлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши шарт.

Учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

Тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, яқин ўтмишимиздаги «инқилобий сакраш»ларсиз, яъни эволутсион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Ана шу муҳим қоидалар Ўзбекистоннинг Мустақил ривожланиш ва таракқиёт йўлига асос қилиб олинди, янги жамятга ўтиш даврининг негизини ташкил этди. Ўтган давр мобайнида бу қоидаларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлади.

Ўзбекистон ҳукуматининг бозор муносабатларига босқичмабосқич ўтиш ҳақидаги тамойили вақт ўтгани сайин ўзининг ҳаётий қийматини, сиёсий кучини кўрсатди, Бинобарин, булар етакчи тамойиллар сифатида тан олинди. Чунки улар иқтисодий ислоҳотларнинг бутун ички мантиқини, ривожланиш йўлини ва характерини белгилаб берди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичмабосқич ўтиши бир томондан, авалдан мерос бўлиб қолган барча ижобий тажрибаларни чуқур ўзлаштириш имконини берди, иккинчи томондан эса ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ ажратиб берди. Бу босқичларнинг ҳар бири учун конкрет мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишга шароит яратди. Аниқроғи, бу тамойил «янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик» ҳақидаги халқнинг доно фикрига асосланганини кўрсатади.

Хусусан, жаҳон жамоатчилиги томонидан атрофлича ўрганилаётган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга доир бешта тамойил аҳамиятига яна бир бор тўхталади. Хусусан, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг Ўзбекистон учун нақадар афзалликларига алоҳида ургу беради. Жумладан, «Бир босқични тамомлагандан кейингина, замр шарт-шароитларни яратиб, янги босқичга ўтиш мумкин, дейди И. А. Каримов. Ҳар бир босқичда тафаккуримизни ўстириб, эришилган реал натижалар билан одамларни янги тузумнинг афзаллигига ишонтирибгина ислоҳотларни охиригача амалга

ошира оларниз. Иқтисодий структураси ривожланган, самарали ижтимоий муносабатларга эга бўлган жамиятни қура оларниз.

Ҳозир биз керакли ёндашувларни, замр иш маромини топдик, муайян фойдали тажриба орттирдик.

Дастлабки якунларни чиқариш, навбатдаги босқичнинг вазифалари ва устувор йўналишларини белгилаш зарар». Шунинг учун И. Каримов ушбу китобнинг иккинчи қисмида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш борасидаги асосий вазифалар хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, ижтимоий кафолатлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш вазифаларини белгилаб беради.

Жумладан, унинг фикрича, мазкур масаланинг устувор йўналишлари қуйидагича бўлмоғи лозим:

биринчидан, иқтисодий сиёсатда деҳқончиликка, умуман қишлоқ ҳаётига етакчи тармоқ сифатида қараш;

иккинчидан, миллий валютани жорий қилиш, унинг қадрини муттасил ошириб бориш;

учинчидан, мулкчиликнинг барча шакллариغا эрк бериш, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка йўл очиш, тадбиркорликни қоўллаб-қувватлаш;

тўртинчидан, иқтисодни жонлаштириш учун корхоналарни хусусийлаштириш, бу жараёни тобора чуқурлаштириш;

бешинчидан, ўтиш маданияти ва кадриятларини тиклаш ишларини йўлга қўйиш ва бу борада изчил тадбирларни амалга ошириш. Мустақил Ўзбекистонда давлат Мустақиллигини амалга оширишнинг жамият ривожининг ҳозирги босқичидаги устувор йўналишларидир.

Ўзбекистон давлат раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ёш миллий Мустақил давлатлар таракқиётига доир ҳам назарий, ҳам амалий йўналишлар, илмий қоидалар, йўл-йўриқлар Ўзбекистон Мустақил ривожланишининг ўн беш йили давомида ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтди.

Юқоридагиларни умумлаштириб айтиш мумкинки, мустақилликка эришилгандан кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар изчиллик билан ўз самарасини бермоқда. Буни жаҳон сиёсатчилари ва давлат арбоблари ҳам тан олмақдалар. Жумладан, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси таниқли сиёсатшунос Збигнев Бжезинский Ўзбекистонда бўлди ва мамлакатимиз аҳолиси билан яқиндан танишди. У гарчи 90-йиллар бошида ёзган мақолаларидан бирида «Кейинги

10 15 йил ичида Ўзбекистон ривожланиши қандай бўлади билиб бўлмайди, деб «башорат» қилган бўлса-да, қарийб 12 йилдан кейин Ўзбекистонда бўлиб юртимизда амалга оширилган ишларни юқори баҳолади ва Ўзбекистоннинг минтақамизда муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, Ўзбекистон билан ҳамкорлик АҚШ манфаатлари учун муҳим аҳамиятга эгаллигини асослаб берди.

«Ислом Каримов янги Ўзбекистон Президенти» деб номланган теран таҳлил ва мазмунга эга китоб муаллифлари доктор Левитин ва доктор Карлайл кўп йиллар Марказий Осиё республикаларида бўлган, минтақадаги сиёсий вазият ва иқтисодий ислохотларнинг боришига гувоҳ бўлган, минтақанинг ўзига хос жиҳатларини атрафлича ўрганган

кишилар сифатида ўз асарларида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар самарасига юксак баҳо берадилар.

«Тасавурумча, деб ёзади Л.Левитин дунёда Ўзбекистон мисолида алоҳида сивилizatсиявий киёфа кучайиши билан, ўзига хос сивилizatсиявий ўз-ўзини англашнинг ўсиши билан иш кўраётир».

Кўриниб турибдики, Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни чуқур тадқиқ этиб, ҳар икки хорижий муаллиф «Ислом Каримов ўтиш даврининг обектив омилларини инобатга олиб, ўзбек халқи сивилizatсияси хусусиятларидан келиб чиқиб иш тутди, ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Оқибатда бу ҳолни мустақил давлатлар тараққиёти учун хос бўлган ривожланишнинг «ўзбек модели» деган жаҳон тан олган йўлга олиб келди», деб баҳолайди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамиятни ривожлантириш ва уни ижтимоий тараққий эттиришнинг ўтган даврига назар ташлар эканмиз, бу давр мобайнида эришилган ҳар бир натижа ва ютуқ ҳақли равишда «бугуни ва келажакни ўз қўли билан бунёд этаётган миллионлаб ватандошларимизнинг иродаси, ақлзаковати ва фидокорона меҳнати» билан боғлаш мумкин. Жумладан, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, ҳудудий дахлсизлик ва миллий хавфсизлик, тарихий, миллий ва ахлоқий кадриятлар ҳамда анъаналарнинг тикланиши, иқтисодий тараққиёт, шаҳарсозлик соҳасидаги оламшумул ўзгаришлар, сиёсий ҳаётнинг эркинлашуви, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интегрatсиясидаги амалий кадамлар ислохотлардаги изчиллик самараси дейиш мумкин. Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида Президент И. Каримовнинг 2003-йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004-йил иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасидаги қуйидаги хулосани келтириш ўринлидир: «Ўтган йил

яқунларининг асосий кўрсаткичларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги мулоҳаза ва хулосаларни чиқаришимиз зарур, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг изчиллиги таъминланмоқда. Кейинги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳар йили мунтазам равишда 4 фоиздан кўпроқ ошмоқда.

Ўтган йили бу кўрсаткич 4,4 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида 2001-йилдаёқ ислохотлар бошланган 1990-йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширишга эришган ягона мамлакатдир».

Маълумки, ҳар қандай жамият ҳаётида рўй берадиган туб ўзгаришлар энг аввало унинг иқтисодий жабҳаларида яққол кўзга ташланади. Чунки иқтисодий муносабатлар жамиятдаги сиёсий, маънавий, ижтимоий жараёнлар ва воқеликларнинг узвийлигини, алоқадорлигини таъминлайди. Том маънодаги иқтисодий тараққиётга эришиш пировардда жамиятдаги сиёсий, ижтимоий ва маънавий барқарорликнинг шаклланишига олиб келади. Шу маънода ҳам Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, моддий фаровонликка эришиш масалалари ҳар доим устувор жабҳа сифатида қаралиб келинмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи даврида иқтисодий барқарорликка эришиш, мамлакат истеъмол бозорларини тўлдириш, миллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш масалаларига катта эътибор қаратилиб келинган бўлса, 1995-2000-йилларга келиб импорт ўминини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш, хорижий инвестицияларини кенг жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо қилиш билан боғлиқ тадбирлар асосий ўринни эгаллади.

2000-2006-йилларда эса иқтисодиётдаги умумий ҳолатнинг кескин ўзгарганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Чунончи, энди асосий эътибор миллий экспорт салоҳиятини ошириш, маҳаллий ресурсларга таянган ҳолда ишлаб чиқариш пировардини ташки ва ички бозорларга йўналтириш қабиларга қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, кичик ва ўрта бизнес тузилмалари иқтисодиётнинг энг ҳаракатчан, фаол, шу билан бирга истикболли қатламлари сифатида эътироф этилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон тараққиётининг асоси бўлмиш хусусий ва миллий инвестиция оқимларининг вужудга келиши кичик ва ўрта бизнес тузилмаларининг бундан кейинги фаолиятига бевосита боғлиқ саналади. Шу жиҳатдан ҳам Президент И. Каримов 2006-йил якунига бағишланган маърузасида муҳим устувор

йўналиш сифатида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, уни эркинлаштириш, хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, хорижий сармояларнинг фаол иштирокини таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесга аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ўсишининг, мамлакатда ишсизлик муаммосини камайтиришнинг ечими сифатида қараш, бошланган ислохотларни ривожлантириш, уларни мантикий давом эттириш эканлигига алоҳида эътибор берди.

Чунончи, Президент И. Каримовнинг 1999-йил биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясидаги «Ўзбекистон XX асрга интиломда» номли тарихий маърузасида йигирма биринчи аср арафаси ва унинг дастлабки даврида мамлакат ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги олти муҳим ва долзарб характерга эга бўлган янги йўналиш ва вазифаларни илгари сурди. Чунончи, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш билан боғлиқ бўлиб, бунда сиёсий соҳани эркинлаштириш тушунчасини аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятдаги сиёсий қатламлар манфаатлари ва қарашлари ўртасидаги мувозанатни шакллантирувчи изчил механизмларни барпо қилиш, барча турдаги сайловларда кўппартиявийлик тамойилларини такомиллаштиришга қаратилган муҳим сиёсий-ижтимоий тадбирлар билан изоҳлаш мумкин.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш билан боғлиқ кўзда тутилган вазифалар пировардини давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ва тузилмаларини (қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти), қолаверса, мунитсипал ҳокимият тузилмаларини демократлаштириш, уларнинг бир-биридан мустақил ҳолда иш тутиши тамойилларини янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ваколатларини босқичма-босқич мунитсипал органларга ва нодавлат ҳамда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тузилмаларига ўтказиб бориш кабилар ташкил қилади. Шу ўринда фуқаролик жамиятини барпо қилиш гоёси Президент томонидан Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинган дастлабки йилларданок ривожлантирилиб келинганлигини айтиш жоиз. Хусусан, Юртбошимиз ўзининг биринчи чақирик Олий Мажлисининг 1-сессиясидаги «Демократия бош йўлимиз» номли маърузаларида бу масалага кенг урғу бериб, «Бугун биз қандай давлат қураяпмиз? Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, унинг қиёфаси қандай бўлиши керак? Янги демократик жамият шаклланишида унинг таъсири қандай бўлади?» деган саволларга жавоб топиш, бу хусусда атрофлича фикр юритиш фурсати етди» дея алоҳида таъкидлаган эдилар. Ва айтиш чоғда бу

саволларни мушоҳада қилишни давом эттириб, жамиятимиз келажакини қуйидагича баён қилдилар: «Биз фуқаролик жамияти қуришга интиломдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилик ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир».

Шу ўринда жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини барпо қилиш вазифасининг Президент томонидан кейинги 3-4 йил давомида илгари сурилган устувор вазифалардан кенг ўрин эгаллаши кишини чуқурроқ мулоҳаза юритишга ундайди. Дарҳақиқат, ушбу устувор йўналиш Юртбошимизнинг 1999 йилдаги ўн тўртинчи сессиядаги маърузаларида ҳам, 2000-йил январ ойидаги иккинчи чақирик Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида ҳам, қолаверса, 2002-йилдаги 9-сессиядаги маърузаларида ҳам энг асосий вазифа сифатида эътироф этилди. Бу ўринда Президент қуйидагиларга асосланди:

Биринчидан, юқорида таъкидланганидек, жамият ҳаётини эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш гоёси бугун ёки кеча пайдо бўлган эмас. Балки, бу гоёнинг вужудга келиши мустақилликнинг илк гоёлари билан боғлиқ бўлиб, шу жиҳатдан ҳам адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш гоёсини Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги билан бир хил сиёсий маъно касб этади, деб қараш мумкин. Шундай экан, фуқаролик жамиятини қуриш, унинг сиёсий ҳаётини эркинлаштириш Ўзбекистон қаби ёш мустақил мамлакатлар учун бир ёки бир неча йиллик жараён эмас. Лекин шу ўринда тарихан қисқа давр мобайнида Ўзбекистоннинг мисли қўрилмаган таракқиёт даражасига эришганлиги нафақат ватандошларимизда фахр хиссини, балки жаҳоннинг қўплаб сиёсий доираларида Ўзбекистонга нисбатан катта қизиқишни ҳам уйғота олганлигини алоҳида таъкидлаш адолатдан бўлур эди.

Иккинчидан. Ўзбекистонда жамият ҳаётини ислоҳ қилиш тамойилларидан бири бу ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборатлигини эътиборга олган ҳолда таъкидлаш лозимки, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш ва жамиятнинг турии катламлари сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқ эришилган натижалар бош мақсад йўлидаги муҳим қадам, босқич сифатида баҳоланиб келинади. Бу ҳақда Президент И. Каримов 1999-йилдаёқ: «Биз бугунги эркинлаштириш жараёнларига, жамиятимизни демократиялаштириш натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қараймиз», деган фикми илгари сурган эди.

Шу маънода ҳам агар эътибор берилса, 14-сессияда илгари сурилган устувор вазифага мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият

қурилишини янада эркинлаштириш сифатида қаралган бўлса, 2000-йилдаги иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида белгиланган вазифа моҳиятан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, янгича маъно-мазмун билан бойитиш, бу борадаги қўлланилаётган тадбирларнинг изчиллигини, самарадорлигини ошириш билан боғлиқ. Президент И. Каримовнинг 2002-йил август сессиясидаги маъмузасида эса бу жабҳага янада кенгрок ва чуқуррок эътибор қаратилиб, бу масалалар бир йўла учта: яъни, биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг, сўз ва матбуот эркинлигининг, бир сўз билан айтганда демократик тамойилларнинг реаллигини таъминлаш; иккинчидан, нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятига фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асоси сифатида қаралиши; учинчидан, марказий ва юқори давлат бошқарув органлари ваколатларини аста-секинлик билан қуйи тузилмаларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига бериб бориш билан боғлиқ бўлган устувор йўналишларда ўз аксини топган.

Қолаверса, бу устувор жиҳат Ўзбекистон давлат сиёсатида изчиллик ва узлуксизлик моҳиятига эгаки, бу мамлакатни модернизациялаш, жамиятни янгилаш жараёнини бир меъёрда ташкил этиш имконини беради.

2002-йили бўлиб ўтган иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг IX сессиясида Президент И. Каримов айна ана шу кўп қиррали ислоҳотларни амалга оширишнинг янги тамойилларини ўртага ташлади. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» деб аталган ушбу маърузаси, айтиш мумкинки, катта концептуал аҳамиятга эга бўлди. Унда ислоҳотларга доир етгита масала устувор йўналиш белгилаб берилди. Чунончи:

Биринчи устувор йўналиш мустакилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш. Уни ҳар бир фуқаро кадр-у қиммати, шахсияти, орияти даражасида англаш.

Иккинчи устувор йўналиш мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, давлатимизни ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш.

Учинчи устувор йўналиш бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, қучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш.

Тўртинчи устувор йўналиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошқораликни, жамиятда амалга

оширилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни амалда жорий этиш.

Бешинчи устувор йўналиш жамият ҳаётида нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг оъми ва ролини ошириш, уларнинг фаолият доирасини кенгайтириш орқали фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини чуқурлаштириш, «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини амалга ошириш.

Олтинчи устувор йўналиш суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини таъминлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ органларини «жазоловчи» органлардан фуқаро манфаатини ҳимоя қиладиган, уни эркин яшашига қафолат берадиган органларга айлантириш.

Еттинчи устувор йўналиш ислохотларнинг самарадорлигини белгилаб берадиган асосий таянч инсон омилини кучайтириш демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олиб кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, экологик ва бошқа хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш.

Булар жамиятни ялпи янгилаш ижтимоий ҳаётни тубдан ислоҳ қилиш бутунлай янги тафаккурдаги мустақиллик даври фуқаросини шакллантириш каби узоқ муддатли, изчил давом этадиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий ходисадир.

4.3. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидаги парламент ислохотлари

Учинчи масала баёни. Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишнинг изчил механизми яратилди. Буюк келажакка қаратилган ялпи янгиланишлар концепцияси

вақт ўтгани сайин шакллантириб, ривожлантириб борилмоқда. Буни Президент И. Каримов 2005-йил 28-январ куни Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизатсия ва ислоҳ этишдир» мавзусида маъруза қилди. Унда кўп қиррали ислохларни амалга ошириш тамойилларини яна ҳам чуқурлаштирди. Жумладан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:

Биринчидан, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат.

Шу борада:

- Президент ваколатларининг бир қисмини Парламентнинг юқори палатаси Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қўйи Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш;

- Бош вазир ва умуман, мамлакат ҳукуматининг ролини ва шу билан бирга, масъулиятини кучайтириш;

- суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш.

Биз олдимизга қўйган мақсадни соддагина ифодаламоқчи бўлсак ҳар қандай ҳокимият, у қонунчилик ёки ижро ва суд ҳокимияти бўладими буларнинг барчаси қўйидаги талабларга жавоб бериши шарт. Яъни, ҳар қайси ўз вазифасини англаши, ўз масъулиятини ҳис қилиши, ўз юкини қўтариши ва таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини мустақил равишда тортиши даркор.

Икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад:

парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш;

- Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш;

- Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакиллари билан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш;

- аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўларини янада кенгайтириш.

Иккинчидан, Биз ҳокимиятнинг учинчи тармоги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Суд одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Шу муносабат билан прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантиқий талабидир. Ва бу, энг аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини чеклаш билан алоқадор масалаларга тегишлидир.

Бугунги кунда жиноий ва протсессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини қўйиш билан боғлиқ айрим қоидаларни қайтадан қўриб чиқиш зарурати вужудга келди.

Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туришга, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа протсессуал раажбурий

чораларини коилаш учун санксия бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак, деб ўйлайман.

Бирок ушбу жараён ташкилий ҳуқуқий масалаларини пухта ва жиддий тарзда ишлаб чиқишни ҳамда суд тизимида ва у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқ-тартибот ва прокуратура органларининг ушбу ўзгартиришларни киритиш учун замр тайёргарликка эга бўлишини тақозо этади.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала бу жазолаш тизимидан ўлим жазосми чиқариб ташлашдир.

Бу ўринда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормокда.

Биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу масалани ҳал қилиш устида иш олиб бормокдамиз. Ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жинойатлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди.

Ендиликда фақат террорчилик ва оғирлаштирувчи вазиятларда қасдан одам ўлдирганлик учунгина ўлим жазоси берилиши кўзда тутилган. Айни вақтда қонунчилигимиз ўлим жазосининг хотинқизларга, вояга етмаганлар ва олтмиш ёшдан ошган шахсларга нисбатан қўлланилишини ман этади.

Учинчидан, Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг гоят муҳим шарти бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир.

Бу борадаги асосий вазифа мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиш матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат.

Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга, биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислохотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари боришимизга тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкор, профессия онал таҳлилий материалларни кутади.

Шуни тан олиш керакки, биз мустабид тузум мероси ва акидаларидан, унинг мафкураси, маъмурий назорати ва сензурасидан жуда катта қийинчилик билан халос бўляпмиз.

Ҳалигача журналистлар фаолиятида ўз-ўзини цензура қилиш, юқоридан буйруқ кутиш кайфиятлари сезилиб турибди.

Айни пайтда шуни ҳам қайд этиш зарурки, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва гояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, демократияни чуқурлаш-тириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамла-кат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча жамоатчилигимиз ўртасида тобора кучайиб ва мустахкамланиб бормокда.

Тўртинчидан: навбатдаги ўта муҳим масала давлат ташки сиёсати устувор йўналишларини белгилаб олиш.

Ўзбекистон тарихан қисқа давр 1991-2009-йиллар ичида дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўмини эгаллади, унинг фаол субектига айланди.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори юксалиб бораётгани энг аввало:

- юртимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ислохотларини амалга ошириш натижасида кўлга киритилаётган улкан ижобий ўзгаришларда, уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида мужассам бўлмокда;

- бу давлатимизнинг жаҳон аҳлига яхши маълум бўлган, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни мустахкамлашга қаратилган ташаббусларининг амалий самарасида ўз ифодасини топмокда;

- ва ниҳоят, бу мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташки сиёсатининг натижаси сифатида намоён бўлмокда.

Ўзбекистон бугун кейинги йиллар учун мўлжалланган ташки сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилашда дунёда ва минтақамизда вужудга келаётган мураккаб ва зиддиятли вазиятни инобатга олиб, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган миллий манфаатларимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуқтайи назаридан ёндашмокда.

Назорат саволлари:

5. Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки вақтларидаги муаммолар.
6. Иқтисодий бўҳрон нима?

7. Ўзбекистонда парламент қандай шакллантирилди?
8. Жамият муаммоларини ҳал этишда шахснинг роли қандай?

Тест саволлари:

1. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида”ги қарорга кўра 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгиланди. Ушбу қарорда қачондан 1 сентябрни байрам қилиниши айтилган?
 - А) 1991 йил 1 сентябрдан *
 - Б) 1991 йил 2 сентябрдан
 - В) 1992 йила 1 сентябрдан
 - Г) Конституция қабул қилинган йилдан
2. Ўзбекистон Республикасининг бошқарувга кўра шакли.....
 - А) Республика *
 - Б) Монархия
 - В) Конституцион монархия
 - Г) Парламентар Республика
3. Қуйидаги давлатлардан қайси бири Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган?
 - А) АҚШ
 - Б) Туркия *
 - В) Эрон
 - Г) Хитой
4. 1992 йилнинг 8 декабригача Мустақил Ўзбекистон Республикасининг вақтинчалик Конституцияси вазифасини бажарган ҳужжатни аниқланг?
 - А) “Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларацияси”
 - Б) “Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуни *
 - В) “Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Олий Кенгаш баёноти
 - Г) “Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги VIII сессиясида қайси қонун қабул қилинган?
 - А) “Давлат герби тўғрисида”

- Б) “Давлат мадхияси тўғрисида”
 В) “Давлат байроги тўғрисида” *
 Д) “Миллий пул бирлиги тўғрисида”
6. Ўзбекистон Республикаси давлат байрогидаги 12 та юлдуз тасвири бу...
 А) Ўзбекистоннинг маъмурий бўлинишига ишора *
 Б) Мукамаллик, баркамоллик тимсоли
 В) 12 мучалнинг тимсоли
 Г) Мусаффо осмон ва тинчликнинг ифодасидир
7. Ўзбекистон Республикаси давлат байрогидаги мовий ранг ниманинг рамзидир?
 А) Тинчлик ва поклик
 Б) мангу осмон ва мусаффо сув *
 В) Ҳар бир тирик жоннинг қон томири, унда жўш уриб турган ҳаётини куч
 Г) Тириклик рамзи
8. Ўзбекистон Республикасида Вице-Президент лавозими қачон тугатилди?
 А) 1991 йил 18 ноябрь
 Б) 1991 йил 29 декабрь
 В) 1992 йил 4 январь *
 Г) 1992 йил 8 декабрь
9. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат герби тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинган?
 А) 1992 йил 2 июль *
 Б) 1992 йил 2 июнь
 В) 1992 йил 20 июль
 Г) 1992 йил 20 июнь
10. Ўзбекистон Республикасининг “Байрам кунлари ҳақида” ги Қонуни қачон қабул қилинган?
 А) 1992 йил 1 июнь
 Б) 1992 йил 2 июнь *
 В) 1993 йил 1 июнь
 Г) 1993 йил 2 июль

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: “Ўзбекистон”. 2019.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.- Тошкент: “Ўзбекистон”.1996.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон”.1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли. - Тошкент: “Ўзбекистон”.1992.
5. Каримов И.А. Парламент-жамият кўзгуси. // Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2005.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2008.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2016.
- 8.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.
- 9.Усмонов Қ., Ғаниев Д. Ўзбекистон : мустақиллик одимлари. - Тошкент: “Шарқ”. 1995.
10. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2001.
11. Ўзбекистон тарихи. (Қисқача маълумотнома). -Тошкент: “Шарқ”.2000.
12. Жўраев М., Нуруллин Р., ва бошқалар. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Тошкент: “Шарқ”.2000.

5-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, АМАЛГА ОШИРИЛГАН СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР

- 5.1. Мустақил Ўзбекистонда ҳокимиятлар бўлиниши принципи. Кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва унинг аҳамияти.
- 5.2. Суд ҳокимияти ва ҳуқуқ тартибот органлари фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омили
- 5.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари

Таянч тушунчалар: Мустақиллик, ҳокимиятлар бўлиниши, Президентлик бошқаруви, Олий мажлис, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти, Қонунчилик палатаси, Сенат, сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш

органлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхона.

5.1. Мустақил Ўзбекистонда ҳокимиятлар бўлиниши принципи. Кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва унинг аҳамияти

Биринчи масала баёни.

Жамиятдаги муҳим ижтимоий сиёсий ислохотларни амалга оширишда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўрни катта. Ушбу тамойилга кўра давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойилида парламент тараққиёти

муҳим ўрин тутди. Мустақил тараққиёт йўлининг шаклланиши Ўзбекистонда қонунчилик тизимини шакллантиришда янги босқични бошлаб берди. Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили Конституция ва қонунларга мувофиқ қонун чиқарувчи, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимиятидан ташкил топган. Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятни Парламент яъни, **Олий мажлис** амалга оширади.

Шу ўринда парламент сўзи, унинг лугавий маъноси ҳамда моҳияти хусусида. Парламент - (французча “parler” сўзлашмоқ, гапирмоқ маъноларини англатади) илк бор XIII асрда Англияда давлат ҳокимиятининг вакиллик органи сифатида вужудга келиб, кейинги асрларда бошқа мамлакатларга ёйилган.

Парламент барча демократик мамлакатларда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. У қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан иборат бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича, одатда, кўппартиявийлик асосида белгиланган ёшга тўлган фуқаролардан сайланади. Парламент турли давлатларда турлича номланади. Россияда-Давлат Думаси, Украинада-Рада, Сербияда-Скупщина, Швецияда-Рикстаг, АҚШда-Конгресс, Исроилда-Кнессет, Мўғулистонда-Халқ Хурали, Афғонистонда-Халқ Жиргаси, Озарбайжонда Миллий Мажлис, Ўзбекистонда эса Олий Мажлис (1925-1989 йилларда Олий Совет, 1990-1994 йилларда Олий Кенгаш деб юритилган) деб юритилади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг олий қонун чиқарувчи органи ҳисобланади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида жорий этилган ва унга биринчи сайлов 1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтган. Унгача бу ваколатни Олий Кенгаш амалга оширган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан- **Қонунчилик палатаси** ва **Сенат**дан иборат. Уларнинг ваколат муддати 5 йил.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган 150 депутатдан иборат. Олий Мажлис Сенати аъзолари 100 нафар бўлиб, улар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисида депутатлар орасидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда, 6 кишидан сайланади. Сенатнинг қолган 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг мутлақ ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Конституциясининг 5-бўлими «**Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши**» деб номланган бўлиб, унда биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳақидаги асосий масала жой олган. Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Конституцияда Олий Мажлиснинг ана шу иккала палатаси билан боғлиқ бўлган масалалар ўз ифодасини топган.

2002 йил 12-13 декабрда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг 10 сессияси халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан “ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида “ ва “ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунлар ҳамда уларнинг амалга ошириш тўғрисида қарорларни қабул қилди. Бу қонунлар қабул қилинган 2003 йил 24 апрелда “ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига айрим ўзгартиришлар киритилди.

Уларнинг ваколат доиралари ва масъулияти Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам ўз ифодасини топган.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати 5 йил. Ушбу палатани тузиш гоёси Биринчи Президент И.А Каримов тамонидан 2000 йил 25 май 2-сессиясида кўтарилган эди. Шундан сўнг икки палатали парламентни тузиш тўғрисида референдум 2002 йил 27 январда ўтказилди. Демак, ана шу Қонунчилик палатаси мамлакат аҳолиси вакиллигини таъмин этади, уларнинг манфаатлари инобатга олади.

Олий мажлисга номзодларни кўрсатиш тамойили куйидагича. Бевосита сайлов қунигача 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқараси Қонунчилик палатасининг депутати этиб сайланиши мумкин. Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ

тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугилланишлари мумкин эмас. Унда конун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, палата муҳокамасига киритиладиган масалаларни кўриб чиқиш учун кумиталар ва комиссиялар тузилади.

Юқорида кайд этилганидек, Олий Мажлис юқори палатаси Сенат ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб Сенат аъзоларидан иборат бўлади. Сенат аъзолари Қарақалпоғистон Жўқориги Кенгеси вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан 6 кишидан сайланади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасидаги обрўли фуқаролари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Юқори палата Сенатга ҳам 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эга.

2004 йил 26 декабрда Олий Мажлиснинг кўйи Қонунчилик палатасига ва Маҳаллий ҳокимият органларига (вилоят, туман, шаҳар кенгашларига) сайловлар бўлиб ўтди, қайта сайлов эса 2005 йил 9 январда ўтказилди. Ўзбекистонда 2005 йилдан бошлаб, унинг давлат қурилиши сиёсий ҳаётида янги давр бошланди. Икки палатали парламент шакллантирилди. 2005 йил январда Сенат аъзолари маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрсатилди ва аниқланди.

Умуман, Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги, яъни парламент тароққиёти 4 босқични босиб ўтди: Биринчи босқич Конституциямиз қабул қилунгунга қадар давр бўлиб, бу даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Референдум тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Иккинчи босқич Конституциямиз қабул қилингандан то 1997 йилгача давом этди. Бу даврда “сайлов тизими” шакллантирилди. Учинчи босқич 1997 йилдан – 2003 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичда амалдаги сайлов қонунларига айрим ўзгартиришлар киритилди. Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Тўртинчи босқич 2003 йилдан кейинга давр, бу даврда икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ сайлов қонунларига ўзгартиришлар киритилди ва 2004 йил 26 декабрда Олий Мажлис кўйи қонунчилик палатасига сайлов ўтказилди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигимуносабати билан “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” номли маърузасида Қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатларида, давлат ва жамият қурилиш соҳасида

амалга оширилаётган демократик ислохотларда талай ўзгаришлар бўлганлигини қайд этади.

Ижро этувчи ҳокимият. Вазирлар маҳкамаси – ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир, унинг ўринбосари, вазирлар, Давлат кўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақолпоғистон Республикаси ҳукумати бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Вазирлар Маҳкамаси таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти тамонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Президент такдимига кўра Олий Мажлис палаталари тамонидан кўриб чиқилиб тасдикланади. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазир такдимига кўра Президент томонидан тасдикланади. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Олий Мажлис қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармоишлари ижросини таъминлайди. Демак, Вазирлар Маҳкамаси ижроия ҳокимият бўлиб, у давлат ҳокимияти бўлиниш принципига кўра иккинчи ҳукумат тизимидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да белгиланган йўналишлар орасида Ижро этувчи ҳокимият ваколатлари тизимидаги ислохотлар унинг фаолият йўналишида муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга бугунги кунда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечиш, кенг кўламли ислохотларни изчил давом эттириш зарурати давлат бошқаруви соҳасида мутлақо янги тизим яратишни тақозо этмоқда. Бунинг учун **“Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш** вақти келганлиги Президент шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилди.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномасида қайд этилганидек “...муҳим масалалар қаторида давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг муносиб ижтимоий таъминот тизимини яратиш, айти вақтда мансабдор шахслар жавобгарлигини оширишни ҳам кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир. Биз бошқарув соҳасида биринчи навбатда ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этишимиз зарур”.

Ижро ҳокимияти органлари зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш тартибини, уларнинг масъулият доирасини аниқ белгилаш лозим. Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш ва бозор

механизмларидан кенг фойдаланиш керак. Яъни давлат иштирокидаги бизнес тузилмаларини ташкил этишни чеклаш, бу борада бозорга хос механизмларни ишлаб чиқиш, давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш даркор.

Ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириб, ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш лозим. Давлат хизматларини бевосита қуйи бўғинларда кўрсатиш, маҳаллий ҳокимият идоралари учун молиявий ва бошқа имкониятларни кенгайтириш зарур. Бу борада мавжуд тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва соддалаштириш, бошқарувнинг инновацион шаклларини жорий этиш лозим.

Давлат хизмати институтини ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши таъсирчан кураш механизмларини жорий этиш керак. Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Юқорида зикр этилган вазифаларни бажариш учун **Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини** огишмай амалга ошириш.

Президентлик бошқаруви - Президент сўзи лотинча “олдинда ўтирувчи” маъносини билдиради. Республика бошқаруви шаклидаги давлатларда давлат ва ҳукумат раҳбари. Одатда Президент ижро этувчи ҳокимият бошлиги ҳисобланиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида халқ номидан иш юритади. Жаҳонда биринчи Президентлик бошқаруви XVIII-аср охирида АҚШда жорий қилинган.

Ўзбекистонда президентлик бошқаруви Ўзбекистон ССР Олий Кенгашнинг 1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган сессиясида бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, президентлик лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарори асосида жорий қилинган. 1989 йилнинг 23 июнида Ислоҳ Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби, 1990 йилнинг мартдан Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сифатида ўз фаолиятини бошлайди.

1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисида”ги қонун қабул қилинган эди. Бу қонунга 1997 йил 26 декабрь ва 1999 йил августда ҳамда 2004 йил 24 апрелларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мустақиллик йилларида том маънода президентлик институти тўла шаклланди. Ўзбекистон Конституциясининг 19-бобига кўра Президент

Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Президентлик лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган давлат тилини яхши биладиган бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин.

Биринчи Президент Ислам Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига улкан ҳисса қўшди.

2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Президент сайловларида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг янги Президенти этиб сайланди. Ушбу сиёсий воқеа давлатимиз тарихида янги даврни бошлаб берди. Демократик, очик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг янги шакли сифатида Президентимиз ўз раҳбарлик фаолиятини халқ билан мулоқот қилишдан бошлади. 2017 йил мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, деб эълон қилинди. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган гоя кундалик иш мезонимизга айланди.

Президентимиз “Давлат ходимлари, аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетда ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шугулланиши зарур. Шу маънода 2017 йил халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётини муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлди, дея қайд этди. Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг **Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси** фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда.

Қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилганва қанча-қанча одамларнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилган. Бу эса Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалда жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муқим натижаси бўлди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари – бугунги кунда вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ташкил этилган, халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қўйидагилар қиради: 1)

конунийликни, ҳукукий тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш; 2) ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; 3) маҳаллий бюджетларни шакллантириш; 4) маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; 5) фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш ва ҳ.к. Булардан ташқари шаҳарча, қишлоқ ва овулларда маҳаллаларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарадиган органлари ҳам мавжуд бўлиб, улар демократик ҳукукий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда роли янада ортиб бормоқда.

Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий ҳаракатлар ҳам жамиятда демократик ислохотлар жараёнида муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг қарор топишида Сиёсий партияларнинг такомиллашувида 1996 йил 25 декабрда Олий Мажлис томонидан қабул қилган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги қонун катта аҳамиятга эга бўлди. Қонун 17-моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг демократик қонунлар асосида фаолият юритишлари учун етакчи ва илгор мамлакатлар мезонлари талабларидаги ҳукукий асослар яратилди. Масалан, қонуннинг 12-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилган.

Ушбу қонунда сиёсий партияларни тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, партияга аъзолик, партия фаолиятининг кафолатлари, унинг устави, рўйхатга олиш, партияларнинг мулкий муносабатларига доир барча ҳукукий моқомларнинг мужассамлашгани Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини қарор топширишнинг кафолатларидан бири ҳисобланади.

Айни пайтда Ўзбекистонда бешта сиёсий партия, ва битта ижтимоий-сиёсий ҳаракат фаолият кўрсатмоқда.

1. Ўзбекистон халқ демократик партияси (ХДП).
2. "Адолат" социал-демократик партияси.
3. Миллий тикланиш демократик партияси.
4. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал Демократик партияси.
5. Ўзбекистон Экологик сиёсий партияси.

“Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш керак. Бу жараёнда ҳам рақамлар кетидан қувиш амалиётидан воз кечиш лозим. Қогозда юзлаб масалаларни ҳал қилгандан кўра, амалда бир нечта муаммони ҳал қилиб берсангиз, одамлар сизлардан рози бўлади.

Энг муҳими, ҳаётдаги ўзгаришларни халқимиз билиши, давлат ҳокимияти тизимида ҳақиқатда ҳам ўз вакили борлигини сезиши керак. Бўлмаса, барча ишларимиз, тадбирларимиз зое кетади.

Партиялараро рақобатни таъминлаш, барча сиёсий субъектлар учун тенг шароитлар яратиш парламент ролини кучайтиришнинг муҳим шarti хисобланади”, деган эди Президентимиз Мурожаатномада.

Сиёсий маданият тараққиёти ҳуқуқий маданият билан боглиқ бўлиб, бу фақат қонунларни билиш, ҳуқуқий савиядангина иборат бўлмай, қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. Умуман, ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий фаолликнинг бирликда намоён бўлувчи қадриятлар тизимидир.

Айниқса 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясининг** биринчи устувор йўналиши айнан давлат ва жамият бошқарув тизимини, Олий Мажлис ва сиёсий партиялар фаолиятини ислох қилишга йўналтирилгандир. Демократик давлатда сиёсий партияларни ташкил қилишда, уларнинг фаолиятида, мамлакат фуқаролари иштирок этадилар. Фуқароларнинг сиёсий пратияларини ташкил қилишдаги иштироки қонун йўли билан кафолатланади ва уларнинг фаолиятига кенг имкониятлар яратилади. Сиёсий партиялар инсон манфаати, кадр-қиммати, ҳаётини яхшилаш борасида ўз дастурлари, режалари, таклифлари, ташаббуслари билан чиқадилар. Улар фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларини таъминлаш чораларини доимий равишда назорат қилишлари лозим.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш шароитида ушбу тизимни номарказлаштириш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарувидаги ролининг ошиши, давлатнинг ваколатига қирувчи кўплаб вазифаларни маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига берилиши фуқаролик жамиятини барпо этишда маънавий етук инсонларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, илм-маърифатли ва юксак маънавиятли жамиятдагина Қонун устуворлиги, Қонун олдида барчанинг тенглиги ва шу каби демократик тамойиллар қарор топади ва амалга ошади.

5.2. Суд ҳокимияти ва ҳуқуқ тартибот органлари фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омили

Иккинчи масала баёни. Суд ҳокимияти – учунчи ҳокимият органи тармоғи бўлиб, у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Суд тузими 5 йил муддатга сайланади. Судларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгилаб

қўйилган. Ўзбекистонда Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар, ҳўжалик судларига бўлинади.

Суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш борасида кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда.

2007 йилдан бошлаб Суд тизими соҳасида қуйидаги ислохотлар ўтказилмоқда:

1) Жиноий жазоларга санкция бериш ҳуқуқи прокуратура органларидан суд тизимига ўтказилди;

2) Адвокат, оқловчиларнинг мавқеи, ролини оширилди;

3) Ўлим жазоси (2008 йил 1 январидан) бекор қилинди.

Бу борада айниқса Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида тизимни ислох қилиш юзасидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бунда айниқса 2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясида** Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Стратегияга мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришнинг устувор вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

- судьяларга гайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш;

- суднинг мустақиллиги ва бегаразлиги, суд процессида томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш;

- “Ҳабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

- судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш;

- судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Жиноий жазоларни либераллаштириш – қонун устуворлигининг муҳим шартидир. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан инсонпарварлик, адолатпарварлик гояларига асосланган жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари

Олий Мажлисга киритилди. Уларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўзининг самарасини бермокда.

Ютбшимизнинг 2017 йил 22 декабрида Олий мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек “Биз айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва либераллаштириш, жиноий жазоларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда 2018 – 2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясини қабул қилишимиз ва амалга оширишимиз зарур, деган эди.

Халқимизнинг кечиримли бўлиш ва бағрикенглик каби азалий кадриятларидан келиб чиқиб, жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш лозим, деган эди.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган Қонунининг 20-моддасига мувофиқ «Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади».

2017 йилдан эътиборан давлатимизда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар катори прокуратура соҳасида ҳам кенг кўламли қайта куриш ва ислохотлар амалга оширилмокда. Уларнинг фаолияти қайтадан кўриб чиқилди, танқидий таҳлил қилинди. “Биз ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайдиган, бир-бирининг функциясини такрор этмайдиган тизим шакллантиришимиз шарт. Лўнда қилиб айтганда, ички ишлар – жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан, миллий хавфсизлик – давлатни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан шугулланиши лозим. Прокуратура эса қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориши зарур”, дея қайд этади Юртбошимиз.

Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда “...энди биронта фуқаро қалбаки далиллар, тухмат ва бўҳтонлар асосида жавобгарликка тортилмаслиги шарт. Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли кафолатлар яратишимиз зарур”³².

Мурожаатномада суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишига фақат ва фақат халқимизнинг ўзи баҳо беради. Улар учун ягона ва энг қаттиқ

³²Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 2018 йил

талаб – бу фуқароларнинг қонуний манфаатларига хизмат қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоя қилишдан иборат. Энг асосийси, биз бир идора кўлида барча ваколат ва ресурслар тўпланиб қолишига, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принципи бузилишига йўл қўймаслигимиз зарурлиги уқдирилди.

Инсон омилига эътибор, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида 2017 йилда юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди, мамлакатимизнинг сўнги 26 йиллик тарихида илк бор 2700 га яқин фуқаролар Президентимиз Фармонида мувофиқ авф этилди.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида ўз фаолиятини бошлагандан сўнг Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида янги босқичга кадам қўйди. Хусусан, 2017-2020 йиллар оралигида **50 мингга яқин шахсни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши**, 3187 нафар фуқарони афв этилиши чуқур инсонпарварлик аҳамиятига эга бўлди. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилиниши шунингдек Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумини ўтказилиши халқаро ҳамкорлик алоқалари янги босқичга чиққанлигини тасдиқлайди.

Муваффақиятли амалга оширилган “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик тадбирлари доирасида Суриядаги қуролли можаролар майдонидан ва Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар Ўзбекистонга қайтариб олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдамлар кўрсатилди. Сўнги йилларда Ўзбекистон инсонпарварлик сиёсатининг ҳамда ўзбек халқига хос эзгулик ва меҳр-оқибат, кечиримлилик каби миллий менталитетимизнинг олижаноб фазилатларининг амалий тасдиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгиладан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни афв этиш тўғрисида” бир нечта фармонлари қабул қилиниб, 2017-2019 йилларда 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотларнинг доимий эътирозига сабаб бўлиб келган “Жаслик” манзилида жойлашган 19-сон ихтисослаштирилган “Жазони ижро этиш колонияси” тугатилди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотларнинг доимий эътирозига сабаб бўлиб келган Жаслик кўргонида жойлашган мазкур ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш ҳақидаги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилиниши инсонпарвар сиёсатнинг яна бир амалий намунаси бўлди.

5.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари

Учинчи масала баёни. Ўзбекистонда кейинги йилларда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари жадал шаклланди ва ривожланди. Улар мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари томонидан кўллаб-қувватланмоқда. Шунинг учун

хам фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ахамияти борган сари ошиб бормоқда. Чунки улар демократик кадриятлар, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда, фуқароларнинг ўз иқтидорини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятимизда турли манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ривожланиб боргани сари уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги фаоллиги янада кучаймоқда. Айтиш мумкинки, жамоатчилик назоратининг таъсирчанлиги боис кишилар қалби ва онгида жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган туб ижобий ўзгаришларга нисбатан кечаётган хайрихоҳлик ва бирдамлик кайфияти фаоллашмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларининг ташкил этилиши ва фаолият юритишининг ҳуқуқий асосларининг ўзаги сифатида даставвал Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тилга олиш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканини эътироф этиш билан бирга, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифат шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Асосий қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши ҳамда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги конституциявий принцип ўз ифодасини топган.

Бирлашишга бўлган конституциявий ҳуқуқ ёки халқаро ҳужжатлар терминологияси билан айтганда, бошқалар билан бирга муайян ассоциацияларга уюшишга бўлган ҳуқуқ ўз ичига фуқароларнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ва умумий мақсадларга биргаликда эришиш асосида ихтиёрий равишда тузиладиган жамоат ташкилотларини ташкил этиш ҳуқуқини ҳамда мавжуд жамоат ташкилотларига кириш ёки улардан чиқиш ҳуқуқини қамраб олади.

Муайян жамоат ташкилоти фаолиятида қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир фуқаронинг шахсий иши ҳисобланади. Фуқароларни жамоат ташкилотига аъзо бўлиб киришга мажбурий тарзда ундаш ёки ундан чиқишга тўсқинлик қилиш ҳуқуққа зид фаолият деб тан олинади.

Шу билан бирга, жамоат ташкилотларига уюшиш эркинлиги муайян чегаралар доирасида амалга оширилади. Бунда мазкур ҳуқуқдан жамиятга қарши мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб кўювчи, мамлакатимизнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига таъжовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши, фаолияти ҳамда махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

Ҳозирги вақтда “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилинган. Бу қонуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан фуқаролик жамияти институтларининг назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратади. Фуқаролик жамияти асосларини яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган масалалардан бири – инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали таъминланиши масаласидир.

Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш фурсати етганини таъкидлаш навбатдаги таклиф сифатида майдонга чиқади. Ушбу дастур, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ўз зиммасига юклатилган вазифаларга алоҳида масъулият билан ёндашиш лозимлигини уқтириш билан бирга бу вазифанинг қандай тарзда назоратга олинишини ҳам кўрсатиб беради. Бунда тегишли органларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳимояни қанчалик йўлга қўйганини аниқлаш мақсадида жамоатчилик мониторингининг амалга оширилиши

кўзда тутилади. Дастур айнан ана шу соҳадаги чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи тегишли нормалар киритилиши фуқаролик жамияти барпо этилишининг асоси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларининг қўйидаги масалалар юзасидан ҳам фаол иштирокининг асосларини кўзда тутувчи қонун ҳужжатлари мажмуини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда: соғлиқни сақлаш масалалари; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари; аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масалалари; ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш масалалари; катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятини амалга оширишда *экологик назорат* муҳим ўрин тутуди. Экологик назоратни амалга ошириш жамоат ташкилотлари экологик функциясининг таркибий қисмидир. Экологик-ҳуқуқий механизмнинг ушбу функцияси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоат ташкилотлари фаолиятини амалга оширишнинг зарурий элементи сифатида юзага келган.

Биз фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилган эканмиз, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фондларнинг аҳамияти ортиб бораверади. Сўнгги йилларда “Жамоат фондлари тўғрисида”ги қонун ва “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа тегишли ҳужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил ролини ўтамоқда.

Юртимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг янада жадал ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори муҳим аҳамият касб этди.

Жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳукукий тартибга солиш соҳасидаги ижобий жараёнларнинг тамал тоши сифатида 1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунни кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур қонунда илк маротаба жамоат бирлашмаси (ташкilotи) институтига ҳукукий таъриф берилиши билан бирга, уни ташкил этиш мақсади, фаолияти принциплари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар доираси белгилаб берилди. Қонунда белгилаб қўйилган шакллардаги ҳар қандай жамоат ташкilotини камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузиш тартиби мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистонда демократик ҳукукий давлат барпо этиш жараёнида кўплаб вазифалар белгиланган эди. Энг муҳим вазифаларидан бири бозор муносабатларига асосланган иқтисодийётни барпо этишга қаратилган бўлса, иккинчиси республикада давлат ҳокимиятининг вакиллик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини янги шароитларга мос келадиган тизимини яратиш эди. Ҳозирги амалда бўлган маҳаллий вакиллик органлари янги органлар бўлмасдан, халқ депутатлари Советлари негизида ташкил қилинган. Маълумки, собиқ советлар даврида амалда бўлган маҳаллий халқ депутатлари Советлари аниқ бир ҳокимиятга эга бўлмай, улар ҳуқуқсизлигининг бош сабаби партия органлари тўғридан – тўғри уларнинг ишига аралашар ва уларга сайланадиган депутатлар партия органлари томонидан танланар эди.

1992 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу қонун мамлакатимизда маҳаллий ҳокимиятнинг икки мустақил органи – вакиллик ва ижро органлари тизимига бошчилик қиладиган ҳокимлик ва ҳокимлар лавозими жорий этилди. 1992 йил 14 январда ушбу қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Конституциявий қонун макomini берди. 1992 йилда Тошкент шаҳрида ва 12 та вилоятда, 163 та кишлоқ тумани ва 18 та шаҳар туманида ҳамда 120 та шаҳарда ҳокимлар тайинланди ва тасдиқланди, уларнинг аппарати — ҳокимиятлар тузилди.

1992 йилдан Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият органлари тизимини шакллантириш соҳасида қатор норматив – ҳукукий ҳужжатлар қабул қилиш борасида амалий ишлар бошланди. Бу ҳужжатлар орасида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, **1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунлар**, 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги Қонун ва бошқалар муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби

«Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» деб номланиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тизими, мавқеи, вазифалари, тузилиш тартиби конституциявий даражада мустаҳкамланди. Конституцияга кўра аввалги маҳаллий вакиллик органларининг номини Кенгашлар деб ўзгартилди. Уларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун вилоят, туман ва шаҳар Халқ депутатлари Кенгашлари вужудга келтирилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, амалдаги Ўзбекистон Конституцияси қабул қилингунча маҳаллий вакиллик органларининг уч бўгинли тизими мавжуд бўлиб, улар:

- 1) вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари (Советлари) — юқори бўгин ҳисобланарди.
- 2) туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари — ўрта бўгин;
- 3) қишлоқ, посёлка, овул халқ депутатлари Кенгашлари — қуйи бўгин;

Конституция маҳаллий вакиллик органларининг икки бўгинли тизимини мустаҳкамлади, яъни қуйи бўгин олиб ташланди. Улар ўрнига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузиладиган бўлди. Бу қоида «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳокимият органлари икки мустақил органларга – вакиллик ва ижроия ҳокимиятига бўлинди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» ги Қонунда вакиллик органларига 21 ёшга тўлган фуқаролар сайланади. Сайловлар кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтади. Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 60 тадан кўп бўлмаган, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 30 тадан кўп бўлмаган депутатлар 5 йил муддатга сайланади.

Ижроия ҳокимиятига – ҳоким ва унинг ижроия аппарати қиради. Ҳоким тегишли ҳудудда олий мансабдор шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 101 – моддасига кўра ҳокимларнинг ваколат муддати – беш йил. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102 – моддасига кўра, «Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ

депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади».

Вакиллик органлари тузилмайдиган шаҳар таркибидаги туманларда ва туманга бўйсунувчи шаҳарларда ҳам ҳокимиятлар таъсис этилди, уларнинг аппарати — ҳокимият ташкил этилди. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Президентининг шу жойлардаги вакили ҳисобланади. Тошкент шаҳар туманлари ҳокимлари эса Тошкент шаҳар ҳокимининг вакиллари ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимият органларининг фаолияти мураккаб тузилишга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бу органлар суд ҳокимияти органлари, прокуратура, назорати спекцияси, ички ишлар органлари, адлия сингари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боради.

Мазкур давлат органларини икки тоифага бўлиш мумкин:

1) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунувчи органлар: ички ишлар, назорат инспекцияси ва адлия органлари.

2) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунмайдиган суд, прокуратура органлари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бу соҳада ўз ваколатларини амалга ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир хил муносабатда фаолият кўрсатиши билан бирга уларнинг ишларини мувофиқлаштириб туради.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари айна пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олинган. Мустақиллик йилларида жамиятда бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни кучли давлатдан, кучли жамиятга ўтиш борасидаги йўллар изчил давом эттириб келинмоқда. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатлари, вазифалари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, унда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифалари сифатида қуйдагилар белгиланди:

- фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини амалга оширишда кўмаклашиш;

- ўз ҳудудларида ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал қилиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш;

- давлат ҳокимияти органларига Ўзбекистон Республикаси Қонунларини, Президент ва ҳукумат ҳужжатларини, халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштириш.

Фуқаролик жамияти куриш шароитида фуқаролар йигинининг коллегиял орган эканлиги ҳам муҳимдир. Яъни, маҳалла раиси кенгашни тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишган ҳолда, заруратга қараб чақиради. Фуқаролар йигини, барча аҳолини йигишнинг иложи бўлмаган ҳолларда, белгиланган вакиллик меъёрлари асосида ўтказилади. Раис (оқсоқол), унинг маслаҳатчилари фуқаролар йигинида сайланади. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқол) доимий ишловчи бўлин. Раис ўз маҳкамасига эга бўлиб, унинг миқдори раис ўз вазифасини бажаришга имконият яратадиган даражада тузилади, дейилган. Бу эса ҳозирги фуқаролик жамияти куриш шароитида маҳалла раисларининг фаолиятида демократия, очиклик ва шаффофлик тобора кўзга ташланаётганлиги аниқланмоқда. Бу эса маҳаллада истикомат қилаётган фуқаролар бошқарувини осонлаштириш, уларни янада жипслаштириш, маҳалла идорасидан узок-узок ҳудудларда жойлашга хонадонларни янги маҳаллалар ва овулларга бирлаштирини тақоза этмоқда

1999-йил 14-апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунда уларнинг ваколатлари ва ҳуқуқлари белгиланган бўлса, 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни ва 2017 йил февралдаги янги таҳрирда “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун уларнинг ваколатларини янада кенгайтди. Ушбу Қонунга асосан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига, шунингдек, маҳалла фуқаролар йигинига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан қарорлар қабул қилиш;

-Қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш юзасидан ўз ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқлари берилди.

Фукаролик жамияти куриш шароитида қайд этилган ҳуқуқ ва ваколатлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг – фукарларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий кадриятлардан, маҳаллий урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолияти эканлигини кўрсатмоқда.

Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилиши, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фукарлар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликлар эканлиги белгиланган. Бу шуни англатадики, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фукарлар ўзини ўзи бошқаришининг тегишли органлари таклифи, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, Қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда юқори органлар томонидан амалга оширилади.

Фукаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимидан мустақил фаолият олиб бориши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни, ушбу тизим давлат ҳокимияти органига кирмайди ва Қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга ошира олади. Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши кераклиги белгиланган.

Фукаролик жамиятида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини бошқараётган маҳалла раисларининг салоҳияти, маълумот даражаси, билим салоҳияти ҳам муҳим рол ўйнайди. Биргина 2006 йилда маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови натижаларига кўра, қишлоқ фукарлар йигинлари расилари орасида 2970 нафари педагог, 1016 таси иқтисодчи, 2412 нафари муҳандис ва агроном, 271 таси шифокор, 291 нафари ҳуқуқшунос, 2979 таси бошқа мутахассислар эканлигига амин бўлдик. Бу эса соҳа ходимларини мунтаазам равишда малакасини ошириб боришни тақоза этмоқда. Агар рақамларга мурожаат этилса, жумладан, 2013 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори амалий чоралардан бири бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ ҳар бир ҳудудда ташкил қилинган фукарлар ўзини

Ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш, бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этишга қатта кўмак бермоқда. 2014 йил мобайнида ушбу ўқув курсларида, жами ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг 35% ни ташкил этувчи 13 минг 983 нафар ходимлар малака оширганлар.

Ўзбекистонда ҳам демократик давлатлар каби фуқаролар йигинларининг ижтимоий-сиёсий функциялари эътиборга олиниб, уларнинг давлат ва маҳаллий бошқарувдаги иштироки, бу борада маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари алоҳида эътироф этилади. Масалан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлаши белгиланган. Бу эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамиятидаги роли уларнинг муайян ҳудуддаги аҳолинини бирлаштириши, уни ягона жамоага айланиши ва фаолият кўрсатишига хизмат қилишидадир.

Агар ушбу тузилмага ўхшаш ўзини ўзи бошқариш тизмининг гарб намунасига эътибор қаратилса, Европада бугунги кундаги замонавий тадқиқотларда муниципал тузилманинг аҳолиси – “ҳудудий оммавий жамоа”, “ҳудудий жамоа”, “маҳаллий ҳамжамият” тушунчалари билан белгиланади. В.Е. Чиркиннинг таърифича, ҳудудий оммавий жамоа – аҳолини ҳудудий мансублик белгиси бўйича ташкил этишнинг махсус шакли ва одамларнинг фуқаролиги ва ёшидан қатъи назар махсус уюшмасидир. Ҳудудий оммавий жамоа сифатида у давлатни ташкил этган жамиятлар, уларнинг ичида тузилиши мумкин бўлган ва ташкил этилаётган бошқа ҳудудий оммавий жамоалар: федерация субъектлари, сиёсий автономиялар, муниципал тузилмаларнинг аҳолиси (халки)ни ажратади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, гарб жамиятидан фарқли равишда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2000 йилдан кейинги даврда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб

шакли бўлган маҳалла тизимини ривожлантириш масаласига катта аҳамият қаратилмоқда.

Мамлакатда демократик ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятини қуриш шароитида Президентнинг 2000 йил 2 июндаги “XXI аср концепцияси”ни яратиш тўғрисидаги фармони муҳим рол ўйнади. Натижада Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан “XXI маҳалласи концепцияси” ишлаб чиқилди. Концепцияга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги қонун методологик асос бўлиб хизмат қилди. Концепция қоидалари БМТ нинг “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бутунжаҳон Хартияси” ва “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа Хартияси” талабларига асосланган.

Бу борада Биринчи Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, “...ўзини ўзи бошқариш органлари - бизнинг келажагимиз. Фуқаролик жамиятини қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи пойдевор мана шу органлар бўлади. Биз бугун ана шу асосларни қуришни бошладик”³³. Кўпчилик мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва кадриятларини сақлаб қолиш, уларни жипслаштириш кафолати сифатида майдонга чиқаётганлигини яққол кўриб турибмиз.

Фуқароларнинг уюшганлик даражаси, ўзаро алоқаларининг яқинлиги, ҳудудий жамоаларнинг турли кўламда ташкил этилишига қараб фарқланиши табиий ҳолдир. Айнан ушбу ҳолат турли кўламдаги ҳудудий жамоаларнинг фаоллигига салбий таъсир кўрсатади. Энг қуйи қишлоқ, шаҳарча, маҳалла жамоалари аъзолари алоқаларининг яқинлиги, уларнинг бошқарувдаги бевосита иштироки туфайли, ҳудудий ҳамжамиятларни шакллантиради. Айнан шундай ҳамжамиятлар манфаат гуруҳларини ташкил этиб, ҳудудий ўзини ўзи бошқарувчи субъект ҳисобланади. Бундан ҳар бир ҳудудий жамоа, унинг кўлаמידан қатъи назар, ривожланган коммуникациялар тизимига эга бўлиши лозим деган хулоса келиб чиқади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоллиги улар томонидан шакллантирилган ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятига бевосита боғлиқдир. Бундай институтлар, хоҳ ижтимоий, хоҳ сиёсий бўлсин,

³³Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. Т.: “Ўзбекистон”. Б. 317-318.

ижтимоий гуруҳларга сиёсат соҳасида ўз манфаатларини тартибли қондириш имконини беради. Улар муносабатларни барқарорлаштириб, индивидлар ва гуруҳлар юриш-туришини тартибга солиб, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради ва интеграциялашувини таъминлайди. Ижтимоий институтлар, аввало, муассасалар тизими бўлиб, уларда ижтимоий гуруҳ аъзолари томонидан тайинланган ёки сайланган муайян шахслар жамият ва индивидуал манфаатларни қондириш, шунингдек гуруҳнинг бошқа аъзолари юриш-туришини тартибга солиш мақсадида умумий бошқарув функцияларини бажариш ваколатини оладилар. Фуқаролар йигинлари бундай институт вазифасини ўтайди.

Фуқаролик жамиятида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари аъзоларининг фаоллиги ҳам муҳим ўринга эга. Жумладан, давлат ва жамият ҳаётидаги алоҳида фаоллиги туфайли Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари фаолияти давлатнинг юксак эътирофига сазовор бўлишига олиб келди. Таъкидлаш ўринлики, сўнги йилларда маҳалла институтини янада такомиллаштириш юзасида қўрилган чора-тадбирлар барча соҳаларда ижобий натижаларда ўз аксини топмоқда. Жумладан, бу борада мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 3 февралдаги янги таҳрирда қабул қилинган «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ўзига хосдир.

2018 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилиниши муҳим қадам бўлди³⁴. Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, мазкур органларнинг бошқарув тизимидаги қўламининг кенгайиб бориши билан ҳуқуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Шунингдек фуқаролик жамияти қуриш шароитида инсон манфаати энг олий қадрият ҳисобланади. Бу борада мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек “Энг асосий устувор вазифа – “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган олижаноб гоёни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этишдан иборат. Мана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб замон талабини ҳис этмасдан эскича ишлашга энди ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Халқимиз бугун катта орзу-умидлар билан яшайпти. Бу орзу-умидларни кам

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги янги таҳрирда қабул қилинган «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. «Халқ сўзи». Т.2017 4 феврал., Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. Т., 2018.

амалга оширади ? аввало мана шу залда ўтирган раҳбарлар, мутасадди ва мутахассислар, навқирон ёшларимиз. Бунинг учун бизда куч ва имкониятимиз, билим ва салоҳият ҳам катъий ирода, интилиш ва азму шижоат ҳам етрали”³⁵, деган эди.

Фуқаролар йигинлари 2018 йилдан эътиборан ўз фаолиятининг янги даврига қадам қўйди, десак муболага бўлмайди. Ваҳоланки, маҳалланинг фуқаролик жамияти куриш шароитидаги ўрни, шубҳасиз унинг жамоатчилик тузилмалари билан фаол ҳамкорлигидир. 2018 йил 15 февралда Ҳукуматнинг “Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига кўра эндиликда маҳалла фуқаролари йигинлари ҳузуридаги “Яраштириш комиссияси” га Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон мумсулмонлари идораси, “Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия”сига Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги бириктирилди. Маҳалла фуқаролар йигинларининг “Ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси”га Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Молия вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси, “Нуроний” жамгармаси, “Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси”га Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия”га Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, жисмоний тарбия ва спорт Давлат кўмитаси, “Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси” га Савдо саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда тижорат банклари, “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиясига” Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон экология ҳаракати, “Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси” Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси яқиндан кўмак беради.

Фуқаролар йигинлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат кенгашига Савдо саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, “Хунарманд уюшмаси” ва тижорат банклари бириктирилган. “Ота-оналар университети» га Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Соғлиқни

³⁵ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент «Ўзбекистон» 2017 йил.

саклаш вазирлиги, “Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши” га Республика “Нуроний” жамгармаси, “Қайноналар кенгаши” га Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла посбони” жамоатчилиги тузилмасига ички ишлар вазирлиги амалий кўмак бериши белгиланган³⁶.

2020 йил 1 январдан эътиборан маҳалла ҳудудидаги кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган, улар фойдаланадиган, уларнинг мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ваколатлари маҳаллий халқ депутатлари кенгашларига бериладиган бўлди.

Янгиланаётган Ўзбекистонда 2020 йилга келиб маҳалла тараккиётнинг янги босқичига кирди. Ўтган 2017–2020 йиллар оралигида аҳоли муаммоларини аниқлаш, **“Маҳалла–сектор–Халқ қабулхонаси–маҳалла”** тамойили асосида маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги асосий ишончли кўприк бўлишини амалда таъминлаш, оила ва маҳалла ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб–қувватлаш ҳамда оила ва хотин–қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб–қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарори қабул қилинди³⁷.

Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб–қувватлаш вазирлигининг ташкилий тузилмаси сифатида қуйидагилар белгиланди:

–99 та штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб–қувватлаш вазирлиги марказий аппарати тузилмаси ташкил қилиниши;

–336 та штат бирлигидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб–қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб–қувватлаш бошқармалари ташкил қилиниши;

³⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги янги таҳрирда қабул қилинган «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. «Халқ сўзи». Т.2017 4 феврал, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. Т., 2018.

³⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб–қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарори.// Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 20 февраль, №37.

–1624 штат бирлигидан иборат туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ташкил этилиши белгиланди³⁸.

Назорат саволлари:

1. Ҳокимиятлар бўлиниши деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолияти билан танишмисиз?
3. Суд ҳокимияти қандай вазифани бажаради?
4. Нодавлат ва ноижорат ташкилотлари ҳақида нималарни биласиз?

Тест саволлари:

1. **Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ...**
А. қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборат.*
В. парламент, Президент ва Олий суддан иборат.
С. ... ҳокимиятлар, Олий Мажлис ва Судьялар Олий кенгашидан иборат.
D. судлар, ҳокимиятлар ва Куролли Кучлардан иборат.
2. **Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатнинг неча нафар аъзоси тайинланади?**
А. 10 нафар
В. 16 нафар
С. 20 нафар
D. 15 нафар
3. **Ўзбекистонда ўз-ўзини бошқаришнинг анъанавий шакли қайси?**
А. *Маҳалла.
В. Касаба уюшмалари.
С. Сиёсий партиялар.
D. Жамоат бирлашмалари.
4. **Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалалар сони қанчани ташкил этади?**
А. 5 мингдан ортиқ
В. *10 мингдан ортиқ
С. 15 мингдан ортиқ
D. 20 мингдан ортиқ

³⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарори // Халқ сўзи , 2020 йил 20 февраль, №37.

5. Туман ва вилоят судлари судьяларининг лавозимда бўлиш муддати неча йилга тенг?

- A. 3 йилга.
- B. Дастлаб 5 йилга, кейин 10 йилга, ундан сўнг умрбод.*
- C. 5 йилга.
- D. 6 йилга.

6. Олий суд қандай орган?

- A. У низони энг охирида кўради.
- B. Судлар ичида энг олийсидир.
- C. Фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.*

7. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ким томонидан кўрсатилиши мумкин?

- A. Ташаббуқор гуруҳлар
- B. *сиёсий партиялар
- C. давлат ҳокимияти ижро органлари
- D. Барча жавоблар тўғри

8. Давлат ҳокимиятининг бирдан - бир манбаи ким?

- A. Президент.
- B. Халқ.*
- C. Депутатлар.
- D. Ҳокимлар

9. «Демократия» сўзи юнон тилидан олинган бўлиб.....

- A. * халқ ҳокимияти
- B. халқ ва шахс эркинлиги
- C. халқ эркинлиги
- D. тенг ҳуқуқлик

10. Ўзбекистонда қурилаётган демократик жамиятнинг ўзига хослиги асосан нимада намоён бўлади?

- A. Қонун устуворлигида
- B. Иқтисодиёт қонунлари устуворлигида
- C. Сиёсий фикрлар ранг-баранглиги ва эркинлигида
- D. Барча жавоблар тўғри

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: “Ўзбекистон”. 2019.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги янги тахрирда қабул қилинган «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. «Халқ сўзи». Т.2017 4 феврал.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. Т., 2018.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш этиш тўғрисида” ги қарори.// Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 20 февраль, №37.

5. Каримов И.А. Парламент-жамият кўзгуси. // Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2005.

6. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2008.

7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2016.

8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.

9. Усмонов Қ., Ғаниев Д. Ўзбекистон : мустақиллик одимлари. - Тошкент: “Шарқ”. 1995.

10. Жўраев М., Нуруллин Р., ва бошқалар. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Тошкент: “Шарқ”.2000.

11. Ҳасанов Р, Утамурадов, Қирғизбоев М, Иноятов Қ.Фуқаролик жамияти: маърузалар курси . – Т.: “Navro’z” 2018 , 332 бет

12. Ҳасанов Р, Утамурадов, Қирғизбоев Фуқаролик жамияти.//Ўқув-услубий кўлланма. – Т.: “Fan va texnologiyalar Markazi“. 2019, 400 бет.

6-МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР, ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

6.1.Бозор иқтисодиётига ўтишнинг “беш тамойили”

6.2.Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи

6.3.Автомобилсозлик соҳасидаги ислоҳотлар

6.4.Банк-молия соҳасидаги ислоҳотлар ва уларнинг мазмун-моҳияти

6.5.Солиқ соҳасидаги ислоҳотлар

6.6. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва унда белгиланган долзарб вазифалар

Таянч тушунчалар: Бозор иқтисодиёти, мулкчилик шакллари, эволюцион ривожланиш, бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари, тамойил тушунчаси, миллий валюта, банк-молия тизими, хусусийлик, “Ўзбек модели”, иқтисодий эркинлик.

6.1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг “беш тамойили”

Биринчи масала баёни. Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтда айрим халқаро молиявий ташкилотлар ривожланган давлатларда қўлланилган бозор механизмларини татбиқ этишни маслаҳат берди. Биз улардан тўғридан-тўғри нусха кўчирмадик. Дунёда тан олинган моделларнинг энг яхши жиҳатларини ўрганиб, ўзимизга мос ва ўзимизга хос тараққиёт йўлини танладик. Бу йўл давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, халқимизнинг давлатчилик тарихи, миллий-диний қадриятлари ҳамда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда бешта тамойил ишлаб чиқилди. Тамойил рус тилидан олинган бўлиб, принцип– бирон-бир таълимот, дунёқарашнинг асосий, бирламчи қондаси, бошқарувчи гоё, фаолиятининг асосий йўналиши. Шунингдек, инсоннинг борлиққа муносабатини, унинг хатти-ҳаракати ва фаолияти меъёрларини белгиловчи ички омил ҳам тамойил ҳисобланади.

Мустақилликни дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ислохотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда тараққий этган мамлакатларнинг бозор муносабатларга ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошдан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Шу тариқа жамиятни ислоҳ этишнинг чуқур илмий асосланган қуйидаги беш тамойили вужудга келди.

Биринчи тамойил. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги. Иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкура бўйсундирилиши мумкин эмас. Ички ва ташқи иқтисодий муносабатлардан ҳоли бўлиш лозим. Иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан холилиги. Ўзбек моделининг тамойили сифатида нафақат мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг мазмун – моҳиятини акс этиради, балки юртимиз иқтисодий ҳаётининг янгиликларга, илгор тажрибалар ва оқилона ташкил қилишнинг омилидир. У объектив иқтисодий қонунларни тан олишга, мулкчилик шаклларига, тақсимотга нисбатан субъектив муносабатдан

кутилишга маънавий шарт-шароит яратади. Биринчи Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти таъкидлагани каби: “Мафкуравий акидаларни бартараф этиш хўжалик юритишнинг турли ижтимоий фикрнинг, бозор муносабатларига мос бўлган психологиянинг ва шунга хос иқтисодий тафаккурнинг идрок этилишича кўмаклашади”. Мазкур тамойил иқтисодий ривожланишда маънавиятнинг аҳамияти нечоғлик муҳим эканини, унинг нозик кирраларини очиб беради.

Иккинчи тамойил. Давлат – бош ислохотчи. У ислохотларнинг устивор йўналишларини белгилаб бериши, янгиланиш ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириш лозим. Мустабит тузум асоратларидан холос бўлиш жараёнида ўзини-ўзи тартибга соладиган етук ривожланган иқтисодий механизм бирданига вужудга келиб қолмайди. Шу боисдан маъмурий буйрукбозликка, марказлашган иқтисодиётга асосланган тузуми колдикларини боскичма-боскич бартараф этиш, бу йўлдаги турли зиддият ва қаршиликларни енгиб ўтиш янги муносабатларни қарор топтириш учун ўтиш даври керак. Зиддиятларга бой бўлган ўтиш даври шароитида иқтисодиётни, ислохотларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов, ўзбек моделининг мазкур тамойилини илмий асослар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: “Ўтиш даврида давлат халқ хўжалигининг, айниқса унинг асосини, тизимини нарх-наволарни тартибга солиб туриши, шунингдек, бевосита ёрдам беришда имтиёзла яратиши, бевосита ёрдам кўрсатиши йўли билан ана шу тармоқларга мадад бериши лозим”. Бусўзлар давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги вази фасини мадания борат эканини асослаб берадиган илмий асосларнинг, но давлат ва жамоатчилик ташаббуслари ва фаолиятлари чекланмаслигини, аксинча, давлатуларга ёрдам беришини билдиради.

Учинчи тамойил. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги, Демократик йўл билан қабул қилинган конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишма риоя этиш лозим. Биринчидан, мазкур тамойил турли мулк шаклларининг тенг ҳуқуқий асосда ривожланишини таъминлайди. Мулкчилик шакллари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар, рақобат қатъий ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида тартибга солинади. Иқтисодиётнинг бошқаришда ўзбошимчалик ва субъективизмга, турли иқтисодий зўравонликларга йўл қўймаслик учун зурур ҳуқуқий шарт-шароит вужудга

келади. Иккинчидан, демократия ривожланади, аҳолининг сиёсий маданияти ва фаоллиги ошади. Фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги ривож учун ҳуқуқий қафолат пайдо бўлади. Инсон ҳуқуқлари таъминланади. Ноқонуний имтиёзларга чек қўйилади. Учинчидан, алоҳида шахсинг, барча ижтимоий гуруҳ ва катламларнинг манфаатлари, ижодий салоҳияти самаралироқ рўёбга чиқади. Жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти йил сайин ортиб боради, фуқаролик амияти шаклланади. Демак, қонуннинг устуворлиги тамойили кенг маънода, Ўзбекистонда ижтимоий тараққиётга, жамият янгиланишига инсон шахсининг юксалишига хизмат қилади. Ўзбек моделининг мазкур тамойили ўзидан аввалги тамойил билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, давлат бош ислоҳотчи сифатида ижтимоий барқарорлик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг асосий қафили бўлади.

Ушбу тамойил жамият ҳаётида бирданига тўқик қарор топиб қолмайди. У нисбатан узоқ муддат талаб қиладиган, босқичма босқич ва доимий ривожланиб борадиган жараён. Унинг тўлиқ қарор топиши учун ўзаро муштарак бўлган қуйидаги уч омил муҳим аҳамият касб этади;

- жамиятнинг, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб оладиган пухта ва заруратга қараб ўзгарувчи қонунлар мажмуасининг вужудга келишуви ва доимий такомиллашиб бориши;

- жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси ва қонунга итоатқўйлигининг юксак бўлиши;

- мавжуд қонунларни ҳаётга тадбиқ этишнинг зарур иқтисодий шарт-шароити, сиёсий-маъмурий ва ижтимоий механизмини яратиш.

Тўртинчи тамойил. Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда қучли ижтимоий сиёсат юритиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолини, айниқса кам таъминланган оилаларни, болалар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўриниши лозим. Қучли ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисмлари ва йўналишлари кўп. Улар ижтимоий таъминот, янги иш ўринлари яратиш, соғлиқни сақлаш, халқ – таълими, маданият, спорт ва жисмоний тарбия соҳалари фаолиятини маблағ билан таъминлаш ва ислоҳ қилишдан тортиб жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашгача бўлган масалаларни қамраб олади. Қучли ижтимоий - сиёсат олиб бориш ва аҳолининг турли катламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ўзбек моделининг инсонпарварлик моҳиятини белгилаб берувчи тамойиллардан биридир.

Бешинчи тамойил. Бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий конунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш. Бу иш ислохотларнинг ҳуқуқий асослари ва кафодатларини вужудга келтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва унинг янгича иқтисодий тафаккурини шакллантириш билан бирга олиб борилиги лозим. “Фақат фармонлар, фармойишлар чиқариш билан бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Узоқ тарихий тараққиётнинг натижаси бўлиб, тегишли инфраструктурани ва ҳуқуқий асосни яратишгина эмас, шу билан бирга, кадриятлар тизимида чуқур ўзгаришлари, хўжалик фаолияти ва амалий муносабатларни асослашни ҳам кўзда тутди” Ўзбекистонда айнан шундай йўл тутилди. Бундай сиёсат юритиш нафақат маблағлардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда, шунингдек, одамларнинг сафарбарлигини оширмоқда, ижтимоий ларзаларнинг олдини олмоқда, мулкчилик ишларини босқичма-босқич ривожлантирмоқда. Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Бу моделнинг барча синовдан муваффақиятли ўтишига сабаб бўлган омиллари кўп. Уларнинг энг асосийси иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда турли хил сакрашларсиз, яъни инкилобий йўлдан эмас, балки тадрижий ривожланиш йўлидан бориш тамойилидир. Ислохотларни амалга оширишда давлат бош масъулиятни ўз зиммасига олиши ана шундай тадрижийликнинг муҳим жиҳатидир. Халқаро ташкилотлар ҳам бугун ўтиш даври иқтисодиётида, чуқур ислохотларни амалга оширишда давлатнинг роли ҳақиқатан ҳам катта экани, буни Ўзбекистон тажрибаси амалда исботлаганини кенг тан олди. Ҳозирги вақтгача давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг роли ошаётгани Ўзбекистоннинг бу борадаги йўли нақадар тўғри эканини кўрсатди.

Мамлакатимизда дунё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилди. Агар кўпчилик хорижий давлатларда қабул қилинган инқирозга қарши дастурлар кўрилган талофатларни бартараф этишга қаратилган бўлса, Ўзбекистоннинг дастури яқинлашиб келаётган хатарнинг олдини олиш ҳамда иқтисодиётни янада мустаҳкамлаш, унинг рақобатдошлигини оширишга йўналтирилгани билан ажралиб туради. Ана шундай узоқни кўзлаб кўрилган чора-тадбирлар туфайли инқироз авжига чиққан энг огир йилларда ҳам мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик саклаб қолинди, юқори

иктисодий ўсиш суръатлари таъминланди. Ўзбекистон иктисодиёти дунёдаги энг кам талофат кўрган мамлакатлардан бири бўлди.

**6.2. Иқтисодий
ислохотларнинг
янги босқичи**

Иккинчи масала баёни. Ўзбекистоннинг чорак асрлик мустақил тараққиёти давомида амалга оширилган кенг камровли ислохотлар барча соҳадаги муваффақиятларимизнинг тамал тоши, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз. Албатта, бу ютуқларга юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлик, барқарор иқтисодий ўсиш туфайли эришилди. Бугун биз фаровон ҳаётимизга одатий ҳол сифатида қараймиз. Бирок кўпчилик, айниқса, катта авлод вакиллари ўтган кунларимизни яхши эслашади, “Ким эдигу ким бўлди?” деган саволга ҳолис ва асосли жавоб бера оладилар, улар ҳозирги дориламон кунларга қандай саъй-ҳаракатлар эвазига етиб келганимизни теран англайдилар.

Ўтган давр ҳақида сўз борганда, уни нафақат “мураккаб” тушунчаси билан, балки “шиддаткор” ибораси билан ҳам ифодалаш лозим. Чунки айти бир авлод кўз ўнгида асрларга татиғулик воқеалар юз берди.

Босиб ўтилган йўл қанчалик машаққатли бўлганини, нечоғли катта хавф-хатарларга дуч келинганини такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Бу кийинчиликларга нафақат қарши туриш, балки ўтиш даврининг барча мураккабликларига қарамасдан уларни енгиб ўтиш фақатгина Биринчи Президентимизнинг шижоати, оқилона қарорлари, халқимиз матонати туфайли амалга ошди. Бинобарин, пухта ва донишмандона таҳлил билан қабул қилинган қарорлар замирида миллионлаб инсонларнинг тақдири учун улкан масъулият ҳисси барқ уриб турарди. Ёш мустақил давлатнинг оёққа туриб олиши ўзининг самарадорлигини амалда исботлаган, халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган демократик жамият қуришнинг машҳур “Ўзбек модели” билан бевосита боғлиқдир. Унинг биринчи Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган бешта тамойили мустақил республика қайси йўналишда ўз тараққиёти сари бориши кераклигини белгилаб берди. Аслини олганда, ислохотларнинг дастлабки босқичида шаклланган “Ўзбек модели” Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтириш учун услубий асос ҳамда жамият ривожига мутлақо янги назарнинг аниқ-равшан ифодаси бўлди.

Бугунги тинч ва осойишта, фаровон ҳаётимиз бизни мустақиллик остонасида рўй берган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳолис мушоҳада юритишга ундайди. Йигирма йилдан сал кўпроқ вақт муқаддам ҳатто энг машҳур олим ва тадқиқотчилар ҳам ўтиш даврининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий

жараёнлари бўйича фақатгина юзаки фикрларни билдира оларди холос. Чиндан ҳам, ўша йиллар келгусида нима юз бериши мумкинлиги хусусида ҳатто тахмин ҳам қилиб бўлмас даражада мураккаб эди.

Мавжуд вазият тарихий шароит сабаб тобора кескин тус олганди. Негаки, республикамиз ва унинг жафокаш халқини собиқ марказдаги партия корчалонлари фақат қимматбаҳо тола берувчи пахта ҳосили зарур бўлиб қолгандагина эслашлари оқибатида ўзимизни боши берк кўчага кирибқолгандек ҳис этардик. Шу боис вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини тезкорлик билан топиш талаб этиларди. Юридик фанлар доктори, ҳуқуқназарияси бўйича мутахассис Леонид Левитиннинг тарих ва сиёсий фанлар профессори, Ўрта Осиёнинг сиёсий муаммолари бўйича америкалик кўзга кўринган олимлардан бири Дональд С. Карлайл билан ҳамкорликда ёзган “Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти” номли китобида қайд этилганидек, 90-йиллар бошида совет республикаларидан ҳеч бири Ўзбекистончалик ҳалокат ёқасида эмасди.

— Республика халқининг тахминан учдан икки қисмини ташкил этувчи қишлоқ аҳолиси йиллар давомида эксплуатация қилинган. Одамлар пахта яққаҳоқимлиги шароитида ўта оғир ва сермашаққат меҳнатга маҳкум, яшаш учун зарур маблағнинг етишмаслиги ва умуман, адолатсиз ижтимоий тузумдан азият чекишарди, — деб ёзилганди Австрия пойтахтида нашр этилган бурисолада. Йигирманчи асрнинг 90-йиллари бошида яқин хориж давлатларининг энг нуфузли газеталарида мамлакатимиз ҳақида мақолалар “Ўзбекистон — қизибтурган самовар”, “Ўзбекистон — нонсизлар ўлкаси”, “Қуёш ботиши олдидан” каби сарлавҳалар остида берилган. Кўпгина кузатувчилар республикани нафақат даҳшатли инқироз кутаётганини, балки бу оқибатини тасаввур этиш ҳам мушкул бўлган муқаррар ҳолат эканини башорат қилишарди. Ўша пайтда айрим шубҳагўйлар малайзияча, америкача, Жануби-Шарқий Осиёда мамлакатлари нинг моделларидан нусха кўчириш тарафдори эдилар. Улар бошқа саноати ривожланган мамлакатларда татбиқ этилган бўлса-да, халқимиз қадриятларига, дунёқарашига тўғри келмасди. Бир неча “тайёр” рецептлар ҳам бот-бот такрорланарди. Дейлик, “шок терапияси” улардан бири эди.

Аммо унинг тамойиллари давлат иқтисодиётини соғломлаштириш ва уни инқироздан чиқариш баҳонасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 40 фоизини ишсиз қолдириши, ҳаёт даражасини пасайтириши, ижтимоий тангликни кучайтириши мумкин эди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов бозор муносабатларига бундай ёндашиш нотўғри, деган қатъий фикрини илгари сурди. Боиси, таклиф қилинаётган услублар бутун ҳаёт тарзини, халқнинг руҳиятини бутунлай ўзгартиришни талаб этарди. Зотан, бизнинг асосий вазифамиз ижтимоий-иқтисодий тараккиётнинг янги босқичига ҳеч қандай йўқотишларсиз ўтишдан иборат эди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон фақат ўзигагина хос бўлган йўлни танлади. Бу йўл илгор мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, иқтисодий ислохотларнинг миллий моделини яратишни кўзда тутарди. Ўша даврда “Ўзбек модели” самарали ўзгаришларни амалга ошириш учун кучли туртки бўлди ҳамда мисли кўрилмаган чинакам нажот ва -юксак ишонч бахш этди.

“Ўзбек модели”га ҳам оҳанг равишда истиқболли вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов “Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан кураимиз” асарида қайд этганидек, республикада иқтисодий ислохотлар ва янгиланишлар дастурини амалга оширишнинг дастлабки кунларидан бошлаб, асосий эътибор иқтисодиёт тузилмасини муайян равишда яхшилаш, унинг бир томонлама, хомашё базаси сифатидаги йўналишидан воз кечишга қаратилди ва ҳозир ҳам шундай килинмоқда.

Мустақилликка эришгунга қадар Ўзбекистон тоталитар, мустабид тузумнинг пахта базаси ҳисобланар ва ана шу хом ашёни бошқа минтақаларга ҳам етказиб берарди. Турмуш даражаси эса ниҳоятда паст эди: 1990 йилда Ўзбекистонда умумий даромадлари яшаш минимумидан паст бўлганлар аҳолининг 70 фоизини ташкил этарди, бошқа республикаларда эса бу кўрсаткич 30 фоиздан кўп эмасди. Мавжуд корхоналар ички бозор эҳтиёжлари учун эмас, балки олиб чиқиб кетилиши учун маҳсулот ишлаб чиқарарди. Шу билан биргаликда, агар ўша пайт харитасига назар ташланса, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 50 фоизи фақат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг, қолган 50 фоизи эса бошқа вилоятларнинг ҳиссасига тўғри келарди.

Собиқ тузум шу қадар мафқуралашган эдики, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти иқтисодиёт қонунларига эмас, догмаларга бўйсунарди, Ўша пайтда ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши, бор-йўғи, 14 фоизга яқин эди, холос. Бир вақтнинг ўзида собиқ марказ жуда катта миқдордаги молиявий маблағларни ўз гоёларини Африка ёки Америка китъаларидаги мамлакатларга сингдириш учун йўналтирарди. Янги

мактаблар қуришга эса маблағ топилмасди. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида ана шундай шароитларда яшаган одамлар ишлаб чиқаришда, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда юзага келган тургунликни кўриб, келажакка бўлган ишончни йўқотган эдилар. Бошқача айтганда, мафкуравий догмалардан холи шундай янгича тафаккурни шакллантириш зарурати пайдо бўлди, токи у бутун жаҳон тамаддуни ва ҳар бир алоҳида мамлакатнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиши учун турли йўللар мавжудлигини кўрсатиб берсин. Ўзбекистонда узок вақт давомида юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун тамомила янги ёндашув ишлаб чиқилди. У иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳар бир босқичида мақсад ва устувор вазифаларни аниқлаштириш, уларни бажариш учун зарур бўлган механизмларни яратиш, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашни ўз ичига олди. Мухими, бу ишлар кўзбўямачилик, ўз-ўзини алдаш ва ютуқлардан эсанкирашларсиз, вазминлик билан олиб борилди, айнан шунинг учун ҳам самарали бўлди. Юқорида номи келтирилган Л. Левитиннинг ёзишича, Ўзбекистон қулай географик жойлашувга эга бўлиб, минтақанинг транспорт, энергетика ва сув тизимлари марказида жойлашган. У аҳоли сони жиҳатидан ҳам, илмий-техник салоҳияти, ноёб табиий-иқлим шароитлари, қадимий деҳқончилик маданияти ва минерал-ҳом ашё захиралари билан ҳам ўз кўшнилари орасида устун туради. Бу эса ўзини ўзи озик-овқат билан таъминлашга, кишлоқ хўжалиги экинларининг қимматли техник турларини етиштириш ва экспорт қилишга имкон яратади. Мамлакатда экологик жиҳатдан хавфсиз ва жаҳон бозорида рақобатдош мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун барча шарт-шароит мавжуд.

Мутахассислар фикрича, бозор иқтисодиётини тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик асосида шакллантириб бўлмайди. Бу икки тизим умумий жиҳатларга эга эмас, шунинг учун ҳам мустакилликка эришган пайтда мавжуд хўжалик механизмини такомиллаштириш эмас, балки бутунлай янгисини яратиш зарур бўлди. “Ўзбек модели” асосида бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтилди.

Янги шароитга ўтиш халқнинг кўллаб-қувватлаши туфайли келгуси тараккиёт ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига мустаҳкам пойдевор яратди. Бумонолитнингхаётийлигикейинҳамбирнеча бор синовданўтди. Масалан, жаҳонмолиявий-иқтисодийинкирозидавридареспубликамизўзвактидакўрилганчора-тадбирлардастуриасосидаинкирознисалбийокибатларсизенгибўтди.

Аниқ иқтисодий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётига унинг барча қоидаси ва талабларини жорий этган ҳолда ўтиш осон кечмайди. Лекин мустақиллик илгари мавжуд бўлмаган астойдил меҳнат қилиш ва бунинг учун моддий рағбат олиш имкониятини тақдим этди.

Бозор муносабатлари шароитида халқимиз ўзининг тадбиркорлик қобилиятларини ишга солган ҳолда, қўшимча даромад манбаини топди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, шунингдек, одамлар онгу тафаккурини ўзгартириш учун замин яратди. Аҳоли орасида ташаббускорлик, ўз кучига ишониш ҳисси шаклланди. Негаки, бозор муносабатлари одамларни янгиликларга бефарқ қарамастикка, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини дадил жорий этишга, касбий маҳоратни муносиб баҳолашга, қисқаси, иқтисодиёт устидан марказлашган бошқарув шароитида эришиш мумкин бўлмаган ютуқларни кўлга киритишга чорлайди. Бозор иқтисодиётида маданий анъаналар такомилга етказилади, айниқса, у ёки бу соҳада афзалликка эга бўлган анъаналар ривожлантирилади. Бозор муносабатлари, бир томондан, ишлаб чиқариш қувватларининг салоҳиятидан самарали фойдаланишни, иккинчи томондан эса, боқимандаликдан қутулиб, ташаббускорлик ва омилкорликни ривожлантириш, мулкка эгалик ҳиссини қайта тиклаш ва ниҳоят, ишлаб чиқарувчининг буйруқбозлигидан воз кечиб, унинг истеъмолчи манфаатларига хизмат қилишини таъминлайди.

Мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан бошлаб ўзбекистоннинг ҳар бир сабъ-ҳаракати узоқ ва яқин кўшнилари томонидан синчиклаб кузатилди. Қулай географик шароитлар, табиий бойликлар ва кадрлар салоҳиятига эга ёш давлат билан алоқаларни ўрнатишга бўлган иштиёқ йилдан-йилга кучайиб борарди. Аммо улар ҳар сафар ҳамкорликни тақлиф этиш олдидан барқарорликка ишонч ҳосил қилиш учун мамлакатимиздаги вазиятни чуқур ўрганди. Чунки инвесторга унинг қўйилмалари фойда келтириши жуда муҳим: бизнес, бу — бизнес.

Шундай экан, статистик ҳисоботлар, прогноз параметрлари, ОАВдаги материаллар ва бошқа манбалар жуда пухта, таъбир жоиз бўлса, лупа орқали таҳлил этиларди. Дикқат билан танишгандан сўнг эса ҳамкорлар тўпланган далилларни қониқиш билан қайд этарди: Ўзбекистон собиқ совет республикалари орасида 1997 йилдаёқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1990 йилдагига нисбатан 12,7 фоиз ошира олган ягона мамлакат эди.

Бошқа кўпгина мустақил давлатлар бир неча йил ўтгандан кейин ҳам бу кўрсаткични, ҳатто 1990 ёки 1991 йил даражасига яқинлаштираолмаган эдилар.

Бундай натижаларга иқтисодий ислохотларни асосий мақсад қилиб қўймаган ҳолда эришилди. Бу ислохотлар дастлабки даврда, аввало, одамларга, уларнинг энг зарур кундалик эҳтиёжларини роқондиришга йўналтирилди. Кейинчалик эса уларнинг ўз қобилиятларини намоён этиши учун шароит яратишга қаратилди. Буни теран англаган доно халқимиз мустақил давлатнинг ҳар бир қадамини мамнуният билан қарши олди.

“Ўзбек модели” асосида паст ва ўрта даромадли аҳоли катламларининг турмуш даражасини кўтариш бўйича пухта ўйланган сиёсатни амалга ошириш асносида жамиятда кескин табақаланишга йўл қўймаслик чоралари кўрилди. Юртимизда 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовут, яъни “децил коэффициенти” деб аталувчи кўрсаткич 2015 йилда 7,7 фоизни ташкил этди. Халқаро эътироф этилган Жини индекси, яъни аҳолининг табақаланиши кўрсаткичи 0,280 ни ташкил этди ва бу кўпгина ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатларникидан анча паст эди.

Шу маънода, қуйидаги рақамлар эътиборни тортади: 2016 йилда аҳолининг реал даромадлари 11 фоиз ўсди, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 15 фоиз, пенсия ва ижтимоий нафақалар — 12,1 фоиз оширилди. Бу рақамлар жаҳонда давом этаётган молиявий инқироз сабабли қатор давлатларда ижтимоий тўловлар қисқариб бораётган бир шароитда бизнинг давлатимиз ўз фуқароларига қанчалик гамхўрлик кўрсатаётганидан далолат беради.

Барқарорлик, юқорида санаб ўтилган омиллар, шунингдек, тобора такомиллашаётган транспорт соҳаси, жозибадор инвестиция муҳити, халқаро рейтинглардаги юқори ўринлар — буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган янгидан-янги инвесторларни жалб этмокда. Иқтисодиётимизга, асосан, соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳаларини амалга ошириш учун киритилаётган сармоялар фақат 2016 йилда деярли 10 фоиз ортди ва 16,6 миллиард долларни ташкил этди. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашаётган Ўзбекистон ҳудудида бугун беш мингдан зиёд чет эл капитали иштирокида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида тузилган корхоналар фаолият юритмокда. “Ўзбек модели” асосида амалга оширилган ислохотлар экспертлар томонидан ҳамиша юқори баҳоланиб келинмокда. Хусусан,

Жаҳон иқтисодий форуми Ўзбекистонни энг тез ривожланаётган бешта давлат қаторига киритди.

**6.3. Автомобилсозлик
соҳасидаги
ислоҳотлар**

Учинчи масала баёни. Машинасозлик тармоқлари орасида мустакилликнинг дастлабки кунлариданок Ўзбекистонда автомобилсозлик фаол ривожланмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси – Ўрта Осиёдаги энг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчиси ва МДХ мамлакатлари ўртасида иккинчи ўринни эгаллайди, маҳаллийлаштириш улуши автомобилларда юқори (45-55%) бўлиб, юк автомобиллари ва автобусларда 15-30% ни ташкил этади.

Ишлаб чиқариш фаолияти куйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

01.01.2018й.га келиб, соҳада 24,77 минг киши меҳнат қилмоқда. «Ўзавтосаноат» давлат компанияси орқали турли сегментларда бир қатор жаҳон брендлари маҳаллийлаштирилган: энгил автомобиллар ва LCV (General Motors), юк машиналари (MAN, ISUZU) ва автобуслар (ISUZU). Аммо қарийиб барча қўшма корхоналарда акцияларнинг назорат пакети Ўзавтосаноат орқали давлат назорати остида қолмоқда – GM Uzbekistan да 75% – MAN ҚК да 51%, ISUZU ҚК да 84% ва PSA ҚК да 50%. Энгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми – 140,2 минг дона (2016 йилга нисбатан 159,1%), ISUZU автобус ва юк машиналари – 3600 дона (105,3%), MAN юк машиналари ва автобуслари – 1200 дона (119,4%), аккумулятор батареялар – 680,2 минг дона (116,3%), кучланишли агрегатлар – 91,6 минг дона (2,1 баравар). Жамият корхоналари томонидан 6 686,2 млрд. сўмлик истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилган, 2016 йилга нисбатан ўсиш суръати – 156,4% ни ташкил этди.

Бугунги кунда ички бозорда энгил автомобилларга бўлган талаб 60-70% га, юк автомобилларига – 50% га қондирилмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакат ҳукумати томонидан рақобатни ва соҳадаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун автомобилсозлик соҳасига мустақил иштирокчи сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича фаолишлар олиб борилмоқда.

Тармоқнинг асосий йўналишлари.

Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 23 та қўшма корхона фаолият юритмоқда, уларда автомобиль ва автобуслар, юк машиналари, автомобиллар учун бутловчи қисмлар ва узеллар, шунингдек, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилади.

Қуйидаги компаниялар автомобиль ишлаб чиқариш соҳасида ишлайди:

«Дженерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича тузилган «ДжиЭм Ўзбекистон» акциядорлик жамияти, «ЎзАвто» корхонаси, Япониянинг «Исузу» ва «Иточу» компаниялари муассислигида ўртасинфдаги автобуслар ва юкмашиналари ишлаб чиқарадиган «Самарқанд Автомобиль Заводи». ЎзАвто ва Peugeot Citroen Automobiles ўртасида қўшма корхона тузиш тўғрисида битим имзоланган бўлиб, унга мувофиқ, шаҳарда енгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш бўйича янги завод қурилмоқда. Лойиҳада Пежо Боксер ва Пежо Эксперт автомобилларининг турли конфигурацияларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Осма ва тиркама техникаларини ишлаб чиқарадиган UzAuto TRAILER корхонаси ташкил этилди, шунингдек, Россия компанияси билан бирга Камаз юк машиналарини йиғиш ишлари амалга оширилмоқда. Авто қисмларини ишлаб чиқариш соҳасида «ЎзАвто» компаниясининг қарийб 40 га яқин корхоналари фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти Korea Delfi, Eрае, Sungwoo Hitech, Austem, AMS, КМ&I сингари дунёдаги етакчи авто қисмлар ишлаб чиқарувчилар билан бирга тузилган қўшма корхоналардир.

Бундан ташқари, авто қисмлар етказиб берилиши 160 дан ортиқ кичик ва ўрта даражали таъминотчилар орқали амалга оширилади.

Хусусан, «Дженерал Моторс» ва «ЎзАвто» компанияси билан 1,2 ва 1,5 литр ҳажмли двигателларни ишлаб чиқариш бўйича «ДжиЭмПауэрТрейн Ўзбекистон» қўшма корхонаси ташкил этилган. Завод «Дженерал Моторс» глобал тармогидаги ягона корхона ҳисобланади. Алюмин буюмлар қуйиш, таркибий қисмларни механик қайта ишлаш, таркибий қисмларни йиғишнинг барча жараёни ва синовдан ўтказиш битта заводнинг ўзида амалга оширилади.

«ЎзАвто» компанияси ишлаб чиқариш фаолияти билан бирга ходимлар малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Компания Тошкентдаги Турин политехника университети, университет қошидаги академик лицей, Андижон ва Самарқанддаги машинасозлик коллежлари сингари таълим муассасаларининг асосчиси ҳисобланади.

«ЎзАвто» корхоналарининг автомобиль қисмларини хорижий автомобиль ишлаб чиқарувчилар конвейерига етказиб бериши уларнинг маҳаллийлаштиришда юксак салоҳиятга эгалигининг яққол далилидир.

«ЎзАвто» корхоналари дунёнинг 5 та контингентидаги автоконвейерларга бир неча турдаги автомобиль қисмларини етказиб беради. Корхона ходимлари маҳсулотни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича етарли малакага эга. Ишлаб чиқариш ва сифатни бошқаришга дунё стандартларининг жорий этилиши, қатор халқаро сертификатларга эга бўлиш, шунингдек, корхоналарнинг зарур лаборатория текширув ускуналари билан жиҳозланиши жаҳон стандартига мослашулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда. ЎзАвто корхоналарига GMS, 5S, Kaizen сингари тизимлар жорий этилган.

Машинасозликда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги энг салоҳиятли тармоқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси учун қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш муҳим стратегик тармоқлардан бири ҳисобланади. 2017 йилда қарийб 8 минг дона қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилган бўлса, уларнинг қарийб 1,2 мингтасини тракторлар ва 0,3 мингтасини комбайнлар ташкил этади. Бундан ташқари, сўнгги йилларда тармоқда улкан муваффақиятларга эришилди.

2018 йилнинг 1 июль ҳолатига қўра, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги техникаси парки 150 486 дона, жумладан 57 822 дона трактор, 58 019 дона осма техника, 3 608 дона галла ўрадиган комбайн, 1 224 дона пахта териш машинаси, 1 738 дона хашак ўрадиган техника, 28 075 дона бошқа қишлоқ хўжалиги техникаларини ўз ичига олади.

Юқорида санаб ўтилган мавжуд қишлоқ хўжалиги техникаларидан 82 921 донаси 11 йил ва ундан ортиқ муддат ишлатилгани боис эски техникалар ҳисобланади, жумладан 30 412 дона тракторлар, 28 071 дона осма техникалар, 1 131 дона галла ўрадиган комбайнлар, 175 дона пахта териш машиналари, 919 дона хашак ўриш техникалари, 19 894 дона ерга ишлов бериш техникалар, 1 445 дона турли хил ўғит бериш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш техникалари, 2 473 дона қишлоқ хўжалигидаги турли техникалар бўлиб, агротехника ишлари бажариладиган қизгин мавсумда техника етишмовчилигини пайдо қиляпти.

Қишлоқ хўжалиги парки таҳлилларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари қўшимча 100 670 дона техникага муҳтож. Улардан 26 139 донаси тракторлар, 34 605 донаси осма ва тиркама техникалар, 1 149 донаси галла ўрадиган комбайнлар, 3 080 донаси пахта териш машиналари, 9 951 донаси хашак ўриш техникалари, 22 278 донаси ерга ишлов бериш техникалари, 2 968 донаси турли хил ўғит бериш ва

Ўсимликларни химоя қилиш техникалари ва 5002 донаси бошқа техникалардир.

Айни пайтда мавжуд техниканинг 55,1% маънавий ва жисмонан эскирган бўлиб, улар тезкор суратда янгиланаши зарур. Чунки бу ишлов берилаётган ерлар самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш ва албатта, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини оширишда ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикасида турли хил қувватдаги тракторлар, галла ва хашак ўриш комбайнлари, осма, тиркама, йўл-қурилиш ва махсус техникалар ишлаб чиқарадиган «Қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ, «Технолог» АЖ, «Агрегат заводи» АЖ, «Агрихим» МЧЖ, «Урганчкорммаш» АЖ, «Uz CLAAS Agro», «ЎзКейсМаш» МЧЖ, «ЎзКейсТрактор» МЧЖ, «DD-Agrotexmash» МЧЖ, «Kuhn» МЧЖ, «UzAgrotex Sanoat Invest» МЧЖ, «Lemken-Chirchik» МЧЖ ва «Амкодор-Агротехмаш» МЧЖ сингари миллий ва жаҳон брендларининг ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилган.

2018 йил 1 январдан 2018 йил 30 июнгача юқорида кўрсатилган корхоналар томонидан умумий қиймати 1 449,5 млрд. Сўмга тенг бўлган 6 000 донадан ортиқ техника ишлаб чиқарилган. Айни пайтда, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва сотиш суръатининг ошиб бориши ушбу техникага талаб борлигидан далолат беради. \

6.4. Банк-молия соҳасидаги ислоҳотлар ва уларнинг мазмун-моҳияти

Тўртинчи масала баёни. Ўзбекистон банклари миллий иқтисодиётга таъсир эта олувчи кудратли тизимга айлангунга қадар узоқ эволюцион ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу йўлда қатор қийинчиликларни енгиб ўтишига

тўғри келди.

1991 йилда қатор банклар шакллана бошлади. Улар Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ўзгарувчан шароитларида фаолият юритиб, замонавий иш услубларини ўзлаштирган ҳолда тобора янги қирраларга эга бўла борди. 1991-1992 йиллар банклар фаолиятига доир қарашларда чинакам бурилиш йиллари бўлди. Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши икки даражали банк тизимининг таркиб топиши ва мамлакат Марказий банки зиммасига янги вазифалар юкланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Унинг олдида пул муомаласини тартибга солиш, тижорат банклари тизими ҳамда тўлов тизимини шакллантириш вазифалари қўйилди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларини молиялаштириш энди ташкил этиладиган, замонавий тамойил ва талаблар

асосида фаолият юритувчи ихтисослашган тижорат банклари томонидан амалга оширилиши лозим эди.

1993–1994 йилларда банк тизимидаги ислохотлар давом этди. 1994 йилнинг 1 июлидан эътиборан миллий валюта — сўмнинг муомалага киритилгани мустақил банк тизимининг, умуман, Ўзбекистон иқтисодиётининг шаклланишида муҳим аҳамият касбэтди. Бу Марказий банк ўз фаолиятида тўлиқ мустақил бўлганини, келгусида бозор инструментлари орқали миллий пул тизимини тартибга солиш самарали ташкил этилишига ёрдам бериши мумкин эканини англатар эди. Айнан шу вақтдан бошлаб Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини юритиш, валютага оид ишларни тартибга солиш, банк фаолиятини бошқариш ва кейинчалик самарали тўлов тизимини яратиш бўйича фаолияти тўлақонли равишда миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилди.

1995 йил банк қонунчилигини такомиллаштириш даври бўлгани билан ажралиб туради. Тарихий муҳим ҳужжат — “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонун нафақат банк тизимининг ҳуқуқий асосини бойитди, балки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг янги, алоҳида мақоми ва ваколатларини, асосий мақсад-вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди. Шу билан бир қаторда мазкур йилда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, кредит ва депозит бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш учун зарур шароитлар яратилди. Банкларнинг капитал ҳажмига жалб этиладиган аҳоли жамгармалари миқдорини чекловчи қоида бекор қилинган, банк муассасаларининг имкониятлари сезиларли даражада кенгайди ва рақобат кучайди. Бунинг самараси дарҳол намоён бўлди. Агар 1994 йил бошида аҳоли жамгармаларининг 98,5 фоизи Жамгарма банки (ҳозирги Халқ банки), 1,5 фоизи эса бошқа банклар ҳиссасига тўғри келган бўлса, ўша йил охирида бошқа тижорат банкларининг ҳиссаси ҳам кўпайиб, бу борадаги кўрсаткич 12,8 фоизгаётди. Бугунги кунга келиб, бу борадаги кўрсаткич 83,2 фоизни ташкил этмоқда.

Ушбу йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни иккинчи даражали банк тизими — тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий асосини конкретлаштирди.

Банк тизимига тааллуқли икки асосий ҳужжат — “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ҳамда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ишлаб чиқилишида ривожланган молия тизимига эга мамлакатлар тажрибаси

инобатга олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур қонунлар, шунингдек, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоякилиш тўғрисида”ги Қонун нодавлат банкларнинг хусусий ваакциядорлик-тижорат шаклида ташкил этилишига қулай ҳуқуқий шароит яратди. Бу даврда банк тизими ривожига алоҳида таъсир этганикки омилни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчиси, олиб борилган ислоҳотлар натижасида 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар бошқарув ва банк назоратининг тўла ҳуқуқли органи бўлди. Иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни иккинчи даражали банк тизими – тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий асосини аниқ-пухта белгилаб берди. Унда банк активларини диверсификациялаш ва хорижий капитал жалб қилиш асосида универсал тижорат банкларини шакллантириш принциплари мустаҳкамланган.

Бу даврда иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларига хизмат кўрсатувчи кредит-молия ташкилотлари ташкил этилди. Бундай ихтисослашув кишлоқ хўжалиги, автомобиль саноати, авиасозлик каби халқ хўжалигининг муайян соҳа ва тармоқларини молиялаштириш зарурати билан боғлиқ эди. Келгусида ихтисослашган банклар ўз операциялари ва мижозлари доирасини мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг янги даражаси ва бизнес-муҳит талабларига кўра кенгайтира боради. 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк секторини бошқарувчи ва назорат қилувчи орган сифатида шаклланиш жараёнлари давом этди. Банк тизимига тааллуқли қонунчилик базаси сифат жиҳатидан янгиланиб, халқаро банк амалиёти билан мувофиқлаштирилди. 1997 йилда ислоҳотларнинг стратегий ўналишларидан бири банк секторида хусусий капитал оқимини рағбатлантиришдани борат бўлди.

Мазкур жараён 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинганидан сўнг жадаллашди. Унда жисмоний шахсларнинг 50 фоиздан кам бўлмаган улуши билан банклар очиш учун имтиёзлар тақдим этиш кўзда тутилган эди. 1997 йил банк тизимининг ривожланиш тарихида банк фаолиятида ахборот тизимларини жорий этиш бошлангани билан аҳамиятлидир. Маълумки, ўша вақтгача республика ҳудудида амалдаги барча ҳисоб-китоблар кун бўйи олиб борилар эди. 1997 йилнинг март ойидан янги дастурий таъминот жорий этилиб, барча ҳисоб-китоблар автоматик режимда амалга оширила бошланди. Бу эса тўловларни республика ташқарисида 15 дақиқа мобайнида, Тошкентдан чекка жойларда атиги 3 дақиқада амалга ошириш имконини берди.

Айнан ўша вақтда ҳисоб-китоблар механизми ишлаб чиқилди ва банклараро электрон тўловларнинг замонавий тизими жорий этилди. Банкларга ўша вақтдаги ноёб имконият — компьютер ва телекоммуникация ускуналарини харид қилиш ва департаментларни улар билан жиҳозлаш имконияти берилди. Улар маблағларни ўз фаолияти учун зарур ускуна-анжомларни модернизация қилишга йўналтириши ҳисобга олиниб, қатор солиқ тўловларидан озод қилинди.

Шу тариқа, молиявий ва иқтисодий ахборотнинг сифат жиҳатидан янги истеъмолчилари – маҳаллий ва хорижий инвесторлар пайдо бўлди.

1998 йилда республика банклари Базель тавсияларига мувофиқ ҳолда фаолият кўрсатиш учун зарур тадбирлар амалга оширилди.

Банк назорати ва халқаро амалиёти бўйича Базель кўмитасининг тавсияларидан келиб чиқиб, тижорат банклари фаолиятини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари доирасида тартибга солувчи комплекс меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бунда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида улар балансида мавжуд муаммоларни олдиндан аниқлаш ҳамда банк ликвидлиги пасайиши ва капитал тугаши юзага келишидан олдин огоҳлантирув чораларини кўриш тамойилларидан фойдаланилди. 1999-2000 йилларда валюта сиёсати янада либераллаштирилган ҳолда, биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валюталар савдоси механизми амалга киритилди.

Мазкур механизм ваколатли банкларнинг хорижий валютада талаб ва таклифдан келиб чиқиб, ўз миқдорларидан шартнома асосида эркин курс бўйича валюталарни сотиб олишини кўзда тутди.

2000-2010 йилларда Ўзбекистон банк тизимини мустаҳкамлашда салмоқли ютуқларга эришилгани билан аҳамиятлидир. Айнан шу йилларда замонавий инфратузилмага эга самарали банк тизимини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни доирасида Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилди. Давлат-тижорат Халқ банкидан ташқари, республикамиз ҳудудида ўз фаолиятини олиб борувчи барча банклар унга аъзо бўлди. Ишончлилик, хизмат кўрсатишнинг юқори сифати, барча миқдорлар билан ўзаро шериклик муносабатлари Ўзбекистон банклари фаолиятида асосий принципларга айлана борди. Банк тизими фаолиятининг институционал асослари

такомиллаштирилди. Банк секторини либераллаштириш ва ислоҳ қилишни кўзда тутиб қабул қилинган дастурий ҳужжатлар унинг самарадорлигини оширишни олдиндан белгилаб берди. Мазкур ҳужжатлар замирида банк фаолиятини либераллаштириш жараёнининг тизимли ва босқичма-босқичлик тамойиллари ётади. Ушбу тамойилларга амал қилиш аҳолининг мамлакат банкларига нисбатан ишончини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Бундай ёндашув, шубҳасиз, барқарор ва ишончли банк тизимини ташкил қилиш жараёнида улкан ютуқдир.

Мамлакатимизда либераллаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида банк тизимини ривожлантириш даври. Бу даврда аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, банкларни республикамиздаги янгиланишларнинг молиявий таянчига айлантириш мақсади кўйилди. Унинг муваффақияти банкларнинг келгуси ривожда долзарб аҳамият касб этиши лозим эди. Корхоналарни акциядорлаштириш ва уларнинг мулкчилик шаклини ўзгартириш жараёнлари жадаллашди. Банклар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг янги босқичи талабларидан келиб чиқиб, ўз ривожланиш концепциясига риоя этган ҳолда стратегиясини такомиллаштириб борди. Уларнинг ресурс базасини кенгайтириш ва капиталлашув даражасини ошириш ўз фаолиятини диверсификациялаш, янги акциядорларнинг маблағларини жалб этиш, IT-технологиялар асосида янги банк маҳсулотлари ва инструментларини ишлаб чиқиш ҳисобига амалга оширилди. Валюта бозорини либераллаштиришни давом эттириш ва жорий халқаро операциялар бўйича сўм конвертациясини таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиш билан боғлиқ бўлган омиллар ҳам банклар фаолиятига бевосита таъсир кўрсатди. Чунончи, 2003 йилнинг 15 октябридан Ўзбекистон Республикаси Халқаро Валюта жамғармаси Битимининг VIII моддасидаги мажбуриятни қабул қилди. Натижада корхоналар жорий операциялар бўйича конвертацияни амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Бу масала юзасидан Ўзбекистоннинг ташқи маблағларни жалб этмай, амалда ўз ресурсларига таяниб мақсадга эришгани юксак эътирофга сазовор. Мазкур чоралар миллий валюта конвертациясидан фойдаланган маҳаллий тадбиркорлар фаолиятини кенгайтиришга яқиндан ёрдам берди.

Республикамизда хусусий банклар ривожланишини изчил рағбатлантириш рақобатни кучайтиришга, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилашга ва молиявий ресурсларнинг самарали тақсимотига туртки берди. Бу эса, ўз навбатида, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. 2006-2007 йиллар- ипотекавий кредитлашнинг ривожланиш даври. Банк

хизматларининг мазкур янги шакли маҳаллий аҳоли томонидан дарҳол ижобий баҳоланди. Аҳолининг барча катламларини, айникса, ёшларни ижтимоий ҳимоялашни кўзда тутувчи ушбу манба Ўзбекистон Республикаси “Истеъмол кредити тўғрисида”ги ва “Ипотека тўғрисида”ги Қонунлари орқали мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Қонуни истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур қонун турар-жой ва маиший шароитларни яхшилаш борасида аҳолининг имкониятларини янада кенгайтиришга, бинобарин, банкларда истеъмол кредитлаш ҳажмининг сезиларли даражада ошишига хизмат қилади. 2006 йилнинг октябрь ойида эса Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида”ги қонуни қучга кирди. Кўчмас мулкни харид қилиш учун кредитлар ажратишнинг ҳуқуқий механизмини ўзида мустаҳкамлаган ушбу қонун ҳужжати банк ипотекавий кредитлаш ривожига муҳим аҳамият касб этди. Ундан кўзланган асосий мақсад кўчмас мулкка гаров қўйишда юзага келувчи муносабатларни тартибга солишдан иборат эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги “Уй- жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида уй-жойлар қурилишини узоқ муддатли ипотекавий кредитлаш тизимида бир қатор механизмлар жорий этилди.

Бу даврда, шунингдек, банкларнинг стратегиялари нақд пул муомаласини мустаҳкамлашга, ҳар бир филиалда нақд пул захираларини шакллантиришга ва ўз фаолиятида самарадорликни оширишга қаратилди. “2005–2007 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури”да белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши банклар капиталлашув даражаси ва кўрсаткичларининг барқарор ўсишини таъмин- лаган ҳолда, банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва либераллаштиришда муҳим омил бўлди. Бу борада пул муомаласини мустаҳкамлаш ва миллий валюта, унинг айирбошлаш курси барқарорлигини ошириш, банкларда аҳоли омонатларини кўпайтиришни рағбатлантиришга устувор йўналишлар сифатида эътибор қаратилди. Ривожланиш сари доимий равишда интилаётган тижорат банкларига мамлакатимиз ҳукумати томонидан ўз вақтида такдим этилган имтиёзлар кредит муассасалари ўз янги инструментларини ишлаб чиқадиган ва таклиф қиладиган банк-молия бозорининг шаклланишини олдиндан белгилаб берди. 2008-2009 йилларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун банк чакана маҳсулотларини ривожлантириш банк фаолиятининг муҳим йўналишига айланди.

Мазкур йўналишда банклар ўз фаолиятини дунёвий амалиётнинг “олтин” принциpidан келиб чиққан ҳолда олиб бордилар. Яъни, аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг жозибадорлиги тадбиркорларнинг кредитлардан фойдаланиш кенг имконияти билан мутаносиб ҳолда ривожлантирилди. Давом эттирилган ислоҳотлар банк фаолиятини аҳолининг турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этувчи, илгари қабул қилинган “Истеъмол кредити тўғрисида”ги ва “Ипотека тўғрисида”ги қонунлар доирасидаги фаоллигини янада кучайтирди.

2020 йилда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги бош вазифага айланди.

2020 йилда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги бош вазифага айланди.

Шу йилдан бошлаб инфляциявий таргетлаш тизимини жорий қилишга ўтдик. Бу борада Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги иқтисодий ўсиш билан инфляция ўртасида мувозанатни таъминлаши, ташқи хавф-хатарларни ҳисобга олиши зарур.

Давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархининг тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилмоқда. Шунинг билан ҳисобга олиб, энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимиз керак.

Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Истеъмол бозорида озик-овкат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озик-овкат маҳсулотлари етиштириш ҳажминини кўпайтириш ҳамда “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз занжирни яратишдир. Ҳукумат барча даражадаги ҳокимликлар билан ушбу вазифа ижросини тўлиқ таъминлаши керак.

Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур. Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгиладик. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинadиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига

жиддий эътибор қаратилади. Вазирлар Маҳкамаси “Давлат молиявий назорати тўғрисида” ва “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқди. Ислохотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди. Вазирлар Маҳкамаси хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, “яширин иқтисодиёт”нинг вужудга келиш омилларини чуқур таҳлил қилиб, унга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқди.

Шунингдек, “яширин иқтисодиёт” улуши юқори бўлган алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш учун товарларни рақамли маркировка қилиш тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Бу тизим келгусида фармацевтика маҳсулотлари учун ҳам қўлланилади. Вазирлар Маҳкамаси қиймати 200 миллион доллар бўлган, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобидан амалга оширилаётган ушбу “рақамли маркировка ва онлайн касса” лойиҳасини алоҳида назоратга олган.

6.5. Солиқ соҳасидаги ислохотлар

Бешинчи масала баёни. Ватанимиз мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб режали иқтисодий тизимдан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш йўналишида кенг қўламдаги ислохотлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда. Жумладан, макроиқтисодий сиёсатнинг муҳим бўғини ҳисобланадиган солиқ сиёсати, солиқ қонунчилиги ва солиқ маъмурчилиги асослари яратилди ва ривожлантирилди. Амалга оширилган ислохотлар, биринчидан, давлат харажатларини молиялаштиришни таъминлай оладиган даромад базасини яратган бўлса, иккинчидан, иқтисодиётнинг муҳим соҳаларини ривожлантиришга қулай шароит яратиб берадиган солиқ тизимини вужудга келтирди. Кейинги ўн икки йилда республикамиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми ўртача йилига 8 фоиздан ортиқ ўсди. Солиқ сиёсатининг республикамизда кичик бизнесни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини, шунингдек, экспорт салоҳиятини юксалтиришдаги ролини таҳлил қилсак, бунинг яққол тасдиғини кўраемиз.

- Солиқ юкининг камайиши юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим роль ўйнади. Солиқ ислохотларининг устувор йўналиши сифатида солиқ юкининг босқичма-босқич пасайтирилиши барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришишда муҳим омил бўлди.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтишнинг Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов томонидан белгилаб берилган «Ўзбек модели» асосий тамойилларидан бири иқтисодий ислохотлар жараёнида давлатнинг етакчилик ролидир. Одатда, макроиқтисодий сиёсатни

олиб боришда ушбу роль давлатнинг фискал сиёсати орқали амалга оширилади. Фискал сиёсат орқали давлат нафақат умумлашган талабни, ишлаб чиқаришни ва даромадларни бошқариб туради, балки институционал ва тузилмавий ислохотлар ривожига ҳам актив таъсир кўрсатади.

Биринчи Президент И.Каримов иқтисодий ислохотлар ва инвестициялар бўйича Идоралараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашда сўзлаган нутқида фискал сиёсатни юритишга алоҳида эътибор қаратиб, бу сиёсатни иқтисодиётнинг ҳар томонлама таҳлили натижаларига асосланиб олиб бориш кераклигини таъкидлади. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги «Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодий комплекси таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар ишининг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 517-сонли қарорида ҳам иқтисодиётни эркинлаштириш ва уни бошқаришда давлатнинг бевосита аралашувини камайтириш жараёнларида макроиқтисодий сиёсатнинг турли йўналишлари ўртасида узвий боғлиқликни ошириш зарурлиги уқтирилган.

Солиқлар аслида давлатнинг мустаҳкам бюджетини шакллантиришга қаратилган тушумлар манбаи ҳисобланиб, ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга қайта йўналтирилиши билан аҳамиятлидир. Шу боис ҳар бир фуқаро ўзи тасарруф этган мулки ёки даромадининг белгиланган улушини мамлакат ривожига учун ажратиши бу иқтисодий жараённинг барқарорлигини таъминлайди.

Мустақил Ўзбекистонимизда ҳар бир ислохот инсон ҳамда унинг манфаатлари учун амалга оширилаётганини жорий йил аввалидан Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилиниши, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигининг ягона 12 фоизга туширилгани, концепциянинг мантикий давоми сифатида солиқ ва божхона соҳасидаги имтиёزلарни тартибга солиш борасида ҳуқуқий асоснинг ишлаб чиқилгани, янада эътиборлиси, тадбиркорлар учун қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 20 фоиздан 15 фоизга, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг эса 25 дан 12 фоизга пасайтирилганида ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, солиқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар аввало тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний фаолият ортидан ҳалол даромад орттиришига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Президентимизнинг 2019 йил 26 сентябрь “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони солиқ юкини камайтириш ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишдаги номутаносибликларни қисқартиришда муҳим дастуриламал бўлмокда. Бу билан қўшилган қиймат

солигининг узлуксиз “занжири”ни шакллантириш, истеъмол бозорининг баркарорлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун муносиб шароит яратиш мақсадида жорий йилнинг 1 октябидан бошлаб қўшилган қиймат солигининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди.

2020 йил 1 январдан соддалаштирилган тартибда қўшилган қиймат солиги ҳисоблаш режимининг бекор бўлиши адолат ва тенглик, маҳсулот таннархининг арзонлашиши, солиқ тўловчилар даромадининг ошиши ва қўшилган қиймат солиги тўловчиларнинг солиқ юки бирхиллашишига олиб келади. 2020 йил 1 январдан ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга туширилди.

Бугунги шиддатли иқтисодий рақобат муҳитида тадбиркорларга кенг имтиёзлар бериш, зарур кулайликларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз солиқ сиёсатида ана шундай замонавий тамойилларни инобатга олиб, айрим ҳолларда оддийгина ҳисоботларни топшириш муддатларидаги кечикиш ёки баъзи тушунмовчиликлар юзага келган вазиятларда тадбиркорларнинг банклардаги ҳисоб рақамларини вақтинча ёпиб қўйиш ҳолатлари кузатилар эди. Эндиликда бу тартибдан воз кечилиб, тадбиркорга зарур маслаҳат ва кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш мақсадида шаффоф тизим яратилди.

Президентимизнинг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан тадбиркорлик субъектлари аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликни тан олиб, давлат солиқ хизмати органларининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кун муддатда ичида молиявий жарималарни ихтиёрий равишда тўласа, тадбиркорлик субъектлари мазкур ҳуқуқбузарлик учун конун ҳужжатларида белгиланган жиноий ва маъмурий жавобгарликдан озод этилади. Шунингдек, мазкур қарор билан юридик шахс ёки яққа тартибдаги тадбиркор унга нисбатан қўлланилган молиявий жарималар тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб, қўлланилган молиявий жарималар миқдорининг 50 фоизини ўн кун давомида ихтиёрий равишда тўлаганда, уни жарима суммасининг қолган қисмини тўлашдан озод этиш бўйича молиявий жарималарни ундиришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этилди.

6.6. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва унда белгиланган долзарб вазифалар

Олтинчи масала баёни. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирхзиевнинг 2019 йил 28 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли

ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларга катта ҳов ҳисобланмиш коррупцияга яна бир бора қаттиқ зарба берадиган ҳужжат бўлди. Таъкидлаш лозимки, 2016 йилнинг октябрь ойида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезидаги сайловолди маърузасида маҳаллийчилик ва уруг-аймоқчилик каби иллатлар баробарида Ўзбекистоннинг барқарор ривожига хавф тугдираётган таҳдидлар орасида айнан давлат ҳокимиятини обрўсизлантириб, иқтисодиётнинг ўсиши ва тадбиркорлик ривожига жиддий тўсик бўлиб келаётган коррупция масаласига барчамизнинг эътиборини қаратди. Айнан шу даврдан бошлаб мамлакатимизда бу салбий иллат билан муросасиз кураш олиб бориш борасида барқарор қадамлар қўйилди. Дарҳақиқат, кўп вақт ўтмай, яъни 2016 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қасбул қилинди.

Мазкур қонун ҳужжатининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида 2017 йил 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди. Қуни кеча эълон қилинган Фармон ана шу тизимли ишларнинг мантикий давоми бўлиб, унда коррупцияга қарши курашиш борасида яратилган механизмларни янада такомиллаштириш, ушбу иллатни батамом бартараф этиш чоралари очиб берилган.

Энг муҳими, ушбу Фармоннинг айнан “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастури доирасида эълон қилиниши диққатга сазовордир. Айнан шунинг учун ҳам мазкур ҳужжатда иқтисодиётни янада раванқ топтириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги

тизимли чоралар кўрилишини таъминлаш алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Фармоннинг асл мазмун-моҳияти шундан иборатки, коррупцияга қарши курашиш бу нафақат давлатнинг вазифаси, балки жамият ҳам давлат билан ҳамкорликда бу салбий иллатга барҳам беришда фаол иштирок этиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳужжатда айнан сиёсий партияларнинг бу борадаги ролини янада кучайтириш алоҳида кўрсатиб ўтилган. Дарҳақиқат, партиямизнинг сайловолди дастурида ҳам айнан коррупция ва унинг ҳар қандай кўриниши билан мурасасиз кураш олиб бориш асосий ўринни эгаллаган. Чунки, мазкур салбий иллатга барҳам берилмас экан, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, чет эл инвестицияларини мамлакат иқтисодиётига жалб этиш ҳамда давлатимизда ўрта синфни шакллантириш ниҳоятда огир кечади. Коррупциянинг яна бир салбий томони шундаки, у мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижига, рейтингига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бунинг натижасида мамлакатнинг инвестиция жозибадорлигига путур етиши мумкин. Шунинг учун ҳам партиямиз ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси мазкур Фармондан келиб чиқадиган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда бу борада тегишли назоратни амалга ошириш юзасидан бир қатор чоратadbирлар режасини ишлаб чиқишни мақсад қилган. Хусусан, ўз электорат манфаатини ҳимоя қилган ҳолда, давлат органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида ишлаб чиқиладиган тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш, “Давлат харидлари тўғрисида” ҳамда “Давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида тегишли давлат органлари томонидан мазкур қонун ҳужжатларини бажариш борасида коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан амалга оширилган ишларни мониторингини ўтказиш, лозим бўлса, парламент эшитуви даражасида мазкур масалаларини ўрганишни кўзда тутмоқда.

Шунингдек, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун доирасида мамлакат ҳудудларида тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўз фаолиятини юритиб келаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларини жалб этган ҳолда, давлат органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан жамоатчилик эшитувларини ташкил этишга кўмаклашишни кўзламоқда. Фармонга асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг таркибида коррупцияга қарши курашиш ташкил этиладиган комиссиялар таркибига тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўз фаолиятини

юритиб келаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари киришиш чораларини кўриш, ҳар чоракда тадбиркорлик субъектларидан келиб тушадиган ва коррупция ҳолатлари билан боғлиқ мурожаатлар таҳлилин итказиб, тегишли чораларини кўриш ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисобаймиз.

Бундан ташқари, “Мен коррупцияга қаршиман” шиори остида энди фаолиятини бошлаган ёш тадбиркорлар иштирокида семинарлар, давр суҳбатлари ва бошқа оммавий тадбирларни итказиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Умуман, коррупцияга қарши муросасиз курашда натижа берадиган ҳар қандай чорани кўриш, энг муҳими, парламент назоратининг таъсирчан усулларидан фойдаланиш давлатимиз учун ҳам, жамиятимиз учун ҳам бирдек наф келтиради.

Назорат саволлари:

1. Иқтисодий ислохотларнинг беш тамойили ва уларнинг мақсади ҳақида гапиринг.
2. 2015 йил “децил коэффициентини” неча фоизни ташкил этган?
3. Банк-молия соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг мазмун-моҳияти.
4. Қайси қонун доирасида Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди ташкил этилди?
5. Кейинги ўн икки йилда республикаимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми ўртача йилига неча фоизга ўсди?
6. Қачон Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида”ги қонуни қучга кирди?

Тест саволлари

1. **Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи” асари қачон нашр этилган?**
 - А) 1998 йилда *
 - Б) 1997 йилда
 - В) 1999 йилда
 - Г) 2000 йилда
2. **Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” китоби қачон нашр этилган?**
 - А) 1992 йилда
 - Б) 1993 йилда *
 - В) 1994 йилда
 - Г) 1995 йилда

3. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” асари қачон нашр этилган?

- А) 1996 йил*
- Б) 1997 йил
- В) 1998 йил
- Г) 1999 йил

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا Ўзбекистон ҳудудида сайловгача камида неча йил яшаган киши сайланиши мумкин?

- А) 5 йил
- Б) 8 йил
- В) 10 йил *
- Г) 15 йил

5. “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”га ўтишда қандай омиллар асос қилиб олинди?

- А) Иқтисоднинг сиёсатдан устиворлиги ва кучли ижтимоий ҳимоя
- Б) Қонуннинг устиворлиги ва давлатнинг бош ислохотчилиги
- В) Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш
- Г) Халқаро тажриба ва хўжалик имкониятлари *

6. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар нечта йўналишда олиб борилади?

- А) 4
- Б) 5 *
- В) 6
- Г) 7

7. Қайси қўмита 1994 йилдан Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига айлантирилган?

- А) Мулк қўмитаси
- Б) Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси
- В) Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш давлат қўмитаси *
- Г) Давлат мулкани асраш ва уни ҳисобга олиш қўмитаси

8. Бугунги кунда Ўзбекистон ...?

- А) Аграр индустриал давлат *
- Б) Индустриал аграр давлат
- В) Тўла аграр давлат
- Г) Тўла индустриал давлат

9. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Ўзбекистонда қандай кредитлар учун шароитлар яратиш кераклиги таъкидланган эди?

- А) Кам фоизли

- Б) Спекулятив
- В) Узоқ муддатли *
- Ғ) Кредитларни олмаслик таъкидланган

10. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўм қачон муомалага киритилди?

- А) 1993 йил 21 март
- Б) 1993 йил 18 ноябрь
- В) 1994 йил 1 октябрь
- Ғ) 1994 йил 1 июль *

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент. “Ўзбекистон”. 2019.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. –Тошкент. “Ўзбекистон”. 1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. - Тошкент. “Ўзбекистон”. 1993.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1997.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”. 2008.
6. Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида. -Тошкент: “Ўзбекистон”.2002.
7. Мирзеев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. . -Тошкент: “Ўзбекистон”.2017.
8. Мирзеев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. -Тошкент: “Ўзбекистон”.2017.
9. Усмонов Қ., Шарипов Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон – сиёсий ва ҳуқуқий ислохатлар сари. -Тошкент: “Ўзбекистон”.1996.
10. Каримов Ш., Турсунов И., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Учунчи китоб. –Тошкент: “Шарқ”.1997.
11. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари / Муаллифлар жамоаси. Т.: Фафур Фулом. 2017.
12. Ҳасанов Р, Утамурадов, Қирғизбоев М, Иноятов Қ, Фуқаролик жамияти: маърузалар курси . – Т.: “Navro’z” 2018 , 332 бет

13. Ҳасанов Р, Утамурадов, Қирғизбоев Фуқаролик жамияти.//Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: “Fan va texnologiyalar Markazi“. 2019, 400 бет.

7-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИЖТИМОЙ ЎЗГАРИШЛАР

7.1. Мустақиллик арафасида ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазият

7.2. Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий ҳимоя

7.3. Ҳозирги босқичда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат ва унинг ўзига хослиги

Таянч тушунчалар: 1989 -1991йй. Фаргона, Бўка, Паркент, ижтимоий кескинлик ,1989 йил 21 октябрь,, 1989й. 17 август, Ижтимоий инфратузилма “Бандлик” давлат дастур, 1991 йил 16 ноябрь, 1993 йил 12 ноябрь, 1993 йил 22 ноябр, 1994 йил 23 август. Фармон ва Қарорлар , биринчи босқич, иккинчи босқич, учинчи босқич, ижтимоий сиёсат, маошларни индексациялаш, ижтимоий ҳимоя.

**7.1. Мустақиллик
арафасида
ижтимоий-иқтисодий
ва демографик вазият**

Биринчи масала баёни. XX асрда 70 йилдан кўпроқ вақт ҳукмрон бўлган, дунё харитасида “Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи” деган ном билан катта ҳудудни эгаллаган, сохта коммунистик мафкурага,

маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган йирик мамлакатдаги тўғри бўлмаган, самарасиз ижтимоий-иқтисодий сиёсат 1980-йилларнинг охирига келиб барча иттифокдош республикалар қаторида Ўзбекистон аҳолисининг ҳам яшаш шароитларини огирлаштириб, уни кўплаб муаммолар исканжасига солиб қўйди (1-шаклга қаранг).

1-шакл



Бу муаммоларнинг барчаси 1980-йилларнинг охири, 1990-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда ижтимоий кескинликнинг кучайишига сабаб бўлди. Хусусан:

- республикада демографик вазиятнинг мураккаблашди. Статистик маълумотлар таҳлили аҳоли рўйхатга олинган давр оралигида, яъни 1979-1989 йиллар давомида республикада жами аҳоли сони 15379,4 минг кишидан 19810,0 минг кишига ёки 28,8 фоизга кўпайганини кўрсатади. Бу даврда аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,8 фоизни ташкил қилган. 1991 йилга келиб мамлакатда аҳоли сони 20,7 миллион кишидан ортиб, 1990 йилга нисбатан 386,0 минг кишига ўсган. Бу эса Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръатлари Иттифок суръатларига караганда уч баробардан зиёд юкори бўлганини кўрсатади. Бирок, аҳолининг бундай ўсиши узок йиллар давомида саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида иш жойларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳаёт таъминоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамлаб борилмади. Бу эса одамлар турмуш шароитининг огирлашуви, ишсизлар сонининг кўпайиши, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларининг камайиши, пировард натижада халқ фаровонлигининг пасайишига олиб келди;

- республика иқтисодиётининг бирёқлама, хаддан ташқари номақбул ихтисослаштирилиши натижасида кишлок хўжалиги билан бир қаторда саноатда ҳам асосан хомашёни бирламчи қайта ишлаш тармоқлари устунлик килиб, тайёр маҳсулот, аввало халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг улуши жуда паст эди. Қишлоқ хўжалиги хомашёсининг талайгина ҳажми (пахта толаси, хом ипак ва бошқа кўпгина хомашё маҳсулотлари) республикадан олиб кетилган бир вақтда аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини кондириш учун 8-9 миллиард сўмликка якин тайёр маҳсулот четдан олиб келинган. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш имконини берувчи электроника, асбобсозлик, радиотехника, мураккаб рўзгор техникаси ишлаб чиқариш каби ва бошқа кўпгина илгор тармоқлар қониқарли ривожлантирилмаган. Аксинча, республикада сув кўп сарфланадиган ва зарарли ишлаб чиқаришлар асосиз равишда ривожлантирилди;

- ишлаб чиқарувчи кучлар ва аввало саноат объектлари асосан стихияли равишда, аниқроғи, буйруқбозлик билан қабул қилинган қарорлар асосида, кўпинча илм-фан вакиллари, билимли ва обрўли мутахассисларнинг тавсиялари мутлако эътиборга олинмай жойлаштирилган. Бу эса республика иқтисодиёти ҳамда аҳоли пунктларининг экологиясига салбий таъсир ўтказиб, аҳолининг ҳаёт таъминотига, одамларнинг яшаши ва уйгун камол топиши учун зарур шароитларни яратиш имконини бермаган;

- республикадаги ижтимоий аҳволнинг, одамларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мутлақо коникарсизлиги. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг канализация ва водопровод билан таъминланиши атиги 5 фоизни, ичимлик сув билан таъминланиши салкам 50 фоизни, табиий газ билан таъминланиши 17 фоизни ташкил этар эди. Аҳолини уй-жой, соғлиқни сақлаш, маданият, маиший хизмат объектлари, мактаблар, болалар боғчалари ва ҳоказолар билан таъминлаш ишларида силжишлар сезилмади. Ваҳоланки, аҳолининг кўпчилиқ қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилар эди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар Ўзбекистон аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасининг кескин пасайишига олиб келди.

Бу даврда республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифокдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирига тушиб қолди. Жумладан, аҳоли жон бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича иттифокдош республикалар орасида 12-ўринни, даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охириги ўринлардан бирини эгаллаб келди. Аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича Иттифокдаги ўртача даражадан 2 баробар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича 2,5 баробар, саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан 2,5 баробар, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса 2 баробар, аҳолининг ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотлари, тухум, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли бўйича 2 баробар орқада қолган.

Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиши, ўз навбатида, аҳолининг турмуш даражасига ҳам таъсир кўрсатиб, яшаш шароитларининг огирлашувига сабаб бўлди. Ўша даврда кун кечириш учун ойига ўрта ҳисобда камида 85 сўм зарур бўлгани ҳолда, 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши Иттифок бўйича 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 45 фоизга етган, яъни 8 миллион 800 минг кишини ташкил этган.

Ижтимоий инфратузилма тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда огир аҳволда бўлиб, мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилган. Бу эса ўша даврда инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаганини кўрсатади.

Марказнинг республикада пахтачиликни ривожлантириш сиёсати оқибатида минерал ўғитлар ва пестицидлардан кенг фойдаланишга олиб келди ва у йилдан йилга ортиб борди. Жумладан, республикада 1951 йилда 0,9 млн тонна минерал ўғит ишлатилган бўлса, 1980 йилда унинг миқдори 5 млн тоннадан ошиб кетди. Ғўза барглари тўқиш ва зараркурандаларга қарши

курашда захарли химикатлар (бутифос, меркаптафос ва бошқ.) дан фойдаланилди. Дунё бўйича пестицидлар ҳар бир кишига 300 гр. дан, АҚШ да 800 гр. дан тўғри келган бўлса, 1989 йил республиканинг пахта экиладиган ҳудудларида ҳар бир кишига 25-45 кг. дан тўғри келди. Ўта захарли бу химикатлар республиканинг аҳолиси соғлигига жиддий зарар етказди.

Қишлоқ хўжалигининг экстенсив йўлдан ривожлантирилиши, тоталитар режимнинг сугориш технологиясига қўпол аралашуви огир экологик оқибатга олиб келди. Сув захирасини ўйламай янги ерларнинг ўзлаштирилиши дунёдаги энг катта кўллардан бири – Орол денгизининг қуришига олиб келди. Орол денгизининг қуриши 1960-70 йилларда йилига 18 см, 1971-1980 йилларда 53 см, 1981-1985 йилларда 78 см, 1985 йилга келиб эса 87 см. га етди. 1961 йилдан 1991 йилгача денгиз ҳажми 3 баравар қисқарди, денгиз ўз қиргогида 75-80, баъзи жойларда 100 км га чекинди. 1980 йилларнинг бошида Орол денгизига сув келиши деярли бутунлай тўхтаб, нодир сув макони қурий бошлади. Натижада туз ва қумдан иборат 2 млн. гектар майдон очилиб қолди.

Хукмрон партия ва совет давлатининг республикада шаклланган демографик вазиятни ҳисобга олмагани натижасида республикада бандлик муаммоси долзарблашди. Маълумки, шўролар даврида ишсизлик фақат капитализмга хос иллат сифатида қараб келинди. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари эътиборга олинмай, республикамизга хос демографик жараёнлар чуқурроқ таҳлил қилинмади. Натижада 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб мазкур муаммо кўзга ташлана бошлади. Бир томондан меҳнат ресурслари сонининг ўсиши тезлашди, иккинчи томондан, янги иш жойлари ташкил қилиш деярли тўхтаб қолди.³⁹ Бинобарин, республикада меҳнатга лаёқатли бўлган 1.680 минг киши халқ хўжалигига жалб қилинмади. Улардан 780 минг меҳнатга лаёқатли бўлган аҳоли ортикча ишчи кучи сифатида ишлаб чиқаришдан четда қолди.⁴⁰ Айниқса аҳоли ўта зич жойлашган Фаргона водийсида ишсизлик масаласи янада ўткир муаммога айланди. Баъзи бир маълумотларга кўра, фақатгина Фаргона водийсининг ўзидагина 1,5 млн. киши нормал иш билан таъминланмаган эди.⁴¹ Мана шундай қийин шароитда марказ республикадаги ижтимоий-демографик ҳолатни ҳисобга олмаган ҳолда ва уни марказга қарамлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида, ташқаридан (асосан РСФСРдан) 125 мингга яқин ишчи ва мутахассислар Ўзбекистонга олиб келинди.⁴²

³⁹ Содиқов А. Меҳнат бозори: муаммо ва ечимлар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - 1999.- №8. - Б.8.

⁴⁰ Қаранг: Рабич. Р.Г. Научная конференция на тему «Вопросы социального развития Узбекистана в процессе перестройки» // Общественные науки в Узбекистане. 1989.-№1. - С.52.

⁴¹ Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар.- Т: Шарқ, 1999.-Б.108.

⁴² Ўша жойда.- Б.106.

Умуман олганда, таъкидлаш зарурки, айрим республикалар ва автоном тузилмаларнинг ҳам, айрим муаммоли минтақаларнинг (жумладан Фаргона водийсининг) ҳам ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш эҳтиёжларини етарлича ҳисобга олмаслик ижтимоий норозилик даражасининг ошишига, баъзан можаролар хусусиятига эга бўлишига олиб келди. 1989 йилда Фаргона вилоятида, 1990 йилда Бўка, Паркент, Андижонда бўлган воқеалар ана шундан далолат беради.

1989 йил июнь ойи охирида республика раҳбариятига Ислом Каримов келиши билан юзага чиққан тизим таназзули ва ижтимоий ҳаётдаги чуқур инқироз билан боғлиқ деструктив муаммолар ва зиддиятларни ҳал қилиш учун амалий чоралар кўрилди. Республиканинг янги раҳбарияти нафақат воқеаларнинг боришини ўзгартира олди (масалан, Фаргона вилоятидаги миллатлараро можаро кенг ёйилишининг олди олинди), балки диний- экстремистик ташкилотлар фаоллашуvidан келаётган таҳдидларни ҳам бартараф этди.

Республикада шаклланган вазият иқтисодий таназзулнинг олдини олиш, ижтимоий соҳадаги зиддиятларни юмшатиш ва энг асосийси – ижтимоий можароларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўришни талаб қиларди. Бевосита Ислом Каримов раҳбарлигида республикада тартибсизликларнинг олдини олиш, ҳуқуқий тартиботни сақлаб қолиш ҳамда аҳолининг энг асосий ва ҳал этилишини кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган превентив чоралар кўрилди. Ислом Каримов ташаббуси билан 1989 йил 17 августда “Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа ер билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида”⁴³ қарор қабул қилинди. Шу йилнинг ўзидаёқ аҳолига 350 минг гектар ер бериш масаласи ҳал қилинди.

Ушбу инқирозли йилларда шахсий ёрдамчи хўжаликларни товар хўжалигининг мустақил элементи сифатида қонунлаштириш ва уларда ишловчиларни эса ижтимоий фойдали меҳнат билан банд кишилар деб эътироф этиш, шубҳасиз, аҳолининг товарлар ва озиқ-овқатга бўлган асосий эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида республикада иқтисодий базани ривожлантириш йўлида ташланган энг муҳим қадамлардан бўлди. Маълумки, “советлар мамлакати” мавжуд бўлган турли даврларда шахсий ёрдамчи хўжаликлар жамоат хўжалигига кўшимча ҳисобланган, аммо ҳар доим унинг тугатиб бўлмас хусусий мулкчилик характери туфайли маъмурий жиҳатдан чеклаб келинган. Айрим тадқиқотчилар уни “ўлиб бораётган”, “ўтиш даври” шакли эканлигини исботлашга ҳаракат қилганлар. Амалда эса шахсий ёрдамчи

⁴³Совет Ўзбекистони, 1989 йил, 18 август

хўжаликлар нафақат “кўшимча” эди, балки совет даври жамиятининг истеъмол саватини тўлдиришда салмоқли ҳисса кўшарди.

Айрим маълумотларга қараганда, Ўзбекистон 1980-йиллар охирида ушбу хўжаликлар экин майдонларининг 3% ни эгаллагани ҳолда, ялпи маҳсулотнинг 25% гача ва қишлоқ хўжалигида яратилган миллий даромаднинг 33% гача, гўштнинг 50% ни, сутнинг 64% ни, сабзавотларнинг 44% ни ишлаб чиқарган ва ҳ.к.⁴⁴ Ўтиш даврининг мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқеликлари даврида бу хўжаликлар республика озик-овқат базасини тўлдиришнинг етакчи манбаларидан бирига айланди, бу эса, ўз навбатида, уларнинг кескин ижтимоий муаммоларини ҳал қилишдаги ролини оширарди.

Буни инобатга олган республика раҳбарияти кейинги йилларда ҳам шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги ер майдонларини кенгайтириш сиёсатини юритди. Натижада 1992 йилга келиб 2,5 млн.та оила ё илк бор ер майдони олди, ё ўз майдонларини кенгайтириш имконига эга бўлди, уларнинг умумий майдони эса 550 минг гектардан ошиб кетди, томорканинг ўртача майдони эса 20 сотихдан ошди⁴⁵. Шахсий ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган аҳоли сони 1,3 млн. кишига етди, унинг халқ хўжалигига жалб этилган меҳнат ресурслари таркибидаги улуши эса 14,2% га етди⁴⁶. Умуман мустақиллик арафаси ва унинг дастлабки йилларида уй-жой қуриш ва деҳқончилик билан шугулланиш учун 2,5 миллион оилага 700 минг гектар сугориладиган ер томорқа учун ажратиб берилди. Бу энг огир ўтиш даврида жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, айниқса қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси тушиб кетишининг олдини олиш имконини берди.

Президент фармонлари, қонунлар ҳамда Олий Кенгаш ва республика ҳукуматининг қарорлари шаклидаги чора-тадбирлар мажмуи 1980–90-йиллар чегарасида энг муҳим халқ хўжалиги масалаларини мустақил равишда ҳал қилиш, ижтимоий барқарорликни, сиёсий суверенитетни, иқтисодий мустақилликни ва миллий тикланишни таъминлашга қаратилди. Республикада ўсиб бораётган ишсизликни тўхтатишга қаратилган “Бандлик” давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши ушбу жараёнларнинг аниқ ифодаси бўлди. 1989 йил июль ойида Президентнинг қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги фармони чиқди.

Шундай қилиб, XX асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошларида Фарғона водийсидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни таҳлили бу ердаги мураккаб

⁴⁴Правда Востока. 1988. 19 ноябрь.

⁴⁵ Каримов И. А. Узбекистан: Свой путь обновления и прогресса. Т., 1992. С. 50.

⁴⁶ Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика / Под.ред. С. Жураева. Т.І.Т., 1994. С. 80.

ижтимоий-иқтисодий вазият – тарихий мерос, иқтисодий-демографик жараёнларнинг икки ёклама (дуал)лиги, ишлаб чиқаришнинг аграр соҳага ихтисослашуви, қишлоқ аҳолисининг кўпчиликни ташкил этиши билан боғлиқ бўлганини кўрсатди. Асосий муаммо борган сари ошиб бораётган ижтимоий-демографик омилнинг ижтимоий инфратузилманинг нотекис ривожланиши билан номувофиқлигида эди. Иттифоқ раҳбариятининг миллий сиёсати минтақа аҳолисининг ўта оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволига қўшилиб, ижтимоий- сиёсий ва миллатлараро вазиятнинг издан чиқишига олиб келди.

Ана шундай натижалар билан республикамиз 1990 йилларга етиб келди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларида совет мустабид тузумидан қолган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий танглик ўз акс-садосини бера бошлади. Бу айниқса ўтиш даврига келиб, янги ёш давлатимиз келажаги ва тараққиётига хавф солувчи омилга айланиши, мамлакатдаги миллий хавфсизлик ва барқарорлик масалаларига, фуқароларнинг тинч осойишта кун кечиришига таҳдид солиши табиий эди.

Жаҳон амалиёти шундай далолат берадики, ҳар бир жамият ўз тарихий тараққиёти давомида сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтишида бир қатор қийинчиликларга дуч келади. Эскилик ва янгилик ўртасида муросасиз кураш, олдинги тизим сарқитларининг бошлаб юборилган ислоҳотларга тўғаноқ бўлиши, ўтиш даврининг, айниқса, дастлабки йилларида собиқ тизим даврдан мерос бўлиб қолган ва янги воқеликлар таъсирида вужудга келган муаммоларнинг заддиятли тус олиши, ва охир-окибатда зиддиятлар тўпланиб барқарорликнинг издан чиқишига сабаб бўлади. Буларнинг барчаси салбий жиҳатлари билан аҳоли елкасига тушади, айниқса аҳолининг муҳтож табақаларини мушкул аҳволга солиб қўяди. Бу эса жамиятда ижтимоий кескинликни кучайишига сабаб бўлади.

СССР парчаланиб, унинг худудида пайдо бўлган янги мустақил давлатлар босиб ўтган қисқа давр тарихий жараёнларининг таҳлили юқорида қайд этилган фикрларни тасдиқламоқда. Чунончи, бир қатор мустақил тараққиёт йўлини танлаган янги давлатлар бозор муносабатларига ўтиш жараёнини узок, давомли жараён сифатида тан олмадилар, янги жамиятни қисқа муддат ичида барпо қилиш йўлидан бориб, кўпол хатоларга йўл қўйдилар.

7.2. Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий ҳимоя

Иккинчи масала баёни. Республикаимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов шуларни эътиборга олиб, «миллий давлатчиликни шакллантириш демократик ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётни бир

ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтказиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий муаммоларга алоҳида эътибор бериш зарур»⁴⁷, деб таъкидлаган эди.

Шу сабабли, жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан, тарихий тараққиётимиздан олинган жамийки фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда Ўзбекистон бозор иқтисодиётини қуришда ўзига хос йўлдан бориб, ижтимоий соҳага кучли эътибор қаратди. Ўзбекистонинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсат қуйидаги босқичларда амалга оширилди:

Биринчи босқич - 1991-1994 йилларни ўз ичига олган бўлиб, унда собиқ тузумдан мерос бўлган ижтимоий тизим бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилиб, дастлабки йиллардаги ижтимоий соҳадаги муаммо ва қийинчиликларни юмшатишга, уларни ҳал этишга қодир бўлган мутлақо янги ижтимоий тизимга асос солинди. Иқтисодий ислохотлар чуқурлашгани сари ижтимоий тизим ҳам такомиллашиб борди ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган харажатлар ва ўз муддатини ўтаб бўлган ижтимоий ҳимоя чоралари мувофиқлаштирилиб ёки бартараф қилиб борилди.

Бундан асосий мақсад, нархларни эркинлаштириш шароитида аҳоли даромадлари ва биринчи навбатда энг керакли истеъмол маҳсулотларини истеъмол қилишнинг пасайиб кетишининг олдини олиш эди.

Иккинчи босқич - 1995 йилдан бошланди. Бунда оммавий ижтимоий ҳимоя тизимидан бутунлай ўзгача, мақсадли ва адресли характерга эга бўлган ҳимоя тизимига ўтиш амалга оширила борди. Бу даврда иқтисодий ўсиш бошланиши билан аҳолининг янги эркин бозор иқтисодиётига кўникма ҳосил қилиши ва унда бевосита иштирок этиши кузатилди. Шунинг учун аҳолининг яшаш даражаси, унинг учун шарт-шароитлар яратилиши ва барқарорлашиши бу даврнинг ўзига хос хусусиятларига айланиб борди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки даврдан республика ҳукумати ва Президенти томонидан бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, давлат пенсия таъминоти, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг соғлигини сақлаш ҳақида ва бошқа шу каби республика Қонунлари, ҳукумат қарорлари ва Президент Фармонлари қабул қилинди. Масалан, Республика Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақаларни ошириш тўғрисида, кўп фарзандли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги бир қатор Фармонлари қабул қилинди.

⁴⁷Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср босағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997. Б.211.

1992-1996 йиллар мобайнида фақатгина иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни оширишга қаратилган 10 дан ортиқ Президент Фармонлари ва 5 та республика ҳукумати қарори қабул қилинди⁴⁸. Масалан, 1992-1994 йиллар мобайнида иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча бор оширилди, уларнинг миқдорлари бу даврда тегишли равишда 428 баравар ва 1230 баравар кўпайтирилди⁴⁹. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 декабрдаги «1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги⁵⁰ қарорининг жорий этилиши ҳамда давлат томонидан белгиланган иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдоридан солиқ олинмаслигининг жорий қилиниши аҳолини ижтимоий ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этди. Умуман, қабул қилинган бу қонуний ҳужжатлар ўтиш даврининг энг оғир саналган дастлабки йилларида Республика Президенти ва ҳукумати кучли ижтимоий сиёсат юргизганлигидан далолат беради.

Шунингдек, Республика Президентининг 1991 йил 29 декабрда «Эркин нарх белгилаш муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг⁵¹ қабул қилиниши бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нарх-навонинг эркинлаштирилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уни энг керакли маҳсулотлар билан таъминлаш ва ана шу энг зарур эҳтиёж моллари нархларини давлат томонидан белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Масалан, 1992-1994 йилларда нон ва ун маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут, қанд-шакар, ўсимлик мойи, кир совун, болаларга керакли айрим моллар, коммунал ва транспорт хизматлари учун давлат дотациялари қисман сақлаб турилди.

Шу нарса эътиборга лойикки, республика халқ хўжалиги асосан хом ашё этиштиришга мўлжалланганлиги ва аксарият маҳсулотлар четдан келтирилишига қарамасдан аҳолига ана шу истеъмол моллари арзон нархда сотилди. Масалан, 1992 йилда республикамизда ишлаб чиқарилган 100 минг т., четдан келтирилган 350 минг т. гўштнинг ҳар бир килоси аҳолига 400 сўмдан сотилди. Ваҳоланки, унинг ҳақиқий харид нархи 750 сўмни ташкил этган эди. Бундан ташқари олиб келинган шакарнинг ҳар бир килоси 315 сўмдан тушгани ҳолда, 200 сўмга сотилди. Бугдойнинг ҳар бир килоси 105 сўм бўлгани ҳолда 1 кг ун 30 сўмга сотилди. 1 кг чой 650 сўмга олиниб, аҳолига 250 сўмга сотилди⁵². Ўртадаги тафовут давлат томонидан қопланиб борилди ва бу аҳолига ижтимоий

⁴⁸ Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. - М.: ТОО «Люкс-арт», 1998. -С.61.

⁴⁹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т., 1996. Б.262.

⁵⁰ ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари 1992 йил декабр. Т., 1992. Б. 49-52.

⁵¹ ЎзР Олий Кенгашининг ахборотномаси. Т., 1992.№2. Б.89-90.

⁵² Рахматуллаев Ш.М. Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости. (1991 -1996 гг.) Автореф. дисс...канд.ист.наук. Т., 2000. С.23.

жихатдан катта ёрдам бўлди.

Айни вақтда кўшимча ижтимоий имтиёзларнинг бутун бир мажмуи: бошлангич синфлар ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, икки ёшгача бўлган болалар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва студентлар учун овқатнинг арзонлаштирилиши каби имтиёзлар амал қилиб турди. Кўпгина тоифадаги фуқароларга турар-жойи шахсий мулк қилиб бепул берилди, баъзи турдаги коммунал хизматлар ҳақини тўлашда енгилликлар жорий этилди ва ҳоказо.

Аммо, Ўзбекистон Республикаси бу даврда ўз валютасига эга эмаслиги, муомалада эса 1961-1992 йилларда чиқарилган рублнинг бўлганлиги, айрим озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига ўзининг таннархига қараганда арзон нарх белгиланганлиги учун уларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш авж ола бошлади ва мамлакатимизда аҳолини асосий истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашда қийинчиликлар юзага келди.

Шунинг учун бундай камчиликларга барҳам бериш мақсадида 1991 йил 16 ноябрда «Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолини турмуш даражасига мадад бериш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент Фармони⁵³, шунингдек, 1993 йил 12 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баравар тўлов воситаси сифатида «сўм-купонлар»ни муомалага киритиш тўғрисида»⁵⁴, 1993 йил 22 ноябрда «Республика истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш борасидаги кўшимча чоралар тўғрисида»⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Бундан ташқари, истеъмол моларини сотиб олиш учун мўлжалланган «бир мар- талик ва кўп марталик» купонларнинг муомалага киритилиши ички бозорни ҳимоя қилиб, барча зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик харид молларини савдо тармоғига чиқариб туришни таъминлади ва уларни истеъмол қилиш ҳажмларини камайтирмаслик имконини берди.

Умуман олганда, ижтимоий соҳада ўтказилган ислохотларнинг дастлабки босқичи ўзини оқлади, ишлаб чиқилган ва амалга оширилган ижтимоий сиёсат ўз олдига қўйилган барча вазифаларни тўла-тўқис бажарди. «Шу билан бирга ижтимоий ҳимоялашнинг мавжуд тизими (яъни биринчи босқич) чуқур таҳлил этилганда унинг камчиликлари, исрофгарчиликларга йўл қўйилганлиги ва ижтимоий самараси етарли эмаслиги аён бўлиб қолди»⁵⁶. Чунки турли хил дотациялар, нафақалар ва имтиёзлардан аҳолининг муҳтож қисми билан бирга, ўзига тўқ фуқаролар ҳам баб-баравар фойдаланар эди.

⁵³ ЎзР Олий Кенгашининг ахборотномаси. Т., 1991. №1. Б.13.

⁵⁴ ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1993 йил ноябр. Т., 1993. Б.24-27.

⁵⁵ Ўша жойда: Б.48-49.

⁵⁶ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т., 1996. Б.266.

Бундан ташқари, республика бюджетидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарфланаётган маблағлардан жойларда тўғри фойдалана билмаслиги натижасида нафақалар ва имтиёзлар ҳамда меъёрлаштирилган истеъмол маҳсулотлари доимо ўз эгасини топмади. Энг муҳими яна шундаки, «Бутун аҳолини камраб олишга уринадиган, ҳақиқий ижтимоий самараси паст, текисчилик усулидаги тақсимлаш воситасига эга бўлган жуда бесўнақай тизим»⁵⁷нинг вужудга келиши аҳолининг кўпчилик қисми онгига сингиб кетган боқимандалик кайфиятини бутунлай ўзгартириш гоёсига ҳам зид эди. Аммо шунга қарамай, кучли ижтимоий сиёсатнинг дастлабки босқичининг шу йўналишда бориши давр тақозоси эди, бундан ўзга чора ҳам йўқ эди.

Дастлабки босқичнинг камчиликларига ислохотларнинг иккинчи босқичида барҳам берилди. Чунки, миллий валютамуноси киритилиши натижасида 1995 йилдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан воз кечилди ва эркин нархларга ўтилди. Бунда ислохотларнинг биринчи босқичида тўпланган тажриба ва кейинги босқичга ўтиш учун шарт- шароит яратилиши муҳим аҳамият касб этди.

Ижтимоий соҳада ислохотларнинг иккинчи босқичи ЎзР Президентининг 1994 йил 23 августда қабул қилган «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони⁵⁸ билан бошланди. Фармонга асосан 1994 йил 1 октябридан аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашнинг бутунлай янги - кам таъминланган оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тури жорий этилди.

Унинг янгилиги яна шундаки, кам таъминланган оилаларга давлат томонидан бериладиган моддий ёрдам, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланган маҳалла кўмиталари орқали амалга ошириш кўзда тутилди. Кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш маҳалла йигинларига юклатилди. Бу вазифа ижтимоий адолат ва инсонпарварлик қоидалари асосида олиб борилишига асос бўлди. Бериладиган моддий ёрдамнинг ҳажми энг кам иш ҳақининг бир яримдан - уч бараваригача миқдорда қилиб белгиланди.

Шунингдек, ЎзР Президентининг 1995 йил 20 ноябрда «Болали оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдамини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони аҳолининг заиф қатламига моддий ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб 16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга бериладиган ҳар ойлик нафақалар кўпайтирилиб, бу нафақалар болаланинг сонига қараб қуйидаги миқдорда белгиланди: бир болали оилаларга - энг кам иш ҳақининг 30%; икки болали оилаларга - энг кам иш ҳақининг 60%; уч

⁵⁷ Ўша жойда: Б.267.

⁵⁸ ЎзР Олий Кенгашининг ахборотномаси. Т., 1994. №8-9. Б.10-12.

болали оилаларга - энг кам иш хақининг 80%; тўрт болали оилаларга - энг кам иш хақининг 100%; беш ва ундан кўпроқ болали оилаларга - энг кам иш хақининг 120%.

Бу Фармоннинг жорий қилиниши натижасида 1996 йили республикамизнинг 15% оилалари давлат томонидан белгиланган моддий ёрдам туридан фойдаланди⁵⁹. Президентнинг ушбу Фармони юртимизда болалар келажаги, ёш оилалар баркамоллиги ҳақида кўрсатилаётган изчил ижтимоий сиёсатнинг узвий давоми бўлди.

Умуман, ушбу Фармонларнинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, улар ўз-ўзини бошқариш органларининг давлат тизимидаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, жамиятимизни демократиялаш жараёнини жадаллаштирди ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун ажратилган маблағлардан мақсадли, янада самарали фойдаланишга эришиш имкониятини яратди. Давлат нафақаларини аҳолининг энг ҳимояланмаган катламларига мақсадли таксимлашда маҳалла тажрибасининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида, Фаргона вилоятида ўтказилган уй хўжаликларини текшириш натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, 1995 йилда вилоятда энг кам даромадли 25% оиланинг 12%и болалар нафақасини олган бўлса, қиёс учун 1999 йилда бу нафақани уларнинг 40% олди⁶⁰.

Яна шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, жаҳон давлатчилик амалиёти, хусусан БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, АҚШ, Германия, Франция, Жанубий Корея, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақа бюроси, МДХ давлатлари элчихоналари Ўзбекистонда қарор топаётган маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий, анъанавий маҳалла тизимига, «Маҳалла» жамгармаси фаолиятига катта қизиқиш билан қарамокда ва бундай ўзига хос усулнинг Ўзбекистон шароитида афзалликларини тан олмоқда. Маҳалла тизими дунёга танилмоқда. Хусусан, Республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси ТАСИС дастури асосида бўлиб ўтган халқаро семинарда давлат бошқарувини номарказлаштириш ва ривожланган давлатлардаги жамият бошқарувида учинчи сектор деб аталиши ноҳукумат жамоат ташкилотлари билан Ўзбекистондаги маҳалла бошқаруви тизими тажрибалари муҳокама қилинди. Хорижий эксперт ва мутахассислар маҳалла - давлат билан халқни боғлаб турувчи асосий восита эканлигини тан олиб, унинг номарказлаштиришдаги ўрнига, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан олиб бораётган ишларига юксак боҳо бердилар.

Берилган ушбу юқори баҳо шу билан тасдиқланадики, «Маҳалла» жамгармаси ҳар йили АҚШда ўтадиган «Соғлом жамият» мавзусидаги

⁵⁹ Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. М., 1998. С.62.

⁶⁰ Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон, 1999. Б.29.

форумнинг МДХ давлатлари ичида ҳозирда ягона аъзоси бўлди.

Ҳозирги кунга келиб республикада ушбу жамгарманинг бўлим ва бўлинмалари кенг тармоги ташкил этилган, жойларда, яъни республиканинг вилоят, шаҳар ва туманларида 10133 та ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда, улардан 8392 таси маҳаллалардир. Ушбу органларнинг жойларда аҳолини маиший турмуш даражасини оширишга ва ободонлаштиришга доир тадбирлари ва давлатнинг катта кўмаги натижасида республика бўйича маҳаллаларнинг 78,5% тоза ичимлик суви билан таъминланган, 72,2% газлаштирилган, қарийб 80% маҳаллаларнинг кўчалари асфальтланган.

Фақатгина 1999 йилнинг ўзидаёқ жамгарманинг бўлим ва бўлинмалари томонидан ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга, ҳуқуқий билим ва маданиятни оширишга қаратилган ва бошқа муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган 18 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Бундан ташқари, 30 минга яқин оилаларга, шу жумладан, 11792 ногиронларга хайрия ёрдами кўрсатилди.

Бироқ «маҳалла» механизмининг амал қилиш тажрибасини ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики, бу тизим баъзида субъектив омиллар таъсирига тушиб қолиб, ижтимоий ёрдам кўрсатишда хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, 1996 йилда Молия вазирлиги томонидан ўтказилган текшириш натижасида республика бўйича 26 маҳаллада 262 минг сўм маблағ бошқа мақсадларга ўзлаштирилгани аниқланган.

Шунингдек, 1998 йилда оилаларни текшириш шу нарсани кўрсатдики, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга нафақа белгилаш ва тўлаш тизимида қуйидаги камчиликлар энг кўп учради: ҳақиқатан ҳам муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни асоссиз рад этиш ва, аксинча, нафақа олишга асоси бўлмаган оилаларга қариндошлик белгиси, фуқаролар ўз-ўзини бошқариш йигинларида эгаллаган мансаби ёки бошқа сабабларга кўра нафақа белгилаш ва тўлашда лавозимини суиистеъмол қилиш (бу кўрсаткич республика бўйича 0,3-1,4% даражасида тебранди); муҳтож оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун ажратилган маблағларнинг кўзда тутилмаган мақсадларда (талабалар стипендияси, сугурта тўловлари, ҳатто жамоат биноларининг қурилишига) ишлатилиши ва ҳоказолар⁶¹.

Келтирилган мисоллар аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг мавжуд тизими механизмини янада мустаҳкамлаш, аввало, унинг мақсадли йўналишини кучайтириш заруратидан далолат беради. Бундан ташқари, ёш авлодни тарбиялашда, унинг баркамол бўлиб вояга етишида, воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатини ривожлантиришда ушбу тизимнинг жойлардаги бўлимларидан

⁶¹ Инсон таракқиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон, 1999. Б.36.

унумли фойдаланилмаяпти. Натижада ёшлар тури ҳил экстремистик руҳиятидаги оқимлар таъсир доирасига тушиб колмокда.

Умуман олганда, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кенг имкониятларнинг очилиши, улар зиммасига масъулиятли вазифаланинг юклатилиши оқибатида мустақиллик йилларида ушбу тизимнинг мустаҳкамланишига ва республикада демократик тамойилларга асосланган фукаролик жамиятга ўтишни жадаллаштирди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси учун энг огир саналган мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини ўтиш даврида ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ҳукукий ҳужжатлар етарлича қабул қилиниб, амалда тадбиқ этилиши республикада туб ислохотлар даврини кучли ижтимоий силқинишларисиз ўтишини таъминлади.

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб, кенгайиб боргани сари иқтисодиётда ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади ва у албатта биринчи навбатда ижтимоий соҳада ўз аксини топди. Давлатимизнинг иқтисодий-молиявий имкониятлари мустаҳкамланиб, дадил оёкка турганидан сўнг Президентимиз томонидан халқ фаравонлигини оширишга қаратилган яна бир муҳим ҳужжат, яъни 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди⁶². Бу Фармон билан аҳолининг аллақачон йўқотилган жамгармаларини индексация қилиб тўлашни давлат ўз гарданига олди. 1992 йил январига қадар жамгарма банкига қўйилган миллионлаб фукароларнинг маблағлари қайта кўриб чиқилди ва кадрлари 4000 мартага кўпайтирилиб⁶³, шаҳар ва туман банк бўлимлари томонидан аҳолига берилди. Умуман олганда, республика бўйича 5 миллиондан ортиқ омонатчилар ўз пулларини қайтариб олишди. Демак, давлатимизнинг халқчил сиёсати амалда яна бир бор ўз ифодасини топди ва республика ҳукумати томонидан олиб борилаётган аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш тизими янада мустаҳкамланди.

Юқорида қайд этилган кучли ижтимоий тадбирларнинг кенг жорий этилиши ва босқима босқич амалга оширилиши туфайли Ўзбекистонда фавкулотда тенгсизлик юзага келиши ва авж олиши омилларига барҳам берилди. Лекин иқтисодий тараққиёт даражасидан қатъи назар, аксарият аҳолининг фаровонлиги ортиб бориши билан бирга давлат ёрдамисиз, мустақил равишда ўзининг моддий аҳолини яхшилаш олмайдиған аҳолининг бир қисми ҳар доим мавжуд бўлади. Шу билан бирга, республика аҳолиси таркибида тенгсизлик даражаси қисқариб бориши кузатилмокда. Масалан, 1991 йилда эксперт баҳоларига кўра, аҳолининг 75%и жон бошига ўрта ҳисобда минимал истеъмол савати нархидан паст даромадга эга эдилар, 1994 йилда 20 минг оилани

⁶² Фарғона ҳақиқати. 1996. 18 июл.

⁶³ Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Кўрсатиб ўтилган асар. Б.68.

текшириш давомида уларнинг 44,5% жон бошига ўрта ҳисобда энг кам иш ҳақидан оз даромад олинганлиги аниқланди. 1996 йилда социологик тадқиқотлар натижасида тўқчилик даражаси бўйича фарқланувчи аҳоли тоифалари аниқланди, уларга кўра республика аҳолисининг жуда муҳтож ва муҳтож гуруҳлари ҳиссаси 27,6%ни ташкил қилди⁶⁴.

Кенг ижтимоий тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалда тадбиқ этилиши натижасида Ўзбекистонда аҳолининг умр кўриш даражаси узайди, ва у 1990 йилдаги 69,3 ёшдан 1998 йилга келиб 70,3 ёшга етди⁶⁵. Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бу тизимнинг маблағ билан таъминланиш даражаси чегараланганлигига қарамай, Ўзбекистонда 1990 йил билан 1998 йил оралигида болалар ўлими 40%га, оналарнинг қарийб 3,5 баробар камайди⁶⁶.

Кучли ижтимоий сиёсат гоёси асосида ўтказилаётган ислохотлар туфайли эришилган ижобий тажрибани мустаҳкамлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги механизмини танқидий баҳолаш зарурати юзага келганлиги сабабли, ҳамда мамлакатда мавжуд макроиқтисодий вазиятга ва иқтисодиётнинг амалдаги юксалишини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» деб номланган асарида ижтимоий ислохотларнинг навбатдаги, учинчи босқичининг асосий вазифалари белгилаб берди. Халқ моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланди: аҳолининг харид қувватини ошириш; ички бозорни Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлгазиш стратегик йўналиш сифатида қабул қилинган бўлса, 2000-2005 йиллар даврида минимал иш ҳақини 3,5 мартабага ошириш; аҳоли жон бошига ўртача даромадни 1,8 - 2 мартаба ошириш; инфляцияни йилига 6-8% даражасигача пасайтириш; саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида истеъмол моллари ҳиссасини 50% гача ошириш яқин йилларнинг асосий вазифалари қилиб белгиланди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган тадбирлар қуйидаги йўналишлардан иборат: ижтимоий ёрдамнинг мақсадли йўналиши, бунда асосий эътиборни ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар ва ногирон болаларга қаратиш; меҳнат бозорини шакллантириш, иш жойларини яратиш бўйича фаол сиёсат юргизиш; аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича Давлат дастурини бажариш (2005 йилга қадар қишлоқ аҳолисини ичимлик суи билан таъминлаш 85%га, табиий газ билан таъминлаш 82%га етказилиши керак).

⁶⁴ Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон, 1999. Б.35.

⁶⁵ Ўша жойда. Б.89.

⁶⁶ Ўша жойда. 1999. Б.19-20.

Шундай қилиб, ўтган қисқа, аммо амалга оширилган ишлар кўлами жиҳатидан асрларга татигулик мустақилликнинг дастлабки 10 йили мобайнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг моҳиятан янги механизми яратилди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг роли бекиёс бўлди. Чунки у кишининг саъи ҳаракатлари ва берган гоёлари асосида жамиятни ислоҳ қилишнинг турли босқичларида ижтимоий сиёсат борасида ўз концепциямизга эга бўлдик. Унда давлатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий ва анъанавий қадриятлари ҳамда жаҳон тажрибаси ҳар томонлама ҳисобга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, кучли ижтимоий сиёсатнинг қўлланилиши қуйидаги натижаларни берди:

- аҳолининг ҳаёт даражаси кескин пасайиши, Ўзбекистонда фавқулотда тенгсизликнинг юзага келишининг олди олинди;

- мақсадли ва адресли характерга эга бўлган ижтимоий ҳимоялаш тизими вужудга келтирилди;

- аҳоли аста-секин бозор иқтисодиёти шароитларига мослашиб бормокда;

- ҳар бир кишининг манфаатлари ва интилишларининг рўёбга чиқиши учун шарт-шароитларнинг яратилиши натижасида аҳолининг иқтисодий фаоллиги ошиб бормокда, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ривожланмокда.

Энг муҳими, «Олдиндан кўрилган ижтимоий чора-тадбирлар ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш имконини берди, аҳолида амалга оширилаётган ислохотлар йўлига ишонч пайдо бўлди»⁶⁷.

Туб ўзгаришларнинг *бошланғич босқичи 1991 - 1995 йилларда* асосий озик-овқат маҳсулотлари ва ноозик-овқат молларни истеъмол қилиш кескин камайиши, оммавий ишсизлик пайдо бўлишининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига йўл қўймаслик, ижтимоий соҳалар - соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва маданият тармоқлари доимий ишлашини таъминлашга муваффақ бўлинди.

Ислохотларнинг бу босқичида Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя сиёсатининг асосий вазифаси – имкон қадар ялпи ишсизликка йўл қўймаслик ҳамда нархларнинг эркинлаштирилиши натижасида аҳоли даромадларидаги “йўқотишлар”ни камайтириш бўлди.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, миллий ва демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, истеъмол бозорлари ҳимояси ва давлатнинг истеъмол хавфсизлигига асос солинди. Асосий озик-овқат ва истеъмол молларининг кескин камайиб кетишига йўл қўймаслик учун чегараланган маҳсулотларнинг

⁶⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср босағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997. Б.219.

нормалаштирилган тизими ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳимоя чораси сифатида истеъмолчиларга субсидиялар бериш тизими ва истеъмол бозоридаги асосий озиқ-овқат товарларини мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишидан ҳимоялашнинг турли шаклларида кенг фойдаланилди. Нархларни эркинлаштириш шароитида аҳолининг харид қобилиятини ҳимоя қилиш учун бу чоралар муҳим аҳамият касб этди.

Ҳукумат томонидан қишлоқ аҳолисига хусусий томорқаларнинг ажратилиши, шунингдек, аҳоли асосий қисмининг реал маоши камайишини компенсация қилиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланди. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бу йиллар ичида қишлоқ аҳолиси хусусий тасарруфидаги ер ҳажми икки баробарга ошди, натижада, ҳар бир оила тасарруфидаги томорқалар 1990 йилдаги 12 сотихдан 30 сотихга етди. Бу чора-тадбирлар бозор типидagi юқори самарали томорқа хўжаликларини ташкил этиш имконини яратди.

Бозор иқтисодиёти тизимида ишлашга мослашмаган таълим ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ҳам ислохотларнинг дастлабки босқичида туб ўзгаришларни талаб қиларди. Бунда аҳолининг соғлиғи ва таълим даражасини бир бутун тизим сифатида сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Бу сиёсат ўтиш даврининг энг мураккаб – бошланғич даврларида ижтимоий соҳадаги асосий мақсад ва вазифаларни амалга оширишга кўмак берди. Шундай ёндашув туфайли ислохотлар арафасида энг ноқулай бошланғич шарт-шароитларга ва сезиларли ижтимоий зиддиятларга эга бўлган Ўзбекистон ижтимоий можароларни четлаб ўтишга муваффақ бўлди.⁶⁸

Бу давр ичида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ижтимоий таъминоти ҳамда ҳимоясининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” (20.11.1991), “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” (13.01.1992), «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» (02.07.1992), “Таълим тўғрисида” (02.07.1992), “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (06.05.1993), “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида” (07.05.1993), “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” (03.09.1993) каби бир қатор ижтимоий муҳим қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқичда (1996 - 2003 йиллар) макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, инфляция даражасини пасайтириш, иқтисодиётда тузилмавий ўзгартиришлар, истеъмол бозорини тўйинтириш орқали аҳоли турмуш даражасини тадрижий кўтариш учун шарт-шароитлар яратилди. 1996 йилдан

⁶⁸Ўзбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики”, РАН, 2001

бошланган иқтисодий ўсиш аҳоли даромадлари ўсишининг табиий манбаига айланди. 1997-2003 йилларда аҳолининг реал пул даромадлари йиллик ўртача 22 фоиздан ўсди.

*Ижтимоий сиёсат*нинг устувор йўналишлари аҳолининг умумий ижтимоий ҳимояси ўрнига ижтимоий ҳимоянинг манзилли шаклларига алмашинди. Иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш, инсон капитали салоҳиятини ошириш ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларига айланди.

Нархлар ўсиши муносабати билан *маошларни индексациялаш* сони кескин камайди. Индексация фақатгина бюджет ташкилотлари соҳасида қўллана бошланди. Истеъмол субсидиялари коммунал хизматларнинг айрим турларигагина сақлаб қолинди. Аҳоли даромадлари таркибида трансфертлар улуши камайди. Давлат аҳоли ўртасида тенгсизлик кучайишининг хавфини камайтириш мақсадида, фақатгина, унинг *даромадлари даражасини* бошқариб турди.

Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш мақсадида қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Натижада аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчиларнинг, ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланганлик даражаси ошди. 1997-2003 йилларда аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 36,8 дан 47 фоизга, хусусан, қишлоқ жойларда 36,8 дан 47 фоизга, табиий газ 69 фоиздан 78,3 фоизга етди.

1997 йилдан бошлаб ижтимоий соҳанинг барча тармоқларида ижтимоий дастурлар тизими амалга оширила бошланди. Таълим соҳасида бу кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўлиб, мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилди, капитал таъмирланди. Ўқув бинолари замонавий жиҳозлар, ўқув қуроллари, компьютер синфлари билан таъминланди. Янги миллий таълим стандартлари, дарсликлар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши учун ҳар йили давлат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилган қисмининг деярли ярми сарф бўлди.

Бу даврда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш Давлат дастури катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлди, ушбу дастур асосида тиббий хизмат кўрсатиш тизими қайта кўриб чиқилди, қишлоқ жойларда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини ислоҳ қилинди, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш тизими яхшиланди.

Ушбу даврда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида йиллик давлат дастурлари амалга оширилди. Булар қаторида “Инсон манфаатлари йили” (1997), “Оила йили” (1998), “Аёллар йили” (1999), “Соғлом авлод йили” (2000), “Она ва бола йили” (2001),

“Қарияларни кадрлаш йили”(2002), “Обод маҳалла йили” (2003) йиллик давлат дастурлари ижтимоий сиёсатнинг янада кучайишида алоҳида ўрин тутди.

Учинчи босқичда 2004 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар иқтисодийда, банк тизими, солиқ-бюджет сиёсатида ўтказилган институционал ва тузилмавий ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш жойларини яратиш ҳамда аҳоли даромадлари ўсишига қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада, сўнги саккиз йил ичида аҳоли даромадларининг реал ўсиши 20 фоизни ташкил этди.

Ушбу босқичда мамлакатимиз ривожланишида 2008 йилдан бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози даври алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон Республикасида 2009 йили қабул қилинган инкирозга қарши чора-тадбирлар дастури доирасида бир қатор инвестицион дастурлар амалга оширилиб, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишига, ижтимоий инфраструктура ва хизматлар соҳасининг ривожланишига, аҳолининг ўз-ўзини бошқариш органлари орқали манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бу босқичда энг асосий эътибор таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида барчага тенг имкониятлар яратиш, мазкур хизматларнинг сифатини ошириш ҳамда ёшларнинг меҳнат бозорида фаол иштирокини таъминлашга қаратилди.

Шунингдек, таълим тизимидаги ислохотлар бир қатор ихтисослаштирилган дастурлар ва қарорлар асосида янада такомиллаштирилди. Хусусан, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”, “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури”, “2005 - 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш дастури”, “Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури”, “2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий- техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури”, шунингдек, “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори таълим соҳасида туб ўзгаришларга сабаб бўлди.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш ҳамда аҳоли саломатлигини ошириш мақсадида бир қатор ҳукумат қарорлари ва давлат дастурининг амалга оширилиши натижасида ташхис қўйиш ва тиббий ёрдамнинг

барча турлари сифатини тубдан кўтариш ҳамда соҳани профилактик медицинага ўзгартириш бўйича кенг ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” ги Фармони (19.09.2007й.), Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарори (24.03.2011й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (28.11.2011й.) ҳамда “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамгармасини Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамгармаси этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида” ги (21.11.2011) қарори тизимни ислоҳ қилишда дастурамал бўлди.

– Ижтимоий сиёсатнинг кейинги даврдаги устувор йўналишлари: тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай макроиктисодий муҳит яратилиши, иктисодиётнинг юқори технологияли соҳаларида юқори даромадли иш жойлари ташкил этиш, аҳолининг ўрта табақаси шаклланишини кенгайтириш;

– ижтимоий ҳимоя тизимининг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш;

– таълим ва тиббиёт хизматлари сифатини ошириш, меҳнат бозори мувозанатлашувини таъминлаш мақсадида юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

хизматлар соҳаси инфратузилмасини янада ривожлантириш ва аҳолининг яшаш стандартларини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш каби бир қатор устувор вазифаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга мол бериш, чорвачиликни ва инфратузилма объектларини ривожлантириш масалалари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

2006-2010 йиллар даврида шахсий, ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш; зооветеринария пунктлари ва чорва молларини сунъий урчитиш пунктлари тармогини кенгайтириш; зотли молларни шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида аукционлар орқали сотиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмахсулот”

акциядорлик компанияси билан биргаликда дон маҳсулотлари корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган омухта ёрни шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига беришни кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилиши, туман марказлари ва йирик аҳоли пунктларида ихтисослаштирилган савдо шохобчаларини ташкил этиш учун зарур омборхоналарни тайёрлашни кўзда тутилган эди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари, ҳомийлар ва нодавлат ҳайрия ташкилотлари маблағи ҳисобига кам таъминланган оилаларга сизир тарқатиш эвазига, фақатгина 2007 йилнинг ўзидаёқ, барча тоифадаги хўжаликларда қорамоллар сони 6571,4 минг бошдан 7042,5 минг бошга, шу жумладан, дехқон хўжаликларида 6061,3 минг бошдан 6537,0 минг бошга ҳамда фермер хўжаликларида 332,3 минг бошдан 374,7 минг бошга кўпайди.

Ижтимоий-иқтисодий йўналишларда олиб борилган изчил ислохотлар натижасида мамлакатимизда аҳоли ялпи даромадлари 16 баробар ошди. Кенг кўламли ишларнинг якуний натижаси сифатида аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73,2 ёшга етди. Биз ушбу кўрсаткич бўйича дунёнинг ривожланган давлатлари даражасига яқинлашдик.

Мустақил ривожланиш йилларида тинчликни сақлаш масаласига энг устувор вазифа сифатида қараб келинаётгани ислохотлар стратегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилди. И.Каримов таъкидлаганидек: “Ўзбекистонимиз мустақил тараккиёт йўлида қандай улкан ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи – юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни асраб-авайлаб келаётганимизда”⁶⁹.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши билан мамлакат соғлиқни сақлаш инфратузилмасини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш, аҳоли соғлигини ҳимоя қилиш тизимидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш вазифаси юзага келди.

Ўзбекистонда асосий ислохотлар 1990 йил ўрталарида бошланди. 1996 йилнинг 29 августида “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонун кучга кирди, ушбу Қонунда давлат сиёсатининг соғлиқни сақлаш тизимига янгича ёндашуви ифодаланган эди.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 1998 йил 10 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастур”и ҳақидаги Фармон қабул қилинди.

⁶⁹Халқ сўзи. 2014. 10 май.

Ушбу дастур соглиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолини ижтимоий муҳофазаси принципларига тўлақонли амал қилиш, тиббий ёрдамнинг кафолатлилиги ва оммабоплигини таъминлашга қаратилган эди. Давлат дастурида қуйидаги муҳим йўналишлар ўз аксини топди:

- соглиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизимини мукамаллаштириш;
- тиббий ёрдамнинг дастлабки босқичини ислоҳ қилиш;
- давлат томонидан кафолатланган, самарали тез тиббий ёрдам тизимини яратиш;
- она ва болага кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштириш;
- давлатнинг мустаҳкам санитар-эпидемиологик тинчлигини таъминлаш.

Шу мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда соглиқни сақлаш тизимининг мақсадли дастури ҳаётга татбиқ этилди, Дастур тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини тубдан модернизация қилиш, муҳим йўналиш бўлган махсус амбулатор-поликлиника ва профилактик медицинани ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ жойларда она ва бола соглигини ҳимоя қилиш тизимининг сифатини ошириш, ташхис қўйиш ва даволаш жараёнида янги тиббий технологиялардан кенг фойдаланиш, юқори тоифали тиббиёт ходимлари тайёрлаш тизимини мукамаллаштиришни кўзда тутган эди.

Соглиқни сақлаш тизимида қабул қилинаётган чора-тадбирлар аҳоли саломатлигини яхшилаш самарадорлигининг жаҳон тажрибасида умумқабул қилинган мониторинг кўрсаткичларига асосланди. Уларнинг ичида асосий кўрсаткич (индикатор) бу – инсоннинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич объектив ва мажмуавий тарзда аҳолининг турмуш тарзини акс эттиради. Шунингдек, ушбу индикатор миллатнинг саломатлиги ҳолатини характерлаб, давлат олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, тиббиёт хизматлари, ташқи муҳит муҳофазаси, таълим ва бошқа омилларга боғлиқ.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида умр кўриш давомийлиги тез суръатларда ўсди, (1990 йилда 67,2 ёш, 2012 йилда 72,9 ёш). Ушбу кўрсаткичлар эркакларда-70,7 ёш, аёлларда 75,2 ёшни ташкил этиб, бу кўрсаткич МДХ давлатларининг кўрсаткичларига қараганда анча юқори.

Давлат ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг муҳим индикаторидан бири, бу – она ва бола саломатлиги кўрсаткичидир. Ўзбекистонда она ва бола соглиги муҳофазаси бўйича халқаро стандартларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Она ва боланинг репродуктив саломатлиги бўйича олиб борилаётган ишлар ХСХТ ҳамда БМТнинг UNISEF ва UNFPA агентликлари томонидан юқори баҳоланган. Халқаро «Save children» (Буюкбритания)

ташкilotининг маълумотларига караганда, аёллар учун яратилган шарт-шароитлар борасида Ўзбекистон жаҳондаги 125 та давлат ўртасида 19-ўринни, оналикни ҳимоя қилиш бўйича эса 27-ўринни эгаллайди.

Давлатимизда мақсадли амалга оширилаётган профилактик ва эпидемияларга қарши фаолият самараси натижасида кўп касалликларнинг кўрсаткичлари пасайди, айримлари барҳам топди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизими бугун етарли даражада моддий-техника базаси ва кадрлар потенциалига эга. Мустақиллик йилларида тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Янги, жаҳон талабларига жавоб берадиган Тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказлари барча вилоятларда ўз филиалларига эга, махсус тиббий (кардиология, жарроҳлик, урология, кўз микрожарроҳлиги), илмий-амалий (педиатрия, акушерлик ва гинекология, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, эндокринология, фтизиатрия ва пульмонология) марказлар ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги дастлабки ислохотлар кадрлар сиёсатига ҳам ўзгартиришлар киритди. Қишлоқ жойлардаги врачлик пунктларида фельдшерлар ўрнига юқори малакали, олий маълумотли шифокорлар хизмат кўрсатади. Ҳозирда фаолият юритаётган 3 мингдан ортиқ ҚВПларнинг ярми янги архитектура лойиҳалари бўйича қурилган.

Ўзбекистон сил касаллигининг олдини олиш бўйича ижобий ўсишларга эга давлатдир. Бу йўналишда халқаро DOTS дастури бўйича чора-тадбирлар ҳаётга самарали татбиқ этиб келинмоқда. 2012 йилда сил билан касалланганлар сони ҳар 100 минг аҳоли сонига 52,6 тани ташкил этди. ХССТни баҳолашича, ушбу кўрсаткич ўрта даромадли давлатлардаги кўрсаткичларга тенг.

Соғлом авлодни тарбиялаш мамлатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида болалар спорти миллат генофондини соғломлаштиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистонда дунёнинг бошқа давлатларидан фарқли ўлароқ, болалар спортини ривожлантиришга ихтисослашган жамгарма ташкил этилган. Ушбу жамгарма васийлик кенгашининг раиси Республикамиз Президенти бўлиб, жамгарма олдида қўйилган вазифа – ёш авлод маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиши учун болалар спортини оммалаштириш ва ривожлантириш, соғлом турмуш тарзидан иборат.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Соғлом она – соғлом бола” давлат дастурида бу йўналишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ушбу дастур ХССТ, ЮНИСЕФ ҳамда “Ўзбекистонда она ва бола соғлигини ҳимоя қилиш миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” халқаро Тошкент

симпозиумининг обрўли иштирокчилари томонидан юқори баҳоланган. 2010 йилга келиб, мутлақ соғлом болалар сони кўрсаткичи 62,6 фоиз га етди.

Ижобий натижаларни болаларнинг халқаро антропометрик (бўйи, вазни) стандартлари кўрсаткичлари бўйича ҳам кўришимиз мумкин. Мустақиллик йилларида болаларга мўлжалланган спорт иншоотларининг сони 1 825тадан 5 980 тага етди ёки 3,3 баробар ошди, спорт билан шугулланувчи болалар сони 7,4 фоиздан 34,3 фоизга кўтарилди. Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси ҳисобидан қурилган 1 199 та болалар спорт иншоотлари зарур анжом ва ускуналар билан таъминланди. Фақатгина 2012 йилнинг ўзида 96 та объектнинг қурилиши ва реконструкциясига жамгарма томонидан 81,6 млрд. сўм ажратилган. Фонд ташкил топгандан бери 1400 дан ортиқ замонавий болалар спорт иншоотлари қуриб, фойдаланишга топширилди.

2011 йилда мамлакатимиз спортчилари халқаро муносабатларда 182 та медалга сазовор бўлишди, улардан 60 таси олтин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йил 18 январдаги “2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида айтилганидек, бугунги кунда давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоиз ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди. Унинг 14,5 фоиздан кўпроги соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган.

**7.3. Ҳозирги
босқичда олиб
борилаётган
ижтимоий
сиёсат ва
унинг ўзига
хослиги**

Учинчи масала баёни. Истиклол йилларида ижтимоий муҳофаза муайян тизимга айланди. Муҳтож қатлам ва гуруҳларга моддий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос, яъни миллий механизми ишлаб чиқилди. Буни адолатли амалга оширишда қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йигинларининг масъулияти оширилди. Инфляцияни инобатга олган ҳолда ҳар йили бир неча маротабадан давлат бюджетидан ажратиладиган маошлар, пенсия ва стипендиялар ошириб бориляпти. Муҳтож қатлам ва гуруҳларга нодавлат ва жамоат ташкилотлари тарафидан моддий ёрдам кўрсатишнинг ҳам турли-турли шакллари пайдо бўлди ва бу жараён тобора такомиллашиб борапти.

2017 йилнинг айнан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланиши амалда давлат сиёсатининг изчиллигидан далолат беради.

Бугунга келиб мамлакатимиз ўз тараққиётининг муҳим босқичига кирди. Ижтимоий сиёсат борасида истиқлол йилларидаги катта тажрибаларга суянган, мавжуд анъаналарни изчил давом эттирган ҳолда янги-янги қадамлар ташланяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 22 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида”ги Фармони билан 94 нафар шахс давлатимиз фуқароси бўлди. Ундан кейин қабул қилинган бир неча Фармонлар асосида яна қанчадан-қанча кишилар фуқароликка ўтди. Бу ҳам мамлакат тарихида муҳим ижтимоий воқелик сифатида баҳоланади албатта.

Ҳаракатлар стратегияси асосида ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишлар кўлами эса ҳар қандай кишини мамнун этади. “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармойишида муайян маънода ҳозиргача амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Жумладан, ижтимоий соҳадаги энг муҳим ишлар ҳам ўз аксини топган. Унда қайд этилишича, “факатгина жорий йилнинг биринчи ярмида 2,7 минг километр автомобиль йўллари қурилди ва таъмирланди, 84 минг 300 та иш ўрни яратилди. 2017 - 2020 йилларда шаҳарларда энергия жиҳатдан самарадор арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури амалга оширилмоқда, унинг доирасида 50 минг 286 та хонадондан иборат 1 минг 136 та кўп қаватли уйларни, бундан ташқари, намунавий лойиҳа асосида кишлок жойларида 75 минг турар жойларни қуриш мўлжалланган”.

Ижтимоий соҳага эътиборнинг кўламини тасаввур қилиш учун, лоақал, шу йилнинг ўзида бу борада қабул қилинган қонуности ҳужжатларнинг муҳим-муҳимларини санаш керак.

Кўриб ўтилганидек, Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантириш учун айнан нималарни амалга ошириш аниқ-тиниқ қилиб белгилаб берилган.

Агар Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингандан буён ўтган даврга назар ташласак, бу борада ана шу қисқа фурсат ичида мамлакатимизда қанчалар катта ишлар ҳаётга татбиқ этилганининг гувоҳи бўламиз. Бунинг учун ана шу тўртинчи устувор йўналиш ҳисобланмиш ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган етти вазифанинг ижроси юзасидан қилинган ишларга яна бир қарра назар ташлашга тўғри келади.

Аҳоли бандлиги ва реал даромадларни изчил ошириб боришни олиб кўрайлик.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштири ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (24.05) Фармони қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республика Президентининг “Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва

самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплексни ҳудудий органлари раҳбарларини шахсий масъулиятини ошириш чора тадбирлари тўғрисида” (06.05), “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” (24.05), “Маданият санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” (14.08), “2018 - 2019 йиллар, туризм соҳасида ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” (16.08) ва бошқа Қарорлари чиқди.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида камбағалликка қарши кураш иқтисодий ривожланиш сиёсатимизда устувор вазифа этиб белгиланди.

«Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички қуч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир», деб таъкидланган эди мурожаатда.

Иқтисодий қонунларига асосан, «камбағаллик камбағалликни келтириб чиқаради». Мазкур жараён бир неча сабабларга кўра содир бўлади.

Биринчидан, даромадлари паст мамлакатлар сифатли таълим ва соғлиқни сақлаш учун етарлича пул сарфлай олишмайди, камбағал аҳоли эса сифатли пуллик таълим ва тиббиёт хизматларга қурби етмаслиги сабабли инсон салоҳияти пасайиб, камбағалликдан қочиб қутула олмайдилар.

Иккинчидан, камбағал аҳолининг даромадлари пасайиб борган сари, истеъмол бозорининг сизими мутаносиб равишда кичрайиб боради ва бунинг натижасида саноат моллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва айниқса, хизматларга бўлган талаб пасайиб боради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий таракқиётга тўсқинлик қилади, бюджет даромадларини камайтиради ва камбағалларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятини камайтириб ёпиқ циклик жараён кўринишига келади.

Учинчидан, аксарият ҳолларда камбағалларнинг дунёқараши даромад юқори бўлганлардан фарқ қилади. Юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, улар орасидан ижодкор ва тадбиркорлик қобилиятига эга инсонларнинг етишиб чиқиши эҳтимоли камроқ. Шунингдек, одатда камбағал оила аъзолари орасида жинойтчилик кўрсаткичлари нисбатан юқорироқ бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, камбағалликни келтириб чиқарувчи омиллар мамлакатда инсон салоҳиятини ривожлантиришга, ишлаб чиқарувчи қучларнинг ривожланиши ва аҳолининг иқтисодий фаолиятига тўсқинлик қилади.

Ўзбекистонда охириги уч йил мобайнида камбагалликни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли жон бошига реал жами даромад 43,9 фоизга, ўртача ҳисобланган номинал ойлик иш ҳақи 79,7 фоизга ёки 2016 йилдаги 1293,8 минг сўмдан 2019 йилда 2324,5 минг сўмга ошди.

Жаҳон банкининг «Ўзбекистон фуқароларини тинглаб» лойиҳаси доирасида, уй хўжаликлари орасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойлари учун ўртача камбагал хонадоннинг ойлик даромади тахминан 1,5 миллион сўмни ташкил этиб, таққослама нархларда бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12 фоизга ошган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги камбагалликни бартараф этиш муаммосини стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйди.

Мазкур муаммони ҳал қилишга ҳукумат томонидан катта ҳажмдаги саъй-ҳаракатлар қаратилган. Жумладан, мамлакатда камбагалликка қарши курашиш учун зарур институтлар яратилди. Бу авваламбор Иқтисодий тараққиёт ва камбагалликни қисқартириш вазирлигининг ташкил этилиши, камбагалликка қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини белгилаб беради.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида яқинда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Мазкур вазирлик фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи масъул давлат органи сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган катламларини аниқлаш ва манзилли кўмак бериш борасида самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш ва кишлоқ жойларини ободонлаштириш дастурлари амалга оширилмоқда. Хусусан, «Обод кишлоқ» дастурининг амалга оширилиши туфайли 1,7 млн кишлоқ аҳолисининг яшаш шароитлари яхшиланди. Биргина 2019 йилда «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш учун жами 600 миллион АҚШ долларига тенг 6,1 трлн сўм ажратилди.

Бироқ, эришилган натижаларга қарамай, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 400 мингдан ортиқ оила турмуш шароитлари яхшиланишига муҳтож (Жаҳон банки мезонларига кўра, 2015 йил октябридан бошлаб Глобал камбагаллик даражасига кунига 1,9 АҚШ доллардан кам даромад олганлар киритилган). Норасмий секторнинг меҳнат бозоридаги улуши 40-50фоизни ташкил этади. Бироқ, камбагал уй хўжаликларининг фақат 23 фоизигина ижтимоий нафақа олишади.

Пандемия даврида аҳолининг камбағал ва энг заиф қатламларига ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатувчи муассасалар фаолиятини ислоҳ қилиш зарурати кучайди. Шу боис бу муаммоларни ҳал қилиш жадаллик билан амалга оширилмоқда. Моддий ёрдамни тақсимлашда керакли назорат, шаффофлик ва манзиллиликни таъминлаш мақсадида рақамли технологиялар асосидаги тизимли ечимларни жорий қилиш асосида аввал етарлича манзилли бўлмаган ва самарасиз тизимдан янги тизимга ўтилмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини енгиллаштириш, ортиқча қоғозбозликни йўқотиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Коронавирус пандемияси даврида аҳолининг асосий қисми карантин талабларига риоя қилиб, уйда қолмоқда. Бундай шароитда уларга давлат хизматларини масофадан кўрсатиш, санитария талаблари жиҳатидан қоғоз кўринишидаги ҳужжатлар айланмасини камайтириш нақадар долзарб экани янада яққол намоён бўлмоқда.

Мана шундай давлат хизматларидан бири бу – 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлашдир. Ушбу ижтимоий нафақаларни тайинлаш жараёнида расмийлик, сансалорлик ва бюрократия авж олган, десак хато қилмаймиз. Бунда ёрдамга муҳтож бўлган оилаларни турли маълумотнома ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни йиғишдан озод этишнинг аллақачон вақти келган.

Молия вазирлиги томонидан мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида хориж тажрибаси ўрганилганда, кўплаб ривожланган мамлакатларда аҳолига пул ёки маҳсулот кўринишидаги ёрдамларни кўрсатиш тизими автоматлаштирилгани, муҳтож инсонлар ва оилаларга шу каби давлат хизматлари электрон тизимлар ёрдамида амалга оширилаётгани маълум бўлди. Ушбу ўрганишлар натижасида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими яратилди. Ягона реестр – бошлангич босқичда ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун инсон омилисиз оиланинг (фуқаро) муҳтожлигини ўзи аниқлайдиган, нафақаларни тайинлаб, тўловларни амалга оширадиган ва назорат қиладиган, харажатлар ҳисобини юритадиган автоматлашган ахборот тизимидир.

Кейинги босқичларда бу тизим ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро ва оилаларга давлат томонидан кўрсатиладиган пул ёки маҳсулот

кўринишидаги барча ёрдам турларини (болаларнинг бепул боғчага қатнаши, ўқувчиларни бепул дарсликлар тўплами билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул ёки имтиёзли тиббиёт хизматларини кўрсатиш, ипотека кредитлари учун бошлангич бадални тўлаш ва бошқа) камраб олади.

Ягона реестрнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, тақдим этиладиган маълумотларга зарурат бўлмаслиги ҳисобига ижтимоий нафақаларга муҳтож оилалар учун ариза бериш жараёни кескин енгиллашади ва ушбу оилалар учун маълумотларни йигиш каби сарсонгарчиликларга барҳам берилади.

Иккинчидан, кам таъминланганликни эътироф этиш ҳамда ижтимоий нафақаларни тайинлаш ёки рад этиш жараёни максимал даражада шаффофлашади. Нафакани тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор фақат Ягона реестр ахборот тизими томонидан (унга киритилган мезонлар асосида) қабул қилинади, бунда ҳеч қандай инсон омили мавжуд бўлмайди.

Учинчидан эса ҳозирги кунда кам таъминланган оилаларга давлат томонидан турли хил ёрдамлар (болаларнинг бепул боғчага қатнаши, мактабда бепул дарсликлар ва кишки кийим-бош билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул даволаниш ва бошқалар) кўрсатилмоқда. Бироқ ушбу ёрдамларга муҳтож оилаларни аниқлаш тартиби ҳеч қандай қонунчилик ҳужжатларида белгиланмаган ва давлат томонидан қайси оиллага қандай ҳамда неча пуллик ёрдам кўрсатилгани тўғрисида маълумотлар базаси мавжуд эмас. Демак, Ягона реестр мана шундай маълумотлар базасига айланади ва ушбу база орқали автоматик тарзда барча ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Мазкур ахборот тизими жорий этилган тақдирда аҳоли учун ижтимоий нафақаларни олиш жараёнида қандай енгилликлар яратилади, деган савол моҳиятан ўринли ва барча учун қизиқ савол. Ҳақиқатдан ҳам, тизим ишга туширилиши натижасида бу борада нималар ўзгаради?

Айтайлик, ҳозирги кунда ижтимоий нафақаларни олиш учун ёрдамга муҳтож фуқаро оиланинг таркиби ва даромади тўғрисидаги маълумот ҳамда ушбу даромадларни тасдиқловчи ҳужжат, болали оилаларга нафақа ёки бола парвариши бўйича нафақа олиш учун болаларнинг тугилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари нусхалари, асосан яшаб турган жойи бўйича нафақа ва моддий ёрдам олиш учун доимий яшаш (доимий прописка) жойи бўйича болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинланмаганлиги ва тўланмаганлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома, агар болалар васийликка олинган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг қароридан кўчирма каби маълумот ва ҳужжатларни йигиб, маҳалла фуқаролар йигинига

топшириши керак бўлади. Бундан ташқари, моддий ёрдамга эҳтиёжмандлик тўғрисидаги аризага ариза берувчининг хоҳишига кўра, оиланинг эҳтиёжмандлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

Кўришиб турганидек, ушбу ҳужжатларни йиғиш жараёни анча вақт ва сабр талаб этади. Бунинг устига, шунча югур-югурдан сўнг маҳалла фуқаролар йиғини томонидан “Ҳужжатларингни олмайман, камчилиги бор ёки пул йўқ, кейинги ойда келгин”, деб қайтариб юбориш каби кўплаб ҳолатлар мавжуд ва давом этмокда.

Эътиборли жиҳати, шундан кейин ҳам бир қатор жараён амалга оширилади. Жумладан, биринчидан, ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг аризачи ва унинг оила аъзоларининг даромади ҳисоб-китоб қилинади. Иккинчидан, аризачининг уйига 5 кишилик махсус комиссия бориб, оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини ўрганиб чиқади, унинг ҳулосаси маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган комиссияга тақдим этилади. Учинчидан, ушбу 15 кишилик комиссия оила даромади ва махсус комиссиянинг ҳулосасини кўриб чиқиб, оилага ижтимоӣ нафақани тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ушбу жараёнда талаб даражасидаги шаффофлик бўлмайди, яъни ижтимоӣ нафақани тайинлаш (ёки тайинламаслик) тўғрисидаги қарорни қабул қилишда инсон омилининг таъсири катта бўлади.

Янги тизим – Ягона реестр учун эса муҳтож оила аъзоларининг бор- йўғи паспорти, тугилганлик тўғрисида гувоҳнома (болалар учун) ва никоҳни қайд этиш тўғрисида гувоҳнома (мавжуд бўлганда) нусхалари талаб этилади. Ушбу ҳужжатлар маҳалла фуқаролар органларига тақдим этилади ва бунда ушбу ҳужжатларни қабул қилинмаслигига йўл қўйилмайди.

Қабул қилинган ҳужжатлар бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасининг туман (шаҳар) бўлимларига тақдим этилгандан сўнг ариза ва унинг оила аъзолари шахсини тасдиқловчи ҳужжатлардаги маълумотлар Ягона реестрга киритилади.

Оиланинг муҳтожлигини аниқлаш учун зарур бўладиган бошқа маълумотлар (оила аъзолари даромадлари – иш ҳақи, пенсия, стипендия ва бошқалар, номида мавжуд кўчмас мол-мулки, автотранспорт воситалари, ишлаганлиги ёки ишсиз бўлганлиги, ишсиз бўлиб меҳнат органларига мурожаат қилганлиги тўғрисида) Ягона реестр орқали солиқ, кадастр, ички ишлар, меҳнат ва бошқа идоралардан автоматик равишда электрон тарзда олинади.

Қонунчиликда белгиланган мезон ва меъёрлардан келиб чиқиб, турли идоралардан олинган маълумотлар асосида Ягона реестр, ҳеч қандай инсон

омилисиз, аризачилар оиласига ижтимоий нафакаларни тайинлайди ёки тайинлашни рад этади. Бу бўйича қабул қилинган қарор аризачи ёки унинг оила аъзоларига СМС-хабарлар орқали етказилади.

Ягона реестрни шакллантириш учун ҳозирги кунга қадар Давлат бюджетидан 1 сўм ҳам маблағ сарфланмаган. Барча харажатлар ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси грант маблағларидан (2019-2021 йилларга мўлжалланган 610 минг АҚШ доллари) қопланмоқда.

Шу кунга қадар ушбу маблағлар ҳисобидан (“Development Pathways” ихтисослаштирилган халқаро компанияси томонидан) “Ягона реестр” ахборот тизими яратилди. Бу тизим орқали 9 вазирлик ва идоранинг (Давлат хизматлари агентлиги ва ФХДЁ бўлимлари, Молия вазирлиги ва Пенсия жамгармаси, “Ўздавгеодезкадастр”, Давлат солиқ қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат персоналлаштириш маркази, Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва АТ Халқ банки) маълумотлар базасидан реал вақт режимида электрон алмашув асосида 20 турдаги маълумот олинмоқда.

Айниқса, аҳоли ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам кўп иш қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (16.03), “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (18.04), “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида” (18.04), “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” (21.04), “Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (01.06) ва бошқа Фармонлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (01.04), “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида” (04.04), “Хотира ва кадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” (04.04), “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (04.04), “2017 - 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида” (20.04), “2018 - 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида” (20.04), “2017 - 2021

йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини саклаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (24.04), “2017 - 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат килиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” (04.05), “Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлиги учун раҳбарлар ва мутахассисларнинг касбий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” (06.06), “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 - 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (20.06), “Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (17.07) бошқа Қарорлари ҳамда “Ногиронларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (01.08) Фармойиши чикди.

Арзон уй-жойлар барпо этиш мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишларнинг инсонпарварлигини кўрсатиб турибди. Уй-жойлар арзон нархларда қурилса, уни сотиб олувчилар сони кўпаяди. Энг муҳими, бу биринчи галда аҳолининг уй-жойга ўта муҳтож катламининг манфаатларини ўйлаган ҳолда йўлга қўйилди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз барча минтақаларида икки сотихли намунали қишлоқ уйларини, шунингдек, икки-уч хонали кўп қаватли уйларни қуриш жадал давом эттириляпти. Бу борада, айниқса, имтиёзли кредитлар жорий этилганидан аҳоли бағоят миннатдор.

Бугунги кунда пойтахтимиз катта уй-жой қурилиши майдонига айланди. Хусусан, Сергели тумани ҳудудида жадал суръатлар билан бунёд этилаётган хар тарафлама шинам, замонавий қулайликларга эга арзон кўп қаватли уйлар пешма-пеш битказипяпти.

Йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш йўналишига ҳам жиддий эътибор берилляпти.

Сергели туманини шаҳарнинг асосий қисми билан боғлашга хизмат қилиши мўлжалланган ер усти метросининг қурилатганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Метрога параллел равишда Сергелини метронинг Олмазор бекатини боғлайдиган автомобиль йўли ҳам қурилади. Шунингдек, Сергелини бир томони шаҳар катта Ҳалқа йўлига боғлайдиган, иккинчи томони эса Бектемир тарафга йўналган янги магистраль йўлга улайдиган йўл

курилиши ҳам жадаллик билан давом эттириляпти. Шаҳримизнинг йўл ва кўчаларига янгидан асфальт ётқизиляпти.

Таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш ижтимоий соҳанинг муҳим йўналишини ташкил этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (20.04), “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (03.06), “Маъданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича кўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” (14.08) ва бошқа Қарорлари чиқарилганини алоҳида кайд этиш лозим.

Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида туб бурилиш юз берди.

2017 йилнинг 30 июнь куни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қатнашиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ёшлар сиёсатини чуқур таҳлил этиб, бу борада янгича ишлаш принципларини баён қилиб берди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Ёшлар иттифоқига айлантирилди. Бундан буён 30 июнь Ёшлар куни сифатида байрам қилинадиган бўлди.

Кўп ўтмай Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги (05.07) Фармони қабул қилинди. Бошқа кўп қонуности ҳужжатларида ҳам ёшларни ижтимоий фаолликка ундайдиган, улар ҳаётини яхшилашга қаратилган тартиб-қоидалар белгиланди.

Сиёсатдаги барқарорлик ва изчиллик ҳар қандай давлатда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярми ижтимоий ҳимоя билан таъминланмаган — халқаро ташкилотлар ҳисоботи

149 саҳифалик ҳисоботда айтилишича, Ўзбекистон Совет Иттифоқидан бандликни таъминлаш, болалар парваришини қўллаб-қувватлаш ва қариликда кафолатли даромадни таъминлаш тамойилларига асосланган кенг камровли ижтимоий ҳимоя тизимини мерос қилиб олган бўлса-да, ҳозирги кунга келиб, мамлакатда ижтимоий ҳимоянинг расмий таърифи қабул қилинмаган.

Шунингдек, ижтимоий ҳимоя дастурларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш бўйича ихтисослашган муассаса мавжуд эмас.

Ижтимоий ҳимоя функциялари турли вазирликлар ва муассасаларга тақсимланган ва ушбу вазирликлар ва муассасаларнинг ҳеч бири бутун тизимни тўлақонли қамраб олмайди ва шунинг учун ижтимоий ҳимоя бўйича турли дастурларни ўзаро мувофиқлаштиришга жавобгар эмас.

Мисол учун, Молия вазирлиги Пенсия жамгармаси пенсия тақсимоти учун жавобгар ва ижтимоий ёрдам дастурлари харажатларини назорат қилади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бандлик ва меҳнат бозорининг фаоллаштириш дастурлари учун жавобгар бўлиб, ижтимоий ҳимоя соҳасида умумий сиёсатни белгилаш ваколатига эга. Соғлиқни сақлаш вазирлиги соғлиқни сақлаш билан боғлиқ дастурларни амалга оширади, кексалар ва ногиронларга хизмат кўрсатади. Халқ таълими вазирлиги эса кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини турли буюмлар билан таъминлаш мақсадида бир неча кичик дастурларни амалга оширади.

Ҳар бир муассасада вертикал ташкилий тузилма мавжуд бўлса-да, улар орасидаги идоралараро ҳамкорлик сусти ва бунинг натижасида турли ижтимоий ҳимоя дастурлари орасида горизонтал алоқалар шаклланмаган. Бундай институционал тарқоқлик натижасида Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини интеграциялашга қаратилган харажатларни амалга ошириш анча мушкулдир.

Бундай ҳолат жиддий ташвиш тугдириши табиий, чунки халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки алоҳида бир дастурни кучайтириш бутун тизим ёки ижтимоий ёрдам олувчилар нуктаи назаридан оптимал бўлмаслиги мумкин ва бунда бутун тизимни комплекс ислоҳ этиш талаб этилади.

Ҳисоботда мамлакат ижтимоий ҳимоя тизими билан боғлиқ қуйидаги муаммолар санаб ўтилган:

– Ўзбекистонда ижтимоий сугурта, ижтимоий ёрдам ва меҳнат бозорини фаоллаштириш дастурларидан иборат бўлган, нисбатан аниқ шакллантирилган ва кенг қамровли ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд, аммо умумий аҳолининг деярли ярми ва кам таъминланган оилаларнинг учдан бир қисми ижтимоий ҳимоя дастурлари билан таъминланмаган.

– 2018 йилда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 6 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич Европа ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги ижтимоий ҳимоя сармояларининг ўртача даражасидан анча паст.

– Аҳолининг кўп қисми ҳалигача ижтимоий таъминотга эриша олгани йўқ: банд аҳолининг қарийб 60 фоизи норасмий секторда бўлиб, бадал тўлашни назарда тутувчи ижтимоий сугурта дастурларида қатнашмайди.

– Ижтимоий ёрдам дастурлари етарлича камровга эга эмас. Масалан, илгари болалар нафақалари барча болали оилаларга қаратилган бўлса, бугунги кунда улар фақат кам таъминланган оилаларга йўналтирилади.

– Кам таъминланган оилаларнинг аксарияти нафақаларни тайинлашнинг жуда қатъий талабларига жавоб берсалар ҳам, кўп ҳолатларда нафақаларни турли сабабларга кўра олиш имкониятига эга эмас.

– Ҳозирги кунда меҳнат бозорини фаоллаштириш дастурларининг аҳолини қамраш даражаси чекланган бўлиб, улар асосан жамоатчилик ишлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўргатиш ва ўқитиш дастурларидан иборат. Сўнгги пайтда бандликни қўллаб-қувватловчи фаол ва пассив дастурлар учун давлат харажатлари ошган бўлса-да, камров сезиларли даражада пастлигича қолмоқда.

Назорат саволлари:

1. Истиқлол йилларида мамлакат демографик жараёнида қандай ўзгаришлар юз берди?

2. Сув захирасини ўйламай янги ерларнинг ўзлаштирилиши қандай оқибатларга олиб келди?

3. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида йилларнинг номланиши бўйича қандай давлат дастурлари ишлаб чиқилди?

4. Соғлиқни сақлаш тизимидаги дастлабки ислохотлар кадрлар сиёсатига қандай ўзгартиришлар киритди?

5. Ҳозирги кунда кам таъминланган оилаларга давлат томонидан қандай ёрдамлар кўрсатилмоқда?

6. Аҳолини ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича давлатимиз томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

Тест саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра маҳалла оқсоқоли қанча муддатга сайланар эди?

А) 2 йил

Б) 2,5 йил *

В) 3 йил

Г) 5 йил

2. Маҳалла сўзи қайси сўздан олинган?

А) арабча “маҳаллун” *

Б) форсча “маҳаллун”

В) туркча “меҳалла”

Г) тожикча “маҳал”

3. Маҳаллалар фаолиятини ёритувчи газета қандай номланади?

А) “Халқ сўзи”

Б) “Маҳалла” *

В) “XXI аср”

Г) “Тошкент оқшоми”

4. Қайси йили “Обод маҳалла йили” деб эълон қилинган?

А) 2001 йил

Б) 2002 йил

В) 2003 йил *

Г) 2004 йил

5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинган?

А) 1995 йил 14 август

Б) 1996 йил 20 сентябрь

В) 1997 йил 29 август *

Г) 1998 йил 16 февраль

6. Ўзбекистонда “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури” неча босқичда амалга оширилади?

А) 3 *

Б) 4

В) 5

Г) 6

7. “Устоз” жамгармаси орқали кимлар чет элнинг нуфузли олий ўқув юртиларида ўз малакасини ошириб келадилар?

А) мактаб ўқитувчилари

Б) лицей ва коллеж ўқувчилари

В) олий ўқув юрти талабалари

Г) коллеж ва лицей ўқитувчилари *

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” асари қачон нашр этилган?

- А) 2015 йилда
- Б) 2016 йилда
- В) 2017 йилда*
- Г) 2018 йилда

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қачон эълон қилинди?

- А) 2017 йил 2 февраль
- Б) 2017 йил 7 февраль *
- В) 2017 йил 17 февраль
- Г) 2017 йил 27 февраль

10. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси нечта устувор йўналишдан иборат?

- А) 10 та
- Б) 7 та
- В) 5 та*
- Г) 4 та

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2019.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1997.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”. 2008.
6. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан яратамиз. Асарлар, 7-жилд. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 1999.

7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2016
8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.
9. Усмонов Қ., Ғаниев Д. Ўзбекистон : мустақиллик одимлари. - Тошкент: “Шарқ”. 1995.
10. Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. –Тошкент: “Фан”. 1995.
11. Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. (Дарслик). –Тошкент: “Иқтисод-Молия”, 2006.
12. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Тошкент: “Маънавият”. 2017.

8-МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ

8.1. Миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг қайта тикланиши.

8.2. Миллий ва диний қадриятларга таяниш демократик жамият куришнинг муҳим шарти

3.3. Бешта ташаббус ва унинг юксак маънавий маданиятни таъминлашдаги ўрни

Таянч тушунчалар: Мустақиллик, ЮНЕСКО, "Алпомиш" , Амир Темур, маънавий ва маърифий ҳаёт. Миллий истиклол гоёси ,мафкура, миллий урф-одатлар, қадриятлар , анъаналар, тарихий шаҳарлар, “Ислом маданияти пойтахти” “Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити, Миллий спорт ,Бешта ташаббус.

18.1. Миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг қайта тикланиши

Биринчи масала баёни. Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини ёритиш ва ўрганиш масалалари партиявий, синфий ёндашувлардан халос этилди, тарихий воқеаларни холислик, ҳаққонийлик, тарихийлик тамойиллари асосида тадқиқ қилишга киришилди. Ибн Сино, Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Форобий, Мирзо Улугбек, Алишер

Навоий, Бобур сингари мутафаккирларнинг асарларини нашр этиш йўлга қўйилди. Мустақиллик шарофати билан Абдухолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Бурхониддин Маргинонийларнинг руҳи шод этилди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган сиймоларимиз номи, ҳурмати ўз жойига қўйилди, уларнинг маънавий мерослари халқимизга қайтарилди. **ЮНЕСКО** қарорига биноан 1994 йилда Париж, Истанбул ва Карочида буюк фалакиёт олими Улугбек таваллудининг 600 йиллик юбилейи байрам қилинганлиги халқимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган хиссасининг эътирофи этилиши бўлди.

Аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиши ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз.

1990-йилларга келиб халқ байрамлари кунида «Катта томошалар» кўрсатилиб, масхарабозлар, қизиқчилар, кўгирчоқбозлар, дорбозлар, полвонлар иштирокида азалий халқ томошалари намойиш этила бошлади. Бу пайтда халқ байрамларида аскиябозлик, мушоира, халқ ўйинлари ўтказилиши анъанага айланди. Шўролар даврида халқ маросимлари, анъаналари ҳам йўқола боргани ва бу инсонпарварлик анъаналарини тиклаш зарурлиги ўша даврда оммавий ахборот воситаларида жиддий таъкидлана бошланди.

1989 йил 28 февралда Ўзбекистонда Наврўз байрамини нишонлаш тўғрисида қарор имзоланди. 1990 йилда эса 21 март ва умумхалқ «Наврўз» байрами дам олиш куни деб эълон қилинди. Ушбу воқеани мамлакатимизнинг бутун аҳолиси чуқур мамнуният, кўтаринки руҳ билан кутиб олди.

Мустақиллик арафаси ва унинг дастлабки йилларида ўзбек халқининг байрамлари, миллий урф-одатлари ва маросимларини тиклаш жараёни бошланди. Тарихий манбалар асосида қадимий урф-одатларни, халқимизнинг байрамларни ўтказишга доир мавжуд тажрибаларини ўрганишга киришилди. Миллий-анъанавий байрамлардан қайси бирларини тиклаш, уларни қандай ташкил қилиш ҳақида халқ фикрлари ўрганилиб, улар асосида байрамларга доир илмий-амалий қўлланмалар яратилди. Аждодларимизнинг асрлар давомида асраб-авайлаб, эъзозлаб авлоддан-авлодга ўтказиб келган яхши анъаналари яна сайқал топиб,

бойиб, ривожланишига аҳамият берилди. Халкимизнинг қадимий Наврўз, Қовун сайли, Узум сайли, Ҳосил байрами каби байрам маросимлари оммавий нишонлана бошланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий анъаналарни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон раҳбарияти, энг аввало, халкимизнинг эҳтиёжи, орзу-истакларидан келиб чиқиб, халқ байрамлари, урф-одатларини тиклашга катта эътибор бера бошлади.

Мустақиллик шарофати билан халкимиз коммунистик маънавият зугумларидан озод бўлди, эркин фикр, миллий тафаккур, миллий тикланишга кенг йўл очилди. Миллий тикланиш ўз-ўзидан содир бўлмайди, бунинг учун халқ дунёқарашини миллий истиқлол руҳида шакллантириш зарур. Бу, аввало, кўп жиҳатдан маънавиятга боғлиқ. Шу боисдан мустақилликнинг дастлабки кунлариданок аждодларимиз маънавий меросини тиклаш ишлари бошланиб кетди. Хўш, маънавий мерос нима, унинг тикланиши нималарда намоён бўлмоқда?

Маънавий мерос қадимий замонлардан бери аждодларимиз, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар - сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари мажмуидир. Маънавий кадриятлар, бойликлар жамият тараққиётининг барча босқичларида унинг эҳтиёжлари туфайли юзага келади ва ўша давр ҳаётини акс эттиради. У жамият ўзгариши билан йўқолиб кетмайди, кейинги авлодлар учун маънавий мерос бўлиб қолади.

Маънавий ҳаётдаги диний байрамлар, ҳайит кунларининг республикада умумхалқ байрами сифатида нишонланиши учун кенг йўл очилгани ҳам маънавий покланишнинг муҳим кўринишидир. Маънавий ҳаётда ислом динининг алоҳида ўрни бор. Бу илоҳий таълимот оламни англаш, дунёвий тафаккур, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни идрок этиш борасида бекиёс аҳамиятга эга. Бутунжаҳон аҳли дикқатини тортган бой ва ранг-баранг маданий-маънавий меросимиз икки кудратли тўлқин – дунёвий илмлар ва диний фалсафий тафаккурга таянади. Шу боисданбу ўлмас кадриятлар бугунги янги давлатчилигимиз қурилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон раҳбарияти, энг аввало, халкимиз эҳтиёжи, орзу-истакларини ҳисобга олиб, азалий байрамларни тиклашга ва истиқлол даври байрамларини халкимизнинг қадимий анъаналарига монанд ҳолда шакллантиришга катта эътибор бера бошлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов фармонлари асосида «Наврўз», «Рамазон ҳайити», «Қурбон ҳайити» ва халкимизнинг азалий урф-одатлари, кадриятлари расман

тикланиб, мамлакатимизда кенг нишонлана бошлади.

Мамлакатда ислом дини омилидан унумли фойдаланиш, унинг бой маънавий ва маданий қадрият сифатидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида И.А.Каримовнинг 1992 йил 7 мартдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил қилинди.

Бобомиз Амир Темурнинг мамлакатимизни жаҳондаги энг қудратли давлат даражасига кўтариш соҳасидаги буюк хизматлари ўзининг ҳаққоний баҳосини олди. Амир Темурнинг номи тикланди. 1996 йил мамлакатимизда ва жаҳон миқёсида Амир Темур йили сифатида кенг нишонланди. ЮНЕСКО қарори билан 1996 йил апрелда Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Т.: Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темурга ҳайкаллар қўйилди. Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди, Амир Темур номи билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар таъмирланди. 1997 йилда Хива ва Бухоро сингари қадимий шаҳарларимизнинг 2500 йиллик байрамлари тантанали суратда ЮНЕСКО қарорига биноан нишонланди. 1998 йилда улуг бобокалонларимиз Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фаргонийларнинг 1200 йиллик тўйлари тантана қилинди.

Республика маънавий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар. Республика Вазирлар Маҳкамаси қошида Дин ишлари бўйича махсус қўмита тузилди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида» Қонун қабул қилинди, унда давлатнинг дин ва диндорлар вакиллариغا муносабати ўзининг аниқ ифодасини топди. Мустақиллик даврида диннинг, энг аввало, ислом динининг миллий ва умуминсоний қадрият сифатидаги мавқеи тикланди, диний уламоларнинг кадр-қиммати ўз жойига қўйилди.

Наврўз байрами, Рўза ва Қурбон ҳайитларининг тикланиши фақат диндорлар учун қилинган марҳаматгина эмас, бу аслида халқимизнинг қадимий расм-русум, анъана ва удумлари, қадриятларимизнинг тикланиши, аجدодлар руҳининг қайта уйғонишидир.

Маънавиятни ривожлантириш йўлида қўйилган муҳим қадамлардан бири 1994 йилда республикада «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг ташкил этилиши бўлди. Марказнинг вилоят, шаҳар ва туманларда бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Улар маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, шаҳар ва қишлоқдар аҳолисини маънавий-маърифий ишларга кўпроқ жалб этмоқда, аҳоли ўртасида илм-зиё, маърифат тарқатмоқда. Марказ томонидан нашр этилаётган «Тафаккур» журнали аҳоли орасида кенг тарқалмоқда, халқнинг миллий уйғониши,

ёшларни тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг аҳамияти ва ўрни қайта тикланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда «Давлат тили ҳақида» Қонун қабул қилди. Қонунда ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулки эканлиги, унинг равнақи, кўлланилиши ва муҳофазаси давлат томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда Олий давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб, статистика ва молия ишлари ўзбек тилида юритилмоқда, Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари, географик номларга ягона миллий шакл берилди ва ўзбек тилида ифодаланди. Натижада ўзбек халқининг, мустақил давлатимизнинг кадр- киммати тикланди ва мустаҳкамланди. Шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг тиллари, кадр-киммати ҳам ўз ўрнига қўйилган.

1991-1992 йилларда Ўзбекистон Олий суди 1984- 1989 йилларда тўқиб чиқарилган «пахта иши»ни қайтадан кўриб чиқди. Собиқ СССР Олий суди томонидан озодликдан маҳрум этилган минглаб собиқ раҳбарлар ва хўжалик ходимларига қўйилган айбномаларнинг асоссизлиги исботланди ва адолат тикланди. 1999 йили Тошкентда «Хотира ва кадрлаш куни» муносабати билан мустақиллик майдонида «Хотира обидаси» ва 2000 йил май ойида «Шахидлар хотираси» майдони мажмуи яратилди. Бу мустақил мамлакатимиз маънавий ҳаётида юз берган муҳим воқеа бўлди.

2014 йил 10 февралда буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллиги нишонланди.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОга қабул қилиниши, 1993 йил октябрда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримовнинг Францияга сафари чоғида 29 октябрь куни ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилиш маросими бўлди. Ўша куни Улугбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКО дастурига киритилди. 1994 йил октябрда Парижда Улугбек ҳафталиги тантана билан ўтди. Хива ва Бухоро ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий қадриятлари рўйхатига киритилди. Бу рўйхатда 411 та объект бор. Самарқанд, Бухоро, Хиванинг меъморий мажмуаларини қайта тиклаш ишларига ЮНЕСКО эксперти - қайта тикловчи меъмор Жованни Боккарди Ўзбекистонга ёрдамлашди.

ЮНЕСКО Ўрта Осиё таракқиётини ўрганиш, тиклаш ва оммалаштиришга катта аҳамият берди. «Ипак йўли- мулоқот йўли» деб номланган йирик тадқиқотда Осиёга биринчи даражали аҳамият берилди. Олти жилдлик «Марказий Осиё маърифати тарихи» тайёрланиб нашр этилди.

1992 ва 1994 йилларда унинг икки жилди нашр этилди. Минтака мамлакатлари мутахассислари унда қатнашди. ЮНЕСКО қарорига биноан Самарқандда Марказий Осиёни тадқиқ қилиш халқаро институти ташкил этилди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Ўзбекистондаги расмий ташрифи чоғида институт тантанали равишда очилди. ЮНЕСКО Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини халқаро миқёсда нишонлашга қарор қилди ва унга биноан 1996 йил апрелда Парижда Амир Темурга бағишланган ҳафталик халқаро анжуман бўлиб ўтди. 1997 йилда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик муборак саналари Парижда кенг нишонланди, халқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказилди.

"Алпомиш" халқ достони яратилганининг 1000 йиллиги, "Авесто"нинг 2700 йиллиги, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик, Самарқанднинг 2750, Маргилоннинг 2000 ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейлари ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро миқёсда кенг нишонланди.

ЮНЕСКО юртимиздаги кўплаб маданий тадбирларнинг меҳмони, ташкилотчиси ва иштирокчисидир. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида ҳам ташкилот мунтазам қатнашиб келади.

ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури тармоғи таълим соҳасидаги асосий дастур ҳисобланади. Дунёдаги олти мингдан зиёд мактаб Бирлашган мактаблар дастури аъзосидир. Ушбу дастурнинг асосий мақсади халқаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, маданиятлараро мулоқот ва барқарор тараққиёт гоёларини тарғиб этиш ҳамда таълим сифатини оширишга қаратилган. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси мамлакатимизда ушбу тармоқни ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда. 1996 йилдан буён мазкур тармоққа юртимизнинг 45 таълим муассасаси аъзо бўлган.

ЮНЕСКО томонидан 2003 йилда "Барқарорлик ва тараққиёт учун таълим 10 йиллиги" эълон қилинди. Ушбу дастур доирасида аҳолининг тил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, маънавият ва маърифат йўналишлари бўйича таълимни ривожлантириш, фан-техника ютуқларидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш каби вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

ЮНЕСКОнинг фан дастурлари доирасида биологик хилма-хилликни асраш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, маданий кадриятларни ривожлантиришга бағишланган лойиҳалар амалга оширилди.

Маданий ва табиий меросни аниқлаш, муҳофаза қилиш ва сақлаш ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига қадимий Самарканд ва Шаҳрисабз, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Хивадаги Ичанқалъа мажмуи киритилган бўлиб, ташкилот уларни дунёга тараннум этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Жаҳон халқлари миллийлигини сақлаб қолиш, уни муҳофаза қилиш ва келажак авлодга етказишни таъминлаш мақсадида 2003 йил 17 октябрда Парижда ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича конвенцияси қабул қилинди. Давлатимиз ушбу конвенцияни ратификация қилиб, унга аъзо бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказига давлат ва нодавлат ташкилотларнинг номоддий маданий мерос масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштирувчи муассаса макоми берилиб, марказ таркибида хужжатлаштириш бўлими ташкил этилди.

Ушбу бўлим бугунги кунда номоддий маданий мерос объектларини аниқлаш, муҳофаза ва тарғиб қилиш борасида иш олиб борапти. Шу кунгача - «Шашмақом», Бойсун маданий муҳити, Катта ашула, Наврўз, Аския сингари беш дурдона меросимиз инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди ва «Палов маданияти ва анъаналари» хужжатлари репрезентатив рўйхатга киритиш учун ЮНЕСКОга такдим этилди.

2017 йил 8 сентябрь куни Тошкенда «O'zbekim» Миллий кадриятлар фестивали ўтказилди. Фестивалда Ўзбекистонда 7 тоннадан ортиқ энг катта ва мазали палов тайёрланди, ҳамда Гиннес Рекордлар китобига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгарисурилган Бешта ташаббус ва унинг юксак маънавий маданиятни таъминлашдаги ўрни бекиёсдир. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг китобхонлик ва китоб мутолаасини оммалаштиришга йўналтирилган бир қатор Фармонлари, Қарорлари қабул қилинган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сонли қарори ва

бошқаларни мисол келтириш мумкин. Зеро юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Айни пайтда, ахборот-коммуникация соҳасидаги охириги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун, аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этади”.

**8.2. Миллий ва диний
қадриятларга таяниш
демократик жамият
қуришининг муҳим
шарти**

Иккинчи масала баёни. Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишда миллий тамойилларнинг асосини ташкил этувчи қадриятлар ҳам алоҳида ўринга эгадир. Мустақиллик туфайли унга бўлган янгича ёндашувлар Биринчи Биринчи Президент

И.А.Каримовнинг миллий ва умумбашарий қадриятлар тўғрисидаги методологик илмий мулоҳазалари ҳамда амалий фаолиятларидаги кўрсатмалари, ташаббуслари бунинг ёрқин мисолидир. Миллий ва умумбашарий қадриятлар тўғрисида бир қатор мамлакатимиз олимларининг фикр ва мулоҳазаларини умумлаштириш лозим. Негаки, Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳукуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда, миллий қадриятларимизга асосланади.

Адабиётларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, ўтмишдаги барча ижтимоий-фалсафий таълимотларда қадриятларнинг моҳияти ва уларнинг жамият таракқиётида тутган ўрни масаласига катта эътибор беришган. Агарда қадимги дунё ижтимоий-фалсафий таълимотларида умуминсоний қадриятлар инсон аклий таракқиётининг маҳсули деб қаралган бўлса, Турондаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихида жумладан, “Авесто”даги, учинчи давр, деб аталган инсоният келажак истиқболи, адолатли жамият ҳақидаги фикрлар тарихий илдизларни ташкил этади.

Бирон-бир нарса ва ҳодиса, ҳоҳ у моддий бўлсин, ҳоҳ маънавий бўлсин, қадриятга айланиши учун маълум бир вақт, давр ўтиши керак. Демократияни миллий ва умуминсоний қадрият сифатида шаклланиши ҳам шундай босқичларни босиб ўтган. ўтмишдаги барча нарсалар ҳам миллий қадрият ҳисобланавермайди. Унинг миллий қадриятга айланиши учун ўзини кўрсата олиши шарт. Демак, биз демократик жамият қуришда ўтмишимиздаги барча нарсаларимизни тўлалигича ололмаймиз. Негаки у ҳамма учун ибратли эмас.

Шу ўринда Биринчи Биринчи Президент И.А.Каримовнинг куйидаги фикрлари ўта муҳим аҳамият касб этади «... ўтмиш кадриятларига, анъаналарига ва турмуш тарзига бетартиб равишда, орка-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка - ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин». Айни шу инкор этиш онларида экстремистик руҳдаги муҳолифатнинг вужудга келиш ҳавфи туғилди. У аслини олганда, маънавиятга қарши муҳолифат бўлиши мумкин эди⁷⁰. Баъзан шундай ҳам бўлади.

Ўзбекистонда демократик жамият куришда миллий кадриятлардан ташқари диний кадриятларимизга ҳам алоҳида ўрин берилаётганлиги тасодифий ҳол эмас. Чунки миллий ва диний кадрият ўртасида қатъий чегара йўқ. Улар доимий равишда ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади, бир-бири билан мулоқотда, биргаликда мавжуд бўлади. Миллий ва диний кадриятлар мутеликдан, фикр қарамлигидан қутулиш, миллий ўзликни англашга хизмат қилиши билан улар жамиятда демократик умумбашарий тамойилларнинг қарор топишига замин яратади. Шунинг учун ҳам миллий кадриятларга “Қолоқлик” ёки “инсон эркинлигини чекловчи омил” сифатида қараш демократияга зид ҳолатдир. Миллий кадриятларга таяниш демократик тараққиётга хизмат қилади.

Демократик кадриятларнинг муайян шароитларда маҳаллий, миллий, минтақавий ва умуминсоний шаклларда намоён бўлади. Бинобарин, ҳар бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Ҳалқларнинг маданий кадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов бу борада фикр юритиб шундай деб таъкидлаганлар: “Узоқ вақт давом этган кучли мафкуравий тазйикка қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига ҳос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди”⁷¹ Бинобарин, ҳар бир кадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади.

Демократик жамиятни умуминсоний ва миллий кадриятларсиз барпо этиб бўлмайди. кадриятлар ҳақида фикр юритганда унинг иккита таркибий

⁷⁰ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998, 126-б.

⁷¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997, 141 б.

қисмини назарда тутмоқ керак. Бунда, энг аввало, инсоннинг объектив оламга нисбатан бўлган актив фаолиятини алоҳида таҳлил қилиш зарур. Умуминсоний кадриятлар тушунчасига моддий ва маънавий муҳит, яшаш шарт-шароитларининг ривожланиши ва ворислик содир бўлиб, янги-янги кадриятларнинг шаклланишига ўтишдан мерос бўлиб қолганлари эса давр руҳи, янги ижтимоий эҳтиёж ва тараққиёт учун асос бўлган кадриятларга киради. Умуминсоний кадриятларнинг асосий вазифаси оламни билиш ва уни амалий ўзгартиришнинг муҳим омилдир.

Марказий Осиё халқларининг миллий кадриятлардаги ўзига хос жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- a) тугилган макон ва она юртга эҳтиром;
- b) ажодлар хотирасига садоқат;
- c) катталарга ҳурмат, ёшларга иззат
- d) инсоний муомалада мулозамат;
- e) ҳаё, андиша, вазминлик, сабр-тоқат кабиларнинг устуворлиги билан

хам характерланади.

Маълумки, демократик кадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли улар: маҳаллий, миллий, минтақавий, умуминсоний мазмунда намоён бўлади.

Миллий муҳит демократик кадриятларни яратиш ва саралашнинг асосий манбасидир. Айнан миллий муҳит маҳаллий кадриятларнинг устуворларини ўз даражасига кўтаради ва уларни вояга етказиб, умуминсоний кадриятлар даражасига олиб чиқади. Умуминсоний кадриятларни ҳар бир киши ўзининг бойлигига айлантиргандагина миллий тамойиллар ўз кучини кўрсатади. “Шу билан бирга ўтмиш кадриятларига, анъаналарга ва турмуш тарзига бетартиб равишда орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка — ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин”⁷² деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов. Биз бугунги кунда ҳақиқий кадриятларимизни:

-тадрижийлик, андишалилик асосида;

-бўҳрон пайтида сабр-тоқат, маромийлик ва вазминлик асосида

-мулозаматда сертакаллуфлик, кексаларга муносабатда ҳурмат-иззат асосида;

-ижтимоий-сиёсий ҳаётда босиқлик, сиполик ва бошқа асосларда асраб-авайлаб ривожлантирмоқдамиз.

⁷² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997, 138 б.

Миллий кадриятлар қандайдир ўзгармас ҳодисалар эмас. Миллат таракқиёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг такомиллашиб бориши, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлар ўзгариши билан миллий кадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилади. ҳар бир кадрият маълум конкрет давр, шароит ва эҳтиёжларнинг маҳсулигина эмас, балки унинг кўзгуси ҳамдир. Шу нуқтаи назардан кадриятларнинг демократик тамойиллар билан қарор топишидаги ўрнига баҳо беришдан олдин улардан фойдаланишда икки омилга алоҳида эътибор бериш керак: биринчиси — қайси бир кадриятларнинг юзага келган аниқ тарихий шароитлар, иккинчиси ўша даврларга ҳос бўлган имконият ва эҳтиёжларни ҳам билиш керак. Шунингдек, умумбашарий демократик кадриятларми, минтакавий кадриятларми, миллий кадриятларми унинг қайси замин эҳтиёжи асосида вужудга келганлигини, улар ўртасида қандай уйғунлик мавжуд бўлганлиги, ворисийлик масалаларини ҳам ўрганиш зарур. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шартидир.

Айни пайтда, фикримизча, муайян миллий, синфий, минтакавий, шахсий ва бошқа хусусий кадриятлар тизими ҳам умуминсоний кадриятлар тизимининг ўрнини боса олмайди.

Демократик жамиятини барпо этишда умуминсоний кадриятларнинг намоён бўлиш хусусиятлари нисбий характерга эга бўлиб, унинг бу хусусияти ҳар доим ҳам кўзга ташланавермайди. Шунга кўра, демократик тамойилларни миллий кадриятлар билан уйғунлаштиришда унинг қуйидаги намоён бўлиш шакллари алоҳида таъкидлаш зарур.

а) демократик жараёнларнинг узвийлиги асосида миллий кадрият сифатида шакллантириш;

б) одамларнинг тафаккури ва ижтимоий-сиёсий савияси билан демократик ўзгаришлар даражасини мутаносиб бўлишига эришиш орқали;

в) жамиятдаги турли ҳил гуруҳлар қарашларини ягона мақсад – «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган миллий гоя асосида ҳамжихатлилик, миллатлараро тотувлик ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш асосида;

г) демократик жараёнлар ҳалқимизнинг қонунни ҳурмат қилиши, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланишини таъминлаш;

д) сиёсий муносабатларда ҳам ахлоқий, маънавий, миллий кадриятлар устуворлигига эришиш орқали умумбашарий демократик тамойилларни мамлакат фуқаросининг турмуш эҳтиёжига айлантириш ва бошқалар.

Демократик адолатли жамият барпо этишда умуминсоний кадриятлар тушунчасига ҳос бўлган кундалик мулоқотлардаги мазмун билан фалсафий

аксиологик маъно ўртасидаги фарққа эътибор бериш лозим. Шу нуқтаи назардан бизнинг фикримизча, умуминсоний кадрият деганда, энг аввало, жамият ва одамзод насли учун энг кадрли ва унинг маънавий камолоти учун хизмат қилувчи умумижтимоий аҳамият касб этувчи нарсалар, ходисалар, фаолият ва бошқаларнинг номи, уларнинг ижтимоий ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий аксиологик тушунчаларни назарда тутилади. Демак, умуминсоний кадрият деганда, жамият аъзоларининг ҳаммаси учун умумий аҳамиятга эга бўлган ва ҳар бир шахснинг ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларга ижобий таъсир этадиган, кишиларнинг хатти-ҳаракати, амалий фаолияти, яшаш тарзи, бошқаларга муносабати ҳам умуминсоний кадриятларнинг мезони сифатида баҳоланади. Шу билан ҳам умуминсоний кадриятлар тизимида демократик тамойилларнинг ўзи унинг шаклланиши учун кенг майдон очиб беради. Бироқ, бундан миллий кадриятларнинг ўрни ана шу тизимда пассив ҳолатда экан-да деган хулосани чиқармаслик керак. Негаки, кадриятлар тизимида миллат, унга хос бўлган белгилар, жихатлар, хусусиятлар, уларнинг вужудга келиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳудуд, макон ва у билан боғлиқ туйғулар демократик жамиятни барпо этишда муҳим ўрин эгаллайди. Миллий кадриятлар шахс кадриятларини умуминсоний кадриятлар билан боғловчи занжирнинг муҳим ва асосий бўгини ҳисобланади. Шунга кўра, миллат ҳар қандай миллий кадриятнинг объекти, уни яратувчиси ва миллий кадриятлар тизимида асосий таянадиган ижтимоий таянч ҳамдир. Миллат бир томондан, ўзининг кадриятларини мутассил вужудга келтириб турганлиги билан ҳам яшовчанлик хусусиятига эга. Демак, миллий кадриятлар ўтмишдан келажакка ривожланиш жараёнида уларни доимий такомиллаштириб янги-янги қирраларини вужудга келтиради. Айнан ана шу жараён адолатли ва демократик жамиятнинг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Демак, биринчидан миллий кадриятларсиз демократия тамойилларини ҳаётга жорий этиш, уни ҳар бир шахснинг турмуш тарзига айлантириш мумкин эмас. Демократия нафақат шахс фаолияти, балки у миллатнинг руҳияти ҳамдир. Иккинчидан, демократик жараёнлар давомида мавжуд кадриятлар тизимининг ўзи ҳам ривожланиб, ўзгариб боради. Учинчидан, миллат миллий кадриятнинг ҳақиқий эгаси. Демак, миллат унинг макон ва замондаги ҳаракати ҳам, ўтмишдан келажакка томон яшаши ҳам, авлоддан авлодга етказиб берувчиси ҳам, унинг асосий объекти ҳамдир. Тўртинчидан, миллий кадриятларнинг такомиллашмаганлиги миллатнинг йўқ бўлиб кетиши ва охир оқибатда эгасиз бўлиб қолишининг бошланишидир. Собик шўролар даврида миллатга бўлган ҳужум энг аввало, унинг кадриятларига бўлган ҳужумдан бошланганлиги тасодиқий ҳол эмас эди. Бунинг бир қатор

мисолларини кўхна тарихдан ҳам, ҳозирги даврдан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Бешинчидан, миллий кадриятларнинг сақланиб қолиши бу фақат уларнинг ўзини ўзи асраб қолишининг асосий масаласи деб қараш керак эмас. Балки ҳар қандай миллатнинг сақланиб қолиши учун ҳар бир миллатнинг ўзи жавобгар, масъул бўлиши шарт. Ана шу жавобгарлик, масъуллик даражаси миллий ривожланиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда қозогистонлик профессор, файласуф Ғ.Қодиржонов халқаро конференцияларнинг бирида шундай фикрни билдирди: “қозоқ зиёлиларининг ўз она тилларини ўрганишлари, ўзлаштириши ва ўз тилларида илмий фалсафий, сиёсий китобларни ёзиши ўта мушкул бўлиб қолаётганлигининг сабаби - улар миллий руҳининг эркинлигига нисбатан узок йиллар ҳукмрон бўлган “қизил империянинг” мафкуравий тазйикининг натижасидир. Бундай ҳолатни Қирғизистон ва Ўзбекистон зиёлилари ўртасида ҳам кузатиш мумкин”⁷³

Ўзбекистонда эркин, демократик жамият куриш вазифасини амалга ошириш жараёни демократиянинг умуминсоний ва миллий-маънавий кадриятлари уйғун эканлиги эътироф этилади. Демократиянинг асосий белгиси у ёки бу мамлакатда ҳалқни олий ҳокимиятнинг амалга оширувчи манбаи эканлигини эътироф этишдир. Айни пайтда турли халқлар халқ ҳокимиятининг шакли ва мазмунини турли даврларда турлича талқин этишлари мумкин. Масалан, демократиянинг антик даврдаги талқини билан Европадаги ҳозирги замон талқини ҳам айнан бир хил эмас. Қайсики, муҳим демократик миллий ва умуминсоний кадриятлар ва тамойиллар турли хил сиёсий режимларда, унга мос равишда шу мамлакат ва минтақадаги халқларнинг миллий-маданий, тарихий ва бошқа анъаналарида ўзининг ҳаётий ифодасини топган.

Бугун шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, демократия турли хил миллий-маданий шароитларда яшай олиш хусусиятига эга эканлигини исботлади. Бу дегани бир, томондан демократиянинг миллий хусусиятлари мавжудлигини кўрсатса, иккинчидан уни турли халқлар, миллатлар ҳаётида, давлатчилик курилиш анъаналарида намоён бўлишидан далолатдир. Шунда ўзининг миллий-маънавий кадриятларига таянмаган, уни ҳисобга олиб, айни пайтда умуминсоний кадриятлар, тамойиллар билан уйғун бўлмаган демократияни ҳақиқий демократия ёки демократик жамият деб бўлмайди. Бу соҳада ҳамон айрим баҳслар мавжуд. Уни таҳлил этиш ва муносабат билдириш ҳақиқатни англашга ёрдам беради. Масалан: “Шарқ

⁷³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997, 138 б.

демократияси”, “Ғарб демократияси”ни тушуниш бўйича: бир томондан, демократияни умуминсоний кадрият эканлигига таянган ҳолда уни “Шарқ”, “Ғарб” кўринишларига бўлиб ўрганишга нисбатан эътирозли фикрларнинг мавжудлигидир. Ёки, бундай ёндашув бугунги глобаллашув жараёнига тўғри келмайди, ҳозир кўпроқ глобаллашув жараёни тўғрисида гапириш лозим дейувчилар ҳам борлигида кўринади. Шарқона демократияни қўллаш орқасида ўзимизнинг айрим қусурларимизни “яшириш” ҳолатлари бор деган нуқтаи назар. Иккинчидан, Шарқона демократия орқали “Шарқни” улуглаш, фақат ютуқларни кўриш, бир томонлама унга маҳлиё бўлиш, ўзини мақташ кайфияти мавжуд. Шунинг учун ҳам уни бўлиб ўрганиш, унинг ўртасида “Ҳитой деворини” кўйиш тўғри эмас, деган нуқтаи назардир. Яна бир карашда эса “Шарқ” ва “Ғарб”га ҳос бўлган демократиянинг ўзига ҳос хусусиятларини эътироф этиш яққол кўзга ташланади.

Аввало, “Шарқ” ва “Ғарб” атамалари тўғрисида табиий ёндашганда бу тушунча умумэътироф этилган ва кенг жамоатчиликка яхши сингганлиги маълум. Айни пайтда у тобора кенгроқ маъно-мазмун касб этиб бормоқда. У бугун сиёсий-ижтимоий, маънавий маъно касб этаётганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, “Шарқона демократия” ёки “Ғарбона демократия” атамасини алоҳида-алоҳида тарзда ишлатилиши демократиянинг умуминсоний маъно-мазмунига, умумэътироф этилган кадрият сифатида унинг умумий моҳиятига соя ташламайди. Бошқача айтганда, “Демократия” (Шарқда ҳам Ғарбда ҳам) умумэътироф этилган тушунча. Бу соҳада ўзаро баҳс, кескин ихтилофлар йўқ. Муаммо: 1) “Шарқона” ёки “Ғарбона” демократия ўртасидаги фарқни англашда кимнинг қандай тушуниб ёндошиши билан боғлиқ. Бунда муаммо демократиянинг умумий, ягона моҳиятида эмас, унинг ўзига ҳос миллий-маънавий хусусиятларини фарқлаш, эътироф этиш билан боғлиқ. Албатта “Шарқона” демократия тўғрисида фикр юритиб уни “Ғарб” демократиясидан устун қўйишга, ёки Ғарб демократиясини шарқдан устун қўйишга, уни камситишга бўлган урунишни ҳам, ёки Шарқона демократия тўғрисида гапирганда уни фақат ижобий жихатларини бўрттириб, айрим нуқсон, зарарли, замон руҳига мос келмайдиган, бугунги дунё эътироф этган кадриятлардан орқада қолган томонларини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳам унга қандай маъно бериш, унинг мазмун-моҳиятини ҳолисона ёндошиб муносабат билдириш билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз Биринчи Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланган “оммавий маданият” масаласига диққатни қаратиш лозим. Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва

унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоёвий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлокий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Табиийки, «оммавий маданият» деган никоб остида ахлокий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоёларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди⁷⁴. Айниқса, ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормокда. Нега деганда, бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай «маданият» намуналарини фақат танқид ва инкорқилиш ёки уларни таққиллаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун авваламбор эзгу инсоний гоёлар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт.

Демократиянинг бирон-бир кўринишини мутлақлаштириб бўлмайди. Демократиянинг миллий ҳусусиятини, умумбашарий тамойилларини тан олишни жамият ривожини, давлат ва жамият қурилиши, уни эркинлаштириш жараёнлари тақозо этади. Ўзбекистонда демократиянинг Шарқона ҳусусиятларининг эътироф этилишининг моҳиятини шунда кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда демократияга миллий ва умумбашарий қадрият сифатида қаралмоқда. Ақс ҳолда бирон-бир давлат ёки жамият қурилиши бошқа давлат ёки халқлар учун ягона андоза бўлиб ҳизмат қилаверган бўлар эди. Бу эса демократик тараққиётнинг хилма-хиллигига, ривожланиш моделларининг ранг-баранглигига тўғри келмайди.

Умуминсоний қадриятлар инсонмаънавий, ижтимоий қамолотининг қандайдир алоҳида, бошқалардан ажралган томони эмас. Умуминсоний қадриятлар миллий ва минтақавий қадриятларнинг умумлашган ифодасидир. Умуминсоний қадриятлар бутун инсониятга ҳос қадриятлар асосида ташкил топади ва ривожланади. Улар айни вақтда барча

⁷⁴Каримов И.А. Юксак маънавий – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 116 бет

миллий кадриятларнинг бир-бирига яқинлашиши ва ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Инсонпарварлик гоёларига садоқат, демократия, ижтимоий адолат ҳамма ерда барқарор бўлишига интилиш, инсон ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймаслик, ҳамма халқларнинг миллий мустақиллик учун бўлган курашларини ҳимоя қилиш, кишиларни дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамдардликка чорлаш, ҳамма ерда тинчлик, осойишталик қарор топишига ҳаракат қилиш, атроф-муҳитни тоза сақлаш умуминсоний кадриятларнинг ҳозирги кунда катта аҳамият касб этаётган жихатларидир.

Бу кадриятлар бутун инсоният томонидан кўлга киритилган фан, техника, маданият, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш борасидаги янги жихатлар, демократия, қонунчилик, адолатни барқарорлаштириш борасидаги ютуқлардан ҳам иборат бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш республикамизни жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантириш ишига хизмат қилади. Бу борада бирор чекинишларга, миллий маҳдудликка ва калондимогликка йўл қўйиш ниҳоятда катта йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Шу жихатдан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мукаддимасида Ўзбекистон халқи:

- инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,
- ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак маъсулиятини англаган ҳолда,
- Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,
- демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,
- халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,
- республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,
- инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,
- фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,
- ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади дейилган.

Ўзбекистон суверен демократик давлат бўлиб, халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи ҳисобланади. Бу ҳақда Конституциянинг 13-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси демократик умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти,

эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади»⁷⁵. Демак, демократик давлатда халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи бўлиб, умуминсоний тамойилларни амалга ошириш орқали инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, барча халқнинг турмуш даражасини ошириб боришга эришади.

Катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган минтақавий кадриятлардан яна бири - жамоатчилик фикридир. Жамоатчилик фикри одамлар ўртасидаги бир-бирига яқинлик, ўзаро ҳурматнинг ифодаси бўлиб, кенг фойдаланиш мумкин бўлган кадриятдир.

Ҳулоса қилиб айтганда, кадриятлар жамият тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган, ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган, кишилар онгига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этган моддий, маънавий бойликлардир. Шу нуқтаи назардан, тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши - буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбияладиган кадриятларга айланиб қолиши лозим.

Айни пайтда демократиянинг Ғарбона кўринишини мутлоқлаштириш, уни ягона андоза, модел сифатида бошқа халқлар ҳаётига зўрлик орқали тикиштиришга уруниш – ҳақиқий демократияга зид ҳолатдир.

Бизга маълумки, Ўзбекистон давлат мустақиллигини кўлга киритган кундан бошлаб халқимизнинг бой маънавий меросини тиклаш ва ривожлантириш, жамият маънавиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уни таъминловчи маданий-маърифий ислохотларнинг йўналишлари белгилаб олинди. Чунончи, агар истиқлолнинг дастлабки йилларида жамият маънавий ҳаётидаги энг бош вазифа фуқароларда собиқ шўролар даврига хос тафаккурни эскича фикрлаш сарқитларидан бартараф этиш бўлган бўлса, иккинчи муҳим вазифа сифатида фуқаролик жамиятини шакллантириш белгиланди. Зеро, истиқлол туфайли мамлакатимизда демократик жамият барпо этиш учун жуда катта ва муҳим ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий асос яратилди.

1995 йилда Амир Темур халқаро хайрия жамгармаси ташкил этилиб, Президент Фармони билан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Шу йили Соҳибқироннинг 660 йиллигига бағишланган юбилей мамлакатимизда ва жаҳон миқёсида нишонланди. ЮНЕСКОнинг Париждаги

⁷⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2019. 11-б.

бош қароргоҳида Амир Темурга бағишланган маданият ҳафталиги (1996 йил 20 – 26 апрель), “Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши” мавзуида илмий конференция ва кўргазма бўлиб ўтди. Амир Темурнинг шахси бутун маърифий инсониятнинг бойлиги эканлиги тан олинди.

Амир Темур юбилеи муносабати билан ўнлаб тарихий обидалар таъмирланиб, қайта тикланди, янги иншоотлар қурилди ва боғлар яратилди. 1996 йил 18 октябрда Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари марказида кўркем Амир Темур майдони барпо этилди ва буюк аجدодимизга улугвор ҳайкал ўрнатилиб, 28 августда ҳар икки шаҳарга “Амир Темур” ордени топширилди. 1996 йил 18 октябрь – Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи тантанали равишда очилди. 1996 йил 23 – 26 октябрда Тошкент шаҳрида “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Шунингдек, 1999 йил 5 ноябрда ватанпарвар сиймо, халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги нишонланди. Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди хотирасини абадийлаштирувчи ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Эътиборли жиҳати, 1999 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “9 майни Хотира ва қадрлаш куни, деб эълон қилиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Фармоннинг ижроси сифатида 1999 йил 9 майда мамлакатимизда биринчи бор 9 май – Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланди. Мазкур тадбирлар халқимизда миллий онгни юксалтиришга, тарихий хотиранинг тикланишига, ёшларни миллий истиқлол гоёлари руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Биринчи Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида 2000 йил 12 майда Тошкентнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув бўйида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи очилди. 2001 йил 31 август – катагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида Ўзбекистонда илк бор ўтказилди. 2002 йил 31 август куни Тошкентнинг “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи ташкил қилиниб, 2008 йил 31 августда унинг янги экспозицияси очилди.

Замонавий, мустақил ва эркин ўзбек халқининг миллий, маънавий жиҳатдан кўп қиррали тараққиётга эришишида жуда қадим замонлардан бери шаклланиб, камол топиб келаётган бой маданий мероси, анъаналари, урф-одатлари, қадрият-удумларининг аҳамияти гоёта беқиёсдир. Шу нуқтаи назардан, ушбу бебаҳо омиллар мустақил Ўзбекистоннинг келгусидаги жадал раванқини таъминлашда, жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеининг янада юксалиши учун хизмат қилиши табиий.

Президентимизнинг 1990 йил 2 майдаги Фармони⁷⁶ билан Наврўз анъанавий байрами кайта тикланиши натижасида тарихий ўзликни англашдаги ҳақиқат қарор топди. Наврўз нафақат ўзбекларнинг, балки диёримизда яшаётган жамики миллат ва элат вакилларининг ҳам ардоқли ва севимли байрамига, халқлар дўстлиги ва биродарлигини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланди. Зотан, Наврўз эзгуликнинг тимсолидир. У шунчаки намойиш эмас, балки инсоний туйгуларга маънавий қувват берувчи, уларни яқинлаштирувчи, ягона Ватан туйгусини мустаҳкамловчи бебаҳо кадрятдир.

Айни пайтда Меҳржон, Ҳосил байрами, Қовун сайли, халқ байрамлари, спортнинг миллий турлари ҳамда турли халқ ўйинлари кенг ўрин олувчи бадиий спорт байрамларининг улкан кўламда тикланиши фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларимиз дунёкараши – эътиқодини шакллантириш ва мустаҳкамлашда, уларда она заминга меҳр-муҳаббат билан қараш, ризқ-рўзимиз асоси бўлмиш сувни тежаб-тергаб сарфлаш, табиатни, ер ости ва ер усти бойликларини асраш, бободехқон меҳнатини эъзозлаш, умуман, ўлкамиздаги жамики жонзод ва табиатни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашда муҳим омил ҳисобланади.

Мустақиллик шарофати боис мўътабар Қуръони Карим ва ҳадисларни чоп этиш имконияти пайдо бўлди. Жумладан, 1991 йилда Қуръони Карим илк бор ўзбек тилида Алоуддин Мансур таржимаси ва Имом ал-Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” – 4 жилдлик ҳадислар тўплами ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. 1991 йил 14 июлда Ўзбекистон ҳуқуқий тажрибасида биринчи бор “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилингач, виждон эркинлиги, давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар конституцион тамойиллар асосида тартибга солинди. 1998 йил 1 май куни ушбу қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Эътиборли томони, 1992 йил 27 март кунида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайитининг биринчи кунларини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Ўзбекистон Президентининг 1990 йил 2 июндаги “Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига Ҳаж қилиш тўғрисида”ги Фармонида биноан Ўзбекистон халқи вакиллари тарихида биринчи марта бевосита ҳукумат ҳомийлигида ҳар йили Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятига эга бўлди. Мустақиллик йилларида 100 мингдан ортиқ ўзбекистонликлар Макка ва Мадинада Ҳаж сафарида бўлдилар. Юзлаб масжидлар мусулмонларга

⁷⁶ Қаранг: “Совет Ўзбекистони” газетаси. 1990 йил, 3 май.

кайтарилди, янгилари барпо этилди. “Ислом нури” газетаси ва “Ҳидоят” журнали нашр этилмоқда.

Маърифатпарвар алломалар Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмуд Замахшарий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Маргиноний, Насафий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Маҳдуми Аъзам ва бошқа бобокалонларимизнинг бой маънавий мерослари, маърифат ва маданият равнақи борасидаги дунёқараши, назарий қарашлари, жамият таракқиёти йўлидаги хизматлари ҳозирда мустақил Ўзбекистонимизда яшаётган миллат ва элат вакиллари эзгу орзулар сари етакламоқда, халқлар ўртасида биродарлик ва ҳамжиҳатлик руҳини кучайтирмоқда.

**8.3. Бешта ташаббус
ва унинг юксак
маънавий маданиятни
таъминлашдаги ўрни**

Учинчи масала баёни. Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга,

ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунча кучли бўлади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Ана шу эзгу гоя Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида бошланиб, қисқа вақтда улкан ишлар амалга оширилди. Мазкур

худуддаги туман ва шаҳарлар кутубхоналарига 300 минг нусхада бадиий адабиётлар етказиб берилди. Мусиқа ва санъат мактаблари чолгу асбоблари, спорт объектлари жиҳозлар билан таъминланди.

Бу ишлар Наманган вилоятида ҳам давом эттирилиб, “Маърифат карвони” ташкил этилди. Ёшлар учун 25 минг дона китоб, 80 турдаги спорт жиҳозлари ва мусиқа асбоблари етказиб берилди.

Ушбу 5 ташаббус халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Йиғилишда бу тажрибани Ўзбекистоннинг барча худудларида кенг жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 800 дан ортиқ маданият маркази, 312 та мусиқа ва санъат мактабига атиги 130 минг нафар ўғил-қиз камраб олингани, мазкур муассасаларнинг аксарияти ўқув қўлланмалари, ноталар тўплами, мусиқа асбоблари ва жиҳозлар билан етарли даражада таъминланмагани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари жойлардаги маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб, фаолиятини яхшилаш бўйича топшириқлар берди.

Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига ҳокимликлар билан биргаликда туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тўғарак ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ташаббускор истеъдодли ёшлар ва маҳаллий ҳомийларни жалб этган ҳолда, маданият марказларида бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва “Ёшлар клублари” ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Атоқли санъаткор ва истеъдодли ижодкорларни туманлардаги маданий ишларга қўмакчи сифатида бириктириш яхши натижа бераётганини инобатга олиб, бу тажрибани бутун мамлакатга ёйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Унга мувофиқ, таникли артистлар туман ва шаҳарларга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилиб, ўша жойларда маданият ва санъатни ривожлантиришга масъул бўлади, туман ва шаҳарлар ҳокимлари эса ушбу ишларга моддий ва ташкилий жиҳатдан ёрдам беради.

Мусиқа ва санъат соҳасида олий маълумотли кадрларни кўпайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларига муайян мавзулар бўйича тарих дарсларини музейлар, тарихий обидалар, кадамжо ва театрларда сайёр ўтказилишини ташкил қилиш топширилди.

Иккинчи ташаббусга доир масалалар муҳокама қилинар экан,

юртимизда 12 мингдан зиёд спорт иншооти борлиги, лекин ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга қамраб олиш даражаси етарли эмаслиги қайд этилди. Умумтаълим мактабларининг спорт анжомлари билан жиҳозланиш кўрсаткичи мамлакат бўйича 56 фоизни ташкил этгани ҳолда, Сурхондарё вилоятида атиги 12 фоиз, Хоразмда 14 ва Қорақалпоғистонда 15 фоиз, холос.

Йигилишда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарларига мутахассислар билан биргаликда ёшларнинг спорт турларига қизиқиши ҳамда спорт иншоотларининг жиҳозланиш даражасини ўрганиб, шу асосда таклифлар бериш, Вазирлар Маҳкамасига уларни амалга ошириш учун зарур маблағлар манбасини аниқлаш вазифаси юклатилди.

Олис ва чекка қишлоқларда енгил конструкцияли сендвич панеллардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар қуриш, ташаббускор тадбиркорларга спорт иншоотлари барпо этиш учун ер ажратиш зарурлиги таъкидланди. Бундай тадбиркорларга Миллийбанк томонидан “Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ажратилади.

Жойлардаги спорт мактабларига таниқли халқаро мусобақалар голибларини раҳбар этиб тайинлаш, шунингдек, спортчиларни олий ўқув юр்தларининг махсус сиртки бўлимларида мақсадли ўқитиш яхши натижа бериши қайд этилди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сонини кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Видеоселектор йигилишида ёшларни интернетдаги зарарли хуружлардан асраш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига илгор халқаро тажрибалар асосида барча шаҳарларда ва туманлар марказида Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Бу марказларда электрон тижорат ва дастурлаш бепул ўргатилади, ахборот технологиялари соҳасида бизнес бўйича инновацион кўникмалар шакллантирилади, “стартап” лойиҳаларга ёрдам кўрсатилади.

Бугунги кунда барча мактабларда компьютер техникалари бўлишига қарамадан, интернет хизматидан етарли даражада фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига

2021 йилгача барча мактаблардаги компьютер синфларини замонавий технологиялар ва юқори тезликдаги интернет тармоги билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ташаббускор тадбиркорларни жалб қилган ҳолда, компьютер ўйинлари марказларини ташкил этиш, уларда болалар ва ёшларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган тест, викторина, ривожлантириш стратегиялари ва бошқа фойдали дастурлар бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш уларнинг ҳаёт йўлларида мустаҳкам замин бўлади. Лекин кўплаб қишлоқ ва маҳаллаларда бунинг учун зарур шароит мавжуд эмас. Илгариги кутубхоналар ўрнида ташкил этилган Ахборот-ресурс марказлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажара олмади.

Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, янги ташаббус доирасида ёшлар сонидан келиб чиққан ҳолда жойларга кўшимча китоблар етказиб бериш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари мутасадди вазирлик ва идораларга “Маърифат қарвони” лойиҳаси доирасида бадиий, маърифий, ижтимоий мавзуларда китоблар чоп этиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга 1 миллион нусхадан кам бўлмаган миқдорда етказиб бериш бўйича топшириқ берди.

Йиғилишда маҳаллий ҳокимликлар ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони ташкил этиши кераклиги таъкидланди. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига барча шаҳар ва туманларда кўчма китоб павильонларини жойлаштириш, “Библиобус”ларни йўлга қўйиш орқали қишлоқ ва овуллар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Шу мақсадда 2019-2020 йилларда барча туманларда сендвич панеллардан 195 та тикув-трикотаж корхонаси ташкил этиш белгиланган. Уларни куриш учун аҳоли зич яшайдиган, меҳнат ресурслари кўп жойлар танлаб олинган. Бу корхоналарни ташкил этиш натижасида хотин-қизлар учун 24 мингдан ортиқ доимий иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Президентимиз меҳнат қилиш истагидаги аёллар иш ўринлари сонидан анча кўплигини ҳисобга олиб, корхоналарда ишни 2 сменада ташкил этиш, уларда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда қайд этилган 5 ташаббусни кенг жорий қилиш мақсадида барча ҳудудларга мутасадди раҳбарлар масъул қилиб бириктирилди.

Шунингдек, бу вазифаларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи раҳбарлари шахсан масъул ва жавобгар этиб белгиланди.

Назорат саволлари:

1. Мустақиллик йилларида маънавий ва маърифий ҳаёт, миллий урф-одатлар, кадриятлар ва анъаналарнинг қайта тикланиши аҳамияти?
2. Мустақиллик йилларида буюк аجدодлар ва тарихий шахсларга бўлган эътиборни нималарда кўриш мумкин?
3. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг аждодлар мероси ва миллий кадриятларни тиклаш борсидаги хизмати.
4. Мустақиллик йилларида иқтисодий барқарорликни таъминланиши ва маънавиятнинг, маданий кадриятларнинг ўрни.
5. Тарихий шахслар ва шаҳарларимиз юбилейларининг халқаро миқёсда кенг нишонланиши.
6. Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан бешта ташаббуснинг илгари суриши ва унинг юксак маънавий маданиятни таъминлашдаги ўрни.

Тест саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов фикрича мафкуравий полигонларда қандай кураш кетмокда?

- А) *Доимий
- В) Эволюцион гоялар
- С) Душман гоялар
- Д) Сакрашсимон.

2. Мафкуравий соҳа:

- А) Сиёсатга тегишли
- В) Иқтисодга тегишли
- С) Санъатга тегишли
- Д)* Сиёсий ҳокимиятнинг асосий шартларидан бири

3. Демократия сўзининг маъносини кўрсатинг ?

- А) * халқ ҳокимияти
- В) эркинлик
- С) ҳуқуқлар тенглиги
- Д) одиллик

4. Миллий-маънавий тикланиш нима?

- A) Миллий меросни тиклаш
- B) Миллий маданиятни тиклаш
- C)* Миллий ўз-ўзини англаш
- D) Миллий иқтисодиётни тиклаш

5. Маънавий ислохотлар моҳияти:

- A) Халқнинг билимини ошириш
- B)* Маънавий меросни тиклаш ва ривожлантириш
- C) Ёшларнинг салоҳиятини ривожлантириш
- D) Мамлакат инфраструктурасини такомиллаштириш.

6. Диний бағрикенглик нима?

- A) Турли дин вакиллари маълум мақсадга бирлаштириш
- B) Буддистлар ва иудаистлари бирлиги
- C) * Турли диний эътиқоддаги кишилар аҳиллиги
- D) Мусулмон ва христианлари иттифоқи

7. Экстремизм нима?

- A)* Ашаддий фанатик гуруҳлар фаолияти, мафкураси
- B) Диний оқим
- C) Сиёсий оқим
- D) Фундаментализм кўриниши.

8. Ақидапарастлик моҳияти:

- A) Якка мафкура ҳукмронлиги учун бирлашув
- B) Ғоявий – диний мафкурани кучайтириш
- C) Экстремизм ифодаси
- D)* Ўз динини устун қўйиш

9. Виждон эркинлиги нима?

- A) Диннинг дастлабки шакллари эътиқод
- B)* Хохлаган динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик
- C) Хохлаган маълумотни олиш ва тарқатиш
- D) Ислом динига эътиқод қилиш

10. И.А.Каримов фикрича, жамиятдаги ислохотларнинг асосий мақсади:

- A) Халқ озодлиги ва фаровонлиги
- B) Якка миллий давлатни яратиш

- C) *Инсон манфаатларини кўзлайди
- D) Ислон модернизацияси

Фрйдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: “Ўзбекистон”. 2019.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.-Тошкент: “Ўзбекистон”.2005.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: “Маънавият”. 2008.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 1996.
5. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Тошкент. “Ўзбекистон”.1998.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”.2017.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”.2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.
9. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. - Тошкент: “Маънавият”. 2011.
10. Абдуллаев М., ва бошқалар: тўлдирилган учинчи нашр. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп лугат. - Тошкент: “Шарқ”. 2006.
11. Сабиров А. Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Тошкент: “Академия”. 2013.
12. Жураев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи.3-китоб. - Тошкент: “Шарқ”. 2000.

9-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

- 9.1. Мустақиллик йилларида илм-фаннинг ривожланиши.
- 9.2. Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг янги босқичи
- 9.3. Янги жамият қуришда таълим ва тарбиянинг ўрни ва роли.
- 9.4. Ёшларга оид давлат сиёсатини таълим соҳасида амалга оширилиши

Таянч тушунчалар: Хоразм Маъмун академияси «Таълим тўғрисида»ги қонун(1997) «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997) Ш.М.Мирзиёев «Таълим тўғрисида»ги Қонун(2020).“Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури, Жамоатчилик кенгаши, Республика олий таълим кенгаши .

**9.1. Мустақиллик
йилларида илм-
фаннинг
ривожланиши**

Биринчи масала баёни. Ўзбекистон мустақилликка эришгач дастлаб, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳукукий асослари яратилди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов истиклолнинг илк кунларида мамлакатда “маънавий ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни жихатдан мукамал

юксалтириш, миллий уйғониш гоёсини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади” – деб белгилаб берди. Мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилди. Чунки, айнан таълим миллий давлатчиликни барпо этиш, маънавий уйғониш, иқтисодий юксалиш йўлида пайдо бўладиган кийинчиликларни енгиб ўтишда одамларга мададкор бўлади”.

Таълим соҳасида давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири, бу - маънавий жихатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш гоёси асосида маънавий ва руҳий жихатдан янги авлодни вояга етказиш қатъий белгилаб олинди.

Таълим соҳасида ўтиш даврида умумий ва касб таълими сифатининг давлат стандартини, таълим соҳасида молиявий маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш, таълим тузилмаларини ривожлантириш вазифаси биринчи ўринга чиқди.

Мустақиллик йилларида юзага келган тамомила янги тарихий шарт-шароит илм-фан соҳасини туб ислоҳот қилишни тақозо этди. Зеро, долзарб илмий-техник муаммолар ҳал қилиниши республиканинг ривожланишини таъминлайди.

Аввало, илмий кадрлар тайёрланишини ташкил этувчи ваколатли орган – Олий аттестация комиссияси Ўзбекистонни биринчи Президентининг 1992 йил 31 мартдаги фармони билан ташкил этилди. Президентнинг 1992 йил 8 июлдаги “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 июлдаги қарори асосида Республика олимлари хорижий мамлакатларга тажриба оширишга юборилиши йўлга қўйилди. Илмий натижаларни ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш билан шугулланувчи Республика илмий ишланмаларни инновация тижорат маркази Фанлар академияси таркибида ташкил этилди.

Ўзбекистонни биринчи Президентининг 1997 йил 11 ноябрдаги фармони билан Хоразм Маъмун академияси қайта тикланиб, Фанлар академиясининг

минтақавий бўлинмаси сифатида ташкил этилди.

2000 йили Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг (ҳозирги Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райхон Беруний номли Шарқ кўлёмалари маркази) кўлёмалар фонди дунёнинг энг бой кўлёмалар хазинасидан бири сифатида ЮНЕСКО маданий мероси рўйхатига киритилди.

2008 йилдан буён мамлакатимиз пойтахтида инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасини ўтказиб келмоқда. 2008-2015 йиллар давомида ўтказилган I – VIII ярмаркалар доирасида жами 4000 дан ортик ишланмалар тақдим этилди. 2008 йилдан буён умумий киймати 113 млрд. сўмдан ортик бўлган 3000 дан зиёд шартномалар тузилди.

Ўзбекистон олимлари демократик ва ҳукукий жамиятнинг маънавий-маърифий ва маданий ривожланишини таққик қилиш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш, энергетика ва энергия хом-ашёни тежаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни, ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация, кимё, био ва нанотехнологияларни ривожлантириш, кишлок хўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тиббиёт, фармакология, геология, геофизика, сейсмология бўйича маълум ютуқларга эришиб келмоқда.

Хусусан, 2007 йили октябрь ойида Майданак расадхонасида астрономлар куёш тизимида янги кичик сайёрани аниқлашди, унга 2009 йили Гарвард кичик планеталар Маркази 210271 рақамини берди. 2010 йилда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов тақлифига биноан Мирзо Улугбекнинг бутун дунёга машхур Самарқанд астрономия мактаби хизматлари шарафига “Самарқанд” деб ном берилди.

Археологлар томонидан Обираҳмат горидан неандертал ва замонавий кишилар қиёфасининг аралаш типидеги гоминид қолдиқлари топилиши Марказий Осиё минтақаси ҳам Ўрта ер денгизи, Хитой каби илгари маълум бўлган қадимги дунё марказлари каторига киришини исботлади.

Фаннинг бошқа йўналишлари-даги олимлар ҳам йирик натижаларни кўлга киритишмоқда. Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти томонидан тайёрланган 10 жилдлик “Табиий бирикмалар (Ўсимлик захиралари, тузилиши ва хоссалари)” номли ноёб маълумотнома инглиз тилида Лондондаги Шпрингер нашриётида чоп этилди. Бу илм-фан соҳасида халқаро ҳамкорлик ривожланаётганидан ҳам далолат беради.

Мустақиллик йилларида биргина Фанлар академиясининг илмий маҳсулот экспорти 8,2 мартага кўпайди.

Ўзбекистон фани ва таълими интеграциясини таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён 2012 йилга қадар Фанлар академияси тизимида илмий-ўқув марказлари ташкил этилиши орқали амалга

оширилди. Жумладан, 2011 йили Фанлар академиясининг Физика-техника институтида “Қайта тикланадиган энергия манбалари” илмий-ўқув маркази, 2012 йили Иммунология институтида “Биотиббиёт” илмий-таълим инновацион маркази иш бошлади.

2012 йилдан эса, олий таълим тизимида илмий сектор ривожини таъминлаш мақсадида Фанлар академиясининг 5 та илмий тадқиқот институти, 4 та минтақавий илмий марказлар илмий бўлинма тарзида қайта ташкил этилиб, йўналиши ва ихтисосликларига кўра улар тегишли олий таълим муассасаларига ўтказилди.

2012 йили Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Фанлар академияси Буюк Британиянинг Кембриж университети билан ҳамкорликда Юқори технологиялар ўқув-тажриба марказини ташкил этди.

Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ва академик фан ва таълим интеграциясини кучайтириш мақсадида 2014 йилда 2 та институт ва 1 та бўлинма олий таълим муассасалари қошидаги илмий-тадқиқот марказлари сифатида ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармониغا мувофиқ ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига шароит яратиш мақсадида 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича халқаро стандартларига мос келувчи олий ўқув юртдан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди.

Бугунги кунда илмий тадқиқот билан шугулланувчи 400 та муассаса рўйхатга олинган бўлиб, фан соҳасида 35,5 минг мутахассис, жумладан, 2,5 минг фан доктори ва 9,2 минг фан номзоди фаолият олиб бормоқда.

Таълимда миллий моделнинг шаклланиши ва ривожланиши. Таълим мамлакат ижтимоий-иқтисодий, гоаявий-маданий ҳаётининг муҳим тармоғидир. Таълим асослари Ўзбекистонда унинг Конституцияси ва “Таълим тўғрисида”ги Қонун билан кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги қарорига асосан “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни амалга кирди.

Мазкур қонунда республикада таълимнинг жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси эканлиги эътироф этилди.

Истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ таълим тизимининг етакчи бўғини ҳисобланмиш олий ўқув юртларига алоҳида эътибор қаратилди.

Чунки мустақилликни мустаҳкамловчи, миллий бойликнинг ўсишига имкон яратувчи, кучли, қатъиятли мутахассислар айна шу бўгинда тайёрланади.

Шўролар ҳукумати даврида ҳукмрон тузум юзлаб университет ва институтлар, билим юртлари, минглаб илмий-тадқиқот муассасалари фаолият кўрсатиши асосида ўзининг “олий маълумотли мутахассислар сонига кўра дунёдаги биринчи давлат”лигини бутун жаҳонга эълон қилган эди. Лекин ушбу илмий ва ўқув муассасаларининг сон жихатидан кўп бўлгани билан жаҳоний андозалар даражасида эмас эди.

Етакчи ўқув муассасаларининг аксарияти Марказда – Россияда жойлашган бўлиб, Ўрта Осиё минтақасидан бу даргоҳларга санокли вакилларгина қабул қилинар эди. Натижада миллий республикаларда ноёб ихтисосга эга мутахассислар етишмайди, деган муаммо сунъий равишда юзага келтирилиб, Марказдан бу юртларга минглаб кадрлар жўнатилар эди.

Ўз мустақиллигини кўлга киритган Ўзбекистон мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида таълим соҳасини ислоҳ қилишга киришди. Энг замонавий, республика учун энг зарур ихтисосликлар бўйича алоҳида университет ва институтлар, жумладан, Мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси, Банк-молия академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент авиация институти, Навоий тоғ-кончилик институти каби ўнлаб янги ўқув муассасалари ташкил этилди.

Вилоятларда ҳам янгидан-янги ўқув юртлари очилди. 1992 йилда 8 вилоят педагогика институтларига университет мақоми берилди. Бундай янгиланиш вилоятларда университет таълимини ташкил этиш, бу жойларда илмий-маърифий ишларни ривожлантириш, энг олис ва чекка шаҳарларни маданий-маърифий марказга айлантириш мақсадида амалга оширилди.

Вилоятларнинг келажак таракқиёти ҳам ана шу ҳудудлардаги олий таълим марказлари билан бевосита боғлиқ. Вилоятларда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун янги мутахассисликларни ташкил этиш, зарур кадрларни шу жойларда тайёрлаш имконияти туғилди.

Олдиндан марказда ўқиган кадрларни вилоятга юбориш масаласи анчамунча муаммо эди. Вилоятларда университетлар ташкил этилиши билан бу муаммонинг ҳам ечими топилди. Янгидан-янги илмий-техникавий ишланмалар, ихтиролар яратилган жойида тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этилиш имкони ҳам вужудга келди.

Истиклолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда умумий ўрта таълим сифатини оширишга ҳам катта эътибор берилди. Халқ таълими тизимида илгор мамлакатларнинг тажрибалари асосида лицей ва гимназиялар очилди.

Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасидан академиягача бўлган замонавий, янги таълим тизими вужудга келтирилди.

Биргина таълим муассасалар сонини ошириш, уларда янги мутахассисликлар очиш билан малакали кадрлар тайёрлаб бўлмайди. Бунинг учун қабулнинг янги тартиби жорий қилинишини тақозо этди. Шу мақсадда жаҳоннинг илгор университетлари тажрибалари ўрганилиб, тест синовии амалга киритилди.

Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 август куни бўлиб ўтган IX сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Унга биноан таълимнинг янги тизими жорий этилди. Жумладан, унинг 10-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим қўйидаги турларда амалга оширилиши белгилаб берилди: мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим. Худди шу сессияда янги тизимни рўёбга чиқариш ва таълим соҳасидаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳам қабул қилинди.

Олий таълим тизими камида 4 йиллик бакалаврият ва камида 2 йиллик магистратура босқичларидан иборат икки погонали тизимга ўтилди. Етакчи олий таълим муассасаси саналган Тошкент давлат университетининг мамлакат, умуман, Марказий Осиё минтақасидаги ўрнини инобатга олиб, унга **Ўзбекистон Миллий университети** мақоми берилди.

Таълимни давр талаблари даражасига кўтариш борасида мавжуд олий таълим муассасаларнинг фаолияти такомиллаштирилди, бир йўналишдаги ўқув юртлари бирлаштирилди, янги ОТМлар иш бошлади. 2005 йили пойтахтимиздаги иккита медицина олий ўқув юрти негизида Тошкент тиббиёт академияси, 2012 йили Ўзбекистон давлат санъат ва Тошкент давлат маданият институтлари негизида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти қайта ташкил этилди.

2002 йили Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер ва Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетларининг, 2006 йили М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари, 2007 йили И.М. Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, 2008 йили Сингапур менежментни ривожлантириш институти, 2009 йили Италиянинг Турин политехника ва 2014 йили Жанубий Кореянинг Инха университетларининг филиаллари очилди.

Шунингдек, Ўзбекистонни биринчи Президентининг 2011 йил 20 майдаги қарори билан 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш

сифатини тубдан яхшилаш Дастури тасдиқланди, 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ юридик институт университет мақомида қайта ташкил этилди, 2014 йил 22 июлдаги қарори асосида Тошкент давлат стоматология институти таъсис қилинди.

9.2. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш янги босқичга кўтарилиши

Иккинчи масала баёни. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом”ни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини

тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ўқитиш тизимини янги босқичга кўтаришга имкон яратади.

Ушбу қарорларга кўра, умумий ўрта таълим тизимида катор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, умумий ўрта таълим мактабларининг турлари белгиланди. Даволаш-профилактика масканларида стационар шароитда узок вақт даволанишга муҳтож болаларга бевосита муассасанинг ўзида умумий ўрта таълим бериш ташкил этилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истикболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш белгиланган.

Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда таълим тизимининг барча бўғинларида, жумладан, олий ва ўрта махсус таълим тизимини модернизация қилиш, илм- фанни ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий шакл ҳамда технологияларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини янада ошириш, тизимдаги муассасаларнинг сифатли фаолият юритишини таъминлаш орқали юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этишга оид қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, таълим тизимида олиб борилаётган ислохот аксарият ўринларда чуқур илмий асосларга эга бўлмаганлиги Маълум бўлди ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш зарурлиги белгиланди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

Бироқ, 2020 йилга келиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва унинг мазмунида илгари сурилган гоъяларнинг амалиётга тадбиқи таҳлил этилганда бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан **“Таълим тўғрисида”ги Қонуни** тубдан янги кўринишда **2020 йил 23 сентябрда** имзоланиб, қабул қилинди. Қонунга мувофиқ, таълим турлари куйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

- мактабгача таълим ва тарбия;
- умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;
- профессионал таълим;
- олий таълим;
- олий таълимдан кейинги таълим;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- мактабдан ташқари таълим. Шунингдек, мазкур Қонун билан, 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунлар ўзқучиний ўқотди.

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирди.

Мактабгача таълим соҳасидаги ислохотлар. Бугунги кунда Ўзбекистонда 13 минг 500 мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Бу йил Мактабгача таълим вазирлиги тизимга болалар камровини 2018 йилдаги 37,7 фоиздан 52 фоизга етказди. 2020 йилда бу кўрсаткич 59,5 фоиз бўлиши кутилмоқда, шунингдек, 85,2 фоиз 6 ёшли болаларни мажбурий 1 йиллик таълим билан қамраб олиш режалаштирилган.

Бу ҳақда Мактабгача таълим вазирлигида ташкил этилган йил якунлари сарҳисобига багишланган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Маълумки, мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилмасдан аввал тизимда замонавий дастурлар жорий этилмаган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мукобил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаган, тараккий этган мамлакатлар сингари ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф- муҳит билан танишувга йўналтирилган махсус давлат таълим дастурлари татбиқ қилинмаган эди. Давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермас эди.

Бундан ташқари, мактабгача таълим сифати мониторингини юритиш тузилмавий ва ташкилий жиҳатдан назарда тутилмаганлиги сабабли, мактабгача таълим муассасаларидаги таълим жараёнининг сифати, самарадорлигини баҳолаш замон талабларига умуман жавоб бермаган.

Мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, болаларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ камраб олишни таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

Вазирлик ташкил этилганидан сўнг илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлокий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич камраб олинишини таъминлаш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, бюджетдан субсидиялар ажратиш, шунингдек, болаларнинг мактабгача таълими ва тарбиясининг мукобил шакллари амалиётга татбиқ этилмоқда.

МТМ миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоклар, бадиий адабиётлар билан таъминланмоқда.

Замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари қайта тайёрланиб, малакаси оширилмоқда. Бунинг учун Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

институти ташкил этилди. Президентимизнинг 2019 йил 8 майдаги тегишли қарори билан тизимни янада такомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди.

2019 йил декабрь ойида “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу қонун билан 6 ёшли ҳар бир бола мактабгача 1 йиллик мажбурий тайёргарликдан ўтиши шартлиги, жумладан, мактабгача таълимнинг турли шакллари белгиланди. Шунингдек, судланганлар ёки турли салбий сабаблар билан ишдан бўшатилган фуқароларнинг соҳада ишлаши учун қатъий тақиқлар ўрнатилди. Бу эса коррупционерлар яна раҳбарлик лавозимига қайтиши ва талон-тароҳ билан шуғулланишининг олдини олади.

Таъкидланишича, вазирликнинг 2020 йилдаги фаолияти устувор йўналишлари белгилаб олинган. Бунда асосий эътибор янги МТМ биноларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, бир пайтлар богча бўлган биноларни қайта вазирлик ҳисобига қайтариш, мактабгача таълимнинг муқобил шакллари жорий этиш каби чора-тадбирларни бажаришга қаратилади.

2019 йил манзилли инвестиция дастури 470 объектни ўз ичига олган бўлиб, улардан 411 тасида қурилиш-монтаж ишлари якунланди. 2019 йилда 12 янги МТМ қурилди, 53 бўш турган бино фаолияти йўлга қўйилди, қатор МТМларда реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу эса 20 мингта янги иш ўрни яратилишига замин яратди. 2020 йилда 19 янги МТМ қуриш ва 387 МТМни реконструкция қилиш режалаштирилмоқда. 2019 йили вазирликка 31 бинони қайтариш ҳамда уларда янги МТМ ташкил этиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинди. Айни кунда республика бўйичаяна 50 шундай объект масаласи кўриб чиқилмоқда.

Мактабгача таълимнинг муқобил шакллари МТМларда ўрин етишмаслиги муаммосини тез, ортиқча чиқимларсиз самарали ечиш имкониятини беради. Бу шакллар, айниқса, МТМлар қуриш имконияти бўлмаган чекка ва аҳоли сони кам бўлган ҳудудларда катта самара беради. Вазирлик ташкил топганидан буён МТМнинг оилавий автобуслардаги мобил, денгиз контейнерлари асосидаги модуль, шунингдек, тўлиқ кунли бўлмаган муқобил шакллари жорий этилди.

2019 йилнинг иккинчи ярмида “Ақлвой” лойиҳасининг 16 автобуси билан чекка ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги 2 минг бола мактабгача таълим билан қамраб олинди. 2020 йилда улар фаолияти натижасининг

самарадорлиги ўрганиб чиқилган ҳолда мобил гуруҳлар учун янги йўналишлар белгиланди.

Матбуот анжуманида маълум қилинишича, 2020 йил ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда янги лойиҳалар иш бошлайди. “Play” гуруҳлар, “Уйга ташриф” ва нодавлат секторини ривожлантириш лойиҳалари шулар жумласидандир.

“Play” гуруҳлар лойиҳаси бўйича қишлоқларда турли ўйинлар, ривожлантирувчи ўйинчоқлар, ўқув-материаллар ва инвентарларга эга бинолар ташкил этиш кўзда тутилган. Бу ерда турли ёшдаги болалар учун тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчиси билан 3-4 соат машгулотлар ўтилади. Лойиҳанинг синов босқичида Наманган ва Хоразм вилоятларида 240 нафар бола камраб олиниши режалаштирилган.

“Уйга ташриф” лойиҳасида эса мактабгача таълим билан камраб олинмаган болаларнинг уйига педагогнинг кундалик ташрифи назарда тутилади. Бунда оила ривожлантирувчи тўпламлар билан таъминланади. Болалар билан машгулот ўтишдан ташқари ташриф буюрувчи педагог ота-оналарга ўқитиш жараёнида ўйинчоқ ва материаллардан қандай фойдаланишни тушунтириб беради.

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимида нодавлат секторини ривожлантириш аллақачон бошлаб юборилган. Айни кунда Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасалари сони 6 мингтадан ошди. 2020 йилда яна 2 мингта оилавий ҳамда давлат-хусусий шериклик асосидаги 420 нодавлат МТМ очиш режалаштирилган. 992 лойиҳага ажратилган имтиёзли кредитлар ҳажми 1 триллион 1628 миллиард сўмга етди.

Бу тизимда ишлаётган кадрлар билими, уларнинг педагогик маҳорати жуда муҳим. Вазирлик ўқув-тарбиявий жараёнининг сифатини ошириш бўйича мунтазам иш олиб боради. Ўтган 2 йил давомида 7 минг педагог ва 2,8 минг раҳбар малака ошириш курсларида ўқиди. ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда тайёрланган ўқув курслари 38,4 минг мутахассисни камраб олди. 2019-2020 ўқув йилида олий ўқув юртларида мактабгача таълим йўналишидаги қабул квоталари 2,5 баравар оширилди. Бундан ташқари, кейинги йили юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Тошкентда Герцен номидаги Россия давлат педагогика университетининг филиалини очиш режалаштирилган. 2020 йилдан бошлаб МТМларга хореограф ва иккинчи тил ўқитувчиси, шунингдек, методистлар учун қўшимча штатлар киритилмоқда.

Таъкидланишича, кейинги йил мактабгача таълим тизимини молиялаштириш миқдори янада ошади. Агар 2018 йил давлат МТМларида 1

болага йилига ўртача 3,8 миллион сўм ажратилган бўлса, 2019 йилда бу миқдор 4,6 миллион сўмга оширилди.

Вазирлик турли имтиёзлар жорий этиш йўли билан аҳолини фаол ижтимоий қўллаб келмоқда. Масалан, 1 оиладан МТМга 2 ёки ундан ортиқ бола қатнаётган бўлса, улар учун тўлов 28 фоизга камайтирилади. Кам таъминланган оилалар фарзандлари МТМнинг тарбияланувчилари умумий сонининг 15 фоизигача ҳамда маълум жисмоний ва психик нуқсонларга эга тарбияланувчилар давлат МТМларига бепул қамраб олинади. Аҳолининг ижтимоий турмуш даражаси нисбатан паст бўлган 65 туман ва 1 аҳоли пунктида тўловлар 50 фоизга пасайтирилган.

Мактабгача таълим тизимида молиявий ҳуқуқбузарликка қарши кураш изчиллик билан амалга оширилмоқда. 2019 йил вазирлик ички аудит хизмати томонидан 20 миллиард сўмдан ортиқроқ хажмдаги молиявий ҳуқуқбузарликлар аниқланган. Бунда ноқонуний харажатлар ва талон-торожлар, давлат харидлари борасидаги қонун бузилишлари, маблағларни маош ва унга тенглаштирилган тўловларга ноқонуний сарфлаш ҳолатлари кузатилган. 431 ҳолат бўйича материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилган. Аниқланган қонун бузилиш фактлари бўйича 3,6 миллиард сўм ундирилган.

Тошкент шаҳрида ўтказилган текширувлар махсус ихтисослашган мактабгача таълим муассасаларидаги ўринларнинг 70 фоиздан 94 фоизгачаси соғлом болалар билан бандлигини кўрсатди ва шу сабабли улар қайта ташкил этилди. Натижада барча реабилитацион муолажалар ва кучайтирилган коррекцион ишларни амалга ошириш имкониятини берувчи 18 кўп тармоқли ихтисослаштирилган МТМ ташкил этилди. Қолган МТМ қуввати 7 минг 600 ўринли бўлган умумий типдаги МТМга айлантирилди. Қайта ташкил этиш орқали алоҳида парваришга муҳтож болаларни зарур шароитлар билан таъминлаш, шунингдек, соғлом болалар учун 4 минг 600 ўринли МТМ яратиш имконияти туғилди.

2019 йил вазирлик мактабгача таълим тизимига инклюзия принципларини фаол жорий этиб борди. 2019 йил апрель ойида Тошкентда соғлом ва алоҳида парваришга муҳтож болалар биргаликда тарбияланиши учун махсус МТМ ўз фаолиятини бошлади.

2020 йилда реабилитация марказигаэга МТМ тармоги кенгайиб боради. Янги йилда Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида Нукус шаҳридаги ўзида кўп тармоқли ихтисослаштирилган МТМ ва реабилитация марказини мужассамлаштирган “Имкон” маркази каби энг илгор техника билан таъминланган объектлар қурилади.

2017-2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янада замонавийлаштириш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг кўшимча манбаларини излашда олий ўқув юртларининг ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустақиллиги босқичма-босқич ривожлантириб борилади.

Кейинги бир йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг етмишга яқин фармон, қарор ва фармойиши қабул қилинди. Бу том маънода таълим тизимидаги ўзгариш ва янгиланишлар жараёнини бошлаб берди.

Олий таълим соҳасида қабул қилинган Қонунлар ва уларда белгиланган вазифалар.

Мамлакатимизда таълим тизимининг барча бўғинларида, жумладан, олий ва ўрта махсус таълим тизимини модернизация қилиш, илм-фанни ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий шакл ҳамда технологияларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини янада ошириш, тизимдаги муассасаларнинг сифатли фаолият юритишини таъминлаш орқали юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этишга оид қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги тахрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди ва у 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинди.

Ўтган давр мобайнида иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудларда янги, жумладан, етакчи хорижий олий таълим муассасалари ташкил этилди, замонавий ўқув босқичлари жорий этилиб, талаб юқори бўлган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Республикада 114 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, шундан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси, уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, кейинги уч йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди.

Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилган. Шунингдек, 2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртки таълим, 10 та олий таълим

муассасасида кечки таълим шакли жорий этилган. Натижада республика бўйича олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабалар сони бакалаврият таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги уч йилда 1,7 бараварга ошган.

Шу билан бирга, 2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари 121 мингтани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 18 фоизга, 2016 йилга нисбатан эса 92 фоизга ошган. Республиканинг 16 та олий таълим муассасасида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда таълимга бюджетдан ажратилаётган маблағ ЯИМга нисбатан 6,5 фоиз атрофида бўлиб, айрим халқаро ҳамкорлик давлатларига (Тожикистонда 5,2 фоиз, Беларусияда 4,8 фоиз, Россияда 3,8 фоиз, Туркманистонда 3,0 фоиз, Қозоғистонда 2,95 фоиз) нисбатан анча юқори.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантириш, битирувчиларни олий таълимга қамраб олинишини кўпайтириш, ёшларнинг касб эгаллашини таъминлаш борасидаги амалий саъй-ҳаракатларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бироқ бугун олий таълим тизимида мавжуд имкониятлар битирувчилар эҳтиёжларини қондираётими? Бундай таълим муассасаларида ўқув жараёни бугунги кун талабига жавоб берадими?

Албатта, йўқ. Тўғри, охириги тўрт йилда битирувчиларни олий таълим билан қамров даражаси сезиларли ошди. Аммо амалдаги ўқув жараёни бугунги кун талабига тўла жавоб бермайди.

**9.3. Янги жамият
қуришда таълим ва
тарбиянинг ўрни ва
роли**

Учинчи масала баёни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди. Мазкур Концепцияда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари — замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш борасида стратегик вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур вазифалар соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этишга, соҳани замонавий стандартлар даражасида ташкиллаштиришга қаратилган. Жумладан, олий таълимда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, худудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида, 2030 йилгача олий таълим билан камров даражасини 50 фоиздан ошириш кўзда тутилган.

Айни пайтда дунё миқёсида аҳолининг 2 миллиардга яқинини ёшлар ташкил этади, уларнинг аксарияти ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Марказий Осиё ҳиссасига тўғри келади. Таҳлилчиларнинг фикрича, бу кўрсаткич яқин ўн йил ичида яна кўпаяди ва бунда ҳам туғилишнинг ортиши минтақамиз ҳиссасига тўғри келади. Дунё аҳолисининг ёшлар ҳисобига кўпайиши, ўз навбатида, иктисодий-ижтимоий ривожланиш учун ҳам имкониятдир.

Бунда ёшларнинг муайян касб ёки ҳунар эгаси бўлиши муҳим ўрин тутди. Ҳозирги тезкор давр талаблари асосида янги касблар деярли ҳар куни пайдо бўлади, эскилари эса, ўз долзарблигини йўқотади ёки ўзгаради. Маълумотларга қараганда, айни пайтда турли соҳа ва тизимларда мавжуд бўлган 57 та касб йўқолиш арафасида турган бўлса, 186 та янги касб меҳнат бозорида зиддиятни келтириб чиқармоқда.

Демак, таълимни ривожлантириш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, янги авлод кадрларини тайёрлашга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Бироқ жаҳоннинг илгор тажрибаларига назар солсак, сифатли таълим бепул бўлиши мумкин эмаслигини кузатамиз ва илгор олий таълим муассасалари босқичма-босқич ўз-ўзини молиялаштиришга ўтаётганига амин бўламиз.

Бугунги кунда давлат бюджетидан молиялаштириладиган олий таълим муассасаларида ўқитишнинг контракт шаклидан, шу жумладан, оширилган тўлов-контракт асосида тушган маблағлар олий таълим муассасалари харажатларининг ўртача 68 фоизини қоплайди, холос, қолган харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Маълумки, тўлов-контрактдан тушган маблағлар контракт асосида таълим олаётган талабаларга стипендиялар тўлаш, талабаларни ижтимоий муҳофаза қилиш доирасида уларга моддий ёрдам кўрсатишга, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, замонавий ўқув, илмий-тадқиқот ва лаборатория жиҳозлари ҳамда ўқув қуроллари билан таъминлашга, шунингдек, олий таълим муассасаси фаолиятини амалга оширишини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа харажатларни қоплашга сарфланади. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг контракт шаклидан, шу жумладан, оширилган тўлов-контракт асосида тушган маблағлар сарфланиши очик ва шаффоф бўлиб, олий таълим муассасалари сайтида

хамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг сайтида ойма-ой жойлаштириб борилмоқда.

Бундан ташқари, олий таълим муассасалари талабалари учун стипендия ўртача миқдори белгиланаётгани мавжуд маблағларни талабалар ўртасида тақсимлашдан келиб чиқади. Бу табақалаштирилган стипендия йўқ бўлди, энди талабаларда ҳеч қандай рағбатлантириш йўқ, дегани эмас, албатта. Ўзлаштиришда яхши кўрсаткичларга эришган, жамоат ишларида фаол талабалар стипендияларига устама фоиз қўшиб ҳисобланади.

Ўз навбатида, барча соҳа ва тармоқларнинг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, алоҳида иқтидорга эга, фаол талабаларни рағбатлантириш бўйича иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Зеро, мамлакатимизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ислохотлар Ватанимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, юрт равнақи йўлида муносиб ҳисса қўшувчи, замонавий, мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, билимли ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш давр талабидан келиб чиқиб, устувор вазибалардан бири сифатида мунтазам тараққий этиб бориши учун ҳаётий заруратдир.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш;

республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (QuacquarelliSymondsWorld University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд

давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;

олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илгор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;

олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса кўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш;
олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиққилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасаларда ражасига олиб чиқиш;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек, республика илмий журналларини халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи “хаб”га айлантириш;

олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фантехнологияларини жалб этиш;

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;

олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан, халқаро молия институтларининг имтиёзли

маблагларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма- босқич ўзини ўзимолиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан камров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш ва бошқа вазифалар белгилаб қўйилди;

Концепция тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган “Йўл харитаси” орқали босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги Республика **олий таълим кенгаши** (кейинги ўринларда – Кенгаш) ташкил этилди. Бугунги кунда унга ТИҚХММИ ректори профессор **У.П.Умрзаков** раислик қилиб келмоқда.

Кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган: профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илгор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигига ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигига ҳолисона баҳо бериш;

таълим беришда юқори сифатни таъминлаш юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

олий таълим муассасалари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва холисликни таъминлаш, коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мазмунли ва мақсадли ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

халқаро алоқалар натижадорлигини таҳлил қилиб бориш, кўшма дастурлар самарадорлигини баҳолаш, ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хориждаги ватандошларни олий таълим тизимига жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича хорижий илгор тажрибаларни ўрганиш асосида уларни республика олий таълим муассасалари шароитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Таълим сифатини яхшилаш борасидаги илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида республика олий таълим муассасалари (Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси тизимидаги олий таълим муассасалари бундан мустасно) раҳбар ходимларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқишини бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идорани хабардор қилган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилинсин.

Бунда олий таълим муассасаси раҳбар ходимлари томонидан хорижий мамлакатга хизмат сафари олдидан асосий маълумотлар, жумладан, мамлакат номи, ташриф мақсади ва режаси, сафар натижалари юзасидан эса олий таълим муассасаси кенгашига амалга оширилган ишлар ва харажатлар тўғрисида тақдим этилган ҳисобот олий таълим муассасаси веб-сайтига жойлаштирилади.

9.4. Ёшларга оид давлат сиёсатини таълим соҳасида амалга оширилиши

Тўртинчи масала баёни. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:
Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Дастурида ёшлар учун:

- ёшларнинг бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятини ошириш, ёшлар ва вояга етмаганларнинг манфаатларини таъминлаш учун

етук ва масъул мутахассисларнинг сайёр қабулларини ташкил қилиб, зарур ёрдамлар кўрсатиш;

- ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш;

- Миллий контентни ривожлантириш, давлат тилидаги таълим, илмий-маърифий, ёшлар эҳтиёжларига мос замонавий ахборот ресурсларини, мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва тарғиб қилиш, мобил интернет фойдаланувчиларига мўлжалланган, ёшларни юксак ахлокий тарбиялаш, уларни интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини янада оширишга хизмат қиладиган миллий ўйинларни ташкил этиш;

- ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш, фарзанд тарбияси борсидаги бурч ва масъулиятини ошириш, мустаҳкам мафкуравий иммунитетга эга ёшларни тарбиялаш, нотинч оилалар фарзандлари, уюлмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирларни ташкил қилиш;

- диний экстремизм ва миссионерлик фаолиятига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустикал фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” вазифалари белгилаб берилди.

Мустикалликимизнинг илк кунлариданоқ баркамол, соғлом авлод тарбияси давлатимизнинг энг устувор вазифасига айланган эди. Маънавий баркамоллик ўз моҳияти билан ёшларнинг ички ва ташқи дунёси, иродасини, иймон-этиқодини, виждонини бақувват ва уйғоқ қилувчи барча ижтимоий маънавий омиллар-ни ўз ичига олувчи ҳодиса ҳи-собланади. Зеро, ёш авлоднинг тақдири унинг маънавий камо-лоти билан ўлчанади

2030 йилга қадар республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва

Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритишни, бунда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш белгилаб қўйилган.

2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг қуйидаги ишлар амалга оширилади:

➤ Богча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда 60 фоизга етказиши керак. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади.

➤ Тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этади.

➤ 2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилади.

➤ 2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриш учун 348 та таянч мактаб белгиланиб, 6 мингдан ортиқ ўқитувчининг малакаси оширилади.

➤ 2020 ўқув йилидан бошлаб, мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади.

➤ Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратиш шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказилади. Қизлар учун алоҳида грантлар ҳам ажратилади.

➤ Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади.

➤ Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади. Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади.

➤ Олий ўқув юртларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаймиз.

➤ Жорий йилда “Эл-юрт умиди” жамгармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилади.

➤ Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган “IT-парк” барпо этилмоқда. У ҳозирданок ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Бундай “IT-парк”лар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

➤ Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади. Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, **“Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини** ишлаб чиқишни икки ой муддатда якунлаш лозим.

Дастур Бугунги кунда ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт гоёларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган бир қатор таълим – тарбиявий ишлар, ислохотлар амалга оширилиб келинмоқдаки, зеро бу албатта тез кунларда ижобий самарасини беради.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикасидаги таълим ва фан соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилган ислохотларнинг мамлакатимиз тараккиётидаги ўрни ва роли.

2. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг қабул қилиниши.

3. 2020 йили 23 сентябрда “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг янгидан қабул қилинишининг тарихий аҳамияти.

4. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Дастурининг мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш механизми ва босқичлари.

5. Таълимнинг миллий моделининг шаклланиши, ривожланиши ва соҳадаги муаммолар.

6. Ўзбекистонда янги авлод кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ўзгаришлар.

7. Олий таълим соҳасида қабул қилинган Қонунлар ва уларда белгиланган вазифалар.

8. Таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши: ютуқлар ва камчиликлар.

Тест саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг фармони асосида қачон Хоразм Маъмун академияси қайта тикланиб, Фанлар академиясининг минтақавий бўлинмаси сифатида ташкил этилди.

- А) 1997 йил 11 ноябрдаги фармони билан;
- В) 1997 йил 29 августдаги фармони билан;
- С) 2014 йил 22 июлдаги фармони билан;
- Д) 1992 йил 8 декабрдаги фармони билан.

2. Мамлакатимизда қайси йилдан буён мамлакатимиз пойтахтида инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасини ўтказиб келмоқда

- А) 2010; В) 2009; С) 2008; Д) 2011.

3. Қайси йили Иммунология институтида “Биотиббидёт” илмий-таълим инновацион маркази иш бошлади.

- А) 2014 йили; В) 2012 йили; С) 2010 йили; Д) 2009 йили

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қачон ва қайси сессияда янги таҳрирда қабул қилинди.

- А) 1997 йил 29 август куни Олий Мажлиснинг IX сессиясида
- В) 1991 йил 31 август куни Олий кенгаш сессиясида
- С) 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг XI сессиясида
- Д) 1997 йил 30 август куни Олий Мажлиснинг IX сессиясида

5. Қайси йили Ўзбекистон давлат санъат ва Тошкент давлат маданият институти негизида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти қайта ташкил этилган?

- А) 2008 йил; В) 2012 йил; С) 2011 йил; Д) 2009 йил.

6. Тошкент давлат стоматология институти қачон таъсис қилинган?

- А) 2012 йил 22 июлдаги қарори асосида;
- В) 2010 йил 22 июлдаги қарори асосида;
- С) 2014 йил 22 июлдаги қарори асосида;
- Д) 2013 йил 22 июлдаги қарори асосида

7. Маълумки, 2020 йилга келиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва унинг мазмунида илгари сурилган гоъларнинг амалиётга тадбиқи таҳлил этилганда бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан «Таълим тўғрисида»ги Қонуни тубдан янги қўринишда имзоланиб, қабул қилинган санани кўрсатинг?

А) 2020 йил 13 сентябрда; В) 2020 йил 23 августда;

С) 2020 йил 23 сентябрда; Д) 2020 йил 23 октябрда

8. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?

А) 1995 йил 14 август

В) 1996 йил 20 сентябрь

С) 1997 йил 29 август *

Д) 1998 йил 16 февраль

9. Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» неча босқичда амалга оширилади?

А) 3 *

В) 4

С) 5

Д) 6

Фойдалланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Ўзбекистон республикасининг қонуни таълим тўғрисида. 29 август, 1997.
4. http://parliament.gov.uz/uz/laws/adopted/94/3277/?sphrase_id=6612991
5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // 29 август, 1997 йил
http://parliament.gov.uz/uz/laws/adopted/94/3271/?sphrase_id=6612991
6. Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қарори (Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган) // <https://lex.uz/docs/4646908>

7. “Замонавий мактаб”ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори // <https://uza.uz/oz/documents/zamonaviy-maktab-larni-tashkil-etish-chora-tadbirlari-t-risi-27-11-2019>
8. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // <https://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-oliy-talim-tizimini-2030-yilgacha-riv-09-10-2019>
9. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/2228> (2018)
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/3324> (2020)

10-МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

10.1. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилган ислохотлар

10.2. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилган ислохотлар.

10.3. Қорақалпоғистон республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

10.4. Қорақалпоғистонда бунёдкорлик ишлари. Маданият ва спорт

Таянч тушинчалар: Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнгирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, “Марказий Осиё безак тошлари” “Элтекс”, “Катекс” “Тиллали”, “Сайхун”, “Инъом”, “Арслон” “Жел”, “Ғарбий Орол”, Орол денгизи, сунъий ўрмон, Фермер хўжаликлари, Мўйноқ, экологик вазият, “Чўл маликаси”, долзарб муаммолар, Жамгарма маблаглари, бунёдкорлик, Нукус, Амударё, Эллиқалъа, Беруний, Хўжайли, экотуризм.

10.1. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилган ислохотлар

Биринчи масала баёни. Мамлакатимизнинг шимолий минтақаси – Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мустақиллик йилларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар берди.

Пухта ўйланган, боқичма-босқич амалга оширилаётган изчил ислохотлар

туфайли Қорақалпоғистон Республикаси оддий аграр ўлкадан замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси, транспорт-коммуникация тармоқлари ривожланган минтақага айланди.

Мустақиллик йилларида бу заминда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, рўй берган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Марказий Осиёда яғона, сахро бағридаги мўъжиза –Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, “Марказий Осиё безак тошлари” кўшма корхонаси, Қўнғирот карбид, Нукус мрамар ва кабель заводлари, Ўрга газ кони, “Элтекс” ва “Катекс” каби замонавий ишлаб чиқариш объектлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали, Олимпия захиралари коллежи бинолари, ўнлаб умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар, болалар спорти, болалар мусиқа ва санъат мактаблари... Бундай мухташам иншоотлар истиклол шарофати туфайли барпо бўлди.

Истиклолнинг дастлабки йилидаёқ минглаб аҳолини ичимлик суви билан таъминлаган 243 километрлик Туямўйин-Нукус-Чимбой-Тахтакўпир сув тармоғи ишга туширилди. 1991-2010 йилларда худудда газ ва газ конденсати, шиша, кунгабоқар ёғи, кальцийлаштирилган сода, вермикулит концентрати, талькомагнезит, глицерризин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш борасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари энг савобли ишлардан бўлди. Бу соҳада ҳам ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун деган эзгу ғоя доимий устувор вазифа бўлиб келмоқда. 2000 йили Нукус шаҳрини Хўжайли тумани билан боғлайдиган улкан кўприк, 2001 йилда 345 километрлик Нукус-Султонувайстоғ-Мискин-Учқудуқ-Тинчлик-Навоий темир йўли ишга туширилди. Юзлаб километр автомобиль йўллари реконструкция қилинди. Бу равон йўлларнинг узунлиги 4 минг 100 километрдан ошиб кетди. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ер ости бойликларини излаш, қазиб олиш ва улардан самарали фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хорижлик шериклар билан “Жел”, “Ғарбий Орол” каби истикболли конлар очилди. “Устюрт ва Орол денгизи атрофларида геофизика ишларини амалга оширишни кучайтириш” дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, Устюрт кенгликларида сейсмик тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Айниқса, “Ўзбекгеофизика” акциядорлик жамиятининг “Устюрт геофизика экспедицияси” филиали жамоасининг саъй-ҳаракатлари таҳсинга муносиб. Ҳозир кунига 45 минг кубометр газ бераётган “Тиллали”,

“Сайхун”, “Инъом”, “Арслон” сингари янги конлар ана шу экспедиция изланишларининг самарасидир.

Бугун дунё халқларининг эътиборини тортаётган, ҳавасли, ҳайратли нигоҳларига сабаб бўлаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси Президентимиз ташаббуси билан барпо этилди. Асрлар оша қакраб ётган бепоён даштда улкан ишлаб чиқариш қуввати қад ростлади. Корхона жаҳоннинг нуфузли нашрлари томонидан 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб топилди.

2014 йили нуфузли “Infrastructure Journal” халқаро нашри мазкур лойиҳа қурилишини “2014 йилнинг нефть-газ соҳасидаги энг йирик битими”, деб эълон қилди. Умумий қиймати 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бу машҳур лойиҳа амалга оширилиши мамлакатимиз саноати ривожини янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Ҳозир бу ерда йилига 4,5 миллиард куб метр газ қайта ишланмоқда. Бунинг самарасида халқимиз эҳтиёжи ва экспорт учун 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз дистилляти ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида енгил саноатни ривожлантириш, жумладан, пахта етиштиришда замонавий технологияларни, маданий ўсимликларнинг янги навларини соҳага жорий этиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. 2016 йилда бу йўналишда учта янги корхона ташкил этилиб, тўрттаси модернизация қилинади.

Шу йилнинг иккинчи чорагида момик ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Бунёдбек-Хўжайли” оилавий корхонаси фойдаланишга топширилади. Йил охиригача “Ёқубова Гавҳар” фермер хўжалиги калава ип ишлаб чиқара бошлайди. Эллиққалъада “Global national-tex” шўъба корхонасида жинси мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Амударё туманидаги “Камекс-КК” корхонасида момик, Кегейли туманидаги “Авто Қайип майши” масъулияти чекланган жамиятида ойига 50 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилади. “Тўрткўл омад текстиль” масъулияти чекланган жамиятида замонавий технологиялар жорий этилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги ва самарали иқтисодий муносабатлар жорий этилди. Ер ўз эгасини топди. Бугун Қорақалпоғистон фермерлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисмини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам Президентимиз ташаббуси билан барпо этилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларга талабгорлар тобора кўпаймоқда. Барча шароитларга эга бундай замонавий уйларда минглаб оилалар бахтли ҳаёт кечирмоқда. Уй тўйларига келин тўйлари уланиб кетаётир.

Нукус шаҳрида иш бошлаган «Самсунг» заводига кираверишда тош лавҳага шундай сўзлар ёзилган: «Ушбу маиший техника воситаларини ишлаб чиқариш заводи Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017-йил 21-январдаги Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомидаги ташаббуси асосида барпо қилинди. 2017-йил 14-октябрда завод дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарди».

Собик «Нукус Реммаш» масъулияти чекланган жамиятига карашли бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва қўшимча бинолар қуриш ҳисобига барпо этилган заводда телевизорнинг тўрт ва чангютгичнинг ўн уч тури ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу заводни бориб кўрди. Ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди, маҳсулотлар сифати ва кўлами билан қизиқди.

Бугун «Самсунг» бренди остида ишлаб чиқарилаётган маиший техника воситалари кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. 200 дан ортиқ киши бандлиги таъминланган янги корхона энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган.

Мустақиллик иншоотларидан яна бири Кўнғирот сода заводидир. Кўплаб соҳалар учун зарур хомашё – кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқараётган ушбу йирик корхона ўз маҳсулотининг аксариятини экспортга йўналтирмоқда. Ўтган йили корхона хорижлик буюртмачиларга 24 минг тонна маҳсулот етказиб берди. Ички бозорда “Кварц”, “Асл ойна” акциядорлик жамиятлари, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси Кўнғирот сода заводининг асосий буюртмачиларидир.

Бугун мамлакатимизда маиший техника воситалари ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Аҳолининг бу борадаги талаби қондирилмоқда. Энди бу соҳада экспорт ҳажмини оширадиган вақт келди, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Биргина

«Ўзелтехсаноат» АК томонидан умумий қиймати 27,5 миллиард сўмлик 12 лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинди.

Президентимизга «Ўзелтехсаноат» АК томонидан келгусида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилиши режалаштирилган янги лойиҳалар тақдим қилинди. Лойиҳалар яримавтомат кир ювиш машиналари, электр шкафлар ва сув иситиш мосламалари, иситиш мосламалари ва радиаторлар, энергия тежамкор лампалар ишлаб чиқариш, маиший техника воситаларини сотиш ва техник хизмат кўрсатиш каби йўналишларни камраб олган.

Нукус шаҳрида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Темир йўл вокзали, И.Савицкий номидаги санъат музейи таниб бўлмас даражада замонавий қиёфа касб этди. Шаҳарнинг Қорақалпоғистон, Амир Темур, Тўлепберген Қаипбергенов кўчаларида қад ростлаган кўп қаватли замонавий уйларга кўчиб ўтган юзлаб оилалар ҳаётига ўзгача шукуҳ кирди. Шаҳар марказидан оқиб ўтувчи Дўстлик каналининг икки қирғоғи бўйлаб 2,5 километр масофада кўплаб кўнгилочар, дам олиш объектлари ишга туширилди.

– 2015 йилги инвестиция дастурига кўра, янги уй-жойларга кўшимча 117 ижтимоий объектда реконструкция ва қурилиш ишлари амалга оширилди

Ўнлаб касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари қурилди. Кўплаб сув тармоқлари тортилди.

Минтақада экологик барқарорликни таъминлаш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Халқаро Оролни кутқариш жамғармаси ана шундай олижаноб саъй-ҳаракатлар самарасида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган дастури бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Дастурда Оролбўйини экологик соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, чўлланишнинг олдини олиш, Орол денгизининг қуриган ҳудудларида сунъий ўрмонлар барпоэтиш учун кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Дастурга кўра, мазкур ишларга 89,39 миллиард сўм, 1635,55 миллион АҚШ доллари ва 57,63 миллион евро маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Халқаро Оролни қутқариш жамгармаси Нукус филиали томонидан 2014 йилда Мўйноқ туманида, Орол денгизининг Ахантай қисмида 1500, Оққум қисмида 34 гектарлик саксовулзор – сунъий ўрмон барпо этилди.

Айни пайтда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда 90 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа асосида Орол денгизининг қуриган қисмида чўлланишдан химояловчи митти ўрмонлар бунёд этишга киришилаётгани ҳам худуд аҳолиси турмуш фаровонлигини юксалтириш борасидаги эзгу ишларнинг давомидир.

2019 йил августда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари минтақани тараққий эттириш бўйича устувор йўналишларни белгилаб берди.

Биринчиси - саноатни ривожлантириш, барча тармоқларда йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш.

Иккинчи - тадбиркорлик гуллаб яшнаши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама кўллаб-қувватлаш.

Учинчиси - қишлоқ хўжалигида илгор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш.

Тўртинчиси – ишлаб чиқариш ва одамлар учун қулай бўлган замонавий инфратузилмани яратиш.

Бешинчиси - Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш.

Ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларни турли соҳаларга ихтисослаштирилади. Масалан, Қораўзак тумани - қурилиш материаллари, Беруний, Хўжайли, Нукус туманлари - мева-сабзавотчилик, Тахтақўпир - чорвачилик, Шуманай - паррандачилик, Элликқалъа - узумчилик ва туризм, Мўйноқ - балиқчилик ва чорвачилик, Кегайли - чорвачилик, қизилмияни қайта ишлаш ва қозғоқ саноати, Қанликўл - дуккакли экинлар ва шоли етиштиришга, Қўнгирот - нефть-кимё саноати ва чорвачиликка, Чимбой - қизилмия етиштириш ва қайта ишлашга, Тўрткўл - шиша, ойна ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, Амударё тумани - богдорчилик, тўқимачилик ва пиллачиликка, Нукус шаҳри - фармацевтика ва электротехникага ихтисослаштирилиб, Тахиатош тумани эса саноат ишлаб чиқариш худудига айлантирилади.

**10.2. Қорақалпоғистон
Республикасида
Мустақиллик йилларида
қишлоқ хўжалиги
соҳасини
ривожлантириш бўйича
олиб борилган
ислоҳотлар**

Иккинчи масала баёни. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мухтарам Президентимизнинг фермер хўжалиklarини ташкиллаштиришга эътибор қаратгани туфайли бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги соҳасида кўплаб ижобий ютуқларга эришилди.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг узоқ муддатли ижара мулки қилиб берилиши ва қишлоқда бозор муносабатларининг жорий қилиниши фермер хўжалиklarини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг энг муҳим омил ва асоси бўлди. Ушбу фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги улуши 99,5 фойизни ташкил қилади.

Президентимиз томонидан фермерларни муносиб қўллаб-қувватлаш, уларга афзалликлар яратиб беришда доимий эътибор қаратилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан 4 йилда бир маротаба амалга оширилиши, янги ташкил этилган фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат руйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилиши мумкин эмаслиги белгилаб берилди.

Бундан ташқари, фермер хўжалиklarига солиқ ва бошқа имтиёзларни бериш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бунда пахта хом-ашёсини йиғиб олиш бўйича мавсумий қишлоқ хўжалиги ишчиларини даромад солиғидан озод этилиши;

-томчилатиб суғориш тизимини жорий қилган юридик шахслар тегишли ер участкасига нисбатан 5 йил муддатга ягона ер солиғини тўлашдан озод этилиши;

-фермер хўжалиklари манфаатларини кўзлаб даъво аризаларини тақдим этиш, судга давлат божи тўламасдан шикоят қилиш ҳуқуқи берилди.

Бугунги кунда Республикада 5430 та фермер хўжалиklари мавжуд бўлиб, шундан пахта-ғаллачиликда 3682 та фермер, сабзавот ва полизчиликта 321 та

фермер, чорвачиликта 377 та фермер, бог ва узумчиликта 514 та фермер, галла ва сабзавотчиликта 326 та фермер ва 210 та фермер хўжаликлари бошқа йўналишларда иш билан банд.

Уларга 288 минг 898.4 гектар майдони ажратилиб берилган, Фермер хўжаликларида 12 минг 490 нафар ходимлар иш билан таъминланди.

2016 йил Қорақалпоғистон Республикасида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича манзилли Дастури қабул қилинди.

Дастурга асосан Республика бўйича жами 748 та фермер хўжаликларини кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириш назарда тутилиб, амалда жорий йилнинг июль ойига қадар ташкил этилган кўп соҳали фермер хўжаликлари сони 433 та ҳамда кўп соҳали фаолият учун ажратилган имтиёзли кредитлар сони 429 та фермер хўжаликларига 248 гектар ер майданига 2535,0 млн сўм амалда ажратилди.

Йил мобайнида ички бозорни сабзавот, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан доимий таъминлаш, шунингдек, чет эл бозорларни ўтимли ва рақобатга чидамли бўлган тоза мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларин экспорт этишнинг кўламини кенгайтириш ва турларини кўпайтиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 12 апрел кунги “Мева-сабзавот, картошка, ва полиз маҳсулотларин сотиб олиш ва улардан фойдаланиш тизимини етиштириш тўғрисида”ги қарори энг муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорнинг бажарилишин таъминлаш бўйича Республикамизда бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари ва Адлия вазирлиги ходимлари таъкидлаганидек, барча категориядаги хўжаликларида 11 минг 111 гектарга сабзавот, 9508 гектарга полиз, 5325 гектарга картошка экилиб, тўлиқ навлар олинди. Бундан ташқари, 247 гектар майдонда янги интенсив боглар, 247 гектарда токзорлар яратилди. Ушбу майдонларга 123,5 минг дона мева, 296,4 минг дона токзор навлари экилди. Шу билан бирга 118 гектар майдондаги эски богда, 65 гектар токзорларнинг реконструкция ишларини олиб борилди. Бугунги кунга қадар 6778 гектар богнинг, 1268 гектар токнинг қатор ораларига сабзавот экинлари экилиб, озиклантириш ишлари олиб борилмоқда.

Фермер хўжаликлари ишларининг самарадорлигин ошириш ва уларга шарт-шараитлар яратиш, экишлик майдонлардан мақсадли фойдаланиш бўйича

барча туманларда ер майдонларин оптималлаштириш ишлари олиб борилиб, тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Шунинг натижасида мева-сабзавот етиштиришда 321 та фермер хўжалигига 1467 гектар, богдорчилик ва тоқзорчиликка ихтисослашган 514 та фермер хўжалигига 1510 гектар, бундан ташқари сабзавот-галла етиштириш бўйича янгидан ташкил этилган 326 та фермер хўжаликларига 4532 гектар ер майдонлари ажратилиб берилди.

Президентимизнинг юқорида кўрсатиб ўтилган қарори асосида 2016 йилги ҳосилидан бошлаб тоза мева-сабзавот, картошка, полиз, маҳсулотлари ва узум сотиб олиш бўйича давлат буюртмалари эҳтиёжлари учун киритилиши, тоза мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари “Ўзагроэкспорт” ихтисослашган ташқи савдо компанияси томонидан ташқи шериклар билан тўғридан-тўғри экспорт шартномалари шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган шартномалар бўйича экспорт этилиши кенг имкониятлар эшиklarини ошиб бермоқда. Бугунги куни мева-сабзавот маҳсулотларин етиштиришувчи, тайёрловчи ва экспорт этувчи корхоналар билан “Ўзагроэкспорт” ихтисослашган ташқи савдо компанияси ўртасида шартномалар тузиш ишлари тўлиқ тамомланди. Россия Федерация ва Қозогистон Республикасига мева-сабзавот маҳсулотлар экспорт этиш бўйича шартномалар тузилди.

Элимизнинг тенги йўқ тупроқ-иқлим шароити юқори сифатли мева ва сабзавотларни етиштириш учун қулай имкониятлар яратади. Шунинг учун маҳсулотларимиз мазаси ўзгача бўлиб, чет эллардан келган меҳмонлар қизиқиш билан фойдаланади. Шу назарда кўрганимизда, Президентимизнинг бу қарори элимизда тоза мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сотиб олиш бўйича тизим ташкиллаштириш билан бир қаторда соҳани жадал ривожлантиришга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бугунги фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чегараланиб қолмасдан, уни қайта ишлашни ҳам йўлга қўймоқда. Натижада қишлоқ жойларига саноатни олиб киришга, аҳоли бандлигини таъминлашга, энг муҳим, ички истеъмол бозорини сифатли озиковқат маҳсулотлари билан тўлдиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

10.3. Қорақалпоғистон республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Учинчи масала баёни. Яқин ўтмишда энг катта кўл мақомига эга бўлган Орол денгизи бир авлод кўз ўнгида йўқолиб боряпти. Унинг мавжланиб турган сувлари чекина-чекина, денгиз тубида янги сахро — Оролқум пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда у 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Бу ердан йилига ўртача 100 миллион тонна кум ва туз ҳавога кўтарилиб, минтака давлатлари экологиясига салбий

таъсир кўрсатмоқда. Кейинги пайтда Оролқум чанг-тўзонлари зарралари Европа мамлакатларига ҳам етиб боргани айтилмоқда. Айниқса, 2018 йилнинг 27 майида ёпирилган туз ёмғири инсоният учун бамисоли бонг кўнғироғи сифатида янгради.

Тўғри, энди денгизни ортга қайтариб бўлмайди. Унинг ҳавзасини сув билан тўлдириш ҳам имконсиз. Лекин глобал муаммо таъсирини юмшатиш, Оролбўйи минтақасида истиқомат қилаётган аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш ўз кўлимизда. Шу боис кейинги пайтда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Хусусан, Оролга энг яқин худудда жойлашган, табиийки, денгиз фожиясидан ҳам энг кўп зарар кўрган Мўйноқ туманида экологик вазиятни барқарорлаштириш устувор вазифалардан бирига айланди.

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида экологик ҳавфсизлик масаласига алоҳида тўхталиб, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, Орол денгизининг сувсиз худудида 500 минг гектар ўрмонзор барпо этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Шу билан бирга, Мўйноқ туманида барча зарур инфратузилмага эга замонавий шаҳарча бунёд этиш вазифаси илгари сурилди.

Президентимизнинг шу каби хайрли ташаббуслари Мўйноққа яна қайнок ҳаёт сурурини олиб кирапти. Тушкун кайфиятга тушиб қолган аҳоли кўзларида умид учқунларини уйғотмоқда. Чунки йиллар давомида фақат халокат оқибатлари тафсилотларини тинглаб келган одамлар кўз ўнгида амалий ишларга киришилди. Натижада охириги икки йилда мўйноқликларни қийнаб келган муаммолар секин-аста ўз ечимини топа бошлади. Туман аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминлангани, марказий кўчалар таъмирлангани, 20 га яқин кўп хонадонли тураржойлар тубдан реконструкция қилингани, кичик саноат зонаси ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Энди навбат бостириб келаётган саҳрони тўхтатиш учун яшил “қалқон”лар барпо этишга келди. Устувор режага кўра, 2019 йилнинг ўзида ярим миллион гектар майдонда яшил ўрмонзорлар барпо этилди. Ваҳолонки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон бўйича 1 миллион 220 минг гектарга яқин ўрмонзор яратилган бўлса, шундан 400 минг гектардан ортиги айнан Оролбўйи ҳудудига тўғри келади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Фермер хўжаликларитабий ресурсларга бойлиги, географик жойлашуви, юксак туризм салоҳияти, маданий мерос объектлари ва улкан меҳнат ресурслари билан ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади.

Орол денгизи ҳудудида 5,5 миллион гектардан ортиқ Оролқум саҳросининг пайдо бўлиши, ҳар йили 100 миллион тонна қум ва тузнинг атроф- муҳитга тарқалишига қарамасдан аҳолининг барча қийинчиликларни матонат билан енгиб, фожиани омадга, туманни «Саҳро марвариди»га айлантириш учун фидокорона меҳнат қилаётгани ва ватанпарварлиги алоҳида эътирофга сазовор.

Ўтган даврда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига қулай яшаш шароити яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йилда 12 млрд сўмлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ҳисобига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳамда қурилиш ишларининг ўсишига эришилди.

Қорақалпоғистон республикасининг “Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида қуйидаги муаммолар алоҳида таъкидлаб ўтилганди:

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тўсик бўлаётган ва ўз ечимини қутаётган долзарб муаммолар мавжуд, хусусан:

биринчидан, туманнинг бош режаси замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайди, бу борада истикболда бажарилиши режалаштирилган тадбирлар ишлаб чиқилмаган;

иккинчидан, аҳолининг муносиб турмуш шароитини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган сув таъминоти ва канализация объектлари, ижтимоий соҳа, маданият ҳамда спорт иншоотлари етарли даражада барпо этилмаган,

мавжудларини эса реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича зарур чоралар кўрилмаган;

учинчидан, туманда туризмни йўлга қўйиш ва ривожлантириш юзасидан етарли даражада чора-тадбирлар амалга оширилмаган, зарур инфратузилма, жумладан, йўл-транспорт объектлари ва сервис хизматлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган;

тўртинчидан, геология-қидирув ишлари ташкил этилмаганлиги боис фойдали қазилмаларни тўлиқ ўзлаштириш чоралари кўрилмаган, ушбу соҳага инвестицияларни жалб этиш ишлари амалга оширилмаган;

бешинчидан, аҳолининг ижтимоий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, ижтимоий хизмат кўрсатиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа тор соҳалардаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар етарли эмас.

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини жадал комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд табиий ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш, туманда тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бу борада тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилган.

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Бош прокуратура, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Мўйноқ туманини (кейинги ўринларда туман деб аталади) унинг географик жойлашуви ва табиий иқлим хусусиятларини инобатга олган ҳолда инновациялар, технологиялар ва инвестициялар марказига айлантиришни назарда тутувчи, барча зарурий инфратузилмага, шу жумладан, инновацион мактаб, спорт объектлари, даволаш-профилактика муассасалари, замонавий аэропорт, меҳмонхона, савдо ва кўнгилочар дам олиш марказлари, «селфи объект»лари, оптик толали Интернет тармоғи, IP-телевидениега эга бўлган замонавий шаҳарчалар бунёд этилади.

Туман худудида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича инвестиция лойиҳаларининг, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин:

кайта тикланувчи ва муқобил энергия манбалари, шу жумладан, қуёш ва шамолдан фойдаланган ҳолда электр энергия ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

табiiй қамишзорлардан фойдаланиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни жорий этиш орқали саноатнинг янги йўналишларини йўлга қўйиш;

«Сафари трассаси», «Rally Muynak» мусобақалари, халқаро гастрономик фестивалъ, хунармандлар аллеяси, зиёрат ва тиббий туризм каби туризмнинг янги йўналишларини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Мўйноқ Тошкент шаҳридан қарийб 1,5 минг километр, Нукусдан эса салкам 300 километр олида жойлашган. Аниқроғи, бу жой денгизнинг 56 метр чуқурликдаги ўрнида бўлган. 90 йиллик тарихга эга Мўйноқ туманининг шаклланиши-ю, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши Орол билан чамбарчас боғлиқ. Яқин-яқингача аҳолининг асосий қисми балиқчилик билан машғул бўлган. Кемаларда денгизнинг ўркач-ўркач тўлқинлари узра сузиб балиқ овланиб, қайта ишланар, консерва маҳсулотлари қўшни ва олис мамлакатларга жўнатилар эди.

Пахта яккахокимлиги даврида Орол денгизининг қуриши оқибатида Мўйноқдаги балиқчилик ва уни қайта ишлаш саноатига ҳам путур етганди. Аммо изланса, интилса, янги имкониятлар ўз эшигини очаверади. Масалан, ўтган йили тармоқни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар туфайли 4 минг тонна балиқ етиштирилди. Бу кўрсаткични жорий йилда икки баробар ошириш кўзда тутилган. Яна бир хушхабар шуки, замонавий консерва заводига тамал тоши қўйилди. 2019 йилнинг 1 сентябрига қадар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган ушбу корхонада йилига 9 миллионта балиқ консерваси тайёрлаш имконияти юзага келади. Умуман олганда, жорий йилда Мўйноқ туманида яна кўплаб лойиҳалар амалга оширилади. Шундан 12 таси саноат соҳаси, 5 таси қишлоқ хўжалиги, 14 таси хизмат кўрсатиш жабҳалари ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, ижтимоий соҳа объектлари қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Бугун Мўйноқ ҳаётида том маънода янги тарих ёзилмоқда. Унда нафақат туман ёки Оролбўйи аҳолиси, балки бутун мамлакат аҳли ўз ҳиссасини қўшишга чоғланган.

Гап шундаки, яшил ўрмонлар барпо этиш тадбирларига барча ҳудуддан юзлаб ўрмончилар, қишлоқ хўжалиги ходимлари, шунингдек, 500 дан зийод техникалар жалб этилди.

Тадбирда яшил “қалқон” ҳосил қилишда нега айнан саксовул уруглари сепилаётгани тўғрисида савол берилди.

“Чўл маликаси” дея таърифланадиган саксовулни нажот дарахти, дейиш мумкин. Бинобарин, қурғоқчиликка мослашган ушбу наботот намунасининг биохилмахилликни сақлашдаги роли ғоят катта. Гарчи унча баланд ўсмаса-да, унинг тарвақайлаб кетадиган шох-шаббалари чўл ўсимликлари ривожланишида, жониворлари чанг-тўзонлардан ҳимояланишида паноҳ вазифасини ўтайди. Энг асосийси, унинг бир тупи 10 тоннадан 100 тоннагача қум кўчишининг олдини олади. Замин шўрини тортиб олиб, атрофни кислород билан бойитади. Шунинг учун ҳозирги пайтда қунига 15 — 20 тоннагача саксовул уруғлари йиғилиб, экилмоқда. Ўрмончилар янги барпо этилаётган саксовулзорларда шифобахш гиёҳларни етиштириш бўйича инноватсион лойиҳаларни ишлаб чиқишмоқда.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси сайёҳларни кўпроқ жалб этиш мақсадида янги туристик хизматларни жорий қилаётган бўлса, Савдо- саноат палатаси тадбиркорлик, хусусан, хунармандчиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш саъй-ҳаракатларини бошлаган. Инноватсион ривожланиш вазирлиги томонидан эса умумий қиймати 50 миллион АҚШ долларилик 18 та инноватсион лойиҳани ҳаётга татбиқ қилиш чора-тадбирлари кўриляпти. Бундан ташқари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги шу йилнинг ўзида 4 минг кишининг бандлигини таъминлаш, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини 3 миллион гектарга етказиш юзасидан изчил ишларни бошлаб юборган. Мутасаддилар Мўйноқ туманини ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш, экологик ҳолатини тубдан яхшилашга қаратилган шу каби лойиҳалар устида кенг миқёсли ишлар олиб бормоқдалар. ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

Лойиҳанинг экологик, иқтисодий, ижтимоий аҳамияти катта. Экологик жиҳати нимада? Биринчидан, ўсимликлар, ўз илдизлари билан тупроқни маҳкам ушлаб, дефолятсия (бузилиш) жараёнларини тўхтатади, кислород ажратиб, карбонат ангидридни ютади. Бир гектар саксовул 1100 кг. кислород чиқариб, 1050 кг. карбонат ангидридни ютади. Биз маҳаллий аҳоли яшаши учун ўз ўрмонларимиз билан қулай шароит яратиб берамиз.

Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Мўйноқ туманини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди.

Қайд этилишича, Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда лойиҳаларни молиявий

қўллаб-қувватлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Мўйноқ туманини ривожлантириш жамгармаси ташкил этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Мўйноқ туманини ривожлантириш жамгармаси фаолиятини ташкил этиш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, жамгарма юридик шахс ҳисобланмайди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида ташкил этилади.

Жамгарма Ўзбекистон Республикаси президенти ва ҳукумати қарорлари билан қабул қилинган дастур ҳамда белгиланган топшириқлари асосида Мўйноқ туманини ривожлантириш бўйича назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш мақсадида ташкил этилади.

Жамгарма учун шахсий газна ҳисобрақамлари белгиланган тартибда очилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши жамгарма маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади.

Қуйидагилар жамгарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мақсадли маблағлари, шу жумладан марказлаштирилган инвестициялар;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг ҳамда Мўйноқ тумани бюджетининг захира жамгармалари маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари;

ҳалқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари);

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

Жамгарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга оширилиши назарда тутилган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидида ушбу мақсадлар учун режалаштирилган маблағлар доирасида, амалдаги тартиб асосида молиялаштирилади ҳамда уларнинг ҳисоби Жамғарма орқали сарфланадиган маблағлар билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан олиб борилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг ҳамда Мўйноқ тумани бюджетининг захира жамғармалари маблағлари ва қўшимча манбалари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари), жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маблағлар белгиланган тартибда жамғарманинг шахсий ғазна ҳисобрақамига тушади.

Халқаро молия институтларининг ва бошқа хорижий донорларнинг тартиботлари ёки хорижий кредитлар ва грантларни беришнинг шартларида бошқача тартиб белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Жамғарма маблағлари:

дастурлар асосида Мўйноқ туманини ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирларни молиялаштиришга;

Мўйноқ тумани инфратузилмасини яхшилашга, қишлоқларни ободонлаштиришга ва кўкаламзорлаштириш ҳамда маҳаллий ички йўлларни таъмирлашга;

Мўйноқ тумани уй-жой фондининг кўп квартирали уйларидаги умумий фойдаланиладиган ва уйлар ичидаги муҳандислик коммуникацияларини таъмирлашга, шунингдек, болалар майдончалари барпо этган ҳолда уйларга ёндош ҳудудларни ободонлаштиришга;

маҳаллалар ҳудудида кутубхоналар ташкил этишга ва уларни бадиий адабиётлар билан таъминлашга;

кам таъминланган ва ёш оилаларга имтиёзли кредитлар олинишида бошланғич бадални қисман ёки тўлиқ қоплашга ҳамда маиший техника воситаларига бўлган бирламчи эҳтиёжни қондиришга;

қишлоқ ва чекка ҳудудларда жойлашган таълим ва тиббиёт муассасаларида ишлаш учун юборилган ходимларни хизмат жойлари билан таъминлашга;

Мўйноқ тумани аҳолисининг турмуш шароитлари ва сифатини яхшилаш бўйича бошқа тадбирларга сарфланади.

— Бугун мўйноқликлар катта тарих бошида турибди. Сабаби, бу ерда яқин келажакда умумий майдони 555 гектарни эгаллаган замонавий шаҳар — Янги Мўйноқ пайдо бўлади. Унинг 55 гектарида янги марказ барпо этилади, 69 та кўп қаватли уй қурилади. Шундан 24 та тўрт қаватли тураржой 2019 йилда фойдаланишга топширилади. Айти пайтда уларнинг 7 тасида қурилиш ишлари олиб бориляпти.

Бундан ташқари, 315 ўринли замонавий махсус инновацион мактаб, 160 ўринли мактабгача таълим муассасаси, Ёшлар маркази, спорт мажмуаси, мусика мактаби, маҳалла гузари, туристик объектлар қурилади. Аэропорт тубдан реконструкция қилинади. Буларнинг барчаси туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда айти муддаодир.

**10.4. Қорақалпоғистонда
бунёдкорли ишлари
маданият ва спорт**

4-масала баёни. Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳар бош режаси асосида амалга ошириляётган бунёдкорлик лойиҳалари билан

танишиди. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Нукуснинг бош режаси шаҳарни 2035-йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилма ва аҳоли турар жой шароитини яхшилашга қаратилган кенг кўламли бунёдкорлик лойиҳаларини қамраб олган.

Давлатимиз раҳбари жорий йил январ ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Нукуснинг Ерназар Олакўз кўчасини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишиб, уни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берган эди. Режага кўра, ушбу марказий кўча кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати учун янада кенг қулайлик яратиш, йўл бўйида кўп қаватли уйлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш белгиланганди.

Айти пайтда бу ерда замонавий лойиҳалар асосида 5 қаватли 30 турар жой биноси қуриб битказилмоқда. Имтиёзли ипотека кредити асосида бериладиган ушбу уйларда замонавий қулайликлар яратилади. Уйлар 2018 йилда фойдаланишга топширилади. Келаси йили ушбу кўчада яна 20 уй қурилади.

Шаҳарнинг Абдамбетов кўчасида ҳам арзонлаштирилган уйлардан иборат турар жой массиви барпо этилмоқда. Жорий йилда қурилган кўп қаватли 7 уй шу кунларда ўз эгаларига топширилмоқда.

Массивда замонавий маҳалла маркази, хизмат кўрсатиш шохобчалари, «Гўзаллик салони», минибанк, болалар ўйин майдончалари барпо этилади, ҳудуд ободонлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари аҳолининг арзонлаштирилган уй-жойларга кизикиши ортиб бораётганини инобатга олиб, келгуси йили бу ерда яна 15 кўп қаватли уй қуриш бўйича топширик берди.

Шу ерда Президентимизнинг Сергели туманига ташрифи чоғида берган кўрсатмалари асосида кўп қаватли уйларнинг 1-қаватида болалар боғчаси ва оилавий поликлиникани жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа тақдимоти ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев замонавий шаҳарсозликнинг илғор ечимларини ўзида мужассамлаштирадиган, аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратадиган ушбу уйларнинг афзаллигига эътибор қаратди, лойиҳани такомиллаштириш, кўп фарзандли оилалар ва кексаларга қўшимча шароитлар яратиш кераклигини таъкидлади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали шифохонасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва реконструкция ишлари, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг янги бош ўқув биносини қуриш, «Дианпласт» масъулияти чекланган жамияти томонидан юмшоқ юк контейнерлари, полиэтилен коплар ва сумкалар ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, бу борада топширик ва кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Нукус шаҳридаги «Имом эшон Муҳаммад» жоме масжидида яратилган шароитлар билан танишди. Шавкат Мирзиёев жорий йил 20-21-январ кунлари Қорақалпоғистонга қилган ташрифи давомида Нукус шаҳридаги «Имом эшон Муҳаммад» жоме масжидида бўлиб, бу ерда имомхатиблар малакасини ошириш ўқув маркази, ётоқхона, кутубхона барпо этиш, масжид ҳудудини ободонлаштириш ва атрофига девор қуриш, новвойхона ташкил қилиш, ҳовуз, фаввора ва бошқа қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бу ерда ўтган 11 ой давомида кенг кўламли қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди. Масжид маъмурий биносининг биринчи қаватида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қорақалпоғистондаги вакиллиги идораси жойлашган бўлиб, унинг барча хоналари қайта таъмирдан чиқарилди. Иккинчи қаватида ахборот-ресурс маркази, кутубхоналар ташкил этилди. Иссиқ пол қурилди, эшиклари янгисига алмаштирилди. Намоз ўқийдиган маскан реконструкция қилиниб, гумбаз қайта ишланди. Масжид ёнида минора, ҳовуз, новвойхона, автомобиллар учун тўхташ жойи ва бошқа қулайликлар бунёд этилди. Манзарали дарахт ва гуллар экилди.

Шунингдек, масжид ёнида имом-хатиблар малакасини ошириш ўқув маркази ташкил этилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Буюк аждодларимиз ҳаёти ва маънавий меросини чуқур ўрганиш учун барча шароитни яратамиз. Аҳоли зиёрат қилиб, чинакам маънавий озуқа оладиган бундай маънавий-маърифий масканларни янада обод қилиб, келажак авлодлар учун сақлашимиз керак, деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Бугун Қорақалпоғистонда ҳаёт бутунлай ўзгармоқда. Барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овуллар янгича чирой очмоқда, замонавий корхоналар, таълим, тиббиёт, маданият, спорт ва ижтимоий соҳанинг бошқа масканлари, коммуникация тармоқлари барпо этилмоқда. Бу эса Қорақалпоғистон Республикасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Шавкат Мирзиёев бу ерни маънавият масканига айлантириш, атоқли шоир ва ёзувчиларимиз ижодини халқимизга ва бутун дунёга кенг тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун мамлакатимизда ташкил этилган Ибрат, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф номидаги мактаблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, улар ўртасида ижодий танловлар ўтказиш керак. Жамиятда китобсеварлик муҳитини шакллантириш, айниқса, ёшларнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқиши ҳар томонлама рағбатлантирилиши лозим.

Ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда таълим-тарбия олиши, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун зарур шароит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўтган давр мобайнида ҳудудда замонавий шароитлар яратилган 99 касб-ҳунар коллежи, 9 академик лицей фойдаланишга топширилди. 2015 йилда 9 минг 700 ўринли 22 та замонавий мактаб биноси барпо этилди. Айти пайтда ҳудуддаги 370 умумтаълим

ва ихтисослаштирилган мактабларда 170 мингдан зиёд ўғил-қизлар замонавий билимларни ўрганмоқда.

Ўтган йили Нукус шаҳри марказида 2,5 миллиард сўмлик лойиҳа асосида бунёд этилган ва барча қулайликларга эга “Бахт уйи” фойдаланишга топширилди. Инсон бахт учун дунёга келади. Бу борада мамлакатимизда ёшларга доимий гамхўрлик кўрсатилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Нукус шаҳри, Амударё, Эллиққалъа, Беруний, Хўжайли туманларида ижтимоий ҳаётда фаол бўлган юзлаб ёш оилаларга “Камолот” уйлари топширилди.

Президентимиз мактаб-интернатда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Мактаб жамоасига автобус совға қилиш бўйича кўрсатма берди.

Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари қатори Нукус шаҳри қиёфаси ҳам йилдан-йилга гўзаллашиб, замонавий турар жойлар, истироҳат боғлари, спорт мажмуалари бунёд этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Нукусда янгидан қурилган Олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган олий спорт маҳорати мактаби фаолияти билан танишди.

Спортнинг эркин ва юнон-рум кураши, огир атлетика, дзюдо, таэквондо, бокс, қиличбозлик, бадий гимнастика цингари 11 тури билан шугулланиш имконияти яратилган янги спорт мажмуасини бунёд этиш учун 15 миллиард сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган. Замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган 7 спорт зали, ётоқхона, ошхона, машғулотлар учун сунъий қопламали спорт майдончаларида 700 дан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шугулланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ушбу спорт комплекси юқорида қайд этилган спорт турлари бўйича Қорақалпоғистон терма жамоалари ўқув-йигин машғулоти ўтказадиган базага айлантирилади. Мажмуа ўқув-йигин машғулотлари учун яратилган имкониятлари бўйича мамлакатимизда ягона ҳисобланади.

Президентимиз ёш спортчилар билан мулоқот қилди.

Авваламбор шундай замонавий спорт иншооти билан сизларни табриклайман, деди Шавкат Мирзиёев. Бу масканда спорт билан шугулланиш учун барча шароит яратилган. Энди шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, юксак натижаларга эришиш керак.

Шу ерда Президентимиз номидан огир атлетика бўйича нуфузли турнирлар совриндори Рустам Жангабоевга уй, дзюдочи Элёр Машариповга «Малибу» автомобили, қиличбозлик бўйича халқаро турнирлар совриндори Зайнаб Дайибековага «Нексия» машинаси берилди. Ёш спортчиларга эсдалик совгалари топширилди.

Назорат саволлари:

1. Қорақалпоғистон Республикасида мустақиллик йилларида қандай ислохотлар амалга оширилди?
2. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасида қандай лойиҳалар амалга оширилди?
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавот, картошка, ва полиз маҳсулотларин сотиб олиш ва улардан фойдаланиш тизимини етиштириш тўғрисида”ги қарорининг бажарилишин таъминлаш бўйича қандай ишлар олиб борилмоқда?
4. Орол денгизининг қуриши оқибатида қандай вазият юзага келди?

Тест саволлари:

1. 2019 йил августда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари минтақани таракқий эттириш бўйича устувор йўналишларни белгилаб берди. Мазур йўналишнинг биринчиси қандай номланади?

А) қишлоқ хўжалигида илгор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш.

В) саноатни ривожлантириш, барча тармоқларда йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш.

С) *тадбиркорлик гуллаб яшнаши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш

Д) Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш.

2. Минтақани таракқий эттириш бўйича бешинчи устувор йўналишфаедай номланади?

А) қишлоқ хўжалигида илгор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш.

В)* Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш.

С) ишлаб чиқариш ва одамлар учун қулай бўлган замонавий инфратузилмани яратиш.

Д)тадбиркорлик гуллаб яшнаши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш

3 Минтақани тараққий эттириш бўйича тўртинчи устувор йўналишфаедай номланади?

А) Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш.

В) ишлаб чиқариш ва одамлар учун қулай бўлган замонавий инфратузилмани яратиш.

С)тадбиркорлик гуллаб яшнаши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш

Д) *қишлоқ хўжалигида илгор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш.

4.Минтақани тараққий эттириш бўйича учинчи устувор йўналишфаедай номланади?

А)*қишлоқ хўжалигида илгор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш.

В) ишлаб чиқариш ва одамлар учун қулай бўлган замонавий инфратузилмани яратиш.

С)тадбиркорлик гуллаб яшнаши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш

Д) саноатни ривожлантириш, барча тармоқларда йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш.

5.Минтақани тараққий эттириш бўйича иккинчи устувор йўналишфаедай номланади?

А) саноатни ривожлантириш, барча тармоқларда йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш.

В)*тадбиркорлик гуллаб яшнаши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш.

С)Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш

Д)ишлаб чиқариш ва одамлар учун қулай бўлган замонавий инфратузилмани яратиш.

6.Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида экологик хавфсизлик масаласига алоҳида тўхталиб, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, Орол денгизининг сувсиз худудида қанча гектар ўрмонзор барпо этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

- А)750 минг гектар; В) 500 минг гектар;
С) 550минг гектар; Д) 600 минг гектар

7.2015 йилда 9 минг 700 ўринли 22 та замонавий мактаб биноси барпо этилди. Айти пайтда худуддаги 370 умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларда қанча ўғил-қизлар замонавий билимларни ўрганмоқда.

- А)170 мингдан зиёд; В)190мингдан зиёд;
С)160 мингдан зиёд; Д)180 мингдан зиёд

8.Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Нукус шаҳри, Амударё, Элликқалъа, Беруний, Хўжайли туманларида ижтимоий ҳаётда фаол бўлган юзлаб ёш оилаларга...

- А)Имтиёзoi кредитлар берилди; В) Ер участкалари ажратилди;
С)*“Камолот” уйлари топширилди; Д)Барчаси биргаликда тўғри

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент: “Ўзбекистон”.2019.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2011.
3. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2004.
4. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. - Тошкент: “Ўзбекистон”.2015.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон маънафатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йилигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.
8. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Тошкент: Маънавият, 2017.
9. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажакимиз гаровидир. Халқ сўзи. 2012, 10 май.
10. Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. – Тошкент. 2000.
11. Сабиоров А. Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Тошкент: “Академия”. 2013.
12. Жураев Н, Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. – Тошкент: “Шарқ”. 2000.

11-

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ

- 11.1. Ташқи сиёсат асосларининг яратилиши. Ўзбекистон - БМТ аъзоси.
- 11.2. МДҲ мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорлик.
- 11.3. Марказий Осиё мамлакатлари билан қардошлик алоқалари.

Таянч тушинчалар: Ташқи сиёсат, ваколатхона, элчихона, фахрий консулхона «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури, савдо-сотик, экспорт, МДҲ, БМТ, НАТО, ЕХҲТ, ШҲТ, БМТТД, ЮНЕСКО, ЮНФПА, ЮНИСЕФ, ЖССТ, ЮНДОК, ЮНАИДС, ЮНИДО, «6+2», ТРАСЕКА лойиҳаси.

11.1. Ташқи сиёсат асосларининг яратилиши. Ўзбекистон - БМТ аъзоси.

Биринчи масала баёни. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 2-чақирик навбатдан ташқари олтинчи сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Олий Кенгаш Баёнотида республиканинг ташқи сиёсатдаги йўли аниқ қилиб белгиланди. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва

таракқиёт йўли» асарида «Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган, кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш - давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва гоят муҳим воситасидир», - деб алоҳида уқтирди. Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида белгилайдиган, давлатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида 165 та давлат тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихонаси очилди. Ўзбекистонда 88 та хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. 20 дан ортиқ давлатда Ўзбекистоннинг элчихоналари ишлаб турибди. Иқтисодий ислохотларнинг 1- босқичи ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йиллари бўлди. Ислохотларнинг 1- босқичида ташқи савдо 2 йўналишда амалга оширилди. Биринчидан, мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ҳукуматлараро битимлар асосида. Иккинчидан, узок хориж мамлакатлари билан эркин муомаладаги валюта ҳисоб-китоб қилиш асосида савдо-сотик ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларини ўрнатди. Мамлакатимиз экспортида АҚШ, Туркия, Белгия, Япония, Буюк Британия, Франция, Голландия, Польша, Жанубий Корея Республикаси, Индонезия, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия каби давлатлар етакчи ўрин эгалламоқда.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга қабул қилинди. 1993 йил февралда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди ва у иш бошлади. Президент И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил сентябрда бўлган 48-сессиясида иштирок этди. Ўзбекистон номидан Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақириш, наркобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди. 1995 йил январда Тошкентда БМТ ваколатхонаси билан ҳамкорликда семинар-кенгаш ўтди. Унда Ўзбекистон таракқиётининг стратегик муаммолари, ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўллари муҳокама этилди. Ўзбекистон ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгаш

бўлиб ўтди. Халқаро кенгашда иштирок этган 31 давлат ва 6 халқаро ташкилотдан келган мухтор вакиллар минтақа хавфсизлигини таъминлаш, можароларнинг олдини олиш, интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг ишончли тизимини барпо этиш масалалари юзасидан таклифларини айтдилар.

Ўзбекистон БМТнинг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда фаол катнашди. И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йил 22-24-октябрда бўлган юбилей сессиясида нутқ сўзлади. У нуфузли халқаро ташкилот фаолиятини яхшилашга доир таклифларни баён этди. Умумжаҳон хавфсизлиги минтақавий хавфсизликка эришишдан бошланадиган жараён эканлиги, минтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билангина жаҳон хавфсизлигини таъминлаш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Афғонистондаги урушга барҳам бериш учун унга ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этиш, қурол олиб киришни таъқиқлаш таклифлари илгари сурилди. Оммавий қиргин қуролларини тарқатмаслик, қурол савдосини чеклаш тўғрисида, Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик муаммони ҳал этишга халқаро молия тузилмаларини ва ривожланган мамлакатларни жалб қилиш, БМТнинг ташкилотчилиқ ишини фаоллаштириш тўғрисида бир қатор таклифларни илгари сурди. 1997 йил 15- 16 сентябри кунлари Тошкентда «Марказий Осиё ядро қуролидан ҳоли зона» мавзуида халқаро конференция бўлди. Унда 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари, барча давлатлар Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зонани барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва уни барпо этишга кўмаклашишга чақирилди. 1999 йилнинг 19-20 июль кунларида Тошкентда БМТ ҳомийлигида Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда гуруҳга аъзо мамлакатларнинг Ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасидаги делегациялари, БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус элчиси Лаҳдар Браҳимий иштирок этди. Учрашув якунида Афғонистондаги можарони ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида Тошкент Декларацияси имзоланди. 2000 йил 8 сентябрида И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида катнашди. 150 дан кўпроқ мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этган ушбу сессияда И.Каримов нутқ сўзлади. 2002 йилнинг 18-20 октябрь кунлари БМТнинг бош котиби Кофи Аннанинг юртимизда бўлиши Ўзбекистоннинг бу ташкилотга аъзо бўлгандан кейинги ва И.Каримовнинг БМТда сўзлаган нутқидан кейинги энг эътиборли воқеалардан бири бўлди.

2. Мустақиллик йилларидаги халқаро алоқалар.

Ўзбекистон 1992 йил февраль ойида тинчликни мустаҳкамлаш, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот - Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига (ЕХХТ) аъзо бўлиб кирди. И.Каримов 1992 йил 9-10 июлда бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг мажлисида иштирок этиб, 10 июлда бўлган мажлисида раислик қилди. 1994 йил 28-30 сентябрда Тошкентда ЕХХТнинг халқаро анжумани ўтказилди. ЕХХТ Тошкентда ва Урганчда атроф-муҳитни қайта тиклаш бўйича семинарлар ўтказди. Мазкур халқаро ташкилот Орол муаммосини ҳал қилишга кўмаклашмоқда. 1995 йил июлда Тошкентда ЕХХТнинг минтақавий бюроси очилди ва фаолият кўрсатмоқда. 1995 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилди. «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида 1995 йилда АҚШда, 1997 йили Қозоғистон ва Ўзбекистонда ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон ҳарбий қисмларининг иштироки зобит ва аскарларнинг ҳарбий-техник тайёргарлигини янада кўтаришга хизмат қилди. Ўзбекистон жаҳондаги 105 мамлакатни бирлаштирувчи қўшилмаслик ҳаракатининг аъзосидир.

БМТ ҳомийлигида таълим, фан ва маданият билан шугулланувчи халқаро ташкилот - ЮНЕСКО билан алоқалари мустаҳкамланди. 183 давлат аъзо бўлган ЮНЕСКОнинг бош мақсади - барча халқлар келажагининг умумийлиги асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, ҳозирги замон муаммоларини янада чуқурроқ ўрнатишга кўмаклашишдир. 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилиш маросими бўлди.

1992 йил 15-16-февраль кунлари АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1992 йилда Тошкентда биринчи бўлиб АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилди.

Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эга бўлган дастлабки кунларидан халқаро ҳамжамият билан тенг ҳуқуқли, суверен ҳамкорлик олиб бориш йўлидан борди. Қисқа тарихий давр мобайнида мамлакат жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга давлатга айланди. Ўзбекистон жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ва йирик халқаро ташкилотлари билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда ҳамда унинг географияси, кўлами янада кенгайиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар билан фаол муносабатлар ва ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилади”.

2018 йил ҳолатига кўра Ўзбекистонни 180 га яқин давлат тан олган. Уларнинг 134 таси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Тошкентда 45 та давлатнинг элчихоналари, 9 та фахрий консулхона, 11 та халқаро ташкилот, 5 та халқаро молиявий, 3 та дипломатик мавқедаги савдо ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 март куни жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида БМТга аъзо бўлди. Ўзбекистонни ташкилотга қабул қилиш тўғрисидаги қарор БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида овозга қўйилмаган ҳолда қабул қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Олий Кенгаши Ҳайъати ўз баёнотида “Бизнинг авлодлар 1992 йил 2 март баҳор кунини тарихий кун деб атайдилар Ўзбекистон БМТга аъзо қилинди ва БМТ биноси олдида ёш мустақил республиканинг байроги кўтарилди” деб таъкидлади. Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиши муҳим сиёсий аҳамиятга эга тарихий воқеа бўлди. Шу муносабат билан 1992 йил 6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон Миллатлар ҳамжамиятига аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

Бундан ташқари бу тарихий воқеа нафақат Ўзбекистонда балки, хориждаги ўзбеклар томонидан ҳам кенг нишонланди. 1992 йил 2 март куни Нью-Йоркда БМТ штаб-квартираси олдида мустақил Ўзбекистон байроги кўтарилади. Ушбу байроқни кўриш учун АҚШдаги ўнлаб шаҳар ва турли штатлардан минг-минглаб ўзбеклар (туркистонликлар) Нью-Йоркка келдилар. БМТ биноси олдида Ўзбекистон байрогига таъзим бажо келтириш учун эркаклар ўзбек миллий кийимларида, яъни чопон ва дўппиларда бўлсалар, аёллар атлас кўйлақларда марказий кўчаларда байрам қилиб боришган. Шундан сўнг, 1993 йил 24 октябрда Тошкентда Холид Малик бошчилигида БМТнинг ваколатхонаси иш бошлади.

Ўзбекистонда БМТнинг ўндан ортиқ дастурлари, жамгармалари ва агентликлари, жумладан, БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД), Таълим, фан ва маданият муассасалари бўйича ташкилоти, (ЮНЕСКО), Аҳоли қатламлари фонди (ЮНФПА), Халқаро Болалар ташкилоти (ЮНИСЕФ), Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ), БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ЮНДОК), БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича қўшма дастури (ЮНАИДС) БМТнинг Ахборот ва ижтимоий алоқалар бўйича бўлими, Қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссар бошқармаси, Саноат Тараққиёти Ташкилоти (ЮНИДО), БМТнинг Кўнгиллилар Дастури (ЮНВ) фаолият олиб боради. Шунингдек, БМТнинг Бреттон-Вуд муассасалари Жаҳон Банки, Халқаро Валюта фонди сингари бир қатор ихтисослашган муассасалари ҳамда Ўзбекистонда ваколатхонаси бўлмаган агентликлари,

жумладан, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК) билан ҳамкорлик алоқалари мавжуд. Ўз навбатида Нью-Йорк шаҳридаги БМТ қароргоҳида ва Женева шаҳридаги БМТ қароргоҳида Ўзбекистон Республикасининг доимий ваколатхоналари фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов 1993, 1995, 2000 ва 2010 йилларда, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил БМТ Бош Ассамблеясида нутқ сўзлади. 2002 йил БМТ собиқ Бош Котиблари Кофи Аннан, 2010 ва 2015 йил Пан Ги Мун, 2017 амалдаги Бош Котиб Антониу Гутерриш Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ўзаро кўп томонлама ҳамкорлигининг устувор йўналишлари бу – хавфсизлик, таҳдидларга қарши курашиш, оммавий қиргин қуролларини тарқатмаслик, Афғонистон масаласини тинч йўл билан ҳал этиш, бу мамлакатни қайта тиклаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида эътироф этиш, Орол фожяси оқибатларини бартараф этиш, таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш, тарихий анъаналар, тарихий шахслар ва меъморий ёдгорликларни асраш, қайта тиклаш, уларни умумбашарий обидалар сифатида жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини эътироф этиш ва бошқалардир. Бу борада Ўзбекистон БМТ доирасида кўплаб ташаббусларни илгари сурди. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ доирасида 1997 йилда Афғонистон муаммоси юзасидан “6+2 гуруҳи” мулоқот гуруҳини ташкил этилди, Марказий Осиё Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд, деб эълон қилинди, Орол муаммоси ва минтақавий экологик масалалар юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда БМТнинг 2000–2015 йилларга мўлжалланган Мингйиллик ривожланиш мақсадлари (Millennium Development Goals) амалга оширилди ҳамда 2015–2030 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари (Sustainable Development Goals) глобал дастури юзасидан турли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда БМТ ва Ўзбекистон ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилган. Хусусан, 2017 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев АҚШда бўлиб, БМТнинг 72-сессиясида нутқ сўзлади. Мазкур нутқ Ўзбекистоннинг БМТ доирасидаги халқаро ташаббусларида янги тенденцияларни намоён қилди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳамда аниқ ва асосли манбаларга эга бир нечта ташаббусларни илгари сурди.

Яъни глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни

шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш, БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш, БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш каби глобал характердаги таклифлари жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг мазкур нутқи мавжуд муаммоларга маҳаллий, минтақавий ва глобал даражада аҳамият қаратиб, уларнинг ечимига прагматик ёндашилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу ташаббуслар халқаро миқёсда қўллаб-қувватланиб, 2018 йил 22 июнь куни “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” ва 2018 йил 12 декабр куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциялари қабул қилинди. Шунингдек, 2017 йил ноябрь ойида БМТ шафелигида Самарқандда “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик”, 2018 йил 27 март куни Тошкентда “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида халқаро анжуманлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳондаги йирик халқаро ташкилот БМТ билан ҳамкорлиги масалалари ва бу борадаги ютуқлар Ўзбекистоннинг энг янги тарихи саҳифаларида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни янада бойитди.

11.2.МДХ мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорлик

Иккинчи масала баёни. 1991 йилнинг август-сентябрь ойларига келиб собиқ СССР таркибидаги барча 15 та Республика ўзини мустақил давлат деб эълон қилинган бўлса-да, СССР Президенти, парламенти, ҳукумати ўз фаолиятини тугатмаган эди. 1991 йил 8 декабрда Россия, Украина ва Беларус раҳбарлари Беловежское Пушчеда (Минск, Беларус) мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)ни тузиш тўғрисидаги Битим имзоладилар. 1991 йил 21 декабрда Алматида МДХни тузиш тўғрисидаги Битимга Озарбайжон, Арманистон, Қозогистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳам имзо қўйдилар. Шу куни ушбу давлатлар раҳбарлари Россия, Украина ва Беларус раҳбарлари билан биргаликда «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг мақсад ва тамойиллари тўғрисидаги Шартнома»ни имзоладилар. Мазкур ҳужжатда СССР давлатининг фаолияти ва СССР Конституцияси тўхтатилади деб эълон

қилинди. Кенгашда Алмати Декларацияси қабул қилинди. 1993 йил МДХга Грузия қўшилди. Бу билан МДХга аъзо бўлган давлатлар сони 12 тага етди.

МДХ мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорлик.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсатни фаоллаштириши натижасида хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича улкан натижаларга эришилмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Мунтазам равишда долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича ташаббуслар рўёбга чиқарилмоқда, чет давлатлардаги ватандошлар билан мулоқот мустаҳкамланяпти, юртимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги обрўси юксалмоқда. Энг асосийси, янгиланишлар мамлакат таракқиёти, одамлар бахту иқболи йўлида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан фаол мулоқотни йўлга қўйиш бўйича ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Хорижий мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда МДХ алоҳида ўринга эга.

Мамлакатимиз жаҳонда жадал ўзгаришлар рўй бераётган, хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги зарур ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Ўз навбатида, ушбу тузилманинг пайдо бўлиши ва фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлараро ташкилот ҳисобланиб, у 1991 йил 8 декабрда Минскда Белорусь, Россия, Украина томонидан тузилган. Ана шу давлат раҳбарлари имзо чеккан Битимда учала давлат сиёсий, иқтисодий, гуманитар, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга интилишини баён этди.

1991 йил 21 декабрда Битимга Озарбайжон, Арманистон, Қозогистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон қўшилди, улар Белорусь, Россия ва Украина билан бирга МДХнинг мақсад ва қоидалари тўғрисидаги Декларацияга Олмаота шаҳрида имзо чекди.

1993 йил МДХ Устави қабул қилинди, у давлатларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш, умумий иқтисодий маконни вужудга келтириш, транспорт ва алоқа тизимларини ривожлантириш, аҳоли соғлиги ва атроф -

муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий масалалар ва иммиграция сиёсати, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, муҳофаза сиёсатида ҳамкорлик қилиш ва ташқи чегараларни қўриқлашда биргаликда фаолият юритишни назарда тутди.

МДХда ҳақиқий аъзолари билан бирга МДХ фаолиятининг айрим турларида қатнашувчи аъзолар бўлиши ҳам мумкин.

МДХнинг қуйидаги органлари ташкил қилинган: Давлат раҳбарлари кенгаши, Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Давлатлараро иқтисодий қўмита, маркази Санкт-Петербургда жойлашган Парламентлараро ассамблея ва бошқалар.

МДХнинг доимий ишловчи органи Минск шаҳрида жойлашган Мувофиқлаштирувчи-маслаҳат қўмита ҳисобланади. Унинг қошида доимий котибият ишлайди. Давлат бошлиқлари кенгаши 1 йилда камида 2 марта ўтказилади. МДХ органларининг фаолияти МДХ Низоми билан тартибга солинади.

Ўзбекистон ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда МДХда фаол иштирок этмоқда. У МДХга давлатлар устидан тузилган ташкилот сифатида эмас, балки мустақил давлатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи орган сифатида қарайди. МДХ ҳудудида давлатларнинг тенг ҳуқуқлиги асосида ягона иқтисодий маконни яратиш, ташкилотда умуман иқтисодий муносабатларнинг устуворлигига эришиш, давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ҳаракат қилади. Шу йилнинг мартада Ўзбекистон МДХ парламентлараро Ассамблеясига аъзо бўлди.

МДХ дунёда ўзига хос ягона ташкилот. У аъзоларидан ҳеч қандай катта мажбуриятлар ёки чуқур иқтисодий интеграция талаб қилмайди. Тузилма асосан гуманитар соҳада ўз ўрнини оқлади. Ҳамкорлик мамлакатлари орасида чегараларни визасиз кесиб ўтиш жуда муҳим. Умумий таълим соҳасида ҳам маълум ҳамкорлик имкониятлари бор.

МДХ гуманитар асослардан ташқари яна бир ўта муҳим масалани ҳал қилади — ҳамдўстлик собиқ Иттифоқ ичида фикр алмашиладиган норасмий майдон вазифасини ўтамоқда ва ҳар қандай можароларни пайдо бўлиш жараёнида ҳал қилиш имконини бермоқда.

2019 йилнинг 11 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги Саммити Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтди.

Унда давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган комплекс мавзуларни муҳокама қилиб,

томонларни кизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Саммитдаги энг муҳим воқеалардан бири 2020 йилда МДХга раислик қилиш Ўзбекистон томонига ўтгани ва барча иштирокчи давлатлар томонидан қўллаб-қувватлангани бўлди. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз МДХга раислиги давомида ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга устувор эътибор қаратилади.

Бунда аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, эркин савдо зонаси тўлиқ ишлашини таъминлаш, ишлаб чиқариш кооперациясини чуқурлаштириш устувор йўналиш ҳисобланади. Шунингдек, аграр соҳа, энергетика ва телекоммуникациялар тармогидаги ҳамкорликни кенгайтириш, илмий, инновацион ва таълим дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, ўн йилга мўлжалланган Транспорт ва транзит йўлақларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва Худудлараро ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқилиши кўзда тутилган. Бу эса минтақа савдо-иқтисодий салоҳиятини янада ортишига туртки бўлади.

Ўзбекистон раислигида ўтиши режалаштирилаётган 2020 йил бир қатор муҳим тадбирлар ўтиши билан ҳам аҳамиятлидир. Айниқса, келгуси йили юртимизда биринчи МДХ худудлараро форуми бўлиб ўтишини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, МДХ савдо-саноат палаталари раҳбарлари кенгаши мажлисини ўтказилади. Унинг доирасида Ҳамдўстликнинг ишбилармонлик ташаббуслари ҳафталиги ташкил этилади. Бундан ташқари, ахборот хавфсизлиги, маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича ҳам қатор тадбирлар режалаштирилган.

Шу ўринда Ўзбекистон раислигида ўтадиган йилда ўзининг МДХдаги бир қатор ташаббусларини яъни мамлакатларимизда навбати билан туризм ярмаркалари ва МДХ маданияти кунларини, Ҳамдўстликнинг ижодкор ёшлари ўртасида мунтазам учрашувларни ўтказиш гоёсини ҳаётга татбиқ этиш учун имконият беради.

Умуман олганда, 2020 йилда МДХга мамлакатимизнинг раислик қилиши минтақада ўзаро ҳамкорлик учун қулай муҳит шаклланиши, минтақавий хавфсизликнинг таъминланиши бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилиши ва энг асосийси Ўзбекистон ташаббусларининг халқаро майдонда яна бир қарра эътироф этилишига замин яратади.

Таъкидлаш жоизки, ўз низомига кўра аъзо мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар, экологик, тинчлик ва хавфсизлик каби йўналишларда яқин ҳамкорлик қилиши, давлатлараро шерикчилик ва

интеграцияни ривожлантириши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдек, муҳим вазифалар қатъий белгилаб қўйилган МДХнинг навбатдаги раислиги мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътиборида аҳамияти катта бўлади.

11.3. Марказий Осиё мамлакатлари билан қардошлик алоқалари.

Учинчи масала баёни. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи учрашуви 1990 йил июнь ойида Алмати шаҳрида бўлиб ўтди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашуви 1991 йил 13-15-август кунлари Тошкент шаҳрида бўлди. Ундаги энг муҳим ҳужжат - Ўрта Осиё ва Қозғистон Республикалараро маслаҳат Кенгашини тузиш тўғрисида битим имзоланди. Маслаҳат Кенгашининг вазифаси бешта мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароит яратишдан, бозор муносабатларига ўтишда минтақа манфаатларини ҳимоя қилувчи келишилган сиёсат юритишдан иборат. 1991 йил 13 декабрда Ашгабадда Марказий Осиё давлат бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Тажан-Серахс йўл қурилиши бўйича битим имзоланди. Уни Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркменистон Президентлари имзоладилар. Беш давлат бошлиқлари Чернобиль ҳалокати, Орол фожеаси оқибатларини тугатиш масаласида биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида қарор қабул қилдилар. 1993 йилнинг 4 январиди И.Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви ташкил этилди. Учрашувда Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Беш давлат раҳбарлари ҳамдўстлик ҳақидаги битимга имзо чекишди.

1993 йил 26 мартда ҚизилЎрдада Марказий Осиё давлат бошлиқларининг Россия давлат делегацияси иштирокида биринчи анжумани бўлиб ўтди. 1993 йил 28 июлда Алматида Қозғистон ва Ўзбекистон ўртасида 1994-2000 йилларда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида битим имзоланди. 1994 йил 11 январда Нукусда Марказий Осиё мамлакатлари бошлиқларининг Россия Федерацияси давлат делегацияси иштирокида иккинчи конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда Орол денгизи ҳавзасидаги ҳозирги аҳвол билан боғлиқ масалалар, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси маблағлари қандай тўпланаётганлиги муҳокама қилинди, экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин 5 йил ичида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди. Оролни қутқариш бўйича давлатлараро Кенгаш Низоми тасдиқланди. 1994 йил 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси билан Қирғистон Республикаси ўртасида ягона иқтисодий макон тўғрисида шартнома имзоланди. 1994 йил 30 апрелда Чўлпонота шаҳрида Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ўртасида Ягона

иктисодий макон тузиш тўғрисида уч томонлама шартнома имзоланди. 1994 йил 8 июль Алмати шаҳрида учрашув бўлиб ўтди. 1995 йил январида Қозогистон Президенти Тошкентга келди. Ўзбекистон ва Қозогистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка доир битим ва қатор ҳужжатларга имзо чекилди. Битимга Қирғизистон ҳам қўшилди. Натижада уч мамлакат ўртасида ягона бозорни вужудга келтириш, маҳсулот айрибошлаш имконияти яратилди. Тошхөвүз учрашувида Марказий Осиё Республикалари Президентлари Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини чуқурлаштириш масалаларини кўриб чиқдилар ва қўшма Баёнот имзоладилар. 1995 йил 3 мартда Тошхөвүзда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлди. 1995 йил 14 апрель куни Чимкентда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозогистон Президентларининг учрашуви бўлди. Тожикистон ва Афғонистон чегарасидаги вазият хақида маслаҳатлашиб олинди. Қабул қилинган Баёнотда Тожикистон муҳолифат кучлари томонидан 1995 йил 7 апрелда қилинган қон тўқишга олиб келган ҳужум қораланди. 2000 йилгача дастур маъқулланди. 1995 йил 15 декабрда Жамбулда ўтказилган давлатлараро Кенгаш мажлисида, 1997 йил 9-10 январь кунлари Бишкекда ва 1997 йил 12 декабрь куни Қозогистоннинг янги пойтахти Остана (Оқмола) шаҳрида Марказий Осиё давлат раҳбарлари учрашдилар. 1998 йил 5-6 январда Ашгабадда Туркманистон, Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бешала давлатнинг миллий манфаатларига, минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка мос келадиган дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатларни чуқурлаштиришга содиқ эканлиги тасдиқланди. Тожикистон Президенти И.Раҳмонов мазкур ягона иқтисодий ҳудудга Тожикистон ҳам қўшилишини билдирди.

И.Каримов ташаббуси билан 2000 йил 20-21 апрелда Тошкентда Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда 1999 йилдаги Қирғизистон билан боғлиқ фожиалар кўриб чиқилди. Саммит катнашчилари халқаро террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм, минтақа барқарорлигига таҳдид солувчи омилларга қарши кураш тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. 2001 йилнинг 1-ҳафтасида Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентлари Алмати шаҳрида учрашдилар. Мажлисида И.Каримов Марказий Осиё Республикалари Иқтисодий Ҳамжамияти Форумини чақириш тўғрисида таклиф киритди. 2002-2003 йилларда ушбу Саммит ўз ишини давом эттирди. И.Каримов «Туркистон умумий уйимиз» деган гоёни илгари сурди. 1-навбатда, ижодкор зиёлилар-ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг эътиборини Туркистон тарихий бирлик туйғусини қайтадан тиклашга қаратди. И.Каримов

томонидан 1995 йил 5 майда Олий Мажлис 2-сессиясида «Туркистон - умумий уйимиз» шиорининг илгари сурилиши, унинг мазмуни ва кўзланган мақсад минтақавий барқарорликни таъминлашдир. Тошкентда 29 ноябрь куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

2017 йили ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро анжуманда Президентимиз Марказий Осиёга оид долзарб масалалар бўйича минтақа мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, бунинг учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам йўлга қўйишни таклиф этди.

Бу ташаббусни минтақадаги барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар қўллаб-қувватлади. Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан, биринчи Маслаҳат учрашуви 2018 йил 15 мартда Қозогистонда бўлиб ўтди. Унда минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари таклифининг ижобати сифатида 2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиё бўйича махсус резолюция қабул қилингани минтақавий ҳамкорлик ривожига мустаҳкам замин яратадиган яна бир тарихий воқеа бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон ташқи сиёсатида “Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойили амалда татбиқ этила бошлади. Барча қўшниларимиз билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш асосий вазифалардан бирига айланди.

Қозогистон Ўзбекистоннинг асосий савдо шерикларидан саналади. 2018 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 50 фоиз ўсиб, 3 миллиард доллардан ошган. Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида бу кўрсаткич 2,9 миллиард долларни ташкил этди.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия самарали фаолият олиб бормоқда. Юртимизда Қозогистон капитали иштирокида 766 та, Қозогистонда эса Ўзбекистон резидентлари иштирокида қарийб 200 корхона очилган. Автомобиль ва темир йўллар орқали юк ташиш ҳажми ҳам ўсган. Мамлакатларимизнинг йирик шаҳарлари ўртасида автобус ва самолётлар катнови йўлга қўйилган.

Қирғизистон билан алоқалар ҳам кенгаймоқда. Хусусан, 2018 йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 481 миллион доллардан ошган бўлса, жорий йилнинг январь-октябрь ойларидаёқ кескин ўсиб, 703 миллион долларга етган.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ишламоқда. Ўзбекистонда Қирғизистон вакиллари иштирокида 150 та, Қирғизистонда эса юртимиз капитали иштирокида 51 корхона очилган. Худудлараро алоқалар, саноат кооперацияси ҳам изчил ривожланмоқда.

Кейинги йилларда Тожикистон билан ҳамкорлик ҳам фаоллашди. Масалан, 2018 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 389 миллион доллардан ошган бўлса, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида бу кўрсаткич қарийб 30 фоиз ўсиб, 408 миллион долларга етган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия тузилган. Икки мамлакатда ўзаро ҳамкорликда тузилган ўнлаб корхоналар ишлаб турибди. Маданий-гуманитар ва туризм соҳасидаги алоқалар ҳам кенгаймоқда.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммитининг асосий воқеалари 29 ноябрь куни Кўксарой қароргоҳида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дастлаб саммит меҳмонлари билан учрашувлар ўтказди.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан учрашув аввалида давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, унга Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари етакчилари учрашувларини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор миннатдорлик билдирди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги анъанавий яқин муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди, аниқ амалий мазмун билан бойиди.

Элбоши Нурсултон Назарбоев, ўз навбатида, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илк бор 2018 йили Нур-Султон шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари минтақада кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани ҳамда шерикликнинг амалий лойиҳаларини илгари суриш учун самарали майдон вазифасини ўтаётганини таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид, шунингдек, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги кўп

асрлик дўстлик ва яхши кўшничилик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Турли даражалардаги алоқалар фаоллашгани, товар айирбошлаш ортаётгани, гуманитар алмашинувлар жадаллашгани алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Томонлар Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Тошкентдаги Маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш ҳамда дўстлик, яхши кўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса кўшишига ишонч билдирдилар.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан мулоқотда стратегик шериклик даражасига кўтарилган кўп қиррали Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли бугун савдо-иқтисодий муносабатлар фаол ривожланмоқда. Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, турли тармоқлардаги кооперация кучаймоқда, маданий-гуманитар алмашинув кенгаймоқда.

Учрашувда қардош мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида дўстлик ва яхши кўшничилик, стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан учрашувда томонлар мамлакатларимиз ҳамкорлигининг долзарб масалалари ва уларни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Давлат раҳбарлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бошланди.

Суратга тушиш маросимидан сўнг делегациялар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов иштирок этди.

Саммитда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мажлис иштирокчиларини самимий қутлаб, ушбу учрашув ҳаёт талаби, томонларнинг дўстлик ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлаш, шерикликни кенгайтиришга интилиши ифодаси эканини таъкидлади.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли охириги йилларда кўплаб мураккаб масалаларга ечим топилди. Бу ижобий ўзгаришлар халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда бутун дунёда юқори баҳоланди.

Шу билан бирга, тез ўзгараётган дунёда янгидан-янги масалалар кун тартибига чиқмоқда. Минтақавий хавфсизликка таҳдидлар, барқарор ривожланишга ҳалал берувчи омиллар пайдо бўлаётир. Бу ўзаро ишончга асосланган шерикликни мустаҳкамлашни, саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни талаб этмоқда.

Етакчиларнинг мазкур учрашуви олий даражадаги минтақавий мулоқотни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

– Яратганнинг инояти билан биз кўшнилариимиз. Халқларимизнинг тарихи ва тақдири, келажаги чамбарчас боғлиқ. Бу эса минтақамизни бирлаштирувчи катта кучдир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда кўп томонлама ҳамкорлик бўйича ягона нуқтаи назарни келишиш зарурлигини таъкидлаб, унинг асосий йўналишлари ҳақида ўз фикрларини билдирди, қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Бу, аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантиришдир. Катта бозорга эга, табиий хомашё ва инсон ресурслари салмоқли бўлган минтақамизнинг рақобатдош устунликларини имкон қадар тўлиқ ишга солиш муҳим. Кўшимча қиймат занжирини шакллантириш, минтақа ичида савдони кенгайтириш, иш ўринлари яратиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларида янги имкониятларни аниқлаш ва кооперация лойиҳаларини амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик саноати, аграр тармоқда фаол ҳамкорлик қилишга тайёр экани билдирилди.

Иккинчи муҳим йўналиш – минтақанинг транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш.

Марказий Осиёнинг транспорт тизими яратилаётган замонавий логистика инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда минтақа ичида узлуксиз коммуникацияни таъминлаши, шунингдек, тобора ортиб бораётган транзит оқимларига самарали хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди.

Учинчидан, минтақамизнинг узок муддатли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги, Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини ошириш, замонавий энергетика инфратузилмасини яратиш борасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёр экани таъкидланди.

Мамлакатларимизнинг улкан туризм салоҳиятини амалга ошириш яна бир истиқболли йўналишдир. Давлатимиз раҳбари бунинг учун Марказий Осиёнинг ягона, кўпчилик танийдиган туризм бренди, минтақа учун умумий бўлган жозибador туризм маҳсулотларини шакллантириш лозимлигига эътибор қаратди.

Шавкат Мирзиёев сувдан фойдаланиш борасидаги муаммоларни ҳал этишга доир ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишни таклиф этди, Афғонистонда тинчлик, миллий муроса ва иқтисодий тикланишга эришишга қўмаклашиш йўлида минтақа мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш муҳим эканини таъкидлади.

Марказий Осиё давлатлари делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида хавфсизликни мустаҳкамлаш, давлатларимиз ўртасидаги савдо тўсиқларини бартараф этиш, минтақанинг мавжуд улкан иқтисодий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда саноат кооперациясини янада кучайтириш, энергетика инфратузилмаларини модернизация қилиш ва ҳудуднинг транзит имкониятларини кенгайтиришга қаратилган йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иккинчи Маслаҳат учрашувининг ўтказилиши манфаатларнинг ўзаро муштараклиги, мамлакатларимиз минтақавий тараққиётнинг энг долзарб масалалари бўйича очик мулоқот ва биргаликда қарорлар қабул қилишга тайёр эканини яна бир бор яққол тасдиқлашини таъкидлади.

Учрашувда томонлар ҳудудлар даражасида фаол алмашинувлар ва мулоқотни қўллаб-қувватлаш, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳаларида қўшма тадбирларни мунтазам ўтказишга келишиб олдилар.

Марказий Осиё асрлар давомида қардош халқлар тинч ва тотув яшаб келаётган жаҳондаги кам сонли минтақалардан биридир.

Саммитда минтақа давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви форматидаги ҳар йиллик саммитлар шу жиҳатдан гоят муҳим экани таъкидланди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Марказий Осиё давлатлари бугунга келиб олий даражадаги минтақавий мулоқотни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичига кўтарилди.

Саммит якунида Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда Маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш регламенти маъқулланди.

Туркменистон Президентининг таклифига биноан давлат раҳбарлари Қозогистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоевни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг Фахрий раиси этиб бир овоздан сайладилар.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифингда Президентимиз Шавкат Мирзиёев музокаралар анъанавий дўстлик ва ўзаро англашув руҳида ўтгани, давлат раҳбарларининг минтақада ишонч ва яхши кўшничилик муҳитини янада мустаҳкамлашга бўлган интилиши ва қатъий сиёсий иродасининг яққол ифодаси бўлганини таъкидлади.

Самарали музокаралардан сўнг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчатлар ўтказди. Бу дарахтлар Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг мустаҳкам дўстлиги ва ҳамкорлиги рамзи сифатида ёнма-ён ўсади.

Марказий Осиё халқларини кўп асрлик қардошлиқ ришталари, муштарак тарих, маънавий ва маданий кадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон бир қўлнинг беш бармогидек ҳамиша бир-бирига суянган, елкадош бўлган. Умумий тарихий меросга эга халқларимизнинг барқарор ривожланиши ва фаровон келажагини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев сайловолди дастуридаёқ ташқи сиёсатни амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, кўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратган эди.

Бу мақсадлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топди. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилишни ҳал этиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Ўтган қисқа вақтда бу борада тарихий қадамлар қўйилди. Чегарадан ўтиш, сувдан фойдаланиш каби ўтқир муаммолар ҳал этилди. Чегаралар очилди, ўзаро борди-келди кўпайди.

Президентимиз илк давлат ташрифларини кўшни мамлакатларга амалга оширди. Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилди. Қозогистон билан стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш борасида муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга Ўзбекистоннинг бу саъй-ҳаракатлари бутун минтақадаги муҳитга ижобий таъсир кўрсатди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ана шундай яхши кўшничлик муҳити, халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ташаббусдир.

Мазкур анжуман тарихига назар ташласак, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб айтган эди. 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида давлатимиз раҳбари “Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничлик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жihatдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши кўшничликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир”, дея таъкидлади.



Буюк Ипак йўли - тараққиёт йўли.

Биринчи марта Брюссел учрашувида Европа ва Осиёни боглайдиган «Европа-Кавказ-Осиё» транспорт йўлаги - ТРАСЕКАни барпо этиш масаласи кўрилди ва Декларация қабул қилинди. «Лазуритйўли», кейинроқ «Шоҳйўли», «Буюк Ипак йўли»... Бугунэса - ТРАСЕКА. И.Каримов 1998 йил 8 сентябрь куни Озарбайжон пойтахтида иш бошлаган БуюкИпак йўлини тиклашга бағишланган Халқаро конференцияда иштирок этди. Бу анжуманда жаҳоннинг 32 мамлакати ҳамда БМТ, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки,

Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. 1996 йили Серахсда Марказий Осиё билан эрон темир йўл тармоқларнинг туташтирилгани ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда дастлабки катта ишлардан бири бўлган эди. Худдиўша, 1996 йил 13 май куни Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Туркменистон ўртасида ўзаро эркин транзит тўғрисидаги шартнома имзоланди. Буёғи Япониядан то Адриатика денгизига қадар чўзилган йўлданфойдаланишни бошлаган республикаларнинг сарф- харажати камаяди. Ўзбекистон учунмазкур шартнома кучга киргач, пахта ташишга кетадиган харажатнинг 12 миллион доллари иқтисод қилинади. Чунки, ТРАСЕКА шимолий йўналишга нисбатан 2 минг километр қисқадир. Ўзбекистон ўз пахтасини, Қозогистон ва Россия орқали Украина портларига етказиш учунтоннасига 100 доллардан зиёд маблаг сарфлайди. ТРАСЕКА орқали ташилганда эса ушбу кўрсаткич 55 долларни ташкил этади, холос. Ҳозирга қадар жаҳоннинг 50 та мамлакати ТРАСЕКА йўлаги орқали ўз юқларини манзилларига етказмоқда. ТРАСЕКА дастурини амалга оширишда Европадаги сиёсий, иқтисодий ва молиявий ташкилотлар яқиндан ёрдам кўрсатяпти. Боку конференциясида ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳукуматлараро комиссияни ташкил этиш, унинг доимий котибиятини таъсис этиш ва бош қароргоҳни Бокуда жойлаштириш бўйича ўртага ташланган таклиф иштирокчилар томонидан маъқулланди. Анжуман ниҳоясида Европа-Кавказ-Осиё йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги кўп томонлама Битим имзоланди. Мазкур ҳужжат халқаро юк ва йўловчи ташишни ривожлантириш ва бошқариш транспорт соҳасидаги ҳуқуқий мезонларни ўзаро мувофиқлаштиришни кўзда тутди. Анжуманда Боку Декларацияси қабул қилинди. ТРАСЕКА дастури бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида бу дастур иштирокчилари бўлган давлат орасидаги ҳамкорликларни янада кучайтирди.

Ҳаракатлар стратегиясининг чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларида белгиланган вазифалар Ўзбекистоннинг тараққиётга эришиш йўлида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Маълумки, мамлакатимиз ўзининг ташқи сиёсат фаолиятида барча хорижий мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорликни халқимиз ва юртимиз манфаатларидан келиб чиқиб, очик, дўстона ва прагматик тамойилларга асосланган ҳолда олиб бормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати бундан буён ҳам ана шу принциплардан чекинмаган ҳолда изчил давом эттирилишини таъкидлади. Шу билан бирга, дунёнинг ривожланган давлатлари бўлмиш АҚШ, Россия, Хитой, Туркия, Япония, Жанубий Корея ва Европа иттифоқи билан савдо-

иқтисодий, инвестициявий, молиявий, маданий-гуманитар ва хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янгича мазмун-моҳият билан бойитган ҳолда янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарурлигига алоҳида ургу берилди.

Ўзбекистон Республикаси “Ташқи сиёсий фаолият концепцияси”га мувофиқ, республика ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири АҚШ билан ҳамкорлик ҳисобланади. Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини инобатга олишга асосланган бўлиб, томонлар бир қатор халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича яқин позицияга эга, жумладан, Марказий Осиё ва Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ўзаро ҳамкорликнинг энг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг АҚШ билан савдо-иқтисодий алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда АҚШнинг “General Motors Powertrain Uzbekistan”, “Exxon Mobil”, “CNH Industrial”, “Coca-Cola”, “Hyatt”, “Hilton”, “John Deere”, “Honeywell”, “Caterpillar” ва бошқа қатор дунёга таниқли йирик компаниялари фаолият юритмоқда.

Россия Федерацияси билан кенг кўламли ҳамкорлик эса, ҳар икки давлат ўртасида имзоланган Стратегик ҳамкорлик ва Иттифоқдошлик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар асосига қурилган. Шунингдек, ҳозирги кунда Россия Федерацияси билан икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Шу ўринда ташқи савдо ҳамкорларимиз орасида Россия Федерацияси етакчи ўринларни эгаллаб келаётганини эътироф этиш лозим.

Хитой билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳам томонларнинг терроризм, экстремизм, наркотрафик, ноқонуний қурол савдоси ва хавфсизликнинг бошқа таҳдидлари бўйича қарашларнинг яқинлиги асосида олиб борилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Хитой билан стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш, кенг савдо-иқтисодий, инвестицион ва молиявий ҳамкорликни кенгайтиришда ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланади.

Бугун Ўзбекистон ва Хитой турли лойиҳалар, авваламбор, юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Бир қатор Хитой компаниялари республикамиз ҳудудида углеводород конларини қидириш ва қазиларни ишлашида фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, юртимизда Хитой капитали иштирокидаги кўплаб корхоналар самарали фаолият юритмоқда.

Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланган Туркия давлати билан ҳам иқтисодий ва сиёсий алоқалар

мустаҳкамланишда давом этмоқда. Ҳар икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб борилмоқда. Шу билан бирга, икки давлат ўртасидаги маданий-гуманитар, таълим ва туризм соҳаларидаги алоқалар ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

Япония билан ҳамкорлик эса, Ўзбекистон ва Япония ўртасида имзоланган дўстлик, стратегик шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот ва стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳуқуқий негизи асосида олиб борилмоқда. Қолаверса, икки давлатнинг ташқи ишлар вазирликлари ўртасида доимий равишда сиёсий маслаҳатлашувлар самарадор натижаларни бермоқда.

Бундан ташқари, Япония доимий равишда Ўзбекистонга молиявий-техник ёрдам кўрсатиб келади. Ушбу ёрдам туфайли Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, маориф, транспорт, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда қатор ижтимоий аҳамиятли ва инфратузилма лойиҳалари амалга оширилди.

Шунингдек, мамлакатимизда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) нинг минтақавий ваколатхоналари самарали фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг “UzAuto” ва Япониянинг “Isuzu” компанияси ҳамкорлигида автобуслар ва юк машиналари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

Жанубий Корея билан ҳамкорлигимиз Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи натижалари бўйича қабул қилинган Стратегик ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш тўғрисидаги баёноти асосида давом эттирилмоқда. Шунингдек, ушбу ташриф доирасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги 20 дан зиёд келишувлар имзоланди. Бундан ташқари, қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган савдо-иқтисодий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларда жами 64 та ҳужжат имзоланди, улардан 4 миллиард доллари Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри корейс инвестицияларини ташкил этади.

Шунингдек, икки давлат ўртасида парламентлараро алмашув муваффақиятли ривожланмоқда. Корея Республикаси Миллий Ассамблеясида “Корея-Ўзбекистон” дўстлик Ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Корея билан ҳамкорлик бўйича махсус гуруҳ фаолият юритиб келмоқда. Икки давлат ташқи ишлар идоралари ўртасида доимий равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё ва Тинч океани минтақасидаги савдо шериклари орасида энг юқори ўринни эгаллайдиган давлат ҳисобланади. Шу билан бирга, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича

қўшма Ҳукуматлараро кўмита муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистондаги “Навоий” эркин индустриал иқтисодий зонаси ташкил этилишида Жанубий Корея ишбилармон доираларининг фаол иштирок этгани тақсинга лойиқдир.

Европа иттифоқи билан самарали ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий негизини Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ташкил этиб, ушбу ҳужжат асосида кўп киррали муносабатларнинг таъсирчан механизмлари – Ҳамкорлик кенгаши ва кўмитаси, Парламентлараро ҳамкорлик кўмитаси ва бошқа тузилмалар самарали фаолият юритиб келмоқда.

Қолаверса, мамлакатимиз Ўзбекистон-Европа шериклигининг кенг кўламли инвестиция дастури доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон дунёдаги барча давлатлар, аввало, кўшни мамлакатлар билан яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга ҳам алоҳида этибор қаратмоқда. Ўзбек халқида “Кўшнинг тинч – сен тинч”, деган нақл бор. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Марказий Осиё республикалари билан алоқаларни янги бочқичга кўтаришни муҳим вазифа, деб билади.

Қолаверса, халқларимиз ўртасидаги узоқ тарихга эга қардошлиқ ришталари ўзаро ҳурмат ва дўстлик муносабатлари, муштарак маданий қадриятлар орқали узвий боғланган бўлиб, мамлакатимиз Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини тан олиш асосида ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ тарзда янада самарали ҳамкорлик қилишни ўзининг асосий вазифаларидан деб билади.

Юқорида санаб ўтилган ривожланган давлатларнинг барча соҳалардаги тажрибасини ўзлаштириш ва улардан мамлакат тараққиёти йўлида самарали фойдаланиш Ўзбекистон учун ҳозирги ислохотлар ва юксалиш даврида энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун, ушбу давлатлар билан муваффақиятли савдо-иқтисодий, сиёсий, инвестициявий ва молиявий алоқаларни ривожлантирган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётини кўтариш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилган ҳолда микро ва макро иқтисодиётимизни ривожлантириш ҳамда халқимиз ҳаётини юскалишига эришишимиз мумкин.

Давлат раҳбарининг Мурожаатномасида эътироф этилганидек: “Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттираемиз. Олис ва

яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узок муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз”.

Назорат саволлари:

1. Президентимиз томонидан жафокаш афгон заминда тинчликни тезроқ қарор топтириш учун қандай таклиф илгари сўрилди?
2. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши қанчани ташкил этади?
3. Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш нечи фоизга етди?
4. Ўзбекистонда охириги 30 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кечириши қанчага етди?
5. Мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг неча фоизини хотин-қизлар ташкил этади?
6. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг нечи фоизини ташкил этади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент: “Ўзбекистон”. 2019.
2. Каримов И.А. БМТ асамбеясининг 48-сессиясида қилган маърузаси.1993йил 18 сентябрь, // Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Тошкент: “Ўзбекистон”.1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсагасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: “Ўзбекистон”. 1997.
4. Каримов И.А. Савдо уйидан ипак йўлини тиклаш сари.Асарлар,2-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1996.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: “Маънавият”. 2008.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”.2017.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон – Келажаги Буюк давлат. –Тошкент: “Ўзбекистон”. 2019.
9. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Тошкент: “Маънавият”. 2017.

10. Абдуллаев М., ва бошқалар. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп лугат. тўлдирилган учинчи нашр. - Тошкент: “Шарқ”. 2006.
11. Рахимов М.А. Новейшая история Узбекистана. Руководитель проекта и редактор: - Тошкент: “Адабиёт учқунлари”. 2018.
12. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. –Тошкент: “Ўзбекистон”. 2001.
13. Мусаев Одил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини. – Т.: “Истиқлол нури”, 2016, 232 бет.

12-МАВЗУ: ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

12.1. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари.

12.2. Мустақил Ўзбекистон миллий тараққиёт моделининг ишлаб чиқилиши.

12.3. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг мақсад ва вазифалари, йўналишлари ҳамда асосий концептуал гоялари.

12.4. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи

Таянч тушинчалар: Янгиланаётган Ўзбекистон, миллий тикланиш, миллий юксалиш, , илм-фан, санъат, маданият, маданий-маънавий мерос,. Миллий гоя, Ватан туйғуси, ижтимоий ривожланиш, Ҳаракатлар стратегияси

12.1. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

Биринчи масала баёни. Дунёда икки юз элликдан ортиқ давлат, минглаб халқ ва элат бор. Улар орасида Ўзбекистон дея аталмиш гўзал ва бетакрор мамлакатнинг ўз ўрни ва нуфузи, ўзига хос тараққиёт йўли борлиги қалбимизга ифтихор бағишлайди. Шу боис ҳам Мустақиллик биз учунбениҳоя қадрлидир. Қадрли нарса эса осонликча қўлга киритилмаслигини барчамиз яхши биламиз.

Ватанимиз тарихи бир неча минг йиллар билан бўйлашади. Бу диёр жаҳон тамаддунининг тамал тошини қўйган, илм-фани, санъати, маданияти, улкан маданий-маънавий мероси, олиму фузалолари билан донг таратган. Шу боис яқин ўтмишда қарийб бир аср давомидаги мустамлака даври, унгача ҳам ҳақ-ҳуқуқлари поймол этиб келинган халқимиз руҳини ҳеч қандай куч сўндирилмаган. Шу нуктаи назардан ўзбек тилига давлат тили мақоми

берилгани, 1990-1991 йилларда Наврўз байрами қайта тиклангани, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари байрам кунлари деб эълон қилингани халқимизнинг асрий орзу ва армонлари рўёбга чиқиши, миллий кадриятларимиз тикланиши йўлидаги дастлабки йирик қадамлар бўлди.

Жаҳон геосиёсий майдонидаги ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларининг кучайиши ҳамда замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ер юзидаги давлатлар тарихида кескин бурилиш ясади. Инсоният мутлақо ўзгача муҳит, янгича талаб ва илгарилари кузатилмаган хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кучайган бир шароитда яшашига тўғри келмоқда.

Дунё миқёсида шиддат билан кечаётган бундай жараёнлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига жиддий таъсир ўтказмоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақа ва давлатларида содир бўлаётган аянчли воқеалар таҳлили оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тизими, ижтимоий тармоқлар ва электрон нашрлар кўп ҳолларда айрим бузгунчи кучлар қўлида турли сохта, зарарли гоё ва мафқураларни тарғиб этишининг қулай ва тезкор воситасига айланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Бу каби таҳдидлар миллий ва умуминсоний кадриятлар емирилишига, зўравонлик, инсон тақдири, жамият ҳаётига беписандлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик, андишасизлик, беҳаёлик каби иллатлар илдиз отишига, одамзотнинг ўз тарихий, диний, миллий-маънавий илдизларидан узилиб қолишига сабаб бўлмоқда ва жаҳондаги кўплаб давлатларда умумий тенденцияга айланиб бормоқда.

Бундай мураккаб шароитда миллий ва умуминсоний кадриятларни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳар бир давлат олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Зеро, ўзгариб бораётган дунё манзараси ва унинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, вужудга келаётган сиёсий воқелик ва ўзгаришларни миллий ва умуминсоний манфаатлар асосида таҳлил этиш, мавжуд таҳдид ва хавф-хатарлар келиб чиқиш сабабларини идрок этган ҳолда уларга қарши курашда бутун жамиятни сафарбар этиш мамлакат келажаги ва барқарор тараққиётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Жамиятни сафарбар этувчи куч сифатида эса бу жараёнда азалдан халқнинг маънавий-руҳий таянчи бўлган миллий гоё муҳим ўрин тутган. Миллий гоё барча замонларда ҳам долзарб аҳамият касб этадиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, жамият аъзоларининг эзгу орзу-интилишлари, туб манфаатларини ўзида акс эттирадиган ва шу йўлда бирлаштирадиган, сафарбар этадиган, муттасил ривожланиб борадиган энг муҳим тушунча ва тамойиллар тизимидир.

Миллий гоё соғлом фикрлайдиган ҳар бир шахс ва фуқарода миллий гуруҳ-ифтихор, ор-номусни уйғотадиган, ўзликни англатадиган, халқнинг мақсади ва орзу умидлари рўёбга чиқишига куч-қудрат берадиган, миллатни ҳаракатга келтирадиган қудратли омилдир.

Миллий гоёни Ватан туйғусидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Айнан шунинг учун ҳам муайян бир мамлакатда яшаётган халқнинг тақдирини ва келажагини шу давлат ва жамият ривожига боғлиқ эканини чуқур англашиш, бу туйғунини уларда амалий ҳаракатга, ҳаёт тарзига айлантириш миллий гоёнинг энг муҳим хусусиятидир.

Жаҳон тарихида халқларнинг юксалиши уларнинг маънавий, гоёвий бирлашувидан бошланган. Улар айнан миллий гоё асосида мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтган. Миллий гоё уларни Ватанга бўлган садоқати, маънавияти ва маданиятини юксалтириб, буюк мақсадлар сари сафарбар этган.

Ривожланган демократик мамлакатларда миллий гоё тараққиётга ундовчи куч сифатида халқларнинг азалий миллий қадрият ва хусусиятларига боғлаб сингдирилган. Унинг қудратли мафқуравий таъсири мамлакат аҳолисини умумий мақсадлар йўлида бирлаштирган.

Шу боис ҳам, Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичида кўп миллатли халқимизнинг ягона миллий гоёси дунё ижобий тажрибасининг нафақат маънавий-маърифий, тарбиявий-ахлоқий жиҳатларини, балки ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги, жумладан шахснинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ муҳим ютуқларини ҳам ўзида мужассам этади.

Миллий гоё Ўзбекистоннинг тарихий, маданий, илмий ва фалсафий манбаларидан озикланади ҳамда бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган дунёга мос равишда ўсиб, такомиллашиб боради.

Халқнинг буюк мутафаккир ва алломалари, давлат ва жамоат арбоблари, атоқли ижодкор ва зиёлиларининг қарашлари, бой маънавий-маърифий мероси миллий гояннинг ана шундай негизларини ташкил этади.

Ўз навбатида миллий гоя халқнинг дунёқараши, тарихий ўзлиги ва миллий тарбиясининг маънавий манбаи сифатида ёш авлод онгига миллий ва умуминсоний кадриятларни сингдириб боради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий истиқлол гоясининг ишлаб чиқилиши Ўзбекистонда мустақилликни асраш, мамлакат хавфсизлигини сақлаш, мафкуравий таҳдидларга қарши курашда халқни бирлаштиришга хизмат қилди.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги каби тамойиллар мураккаб ўтиш даврида мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ижтимоий барқарорлик муҳитини қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий асосларини яратишда миллий гоя бунёдкор манба бўлиб хизмат қилди. Шу тариқа халқимиз миллий тикланиш давридаги вазифаларни амалга оширишга эришди.

Ўзбекистон тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли мамлакатимиз ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, **миллий тикланишдан миллий юксалиш сари** дадил илгарилаб бормоқда.

Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш – бу ўз тақдиримизни кўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуг тарих, маданият ва маънавиятга эга эканимизни, ўзликимизни чуқур англаб, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, кадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир. Мустақиллик:

➤ ўзаро ҳурмат, бир-бирларини кадрлаш, миллий ва умумбашарий кадриятларга таяниб иш кўриш, кенг дунёқараш ва эркин тафаккур асосида яшаш, фикрлаш, ўз ҳаётини ўзи ташкил этиш имконияти ва амалиётини билдиради.

➤ ҳар бир халқнинг, миллатнинг, ҳар бир фуқаронинг ўз истеъдодини намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўл очади.

➤ бизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаровий жамият барпо этишга, халқимиз салоҳиятини мустаҳкамлашга, юртимиз шон-шухратини дунёга ёйишга даъват этади.

➤ халқимизнинг иродаси, ўзбек миллатининг ҳақ-ҳуқуқини, унинг жаҳон цивилизациясига кўшган ва кўшаётган бетакрор ҳиссасини жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши воситаси.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йигирма саккиз йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар – миллий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг қўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг кийёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, қани, айтинг, азиз дўстларим, кадрдонларим, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинмиди?

Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ.

Фақатгина мустақиллик ва яна бир бор мустақиллик бу йўлда тоғдек мустаҳкам асос ва қудратли замин бўлди.

Истиқлол – халқимиз учун муносиб ҳаёт

- 1 • Ўз тақдирини ўзи белгилаш
- 2 • Моддий ва маънавий, табиий бойликларга тўла эгалик қилиш ва улардан мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш
- 3 • Таракқиёт йўлини мустақил танлаш
- 4 • Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, замонавий билим ва касбни ўргатиш
- 5 • Миллий ва диний қадриятларимизни қайтадан тиклаш
- 6 • Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини тўла шакллантириш
- 7 • Шахснинг истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этиш
- 8 • Юртимиз хавфсизлиги, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш
- 9 • Халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқлилик асосида иштирок этиш

КЕЧА Ўзбекистонимиз ўта огир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобиди қолиб кетгани, қоқоқ, фақатгина пахта хомашёси етиштирадиган минтақага айланиб қоқгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва социал аҳволи қандай аянчли ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикамизни жар ёқасига олиб келгани, ўйлайманки, ҳали-бери кўпчилик юртдошларимизнинг ёдидан чиққан эмас.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини ўзи боқишга қурби етмаган ночор ўлкадан ўз қучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айлангани барчамизга ғурур-ифтихор бағишламоқда ва аксарият халқаро қузатувчиларнинг ҳавасини тортмоқда.

Эл-юртимиз қандай қатта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охириги йиллар давомида биз қўлга қиритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қаратишни ўринли деб биламиз.

Миллий давлатчилиғимизни барпо этиш йўлидаги залворли қадам сифатида Мустақилликнинг дастлабки йилларида дастлаб унинг қафолати бўлмиш Конституция қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб белғиланиб, мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик муҳити қарор топди, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллаштирилди, суд-ҳуқуқ тизимида, оммавий ахборот воситалари, маънавий-маърифий соҳаларда кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эғаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илғарилаб бормоқда. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиғининг йигирма саккиз йиллиғига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи бу ўзғаришларни янада теранроқ англашимиз, идрок этишимизда муҳим аҳамият қасб этди. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир сўзлари халқимиз қалбида ифтихор туйғуларини янада жўш урдирди. Шубҳасиз, бундан руҳланган халқимиз давлатимизнинг ҳар қарич ерида юксалиш даври бўлиши учун азму қарор қилмоқдалар.

Муҳтарам Юртбошимиз нутқида таъкидлаганидек, Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз.

Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида бўлаётган катта ўзгаришлар ҳаётимизда муҳим воқеликка айланмоқда.

Юртимизда ижтимоий ривожланиш бўйича ўзига хос тизим шаклланимоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширилаётгани, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби дастурлар аҳолини янгиликка фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида, ҳатто мамлакатнинг энг чекка ҳудудлари, марказлардан олисда жойлашган қишлоқларнинг ҳам меъморий қиёфаси тубдан янгилашиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалтирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, айниқса, таълим-тарбия соҳаларида бўлаётган улкан ўзгаришларнинг барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизим тикланганини, мактаб таълимини ривожлантириш масаласи буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Сўнгги уч йилда 35 та янги олий ўқув юрти ташкил қилинган, уларнинг умумий сони 112 тага етгани, эътиборлиси, буларнинг 13 таси нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари экани соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин исботидир.

Мақсадимиз: Биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйдик ва бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтара олмайди.

**12.2. Мустақил
Ўзбекистон
миллий
тараққиёт
моделининг
ишлаб
чиқилиши**

Иккинчи масала баёни. Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва янгиликлар жараёнида миллий гоёни ривожлантириш кун тартибидаги долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатлари, янги мафкуравий ҳавф ва таҳдидлар кўламининг кенгайиб бораётгани мазкур масаланинг аҳамиятини янада оширмоқда. Бу жараёнда қуйидагиларга алоҳида

аҳамият бериш талаб этилмоқда:

биринчидан, мамлакатимизни бугунги тез тараққий этиб бораётган дунёга мос равишда ривожлантириш, жамият аъзоларини миллий юксалиш йўлида янада бирлаштириш ва сафарбар этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

иккинчидан, мамлакат тинчлиги, халқнинг асрлар давомида шаклланган маънавий қадриятларига асосланган ҳаёт тарзини барбод қилишга йўналтирилган гоъвий-мафкуравий таҳдидларга қарши курашда синовдан ўтган миллий ва жаҳон тажрибасининг самарали усулларидан кенг фойдаланиш;

учинчидан, дунёда юз бераётган геосиёсий ва мафкуравий жараёнлар, турли ахборот хуружлари мазмун-моҳиятини англаш, халқаро терроризм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик ва одам савдоси, наркобизнес, “оммавий маданият” каби турли хавф ва таҳдидларга қарши курашишда кучларни бирлаштириш ва уларни умуммиллий ҳаракат даражасига олиб чиқиш;

тўртинчидан, дунёвийлик ва динийликнинг соғлом мувозанатини таъминлаш, инсоф, виждон, диёнат каби ахлоқий қадриятларга таяниб яшаш ва фаолият юритишни фуқароларнинг дунёқараши ва хатти-ҳаракатига сингдириш;

бешинчидан, Ўзбекистон кўп миллатли багрикенг диёр эканини инобатга олган ҳолда, “Миллий гоъ-бизнинг гоъ” деган тушунчани барча миллат ва элат вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш;

олтинчидан, ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш;

еттинчидан, инсон капиталини ривожлантириш, таълим ва тарбияни миллий гоъ қадриятлари даражасига кўтариш, таълим олишга бўлган интилишни рағбатлантиришнинг самарали механизмларини жорий этиш.

Миллий гоъ инсон, халқ ва жамият ҳаётига чуқур кириб борадиган таъсирчан омил сифатида жамиятнинг бош мақсадини ифода этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида **миллий тикланишдан-миллий юксалиш** сари деган улуг мақсад бош гоъ сифатида майдонга чиқмоқда.

Миллий юксалиш ғоясининг асосий вазифалари:

- Ўзбекистонни 2030 йилгача дунёдаги 50 та ривожланган демократик давлатлар қаторига киришига эришиш;

- ҳаёт сифатининг юқори даражасини таъминлашга қодир иқтисодий механизмларни жорий этиш орқали одамларнинг ҳаёт даражасини тубдан оширишга эришиш;

- халқ манфаатлари ва адолат тамойиллари устунлигини таъминлашда **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”** деган ғояга қатъий амал қилиш;

- жамиятда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликнинг ғоявий асосларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, дини, миллий урф-одат ва қадриятларини сақлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, оналик ва болаликни, оилани, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш;

- буюк алломалар, азиз-авлиёлар бебаҳо меросини, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, енгилмас саркардалар, замондошларимиз жасоратини ёшларга етказиш, уларнинг қалбида ватанга садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш;

- халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуг мақсадлар сари сафарбар этадиган, миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас бойлиги бўлган ўзбек тилини ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш;

- янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илгор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, юқори малакали, ҳалол ва садоқатли кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратиш;

- таълим-тарбия жараёнларини тараққиётнинг бош омили даражасига қўтариш, узлуксиз таълим-тарбия тизимини миллий ғояга мувофиқ такомиллаштириб бориш, тарбиянинг таълим стандартларини яратиш;

- таълим тизимининг барча бўғинларида юксак салоҳиятли, янгича ва мустақил фикрлайдиган, Ўзбекистоннинг эртанги тақдирини ўз қўлига олишга қодир ёшларни тарбиялаш, бу борада инновацион ёндашувни кенг жорий этиш;

- хорижда яшаб таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ватандошлар билан мунтазам алоқа ўрнатиш, уларнинг ўз билим ва тажрибаси, ақл-

заковатини Ўзбекистон равнақи йўлида ишлатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш.

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари деган улуг мақсад давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини комплекс ривожлантиришни назарда тутди. Миллий гоёнинг асосий тушунча ва тамойиллари Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бош гоёсидан келиб чиқади ва уни тўлдириб, бойитиб боради ҳамда халқимиз қалби ва онгига янада чуқур сингдиришга хизмат қилади.

1. Ягона Ватан туйғуси. Инсон қаерда яшамасин, ягона Ватан туйғуси уни ўз муқаддас замини билан боғлаб туради. Маънавий баркамол инсон доимо юртининг бугунги ва эртанги тараққиёти ҳақида ўйлайди, унинг олдидаги фарзандлик бурчини адо этишга интилади.

Шу боис ҳам Ўзбекистонликларнинг билим ва тажрибаси, ақл-заковати, истеъдодини Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, уларнинг орзу умидлари рўёби саналган миллий гоёни амалга ошириш йўлидаги интилишларни умуммиллий ҳаракатга айлантириш долзарб вазифа саналади.

Бу жараёнда Ватан равнақининг муҳим манбаи бўлган миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш асосида мамлакатдаги 130 дан зиёд турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш муҳим ўрин тутди.

2. Адолат - қонун устуворлигида. Барча соҳада адолат ва қонун устувор бўлсагина жамиятда том маънодаги эркинлик ҳамда демократия, юксак маънавият, соғлом турмуш тарзи қарор топади. Шу боис, улуг аждодларимиз адолатли давлат ва жамият қуришни орзу қилиб, унинг ҳуқуқий ва илмий-фалсафий асосларига доир таълимотлар яратган.

Жамият ҳаётида адолатни қарор топтиришда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши **керак**” деган гоёга қатъий амал қилиб, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу

мулоқотлар орқали оддий фуқароларда давлатга, унинг идораларига бўлган ишонч мустаҳкамланади, улар ўзларининг давлат ва жамият бошқарувида иштирок этаётганини, ҳуқуқий-демократик давлатда яшаётганлигини чуқур ҳис этиб, улкан бунёдкор кучга айланади.

3. Халқ розилиги. Инсон қадр-қимматини кўтариш, унинг ўз ҳаёти ва тақдирининг ҳақиқий эгаси деб ҳис этиши, моддий ва маънавий жиҳатдан тўқис яшаши учун барча зарур шароитларни яратиш, халқнинг розилигига эришиш миллий гоёнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Юртимизда қабул қилинаётган кўплаб ижтимоий дастурлардан кўзда тутилган мақсад ҳам шунда.

Ўзбекистоннинг замонавий киёфаси, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-гуманитар тараккиёти, бир сўз билан айтганда, миллий юксалиш даражаси аввало халқимизнинг ўз бунёдкорлик салоҳияти, орзу-умидларини руёбга чиқариш учун яратиб бериладиган шарт-шароит ва имкониятларга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган халқчил ва инсонпарвар сиёсат бу борада олдимизда турган улугвор вазифаларни амалга оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

4. Жаҳолатга қарши маърифат. Жаҳолат нафақат диний шаклда, балки дунёвий, даҳрийлик кўринишида ҳам намоён бўлади. Миллий гоё бундай жаҳолат кўринишларига қарши маърифат асосида кураш олиб боради, маънавият ва маърифат масаласини Ўзбекистонлик барча соғлом фикрли, масъулиятли кишиларнинг виждон ишига айланишига даъват этади.

Бунда аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга баҳдам бериш мақсадида қабул қилинган "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюция асос бўлиб хизмат қилади.

Таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омили ҳисобланади. Шу боис инсон маънавий олами, халқимиз маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Бу борада миллий гоё юртимиз заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий-

маънавий меросига, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятига, жаҳон илм-фани ютуқлари ва умумбашарий тараққиёт тажрибаларига асосланади.

5. Инновацион тараққиёт. Ўзбекистон – улкан табиий захиралар, иқтисодий ва инсоний салоҳиятга бой мамлакат. Шунинг учун **миллий тикланишдан – миллий юксалиш** сари боришда иқтисодиётни, бутун мамлакатни инновацион асосда ривожлантириш муҳим роль уйнайди.

Бугунги кунда дунёда инновацион гоёсиз, илм-фан ютуқларисиз бирор-бир соҳа ривожини тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги – бу халқнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.

Ўрта асрлар оралигида юртимиз худудидан етишиб чиққан улуг аллома ва мутафаккирлар жаҳон илм-фанига, бутун инсоният тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган.

Хусусан, **IX-XII** ва **XIV-XV** асрларда икки қудратли илмий- маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ Уйғониш даври –Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Шу боис ҳам, инновацион тараққиёт билан халқимизнинг анъанавий миллий турмуш тарзи ўртасида ўзига хос уйғунликни таъминлаш орқали Ўзбекистонга хос миллий тараққиёт моделини яратиш устувор вазифа ҳисобланади.

Миллий юксалиш гоёси халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариб, Ўзбекистоннинг янги тарихида учинчи ренессанс даврининг бошланишига хизмат қилади

12.3. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатларстратегияси” нинг мақсад ва вазифалари, йўналишлари ҳамда асосий концептуал гоёлар

Учинчи масала баёни. Ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт омиллари, эҳтиёжлари, талабларива ҳаётий тамойиллари бўлади. Табиийки, буларнинг барчасини шакллантириш ва ривожлантиришга, уларга алоҳида маъно-мазмун

багишлашга, бу даврда давлат, жамият ҳаёти, ижтимоий сиёсий институтлар фаолиятининг аниқ йўналишларини белгилаб берадиган улкан тарихий

воқеалар бўлади. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралда имзоланган Фармонига** мувофиқ уни ҳаётга жорий этиш бўйича қонуний тамойил ва механизмлар тасдиқланди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича [Ҳаракатлар стратегияси](#) (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор «Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун» деган тамойил ва «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган эзгу гоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилишига қаратилди.

[Ҳаракатлар стратегиясини](#) «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда ҳам, чет эл ижтимоий-сиёсий доиралари томонидан ҳам катта кизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда. Бу борада атоқли олимлар, нуфузли эксперт ва кузатувчилар, турли даражадаги кўзга кўринган раҳбарлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши мамлакатимиз тараққиёти учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ:

I. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган

III. Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган

V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган

Биринчи йўналишда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида белгилаб берилди. Унда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, шу орқали қонун устуворлигига эришиш асносида жамиятда бошқарувнинг эркин ва халқ ҳокимиятчилиги тамойилларини чуқурлаштиришга эришилади. Давлат бошқаруви тизимини либераллаштириш, турли бюрократик тўсиқларни камайтириш, давлат бошқарувида кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш чораларини кўриш бўйича аниқ гоёлар илгари сурилади. Очик жамият қуриш, давлат ва фуқаро муносабатларини мустаҳкамлаш ва натижада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида муҳрлаб қўйилганидек, давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбаи халқ экани, давлат халқ манфаатларини ҳимоя қилиши, айти пайтда халқ ўз мақсад ва интилишларини, орзу-умидларини давлат тимсолида кўриши каби принцип ва қоидаларни тўлиқ амалга ошириши асосий мақсад қилиб қўйилган.

Бу йўналиш бўйича ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, шунингдек, ҳар бир давлат органида ташкил этилган фуқароларнинг мурожаатлари биланишлар бўйича махсус бўлинмалар аҳоли билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги самарали тизимини шакллантиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар [концепцияси](#) давлат бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, «Электрон ҳукумат» ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш, иқтисодий таъсирни қисқартириш ҳамда бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, соғлом рақобат муҳити ва қулай инвестиция иқлимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

Иккинчи йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан иборат. Бунда суд ҳокимиятининг чинакам самарадорлигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш устувор вазифа қилиб қўйилди.

Мазкур йўналишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш орқали инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, қабул қилинган барча қонунларнинг тўла ва самарали ишлаши бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор берилади. Олий суд фаолиятини ислоҳ қилиш, унинг замонавий, ҳозирги кун талаблари асосида ишлайдиган тизимини вужудга келтириш борасида янги гоёлар илгари сурилди. Жумладан, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш орқали адолатли, халқчил, фуқаролар манфаатларини тўла ҳимоя қила оладиган, уларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиб берадиган суд тизимини вужудга келтириш талаб этилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш, энг муҳими, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилмаслиги чораларини кўриш, профилактика тизимини янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, қонунга риоя қилиш ва қонун устуворлигига эришиш орқали суд ва судловнинг юксак маданиятига эришиш йўл-йўриқлари аниқ-равшан акс эттирилади.

Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш орқали суд-ҳуқуқ органларини «жазоловчи органдан фуқаролар манфаатини ҳимоя қиладиган, уларнинг қундалик юмушларига ёрдам берадиган, ҳар қандай муаммоларини қонун доирасида ҳал қилиб берадиган хизматлар органига айлантириш» механизмнинг юқори савияда ишлашини таъминлаш бўйича амалий ечим ва таклифлар илгари сурилади.

Ўтган давр мобайнида Суд-ҳуқуқ тизимида судларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизминини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда маъмурий ва иқтисодий судларнинг ташкил этилганлиги одил судловга эришиш даражасини ошириш имконини берди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатда

жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи 15,7 фоизга камайишига эришилди, 1,2 минг маҳаллаларда бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Илгари, асосан хавфсизликка хавф-хатар ва таҳдидлар оқибатларига қарши курашиш билан чекланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ёндашувлар концептуал қайта кўриб чиқилди. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш орқали одамларнинг онги учун курашиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилаётган, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётини муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган даврда 1 243 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

Учинчи йўналиш иқтисодиётни ривожлантириш валибераллаштиришнинг устувор йўналишларини ўзида ифода этади. Бунда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтириш бош вазифа қилиб қўйилган.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, тупроқ унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, янги ва харидоргир маҳсулотлар етиштириш орқали жаҳон бозорига чиқишнинг янги йўналишларини жорий этиш назарда тутилади.

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мулкка эгалик қилиш ва унинг ҳажмини ошириш орқали юқори самарадорликка эришиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уни рағбатлантириш мўлжалланмоқда. Вилоят, туман ва шаҳарларни уларнинг табиий-географик имкониятлари, ер шароити ва деҳқончилик маданиятини назарда тутган ҳолда, ҳудудий эҳтиёж ва манфаатлар нуктаи назардан иқтисодий ривожлантириш чораларини кўриш белгиланган.

2017 йилда мамлакатимизда иқтисодий соҳада кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш ва чет эл ҳамкорларининг даромадларини репатриация қилиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъминловчи миллий валюта эркин конвертациясининг жорий этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди.

Давлат бюджетини шакллантиришнинг тамомила янги принциплари ва механизмлари жорий этилди, унинг даромад ва харажатлари шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга қаратилган ишга солинмаган заҳиралардан фойдаланиш чоралари кўрилди.

Биринчи босқичда — узок муддатли (10-15 йилга мўлжалланган) тармоқ, худудий ва мақсадли ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, иккинчи босқичда — тармоқ, худудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини тузиш, учинчи босқичда — ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришнинг мутлақо янги тартиби тасдиқланди.

Тўртинчи йўналишда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топган. Бунда аҳоли бандлиги ва унинг реал даромадларини изчил ошириш, жумладан, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат фаолиятининг янги шакл ва турларини жорий этиш назарда тутилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш, хаёт шароитларини яхшилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни модернизация қилиш орқали узок истиқболга мўлжалланган ва муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган юксак маданиятли яшаш шароитига эришиш чора-тадбирларини кўриш энг муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Таълим-тарбия ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга, ҳар томонлама баркамол, етук инсон - юқори малакали мутахассисни тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Бу эса ёшларга оид давлат сиёсатини бутун чоралар билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўтган давр мобайнида ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар, биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлигини сақлашни кучайтириш, аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш, арзон ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди.

2017 йилда шаҳарлар ва қишлоқларда умумий турар-жой майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қурилди. Турар жой қурилиши ҳажмлари 2010 йилга нисбатан 3,5 бараварга ошди.

Халқ билан мулоқот натижалари бўйича 11 йиллик умумий ўрта таълимни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди, олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг шаффоф механизмлари жорий этилди ва квоталар жиддий равишда оширилди. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Бешинчи йўналиш хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор вазифалар билан боғлиқ бўлиб, бунда дунё қалқиб турган, турли минтақаларда уруш давом этаётган, қон тўкилаётган бир шароитда миллий хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор бериш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўндан ортиқ диний конфессиялар, 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшаётган Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, турли эътиқод ва маданиятларни ҳурмат қилиш сингари бағрикенглик фазилатларини янада чуқурлаштиришнинг аҳамияти беқиёс эканлиги таъкидланади. Ўзбекистон деб аталган умумий хонадонимиз, 32 миллионли оиламиз истиқболи учун диний эътиқоди, миллий мансублиги, касбу кори ва ёшидан катъи назар, ҳар бир фуқаро масъул эканини англаш, фарзандларимизни шу руҳда тарбиялаш асосий вазифа этиб белгиланган.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, давлатларнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлигини сақлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган

бошқа қоида ва нормаларига асосланиб, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат олиб бориш бўйича устувор йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Ўтган давр давомида Миллатлараро тинчлик ва тотувликни, пухта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат амалга оширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилганлиги натижасида кўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилди, Марказий Осиё ҳудудида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.

Айтиш мумкинки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўтган 29 йил давомида мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар, тарихий тажрибаларни умумлаштириб, ҳозирги кунда даврнинг ўзи олдимизга кўяётган долзарб масалаларни ҳисобга олиб, кейинги беш йилга ва ундан кейинги даврга мўлжалланган тарихий тараққиётнинг янги уфқларини очиб беришга қаратилган бўлиб, у ўзининг моҳият эътибори билан Ўзбекистонни янги ривожланиш босқичига кўтаришни таъминлайдиган стратегик дастурдир.

**12.4. Ўзбекистон
тараққиётининг
янги босқичи**

Тўртинчи масала баёни. Мустақиллик йилларида миллий юксалиш гоёсининг асосий тамойилларидан кели чиқиб Республикаимизнинг барча жойларида шаҳар ва қишлоқларида, турли соҳаларда кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Миллий юксалиш гоёсининг асосий тамойиллари унинг илмий жиҳатдан асослангани ва мунтазамлиги, очиқлик ва бағрикенглик, тарихийлик ва замонавийлик, универсаллик ва мослашувчанлик каби хусусиятларга эга эканлиги билан ифодаланади ва қуйидагиларда ўз аксини топади:

- миллати, тили ва динидан қатъий назар, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари манфаатлари ва орзу-интилишларини акс эттириш;
- миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигини, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш;
- қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий кадрият даражасига кўтариш;
- ошқоралик ва фикрлар хилма-хиллигига риоя этиш;
- шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳамда масъулияти уйғунлигига эришиш;

- фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган иқтисодий омиллар самарадорлигини ошириш;

- миллий юксалиш гоёсини умуммиллий ҳаракатга айлантириш устувор вазифага айланди.

Ҳар жиҳатдан ўзини англаётган миллат улуг бунёдкорликлар қилишга киришиб кетди. Ўтган 30 йил ичида Ўзбекистон таниб бўлмас даражада ўзгарди. Нафақат кўчалар ва хиёбонлар, бу даврда жамият ва одамлар ҳам ўзгариб, юртдошларимиз эркин фикрлай бошладилар. Ҳар кимнинг ўз вазифасига нисбатан масъулияти ҳам ортди. Шу билан бирга ёшларда Ватанга садоқат ҳисси кучайди. Инсон учун озодликдан кадрли неъмат йўқ.

Дунёдаги жамики бунёдкорлик ва яратувчанликнинг асоси – озодликдир. Тарихан қисқа бир даврда, аввало, эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий галабасидир.

Бугун халқимиз, Ватанимиз интилаётган миллий тараққиётнинг янги босқичига ҳос асосий хусусиятлар, мақсад ва вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев бошчилигида ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегияси ва бошқа муҳим ижтимоий- иқтисодий, сиёсий ҳужжатларда аниқ белгилаб берилди. Уларда жаҳондаги, Марказий Осиё минтақасидаги вазият, ривожланиш тенденциялари, истиқболдаги тараққиёт йўллари чуқур таҳлил этилган.

Ўзбекистонда айни шу асосда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада либераллаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани ҳақидаги Конституциявий тамойил асосида халқ билан мулоқот давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мамлакатни инновацион ривожлантириш, одамларда фаол фуқаролик позицияси ва ташаббускорликни кучайтириш, мустақил дунёқараш ва фикрлаш кўникмасини шакллантириш, жамиятда адолат устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий-демократик давлат

асосларини мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши кураш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш бўйича муҳим вазифалар амалга оширилди.

Жамият ҳаётининг барча бўғинларида халқ билан мулоқотнинг турли шакл ва воситалари, жумладан, Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхоналар, Бош вазир қабулхонаси, масъул ва мутасадди раҳбарларнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги ҳисоботлари, сайёр қабуллар, ижтимоий муаммоларни, одамларнинг яшаш шароитларини бевосита жойларга чиқиб ўрганиш каби усуллар кенг қўлланаётгани миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш орқали миллий гоё тамойилларини такомиллаштиришга, пировард натижада аҳоли манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, бозор муносабатларига тўлиқ ўтиш, хусусий мулк, хусусий тадбиркорлик эркинлигига янада кенг йўл очиш, барча соҳаларда давлат-хусусий шериклик муносабатларини фаол қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ер ости ва ер усти бойликларидан, инсон ресурсларидан тўла фойдаланиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичида фуқаролар қалби ва онгидаги янги сифат ўзгаришлари ҳаёт даражасининг юксалиши билан уйғун ҳолда кечмоқда.

Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини улар дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, давлат томонидан ишончли ҳимоя қилиш реалликка айланиб бораётгани, бу борада барча зарур механизмлар ишга солинаётгани жамият аъзоларининг ўз халқи ва Ватанидан фахрланиш туйғусини, давлатнинг адолат ва қонуний ҳуқуқлар қафолати сифатидаги салоҳиятига бўлган ишончини оширмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси асосида кечаётган шиддатли ислохотлар халқнинг келажакка ишончини мустаҳкамлаш, уни бунёдкорлик ишларига сафарбар қилиш, жамиятда учраётган иллатлар, хусусан, лоқайдлик, боқимандалик ва коррупция каби ҳолатларга қарши фаол курашишга даъват этмоқда.

“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуг”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”. “Халқ биздан рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади”, “Адолат–қонун устуворлигида”, “Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди!”, “Инсонларнинг

дарду ташвишларини ўйлаб яшаш–одамийликнинг энг олий мезонидир” сингари тамойиллар ҳаётга жорий қилинмоқда. Бу эса миллий гоёнинг халқ иродаси сифатидаги мақомини оширишга хизмат қилади.

Истиқлол туфайли ўзликимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имкони очилди. Озодлик боис бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг гайрати, азму шижоати ила ватанзимизнинг шон-шуҳрати олам узра янада кенгрок ёйилмоқда. Хуррият берган бекиёс имкониятлар негизда эртанги кунимиз – эркин ва фаровон келажакимизни ўз кўлимиз билан бунёд этмоқдамиз. Энг муҳими, бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган, жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган демократик ислохотлар ортга қайтмайдиган муқаррар тус олгани халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгида эртанги кунга мустақкам ишонч уйготмоқда.

Назорат саволлари:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатларстратегиясининг ишлаб чиқилиши, ҳаётга жорий этилиши ва унинг аҳамияти.
2. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.
3. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишлари.
4. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари.
5. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.
6. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.

Тест саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони қабул қилинган санани аниқланг.

- А) 2016 йил 4 декабрь
- В) 2017 йил 17 январь
- С) 2016 йил 8 декабрь
- Д) 2017 йил 7 февраль**

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да нечта устувор йўналиш белгиланган?

- А) 4 та
- В) 7 та
- С) 5та**
- Д) 6 та

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари нечанчи устувор йўналиш сифатида белгиланган?

- А) иккичи устувор йўналиш
- В) учунчи устувор йўналиш
- С) биринчи устувор йўналиш**
- Д) бешинчи устувор йўналиш

4. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига қуйидагилардан қайси бири киради?

- А) Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш
- В) Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш
- С) Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш
- Д) Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш**

5. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш қайси устувор йўналишда мустаҳкамланган?

- А) Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

В) давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари **9**

С) Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Д) Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари

6. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига нечта банд киритилган?

А) 4 та

В) 3 та

С) 5 та

Д) 6 та

7. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш қайси орган тасарруфига ўтказилиши режалаштирилган?

А) Адлия вазирлигига

В) Олий судга

С) Олий хўжалик судига

Д) Суд департаментига

8. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш принципи Конституциянинг нечинчи моддасида ўз ифодасини топган?

А) 110-моддасида

В) 111-моддасида

С) 112-моддасида

Д) 107-моддасида

9. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун қандай тузилма ташкил этилди?

А) Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси

- В) Коррупцияни олдини олиш бўйича республика идоралараро комиссияси
- С) Бош прокуратура хузурида Коррупцияга қарши курашиш бўйича департамент
- Д) барча жавоблар тўғри

10. Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан бирини кўрсатинг.

- А) жамиятда аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги
- В) аҳолини ислоҳотлардан хабардор эканлиги
- С) коррупцияга қарши курашиш бўйича қонуннинг мавжудлиги
- Д) аҳолини ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент: “Ўзбекистон”. 2019.
2. Каримов И.А. Миллий давлатчилик,истиклол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. –Тошкент: “Ўзбекистон”. 1999.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. - Тошкент: “Маънавият”. 2008.
4. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. - Тошкент: “Ўзбекистон”.2015.
5. Миризёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”.2017.
6. Миризёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.
7. Миризёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг-иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: “Ўзбекистон”.2019.
8. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Тошкент: “Маънавият”. 2017.
9. Назаров Қ., Очилдиев А. Миллий истиклол гоёси: асосий тушунчалар,тамойиллар ва атамалар. –Тошкент: “Янги аср авлоди”. 2002.

10. Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. –Тошкент: “Академия”. 2011.
11. Эргашев И. Миллий истиқлол гоёси. –Тошкент: “Академия”. 2005.
12. Тураев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий гоё. Тошкент: “Манавият”. 2008.

13-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИ ВА НУФУЗИНИ ОРТИБ БОРИШИ

13.1. Халқаро рейтинг ва индекслар жаҳон миқёсида Ўзбекистон нуфузини оширади ва мавқеини мустаҳкамлайди.

13.2. Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг тарихий аҳамияти.

1.3. Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги позициялари ва уларни яхшилашда парламент вазибалари.

Таянч сўзлар: Тадбиркорлик , хорижий инвесторлар қулай муҳит, барқарор иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик ,халқаро рейтинг, индекслар, БМТ,ЮНИДО,МДХ, “Transparency International”, “World Justice Project”, «Doing Business» “Бизнес юритиш” , «Иқтисодий эркинлик» индекси, ИХТТ, “Электрон ҳуқумат, INSEAD, Economist Intelligence Unit халқаро рейтинг агентликлари

13.1. Халқаро рейтинг ва индекслар жаҳон миқёсида Ўзбекистон нуфузини оширади ва мавқеини мустаҳкамлайди.

Биринчи масалда баёни. Инсоният тараққиёти, барча соҳаларда кечаётган глобаллашув жараёнлар, сифат ва таркибий ўзгаришлар халқаро ҳамкорлик ва алоқаларни янги босқичга кўтариш баробарида ҳар бир мустақил мамлакатнинг ушбу ҳолатларга янгича қарашга, улар билан бирга одим ташлаш вазибасини

кўндаланг қўймоқда. Бу эса, энг аввало, ўша мамлакатнинг жаҳон

миқёсидаги ўрни, халқаро рейтинг ва кўрсаткичларда тутган мавқеи билан белгиланади.

Бугун ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида янгилик ва бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Табиийки, бундай янгиланишлар натижаси нафақат халқимиз ҳаётида, балки нуфузли халқаро рейтинг ва индекслар кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топаётир.

Айтиш керакки, халқаро рейтинг ва индекслар ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш жараёнини ўзида намоён этиб, давлат бошқаруви сифати,

аҳолининг турмуш даражаси, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳит, барқарор иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик каби муҳим жиҳатларнинг кўзгусидир. Бу жиҳатлар мамлакатимиздаги ислохотлар моҳиятида ҳам мужассам. Буларнинг барчаси инсон кадрини улуглашга, одамларнинг ҳаётдан рози ва мамнун бўлиб яшашини таъминлашга хизмат қилиши билан янада теран мазмун касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги фармони юртимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлди.

Мазкур фармонга мувофиқ, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши тузилиб, соҳада парламент назорати ўрнатилди. Унга биноан:

— Илгари устувор халқаро рейтинг ва индекслар бўйича ишларни ҳукуматнинг махсус комиссияси мувофиқлаштириб келар эди. Президентимиз фармони билан бу борада республика кенгаши тузилишига нима сабаб бўлди?

— Халқаро рейтинг ва индекслар дунёдаги институционал муҳитнинг сифатини баҳолашда иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган воситадир. Улар нафақат экспертлар, балки давлатлар даражасида ҳам ислохотлар ва ижтимоий-иқтисодий сиёсат мезони сифатида қўлланиб келинади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз кўпгина устувор рейтингларда юқорилаб бораётгани юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятимизда очиқлик, ошкораликни таъминлаш борасида қилинаётган эзгу ишларнинг муҳим натижасидир.

Масалан, БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилотининг -(ЮНИДО) “Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси” бўйича ҳисоботи чоп этилди. Унда мамлакатимиз илк маротаба акс эттирилиб, 152 та мамлакат орасида 92-ўринни, МДҲга аъзо давлатлар орасида 5-ўринни, Марказий Осиё мамлакатлари орасида 2-ўринни эгаллади.

Айтиш керакки, бугун жамиятимиздаги ислохотларнинг бош мақсади халқимизни рози қилишдек эзгу мақсадга йўналтирилмоқда. Барча саъй-ҳаракатларимиз, ислохотларимиз, қабул қилаётган қонун ва қарорларимиз замирида ҳам ушбу мақсад мужассам. Аҳоли юритилаётган сиёсатдан

канчалик рози бўлса, турли рейтинг ва индекслардаги ўрнимиз ўз-ўзидан ошиб бораверади.

Хусусан, иқтисодиётда давлатнинг ролини камайтириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсиш истикболларини яхшилашга қаратилган босқичма-босқич ислохотлар 2020 йилда Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” индексида 76-ўрндан 69-ўринга кўтарилишимизга, “Transparency International”нинг Коррупцияни қабул қилиш индекси ҳамда “World Justice Project”нинг Қонун устуворлиги индексида мамлакатимиз ўрни яхшиланишига олиб келди.

Шу билан бирга, бу йўналишда ҳали қилиниши керак бўлган вазифалар талайгина. Президентимиз фармони асосида давлат органлари фаолияти натижадорлигини олий, яъни парламент даражасида назорат қилиш белгиланганидан мақсад — бу борада вазирлик ва идоралар раҳбарларининг масъулиятини оширишдир. Шу боис, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди. Олий Мажлис депутатлари ва сенаторларининг халқ томонидан сайланишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур механизм соҳадаги чора-тадбирлар ижроси устидан халқ назорати ўрнатилганлигини аниқлатади.

Эндиликда вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўзлари масъул бўлган рейтинг ва индексларда кўрсаткичларни яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар ва белгиланган вазифалар ижроси юзасидан республика кенгашида ҳисобот бериб борадилар.

Халқаро рейтинг ва индекслардаги мамлакатимиз ўрнининг яхшиланиши кўп жиҳатдан қабул қилаётган қонунларимизнинг жойлардаги ижросига боғлиқ. Шунинг учун ҳам кенгаш таркибига маҳаллий ҳокимлар киритилди. Бу эса қонун талабларининг жойлардаги ижроси юзасидан муаммоларни вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш имконини беради.

Шу орқали бу йўналишдаги ишларда парламент, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг ўзаро ҳамкорлиги таъминланади, сансалорлик ҳолатларининг олди олинади, барча ишлар мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил этилади.

— Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш мамлакатимиз учун буткул янги йўналиш ҳисобланади. Шу маънода вазирлик ва идоралар, суд ва прокуратура органлари, маҳаллий ҳокимликлар бунга қай даражада тайёр?

— Албатта, бу кўп вақт сарфланадиган, прогрессив билимларни талаб этувчи янги жараёнлардан бири. Бу, шубҳасиз, масъул давлат органларининг ўзларига бириктирилган халқаро рейтинг ва индекслар методологиясини изчиллик билан ўрганиш, уни тўғри талқин қила олган ҳолда амалиётга

таъбиқ эта олиш, халқаро рейтинг ва индексни берувчи ташкилот билан алоқаларни ўрната олиш билан боғлиқдир.

Очиги, барча вазирлик ва идоралар, айниқса, жойлардаги ҳокимликлар ёки парламент аъзоларининг барчаси ҳам масаланинг туб моҳиятини тўла англаб етди, деб айтиш мушкул. Юқорида айтганимдек, рейтинг ва индекслар жойлардаги вазиятга боғлиқ, қонунларнинг ижросига боғлиқ. Минг афсуски, жойлардаги ҳокимликлар ёки давлат органлари вакилларининг баъзида билиб-билмай айтган гап-сўзлари ёки хатти-ҳаракатлари рейтинг ва индекслардаги ўрнимизга салбий таъсир қилади.

Шу ўринда барча раҳбарлар, улар қайси даражадаги раҳбар бўлишидан қатъи назар, ўз ҳаракатларини қонунларда белгиланган тартибда амалга оширишлари зарур эканини яна бир қарра таъкидламоқчиман. Одамлар билан мулоқотларда эса инсон шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши шарт.

Ҳар бир тизимда ишларимизни самарали ташкил этиш мақсадида барча вазирлик ва идораларда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича таркибий бўлинмалар ташкил этилишига эришдик. Бу эса ишимизни анча осонлаштиради. Ажратилган алоҳида ходимлар доимий равишда ўзларининг вазирлиги ёки идораси масъул бўлган халқаро рейтинг ва индекс бўйича иш олиб боради.

Халқаро рейтинг ва индексларнинг аҳамияти, олдимизда турган устувор вазибаларни белгилаш, рейтинг агентликларининг методологияларини ўрганиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ҳамда вазирлик ва идоралар масъуллари учун махсус тренинглари бошладик.

Шу билан бирга, энг асосий ишимиз қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижросини, бир сўз билан айтганда, қонун устуворлигини таъминлашдир. Бу борада биз парламент ва жамоатчилик назоратини қатъий йўлга қўйишга киришдик ва, албатта, ижобий натижаларга эришамиз.

— Бугунги кунда халқаро миқёсда устувор ҳисобланган тўртта халқаро рейтинг ва индексда Ўзбекистон ҳали эътироф этилмаган. Бунинг сабаби нимада? Ушбу рейтингларда мамлакатимиз ўрнини акс эттириш бўйича қандай чоралар қўрилмоқда?

— Ўзбекистоннинг ушбу халқаро индексларда эътироф этилмаганига бир неча сабаблар бор. Масалан, Жаҳон иқтисодий форумининг “Глобал рақобатбардошлик индекси”га мамлакатимизни киритиш масаласи юзасидан Молия вазирлиги олиб борган музокаралар натижасида индексга кириш жараёни 2 йил муддатни талаб этиши маълум бўлди.

Биринчи йилда ташкилот томонидан Ўзбекистонда расмий сўровнома ўтказиш учун ҳамкор, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари танлаб олинади ва сўровнома ўтказилади. Иккинчи йилда сўровнома натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг индексдаги норасмий ўрни белгиланади ҳамда уларнинг Ўзбекистон кўрсаткичларининг ҳақиқий тенденциялари билан қай даражада мос келиши текшириб кўрилади. -Тенденциялар махсус экспертлар томонидан 2 йил мобайнида мунтазам кузатилиб борилади ва таҳлил қилинади.

Халқаро бюджет ҳамжамиятининг “Бюджет очиклиги индекси”га кириш масаласига тўхталадиган бўлсак, индекс бўйича мамлакатда тадқиқот ўтказиш учун зарур ресурслар (жумладан, маблағлар) фақатгина халқаро нодавлат ташкилотлар ва институтлар (донорлар) ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳамжамиятнинг асосий талабларидан бири — тадқиқот ўтказишдаги маҳаллий ҳамкор сифатида мустақил фуқаролик жамияти институтлари (нодавлат нотижорат ташкилотлар) бўлиши зарур. Мазкур индекс ҳисоботида мамлакатимизни акс эттириш бўйича якуний қарор ташкилотнинг жорий йил август ойидаги йигилишида кўриб чиқилишига келишилган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солиш чекловлари индекси”да Ўзбекистонни эътироф этиш мақсадида тузилма масъул раҳбарлари билан музокаралар ўтказилди. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти билан биргаликда “Инвестицион сиёсат шарҳи — Ўзбекистон” номли ҳисоботни ишлаб чиқиш ва бу орқали индексда мамлакат ўрнини акс эттириш имкониятларини кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди.

Корнелл университети, Халқаро интеллектуал мулк ташкилотининг “Глобал инновациялар индекси”да мамлакатимиз ўрнини акс эттириш масаласида Инновацион ривожланиш вазирлиги музокаралар ўтказмоқда. Ҳозир ушбу индексда талаб этилган зарур статистик маълумотларни жамлаш бўйича ҳамкорликда ишлар йўлга қўйилган.

— Халқаро рейтинг ва индексларни юритувчи ташкилотларни мамлакатимиздаги ислоҳотлар бўйича ҳолис ва зарур маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш масаласи ўз ечимини топганми?

— Албатта, бундай маълумотлар турли ахборотномалар шаклида тегишли ташкилотлар, хусусий инвесторлар ҳамда халқаро экспертларга жўнатилмоқда. Шунингдек, улар вазирликларнинг расмий веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида ҳам кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиб борилмоқда.

Бундан ташқари, айрим рейтинг ва индексларда талаб этилган статистик маълумотлар республикамизнинг давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан шакллантирилган статистик маълумотлар базасига асосланади.

Масалан, БМТнинг “Барқарор ривожланиш мақсадлари”да жами 206 та миллий индикатор тасдиқланган. Давлат статистика қўмитаси томонидан яратилган махсус сайтга бу борадаги зарур маълумотлар доимий равишда жойлаштирилади. Шунингдек, халқаро рейтинг ва индекслар учун керакли маълумотлар давлат идоралари томонидан мунтазам янгиланиб борилади.

Мисол учун, ҳукумат портали доирасида “Очиқ маълумотлар портали” ишга туширилган. Мазкур портал Давлат статистика қўмитасининг давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар базаси юритилиши ва янгиланиши, шунингдек, тегишли ахборотларнинг ўз вақтида акс эттирилишини мувофиқлаштириб келмоқда.

Умуман олганда, халқаро рейтинг ва индексларни юритувчи ташкилотлар тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида ўтказилган сўровномалар натижаларига, нодавлат нотижорат ташкилотлар маълумотларига ҳамда миллий ва хорижий экспертлар хулосаларига таянади. Бу эса, ўз навбатида, республика миқёсида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳадаги ислохотлар ва уларнинг натижаларидан маҳаллий аҳоли ва тадбиркорлар қай даражада хабардор эканини кўрсатиб беради.

— Ҳозирги кунда мамлакатимиз қайси рейтинг ва индексларда қуйи погоналарда қолмоқда ва бунинг асосий сабаблари нималардан иборат?

— Асосан, сиёсий-ҳукуқий рейтинг ва индексларда мамлакатимиз ўринлари нисбатан қуйи погоналарда. Масалан, Сўз эркинлиги ва ҳисобдорлик индексида 191-ўринда, Норматив сифат индексида 184-ўринда, Коррупцияни назорат қилиш индексида 183-ўринда, Қонун устуворлиги индексида 182-ўринда, Жаҳон матбуот эркинлиги индексида 156-ўринда турибмиз. Албатта, сўнгги 3-4 йил мобайнида ушбу соҳаларни тартибга солувчи қўллаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди, турли институционал ўзгаришлар рўй берди.

Хусусан, мамлакатимизда сўз эркинлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларининг чеклов ва тўсиқларсиз фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилди. Оммавий ахборот воситалари учун медиа бозорида тенг шароит яратиш ва уларни янада ривожлантириш ҳамда журналист ва блогерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул

килинди. Бу борадаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш, турли органлар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ташкил этилди. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини юритувчи Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилди.

Қатор соҳалардаги ўзгаришлар билан боғлиқ қонунчиликнинг жадал ривожланиши айрим ҳолларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган кўплаб нормаларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам қонунчиликни тубдан қайта кўриб чиқиш, уни тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, ижроси мониторингини такомиллаштириш мақсадида Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Бироқ шунча ишларга қарамай, индекслардаги кўрсаткичлар бу борада ҳали камчиликларимиз борлигини кўрсатиб турибди. Шу боис, қатор муҳим вазифаларни белгилаб олганмиз. Энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишимиз зарур бўлади.

Шунингдек, давлат органларида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий баҳолаш тартибини белгилаш ва давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш бўйича рейтингини шакллантиришни йўлга қўймоқчимиз.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи (ГРЕКО) халқаро ташкилотига аъзо бўлиши ва бу ташкилотнинг коррупцияга қарши тегишли конвенциялари талабларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масаласини ҳам ўрганиб чиқишимиз лозим.

Оммавий ахборот воситалари, фикрлар хилма-хиллиги ва сўз эркинлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашимиз зарур. Айниқса, журналистнинг қонуний профессионал фаолиятига тўсқинлик қилишга оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан жавобгарликни белгилашимиз керак.

Республиканинг сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ва индексларда қуйи погоналардан жой олганлигининг сабабларидан яна бири мазкур рейтинг ва индекслар, асосан, жамоатчилик фикри ва халқ-аро экспертлар ҳулосаси асосида шакллантирилишидир. Қолаверса, индекс юритувчи ташкилотлар сўровномалари фақатгина мустақил фуқаролик жамияти институтлари (нодавлат нотижорат ташкилотлар) билан ҳамкорликда ўтказилишини

инобатга олиб, республика микёсида бундай ташкилотлар камлиги ҳамда улар томонидан тадқиқот ишларини амалга ошириш салоҳияти чекланганлиги каби омиллар ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин.

Шу ўринда алоҳида қайд этишимиз зарур, ҳар бир давлат органи, айниқса, республика даражасидаги вазирлик, идора, ташкилотлар ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларида иборат жамоатчилик кенгашлари тузилиб, улар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

— Яқинда БМТнинг “Рақамли ҳукуматни барқарор ривожланиши йўлидаги ўн йиллик ҳаракат” номли ҳисоботи эълон қилинди. 2020 йил учун дунёда электрон ҳукумат ривожланиши натижалари тақдим қилинган ушбу рейтингда Ўзбекистон 6 та поғонага тушиб, 87-ўринни эгаллади. Нима деб ўйлайсиз, нима сабабдан мамлакатимиз аввалги ўрнини йўқотди?

— Албатта, Ўзбекистон умумий рейтингда 6 та поғонага пасайди. Лекин рейтингни шакллантирувчи компонентлар бўйича бирмунча ўсиш кузатилган. Масалан, ушбу рейтингнинг “Инсон капитали”, “Электрон иштирок” ва “Телекоммуникация инфратузилмаси” индекслари бўйича кўрсаткичлар 0,01 дан 0,14 пунктгача ошган.

“Электрон иштирок” индекси бўйича республикаимиз ўзининг кўрсаткичини 0,80 пунктгача ошириб, умумий рейтингдаги ўрнини 13 поғонага кўтарди ва 46-ўринни эгаллаб, электрон иштирок индексининг жуда юқори ривожланиш даражасига эга мамлакатлар рўйхатига кирди. Ваҳоланки, 2018 йилда ушбу индекс бўйича мамлакатимиз 59-ўринда эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонга очиқ маълумотлар бўйича энг юқори балл берилди. Албатта, “Электрон ҳукуматни ривожлантириш” рейтингдаги ўрнимиз пасайишига айрим омиллар таъсир қилди. Энг аввало, таъкидлаш жоизки, 2018 йилдан жорий йилнинг апрель ойига қадар республикаимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этишда ягона мувофиқлаштирувчи орган мавжуд бўлмаган. Натижада рейтингни ошириш бўйича аниқ белгиланган чора-тадбирлар режаси қабул қилинмаган ва тегишли ишлар етарли даражада ташкил этилмаган. Ҳозир Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ушбу ишга масъул этиб белгиланган.

Шунингдек, миллий электрон хизматлар портали ҳамда таълим, меҳнат, ижтимоий хизматлар, соғлиқни сақлаш, молия ва атроф-муҳит соҳаларидаги тегишли вазирлик ва идораларнинг веб-сайтлари ҳам талабга тўлиқ жавоб беради, деб айта олмаймиз. Ушбу сайтлар рейтингнинг “Электрон хизматлар” компонентида 148 та жиҳат бўйича баҳолаб борилади. Миллий онлайн хизматлар портали ва расмий веб-сайтларнинг мобиль

-қурилмалардан фойдаланиш учун мослашган шакллари етарли даражада жорий этилмаган.

Шунингдек, транзакция хизматлари даражасининг пастлиги, давлат божлари, турли йигимлар ва жарималарни тўлиқ электрон тарзда тўлаш ҳам охирига етмаганлиги рейтингдаги ўрнимизга салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Рейтингнинг “Инсон капитали” компоненти бўйича ҳам ишлашимиз керак бўлган айрим камчиликлар бор. Масалан, масофавий ўқитиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, олий маълумотга эга аҳоли катлами бўйича аниқ маълумотлар етарли эмаслиги рейтингдаги ўрнимизга таъсир килмоқда.

Мобиль алоқа абонентлари, интернет фойдаланувчилари улушини бегилайдиган “Телекоммуникация инфратузилмаси” компонентида эса республиканинг узок худудларига юқори тезликдаги симли интернет тармоги этиб бормаганлиги ҳам рейтингдаги ўрнимизга ўз таъсирини ўтказмоқда.

Бу камчиликларни тўғрилаш бўйича устувор вазифаларни белгилаб олганмиз. Умид қиламизки, навбатдаги хисоботларда ушбу йўналишда мамлакатимиз ўрни янада яхшиланишига эришилади.

— Коронавирус пандемияси кўп ислохотларимизга салбий таъсир килди. Иқтисод дейсизми, саноатми, таълим ва бошқа соҳалар қийин рақобат муҳитида қолди. Нима деб ўйлайсиз, бу ҳолат рейтинг ва индексларда қандай баҳоланади?

— Дарҳақиқат, бугунги кунда коронавирус пандемияси глобал миқёсда бутун инсониятга хавф солаётганига, барча соҳаларда турли қийинчиликларни келтириб чиқараётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Пандемия шароитида, албатта, биринчи зарба иқтисодиётга тушади, режалаштирилган кўплаб ислохотлар ижроси ортга сурилади, асосий эътибор соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилади.

Халқаро рейтинг агентликлари индексларни ҳисоблаб чиқишда ёки рейтингларни тузишда, асосан, мамлакатнинг турли статистик кўрсаткичларига таянади. Тан олиш лозим, пандемия сабабли статистик кўрсаткичларнинг яхши томонга ўзгаришига нисбатан уларнинг ёмонлашиш эҳтимоли юқори.

Шу сабабли кейинги йилларда халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнимизнинг жорий ҳолатида сақлаб қолиниши ёки пастлашиши эҳтимолини назардан қочириб бўлмайди. Бироқ унутмаслик керакки, пандемия битта ёки бир нечта давлатда эмас, балки бутун дунё мамлакатларига бевосита салбий таъсирини ўтказмоқда.

Шу боис, балки бошқа давлатларнинг ҳам рейтинглардаги ўрни пастлашиши сабаб мамлакатимизнинг ўрни том маънода кўтарилиши ёки жорий ҳолатда сақланиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ҳар қандай вазиятда ҳам халқимизнинг азалий кадриятларидан келиб чиқиб ҳамиша яхши ният қилиш, эртанги кунга умид билан боқиш туйғуси дилимизда яшамокда. Ишончимиз комилки, барчамиз, бутун халқимиз бир жон, бир тан бўлиб баҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, бу синовларни албатта енгамиз. Пандемиядан тараққиётимизнинг эртанги йўналишларини белгилайдиган янги хулосалар, янги гоёлар, янги куч билан чиқиб, ривожланиш йўлини изчил давом эттираемиз.

13.2. Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг тарихий аҳамияти.

Иккинчи масала баёни. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий обрўсини шакллантириш,

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини холис ва ҳаққоний баҳолашни таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, кўрилаётган чораларга қарамадан, мамлакатда тегишли йўналишлар бўйича миллий рейтингларни юритишга ёрдам берадиган, амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолашнинг яхлит тизими мавжуд эмас.

Мазкур ҳолат халқаро ташкилотлар ва илмий муассасалар билан тизимли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, масъул вазирлик ва идораларда баҳоланаётган йўналишлар бўйича тавсиялар ва бошқа давлатларнинг ижобий тажрибасини ўз ичига олган тегишли маълумотлар базасини, ходимларда эса халқаро рейтинглар методологиясини қўллаш бўйича дунёқарашни шакллантириш имконини бермаяпти.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни баҳолашнинг яхлит ва мустақил тизимини шакллантириш, шунингдек, республиканинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий тизимини (кейинги ўринларда — Миллий мониторинг тизими) яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

Бошқарув сифати ва сиёсатнинг самарадорлигини ўлчаш, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар жараёнини баҳолаш, тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга ёрдам берувчи устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторлари Миллий мониторинг тизимининг таркибий қисми этиб белгиланди.

2. Миллий мониторинг тизими фаолиятини ташкил этишнинг дастлабки босқичи сифатида республикадаги тадқиқот институтларига алоҳида халқаро рейтинглар иловага мувофиқ бириктирилсин ва уларга қуйидаги вазифалар юкланди:

халқаро рейтингларнинг методологик ва бошқа таркибий қисмларини аниқлаш, уларни амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги паст кўрсаткичларига сабаб бўлаётган асосий омилларни аниқлаш;

ўзини ўзи баҳолаш учун устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторлари асосида миллий индексларни ишлаб чиқиш;

лойиҳалар ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини юксалтиришга тўсқинлик қилаётган нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан эксперт таҳлил қилиш ҳамда таҳлил натижаларига кўра тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли рейтинглардаги ривожланиш жараёни тўғрисидаги ахборотларни, шунингдек, баҳоланаётган йўналишлар бўйича тавсиялар ва хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини ўз ичига олган ахборотлар маълумот базасини яратиш;

Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга тўсқинлик қилаётган мавжуд ҳақиқий муаммоларнинг тизимли таҳлилин олиб бориш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

халқаро ташкилотлар, рейтинг агентликлари ва илмий муассасаларнинг экспертлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва конструктив мулоқотни йўлга қўйиш;

тегишли тармоқлардаги муаммоларни аниқлаш ва аҳволни ўрганиш учун ижтимоий сўровлар ўтказиш, шунингдек, мамлакатда кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш доирасида турли соҳаларда юз бераётган туб ўзгаришлар тўғрисида жамоатчилик ва халқаро рейтинг агентликларини хабардор қилиш.

3. Кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш, аҳолининг давлат органлари фаолиятдан қониқиши даражасини ҳамда уларнинг ходимлари касбий маҳоратини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг «давлат хизматларининг

сирли мижози» институтини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди ва қуйида ишлар амалга оширилиши белгиланди:

- «давлат хизматларининг сирли мижози» институтидан фойдаланиш доирасидаги чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилади;

- «давлат хизматларининг сирли мижози» институтидан фойдаланишда ҳуқуқбузарликлар ва ваколатни суиистеъмол қилишга ундовчи усулларни қўллаш тақиқланади;

- «давлат хизматларининг сирли мижози» институти маъмурий тартиб-қоидалар амалга оширилиши қулайлиги ва давлат органлари, шунингдек, уларнинг ходимлари томонидан давлат хизматларини кўрсатишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, ходимларнинг профессионалиги ва тезкорлиги, уларнинг аҳоли билан муомала қилиш этикети даражасини баҳолайди;

- маълумотларни йиғиш учун ҳақиқий «мижоз» кўринишида мониторингни амалга оширувчи ходимлар ва бошқа шахслар («сирли мижозлар»)дан фойдаланилади;

- «сирли мижоз» томонидан мониторинг нафакат бевосита объектларга ташриф буюришлар, балки мониторинг амалга ошириладиган давлат хизматларига қараб бошқа воситалар (телефон қўнғироқлари, электрон почта орқали мурожаат қилиш ва бошқалар) орқали ҳам амалга оширилиши мумкин;

- «давлат хизматларининг сирли мижози» мониторинги натижалари шахсий бўлмаган шаклда расмийлаштирилади ҳамда конун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш учун тегишли давлат хизматларини кўрсатадиган вазирлик ва идораларга мажбурий тартибда кўриб чиқиш учун тақдимномалар юборилади;

- «давлат хизматларининг сирли мижози» мониторинги натижалари тегишли давлат хизматларини кўрсатадиган вазирлик ҳамда идоралар ходимларини жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди ва тавсиявий кўринишга эга бўлади;

- «давлат хизматларининг сирли мижози» институти фаолиятини юритиш билан боғлиқ харажатлар Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамгармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва

оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул бўлган бошқа вазирликлар, идоралар ва тадқиқот институтлари билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар Интернет тармогида қуйидагиларни ўз ичига олган «Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда» ягона портали яратилди:

- халқаро рейтинглар бўйича йиллик ҳисоботлар, шунингдек, ҳисоботларни ўрганиш ва эълон қилиш муддатларини кўрсатган ҳолда тегишли йўналишлар бўйича ишлар аҳволини яхшилашга қаратилган халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг тавсиялари;

- халқаро рейтинглар индикаторлари бўйича хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасига оид ахборотлар;

- тегишли рейтинглар йўналишлари бўйича жамоатчилик фикри сўровномалари, шунингдек, ижтимоий ва илмий тадқиқотлар натижалари;

- халқаро рейтинглар саволномалари шаклида ҳар бир индикатор кесимида тўлиқ ва аниқ маълумотлар, шу жумладан статистик маълумотлар;

- тегишли рейтинглар бўйича турли ижтимоий сўровларни ўтказиш имконияти;

- тегишли халқаро рейтинг методологияси бўйича онлайн ўқитиш ресурси;

- респондентлар томонидан жойларда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни тақдим этиш имконияти.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда» ягона портали фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янгилаш бўйича масъул орган этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирликлар, идоралар ва тадқиқот институтлари ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисидаги маълумотлар, зарур статистик ахборотлар ва бошқа материалларни тақдим этиш таъминланади.

Бунда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирликлар, идоралар ва тадқиқот институтлари раҳбарлари «Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда» ягона порталида эълон қилинадиган ахборотларнинг ишончлилиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

6. Алоҳида рейтинглар учун масъул бўлган тадқиқот институтлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонида белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари ва конунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасига асосланган тегишли рейтинглар методологиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни таъминлаш;

2019 йил 1 майга қадар тегишли рейтингда Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши тенденциялари ҳақидаги маълумотларни, баҳоланаётган йўналиш бўйича тавсиялар ва хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини ўз ичига олган ахборотлар маълумот базасини шакллантириш;

2019 йил 1 июнга қадар вазирлик ва идоралар ходимларини баҳолаш методологияси билан таништириш, уларда рейтинглар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш бўйича семинар-тренингларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ташкил қилиш;

икки ой муддатда халқаро рейтингларни тузувчилар, шунингдек халқаро рейтингларга алоқадор бошқа халқаро, илмий-тадқиқот, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрнатиш масаласини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда тадқиқот институтларига ҳамкорликни йўлга қўйишда ва грантлар, шу жумладан хорижий грантларни жалб этишда ҳар томонлама кўмаклашиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонида белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар:

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро рейтинглардаги ўрнини, шу жумладан тадқиқот институтларининг маълумотлари ва ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда яхшилаш бўйича ҳар йили «йўл хариталари» ишлаб чиқилишини таъминласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича «йўл хариталари» лойиҳаларини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати Ўзбекистон Республикасининг асосий халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг натижалари тўғрисидаги ахборотни, жумладан субсидиялар, грантлар ажратиш ҳамда ижтимоий буюртмалар бериш орқали халқаро рейтингларни тузувчиларга етказиш борасидаги ишларга фуқаролик жамияти институтларини фаол жалб этишни таъминлаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда «давлат хизматларининг сирли миждози» томонидан мониторингни ўтказишнинг аниқ мақсадлари, параметрлари, объектлари ва мезонларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда халқаро рейтинглар индикаторлари доирасида ўтказилаётган ислохотлар тўғрисидаги ахборотларнинг оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармогида кенг ёритилишини, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида тушунтирилишини таъминлаш.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал нормаларни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари ошишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, сўнгги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз Мерос жамгармасининг “Иқтисодий эркинлик” индексида 52 поғонага, Жаҳон банкининг “Логистика самарадорлиги” индексида 19 поғонага, “Бизнес юритиш” индексида 18 поғонага кўтарилди.

Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш” тизимидаги 6-гурух мамлакатлари қаторидан 5-гурух мамлакатлари қаторига кўтарилди.

Шу билан бирга, айрим раҳбарлар рейтинглар билан ишлашга етарлича эътибор қаратмаётганлиги ва халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилаётган сўровларда аксарият ислохотлар ўз аксини топмаётганлиги оқибатида

устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикаси куйи погоналарда қолмоқда.

13.3. Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги позициялари ва уларни яхшилашда парламент вазифалари

Учинчи масала баёни. Ўзбекистон ҳар икки йилда нашр этиладиган Жаҳон Банкларининг логистик фаолият кўрсаткичи нашрида 2018-йилда 2016-йилдаги 118-ўрндан 19 поғона юқорилаб олди. Логистик фаолият кўрсаткичи учун асосий мезонлар божхона, инфраструктура, халқаро юк ташиш, логистик маҳорат, ҳаракатланиш, кузатиш ҳамда даврийликни ўз ичига олади.

Бугун Ўзбекистон минтақада барча соҳаларда жадал суръатларда ривожланаётган мамлакат – бу халқаро экспертлар томонидан билдирилаётган эътироф. Ривожланиш, тараққиёт эса ўз-ўздан бўлмайди. Иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда кузатилаётган ҳозирги ўзгариш ва ютуқлар мамлакат раҳбари томонидан кўтарилган кенг камровли чора-тадбирлар ҳамда ижрочиларнинг машаққатли меҳнат маҳсули эканлиги шубҳасиз. Бу эътирофлар, дастлабки ютуқлар ўзимизники албатта. Лекин уларни янада яхшилаш мамлакат сиёсатининг асосий мақсадларидан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги Фармони ана шу саъй-ҳаракатларни янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Оқибат натижада мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги жозибадорлигини ошириш мезони бўлиб хизмат қиладиган халқаро рейтинг ва индексларни ошириш жараёнида парламентнинг ўрни қандай бўлади? Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 4 июнь куни «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш борасида парламентнинг, хусусан, Қонунчилик палатасининг роли» мавзусида ўтказилган семинар ана шу мавзуга қаратилди ва Президент фармони мазмуни ва унда белгиланган вазифаларни амалга оширишда парламент олдида турган масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Жаҳон банки, Бирлашган миллатлар ташкилоти, Бирлашган миллатлар ташкилотининг Тараққиёт дастури, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон иқтисодий форуми, Халқаро бюджет ҳамкорлиги, INSEAD халқаро бизнес-мактаби ва Economist Intelligence Unit каби халқаро рейтинг агентликлари ва ташкилотлари билан расмий алоқалар йўлга қўйилди.

Ўтган давр мобайнида халқаро рейтинг агентликларининг 2019-2020 йилларда чоп этилган ҳисоботларига биноан республиканинг иқтисодий рейтинглардаги ўрни сезиларли даражада ўсди. Хусусан “Fitch Ratings” ва “S&P Global Ratings” халқаро рейтинг агентликларининг баҳосига кўра 2019 йилда мамлакатнинг суверен кредит рейтинги «BB-» барқарор даражада сақланиб қолмоқда.

Жаҳон банки «Бизнес юритиш 2020» янги йиллик ҳисоботида (Doing Business 2020) сўнгги бир йилда Ўзбекистон Республикаси бизнес ислохотини амалга оширишда энг катта ютуқларга эришган 20 та мамлакат қаторига киришга имкон берган тўртта ислохотни амалга оширгани тўғрисидаги ахборотни тарқатди. Шунингдек, 2019 йилда Ўзбекистон ушбу рейтинг ҳисоботида дунёнинг 190 мамлакати орасида 69-ўринни эгаллаб, 7 поғонага кўтарилди.

2019 йилнинг сентябрь ойида Жаҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторларининг 2018 йил учун эълон қилган ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси бир қатор индикаторлардан яхшиланганлигини маълум бўлди. Хусусан, «Коррупцияни назорат қилиш» индексида 1 поғонага, «Ҳукумат самарадорлиги» индексида 3 поғонага, «Норматив сифат» индексида 7 поғонага, «Қонун устуворлиги» индексида 4 поғонага, «Сўз эркинлиги ва ҳисобдорлик» индексида 5 поғонага кўтарилди.

Президентимизнинг 2020 йил 2 июндаги Фармони билан халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилаётгани, давлат органларининг биринчи раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш учун масъул қилиб белгилангани алоҳида қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, мазкур ҳужжат билан Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармасининг ташкил этилиши мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириб бориш имкониятини яратиши, бу эса ўз навбатида кўзланган натижага эришишда айна муддао бўлиши қайд этилди.

Сўнгги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз Мерос жамгармасининг «Иқтисодий эркинлик» индексида 52 поғонага, Жаҳон банкининг «Логистика самарадорлиги» индексида 19 поғонага, «Бизнес юритиш» индексида 18 поғонага кўтарилганлиги эътироф этилиб, ушбу йўналишдаги ишларнинг натижасини акс эттиришга мўлжалланган 2020 йил 1 октябрга қадар Интернет тармогида ишга туширилиши белгиланган «Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда» ягона портали ҳақида маълумот берилди.

Бу борада мамлакатимизда рейтинглар бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганлиги ва мазкур соҳада сўнгги йилларда 10 га яқин қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилингани, бироқ мазкур йўналишнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда парламентнинг шу мақсадларга йўналтирилган фаолиятини сезиларли даражада такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Халқаро рейтинг ва индексларни белгилашда қандай факторлар, кўрсаткичлар мезон бўлиб хизмат қилади? Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият ўртасидаги имиджини яхшилаш учун, инвесторлар учун жозибадорликни кўтариш учун қандай омилларга эътиборни қўйиш керак? Айнан шундай мақсадларга эришилишини ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ таъминлаш учун парламент қандай ҳужжатлар қабул қилинишига эътиборни ошириши талаб этилади? Семинарда тегишли масъул вазирлик ва идораларнинг мутахассислари депутатлар томонидан қўтарилган шундай масалаларни атрофлича ва тўлиқ ёритганликлари илиқ қабул қилинди. Парламент аъзолари ўзларининг қимматли таклифларини билдириш баробарида ушбу йўналиш учун хос бўлган ўта назорат жиҳатларни, кўникмаларни ўрганганликларини эътироф этдилар.

Шу билан бирга мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараккиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига хизмат қилишини таъминлашда парламентнинг назорат ва қонун ижодкорлиги функцияларини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Депутатлар халқаро рейтинглар нафақат иқтисодий кўрсаткичлар, балки муайян мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, жумладан инсон ҳуқуқларини, сиёсий ҳаётда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш соҳасидаги амалий ишларга ҳам баҳо бериши ҳақида тўхталиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 4-бандида белгиланган «қонун лойиҳаларининг Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиётини йўлга қўйиш» бўйича парламент томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхталдилар.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашда парламентнинг ролини янада оширишга қаратилган зарур вазифа ва чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Дунёдаги Doing Business рейтинги кичик ва ўрта бизнес юритиш осонлиги даражасини ифодалайди. Ҳозирги пайтда бунда жами 11 индикатор баҳоланади: янги ишни ташкил қилиш, қурилишга оид рухсатномалар олиш, электроэнергияга уланиш, мол-мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредит олиш, миноритар инвесторларни химоялаш, солиқларни тўлаш, трансчегаравий савдо, шартномаларга риоя қилиш механизмлари, банкротлик, шунингдек меҳнат бозорини тартибга солиш осонлиги.

Doing Business — мамлакатлар инвестициявий иқлим ҳолатини тавсифловчи энг оммавий рейтинглардан бири. 2019 йилда Ўзбекистонга 76 - ўрин берилган эди. 2012 йилга таққослаганда Ўзбекистон 78 позицияга кўтарилди.

Иқтисодий эркинлик кўрсаткичи

Ўзбекистоннинг иқтисодий эркинлиги 53,3 баллга тенг бўлиб, 2019-йилги кўрсаткичга биноан 140-ўринда. Бизнес эркинлиги, меҳнат эркинлиги ҳамда инвестиция эркинлиги юқорилаб, Ўзбекистон иқтисодий эркинлиги умумий ҳисобда 1,8 баллга ўсган. Ўзбекистон Осиё-Тинч океани минтақасидаги 43 мамлакат орасида 36-ўринни эгаллаб турибди ва унинг умумий рейтинги минтақавий ва жаҳон ўртача кўрсаткичларидан паст.

Сўнги 4 йил мобайнида мамлакат «Иқтисодий эркинлик» индексида 52, «Логистика самарадорлиги» индексида – 19, «Doing Business» индексида – 18 поғонага, ИХТТнинг «Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш» тизимида 6-гуруҳдан 5-гуруҳга кўтарилди.

Инсон тараққиёт индекси

Ўзбекистоннинг Инсон тараққиёти индекси қиймати 2017-йил учун 0,710 ни ташкил этди, бу мамлакат инсон тараққиётининг юқори тоифасига кириб, 189 та мамлакат ва ҳудуд ичида 105-ўринни банд этди деганидир. 2000-2007 йиллар оралигида Ўзбекистоннинг Инсон тараққиёти индекси қиймати 19,3 фоизга ошган ҳолда 0,595дан 0,710 га кўтарилди.

эндиликда “Глобал рақобатбардошлик” индекси, “Иқтисодий эркинлик” индекси, “Логистика самарадорлиги” индекси, “Бизнес юритиш” индексида Ўзбекистон халқаро майдонда ўз нуфузини юксалтириш йўлидан бормоқда. Мамлакатимиз изчиллик билан ислоҳотларни амалга оширар экан, миллий рейтингимизни белгилаётган агентликлар уларни муносиб баҳоламоқда.

Аввало, рейтинг нима учун керак, деган табиий савол тугилади. Рейтинг турлича бўлиши мумкин, бизнес рейтинги, инвестициявий жозибадорлик рейтинги ва бошқалар. Ҳар қандай давлат рейтингларда иштирок этса ва у юқори ўринда бўлса, бу ушбу давлатнинг очиклиги, шаффофлиги ҳамда иқтисодий салоҳиятини намоён этади. Шундан келиб

чикиб айтиш керакки, иктисодий тараккиётни таъминлаш учун кенг қўламли ислохотлар олиб бораётган ва ривожланиш палласида бўлган давлатлар, албатта, рейтингларда муносиб ўринларни эгаллашга интилиши табиий. Негаки, бугунги замонавий дунёда ҳамкорлик ўрнатиш истагида бўлган давлатлар ва ташкилотлар умумэтироф этилган рейтингларга, албатта, эътибор қаратади.

Бугун Ўзбекистон очиклик сиёсатини олиб бориши натижасида халқаро майдонда ўз обрў-эътиборини мустаҳкамлаб бормокда. Бу, аввало, қўшни давлатлар ва нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик фаолияти, шунингдек, давлат органларининг халқ манфаатларини тўла ифода этишига қаратилаётган эътиборнинг самарасидир.

Сўнгги қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сўз эркинлиги, бизнес юритишда енгиллик ва имтиёзлар бериш, коррупцияни батамом тугатиш борасидаги ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилди. Натижада Ўзбекистон халқаро рейтингларда юқори ўринларга қўтарилиб, ўз ижобий имижини яхшилаб бормокда. Дунё мамлакатлари, халқаро ташкилотлар ва инвесторлар мамлакатимизга истикболли ҳамкор сифатида муносабат билдирмокда. Оддий айтганда, Ўзбекистон хорижий аренада ишончли ҳамкор киёфасида намоён бўляпти. Лекин, ишонч билан айтиш керакки, мамлакатимиз бундан- да юқори кўрсаткичларни кайд этишга кодир.

Куни кеча қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги Президент Фармони мазкур ишларни янги босқичга олиб чиқади. Ушбу Фармон билан эндиликда “Глобал рақобатбардошлик” индекси, “Иқтисодий эркинлик” индекси, “Логистика самарадорлиги” индекси, “Бизнес юритиш” индексида муносиб ўринни эгаллаш бўйича алоҳида орган фаолият юритади. Давлат органлари биринчи раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг бош мезони халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилашга қаратилади. Натижада раҳбар ўзи бошқараётган соҳанинг ривожланиши, унинг ички ва ташқи рейтингларда юқори ўринларни эгаллаши учун самарадорликни ошириш масалаларига эътибор қаратади.

Маълумотларга кўра, давлатлар мавқеини белгилаб берадиган 100 дан ортиқ халқаро рейтинг ва индекслар бор. Минг афсуски, баъзи бир рейтингларда умуман ўринга эга эмасмиз ёки қуйи погоналардан ўрин олганмиз. Сабаб эса бу борада тизим ва фаолият олиб борувчи орган

бўлмаган. Аслида ўша рейтингда бизнинг реал ҳолатимиз юкори ўринни эгаллашга муносиб бўлиши мумкин.

Айтиш керакки, давлат имижини халқаро даражада оширишга бел болаган ва халқ тақдирини ўйлаган лидерларнинг ўз имкониятларини намоён этиш фурсати келди.

Мухтасар айтганда, эндиликда давлат органлари фаолиятининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардаги аксини шаффоф кузатиш имконига эга бўламиз. Бу жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёнларида муҳим омилдир.

Назорат саволлари

1. Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш мамлакатимиз учун буткул янги йўналиш ҳисобланади. Шу маънода вазирлик ва идоралар, суд ва прокуратура органлари, маҳаллий ҳокимликлар бунга қай даражада тайёр. Фикрингизни баён этинг?

2. Ҳозирги кунда мамлакатимиз қайси рейтинг ва индексларда қуйи погоналарда қолмоқда ва бунинг асосий сабаблари нималардан иборат?

3. Миллий мониторинг тизимининг таркибий қисмларини изоҳдаб беринг

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонида қандай вазифалар белгиланган?

5. Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг тарихий аҳамиятини шарҳлаб беринг?

6. “Глобал рақобатбардошлик” индекси, “Иқтисодий эркинлик” индекси, “Логистика самарадорлиги” индекси, “Бизнес юритиш” индекси ва уларнинг мазмун-моҳиятини изоҳлаб беринг

Тест саволлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги фармони қачон қабул қилинган?

А) 2017 йил 7 февралда қабул қилинган

В) 2020 йил 2 июнда қабул қилинган

С) 2019 йил 17 январда қабул қилинган

Д) 2018 йил 29 декабрда қабул қилинган

2. Doing Business — мамлакатлар инвестициявий иқлим ҳолатини тавсифловчи энг оммавий рейтинглардан бири. 2019 йилда Ўзбекистонга 76 -ўрин берилган эди. 2012 йилга таққослаганда Ўзбекистон қайси позицияга кўтарилди?

- А) 80 позицияга кўтарилди.
- В) 78 позицияга кўтарилди.
- С) 82 позицияга кўтарилди.
- Д) 79 позицияга кўтарилди.

3. 2019 йилнинг сентябрь ойида Жаҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторларининг 2018 йил учун эълон қилган ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси бир қатор индикаторлардан яхшиланганлигини маълум бўлди. Хусусан,

А) «Коррупцияни назорат қилиш» индексида 5 поғонага, «Ҳукумат самарадорлиги» индексида 3 поғонага кўтарилди;

В) «Коррупцияни назорат қилиш» индексида 1 поғонага, «Ҳукумат самарадорлиги» индексида 3 поғонага, «Норматив сифат» индексида 7 поғонага, «Қонун устуворлиги» индексида 4 поғонага, «Сўз эркинлиги ва ҳисобдорлик» индексида 5 поғонага кўтарилди;

С) «Норматив сифат» индексида 7 поғонага, «Қонун устуворлиги» индексида 2 поғонага, «Сўз эркинлиги ва ҳисобдорлик» индексида 7 поғонага кўтарилди;

Д) А ва С жавоблар тўғри.

4. Сўнги 4 йил мобайнида мамлакат «Иқтисодий эркинлик» индексида нечанчи ўринна кўтарилганлигини аниқланг?

- А) 37 ўрин
- В) 52 ўрин
- С) 40 ўрин
- Д) 59 ўрин

5. 2019 йилда Жаҳон банки «Бизнес юритиш 2020» янги йиллик ҳисоботида Ўзбекистон 190 мамлакати орасида....

- А) 69-ўринни эгаллаб, 5 поғонага кўтарилди
- В) 69-ўринни эгаллаб, 9 поғонага кўтарилди
- С) 69-ўринни эгаллаб, 7 поғонага кўтарилди
- Д) 69-ўринни эгаллаб, 8 поғонага кўтарилди

6. Жаҳоннинг қайси индекси бўйича Ўзбекистон давлати 18 поғонага кўтарилганлиги эътироф этилган?

- A). Мерос жамгармасининг «Иқтисодий эркинлик» индексида
- B). «Doing Business» индексида
